



*Ирландиялик буюк ёзувчи Жеймс Жойс (1882-1941) ижоди XX аср жаҳон адабиёти тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг ҳозирги замон адабиётларига кўрсатган таъсири ғоятда улкан. Э.Хемингуей, У.Фолкнер, Т.Вулф каби дунёга машҳур адиблар унинг шоғирдлари бўлишгани, улар ўз асарлари ҳақида Жойснинг эътирофини илҳақ бўлиб кутишгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.*

*1982 йили ЮНЕСКО қарори билан ирланд реалистик адабиётининг классиги Жеймс Жойс таваллудининг 100 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. Адибнинг "Дублинликлар" номли ҳикоялар тўплами, "Мусаввирнинг ёшликдаги шамоили" ва "Улисс" романлари аллақачон юзлаб халқлар тилларига таржима қилинган, жаҳондаги барча нуфузли олий ўқув юртлари, ўрта таълим адабиёт дастурлари ва мажмуаларидан ўрин олган.*

*Ўзбек ўқувчиси бу улғу ёзувчи ижоди билан Истиқлол шарофати тўғайли баҳраманд бўла бошлади. Ҳозирча унинг "Дублинликлар" тўпламидан бир неча ҳикоялар, "Жакомо Жойс" номли насрий асари газета ва журналларда эълон қилинди. 1993 йили филология фанлари номзоди Тилаволди Жўраевнинг олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган "Жеймс Жойс" номли рисоласи чоп этилди.*

*Биз ўз миллий маданиятимиз, адабиётимизни пухта ўрганиш, қадриятимизни тиклаш ва эъзозлаш билан бир қаторда дунё маданиятида чинакам ҳодиса сифатида эътироф этилган, вақт ва замонлар синовидан ўтган бошқа халқларнинг нодир ижод намуналаридан ҳам баҳраманд бўлиб боришга ҳақлимиз. Шу маънода ирландиялик адиб Жеймс Жойс ижоди билан ўзбек ўқувчиларини таништириш китобхонларимиз маънавий дунёсини бойитишга, бадиий савиясини юксалтиришга, гўзалликни нозик ва теран ҳис этишга одатлантиришга, дидини ўстиришга, қолаверса, XX аср адабиётининг энг муҳим янгиликларидан хабардор этишга хизмат қилади.*

*Қуйида сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган Ж.Жойснинг "Мусаввирнинг ёшликдаги шамоили" романи бир қарашда атоқли ўзбек адиблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Ғафур Ғулумнинг автобиографик асарларини ёдга солади. Ёш боланинг, ўсмирнинг онги атроф-муҳитни қай тарзда қабул қилади, у таълим-тарбия олаётган маскандаги ўзаро муносабатлар, оиладаги, жамиятдаги вазият бола онгининг шаклланишида нечоғли аҳамият касб этади, муайян муҳитда шаклланган бу онг ўз-ўзини англаш жараёнларини қандай кечиради — булар барчаси Ж.Жойс романида нозик психологик таҳлиллар орқали жуда чуқур очиб берилган. Муаллиф асар қаҳрамонининг фикрларини, ўй-хаёлларини, кечинмалари ва ҳис-туйғуларини асосан унинг ички монологлари орқали кўрсатиб беради.*

**Таржимон**



Жеймс ЖОЙС

## МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОИЛИ

Таржимон: Аҳмад Отабоев

.....

### БИРИНЧИ БОБ

*Et ignotas animum dimittit in artes\*1.*  
Овидий, *Метаморфозалар*, VIII, 18

Қадим-қадим замонда Мў-мў деган бир говмиш йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кунлардан бир кун ақлли-хушли, ёқимтой болакайга дуч келибди, болакайнинг исми Бў-бў экан.

Бу эртакни отаси унга айтиб берарди. Унинг юзлари сертук эди.

Бў-бў деган бола эди у. Мў-мў Бетти Берн яшайдиган томондаги йўлдан юриб келарди: Бетти лимонли обаки сотарди.

*Ям-яшил чаманзорда*

*Гуллаган, ҳой атиргул.*

У шу қўшиқни айтарди. Бу унинг қўшиғи эди.

Тўшагингни хўллаб қўйганингда олдин иссиқ бўлади, кейин муздай. Онанг клёнка тўшайди.

Ундан ёқимли ҳид таралади. Онангдан таралган ҳид отангникидан ёқимлироқ. Онаси уни ўйинга тушсин, деб роялда денгизчилар рақс куйини чалади. У ўйинга тушади:

*Тра-ля-ля, ля-ля.*

*Тра-ля-ля, тра-ля-ля-ля.*

*Тра-ля-ля, ля-ля.*

*Тра-ля-ля, ля-ля.*

Чарлз тоға билан Денти қарсак чалади. Улар отаси ва онасидан катта, аммо Чарлз тоға

Дентидан ҳам кексароқ.

Дентининг жовонда иккита чўткаси бор. Дастасига жигарранг бархит қопланган чўтка Майкл

Девитт шарафига, яшил бархит қопланган чўтка эса Парнелл шарафига. Ҳар гал папирос қоғозининг варағини келтирганида Денти ялпизли обаки беради. Венслар еттинчи уйда яшайди. Уларнинг ота-онаси бошқа. Ҳали катта бўлса, у Эйлинни олади. У столнинг тагига бекинди. Онаси:

—Кечирим сўра, Стивен, — деди.

Денти:

—Узр сўрамасанг-чи, бургут учиб келади-да, кўзингни чўқиб олади, — деди.

*Кўзингни чўқиб олур,  
Тирранча, сўра узр,  
Тирранча, сўра узр,  
Кўзингни чўқиб олур,  
Тирранча, сўра узр,  
Кўзингни чўқиб олур,  
Кўзингни чўқиб олур,  
Тирранча сўра узр.*

\* \* \*

Катта спорт майдонларида болалар тўпирлашиб, югуриб-елишади. Бари бараварига бақириб-чақиради, тарбиячилар ҳам ҳай-ҳайлашиб, уларга далда беришади. Кеч кириб, кун хира тортган, ҳаво салқин, ҳар гал тўп сураётганларнинг ҳужуми ва зарбаларидан яғири чиқиб кетган чарм тўп зил-замбил қушдай бўзарган ҳавога вазмин кўтарилади. У командасининг думида судралиб, тарбиячиларнинг кўзидан панароқда, қўпол оёқларидан четроқда ер тепиб, депсиниб юрибди, ора-сира ўзини югураётганга ўхшатиб кўрсатади.

Бу тўдада у ўзини кичкина ва кучсиз ҳис этади, унинг кўзлари ҳам хира, ёшланиб туради. Роди Кикем ундай эмас: Роди учинчи командага капитан бўлади, дейишади болалар.

Яхши бола-да Роди Кикем, Сассиқ Роуч ёмон, исқирт. Роди Кикемнинг оёғига киядиган ҳимоя қалқончалари ечинадиган хонада шкафда, қанд-қурс солинган саватчаси ошхонада туради.

Сассиқ Роучнинг қўллари бесўнақай. Маросим оши — бўтқа, дейди у. Бир куни у сўраб қолди:

— Отинг нима?

Стивен жавоб берди:

— Стивен Дедалус.

Шунда Сассиқ Роуч дабдурустдан деди:

— Бу ўзи қанақа исм?

— Стивен нима деб жавоб беришни билмай қолди, Сассиқ Роуч эса тагин сўради:

— Ким сенинг отанг?

Стивен айтди:

— Жентелмен.

Шунда Сассиқ Роуч сўради:

— Нима, сенинг отанг судя эмасми?

У тўп сураётган болалар ортидан илакишиб, депсиниб юрибди, ора-сира ўзича у ёқ-бу ёққа чопқиллайди. Қўллари совуқдан кўкариб кетди. У қўлларини белбоғли калта камзулининг чўнтақларига тикди. Белбоғ дегани бу чўнтақлардан баландроқда турадиган бир нарса. Ёқалашганда зўр чиққанни: белбоғи қорувли дейишлари шундан.

Бир куни Кентуеллга бир бола шундай деди:

— Агар хоҳласам бир зумдаёқ унингни ўчираман.

Кентуелл деди:

— Бошқаларга ҳам тирғалиб кўр-чи. Қани, Сесил Сандернинг унини ўчириш қўлингдан

келармикан. Кўраман, ортингга яхшилаб тепки еганингни.

Бундай тиллашиш одобдан эмас. Онаси коллежда ёқимсиз болалар билан жиққиллашиб юрмагин, деб тайинлаган. Онажони жудаям чиройли-да. Биринчи келган кун қасрнинг қабулхонасида хайрлашаётиб онаси уни ўпмоқчи бўлиб юзидаги тўр-чимматни хийла кўтарди, онасининг бурни, кўзлари қизариб кетган эди. Бироқ у ўзини бир куйга солди, кўрмаганга олди, онаси йиғлаб юборадигандай туюлди унга. Онаси йиғласа юзи ўзгариб қолади. Отаси унга иккита беш шилинглик танга берди — ҳарқалай чўнтаги қуруқ турмагани тузук. Отаси унга бирор зарурат сезса, уйга хат ёзишини айтди, зинҳор ўртоқларинг устидан чақимчилик қилиб юрмагин, деб тайинлади. Шундан сўнг ректор эшик олдида отаси ва онасининг қўлларини сиқиб хайрлашди, ректорнинг эғнидаги узун яктаги шамолда ҳилпиради, отаси билан онаси ўтирган извош жилди. Улар қўл силкишди ва извошдан унга қичқирди:

— Хайр, Стивен, хайр.

— Хайр, Стивен хайр.

Унинг атрофида болалар тўп талашиб, ур-сур бошланди, чақчайган кўзларни, лойга беланган бошмоқларни кўриб у кўрқиб кетганидан энкайиб олди ва болаларнинг оёқлари остига қарай бошлади. Болалар ёқалашар, пишқирешар, уларнинг оёқлари типирчилар, бир-бирини тепкиларди. Кейин Жек Лотеннинг сариқ ботинкаси тўпни тепиб юборди, бошқа ботинкалар ва оёқлар унинг ортидан югуриб кетди. У бироз чопиб бориб тўхтади. Югуришга ҳожат йўқ. Ҳали-замон ётоққа қайтишади. Кечки овқатдан сўнг, синфхонада, партасига елимлаб қўйилган рақамни—етмиш еттини етмиш олти қилиб ўзгартиради.

Ҳозир бу ерда, изғиринда улоқиб юргандан кўра синфхонада ўтиргани яхши. Ҳавонинг авзойи бузук, бош бинода, қасрда эса олов ёниб турибди. У ўзича, Гамилтон Роуен қайси деразадан шляпасини чакалак устига отган экан, деб ўйлади, ўша пайтда ҳам дераза тагида гулхона бўлганмикан. Бир куни, қасрдалигида, бу ерлик хизматчи унга аскар отган ўқнинг эшикдаги изини кўрсатди ва жамоа истеъмол қиладиган ёнғоқли қотирма нон берди. Қасрда оловга термулиб ўтириш мазза-да, иссиқ. Худди китобчада ёзилгандай. Лестер аббатлиги шунақа бўлгандир, эҳтимол. Доктор Корнуеллнинг дарслигида қандай яхши гаплар бор эди. Улар шеърга ўхшайди, бироқ шеър эмас, ҳуснихатни машқ қилиш учун берилган мисоллар, холос:

*Уолси Лестер аббатлигида қазо қилди,*

*Аббатлар уни шу ерга дафн этдилар.*

*Гиёҳларни қурт-қумурсқа еб битиради,*

*Жонзотларни қисқичбақа кемиради.*

Ҳозир камин ёнидаги гиламга чўзилиб ётиб, иягингга кафтларингни тираб бу гапларнинг мағзини чақсанг. У сесканиб кетди, баданида аллақандай совуқ шилимшиқ суюқлик оқиб тушаётгандай бўлди. Уелсс пасткашлик қилди-да, уни ҳожатхона тешигига қараб итариб юборди, жажжи тамакидонини ошиққа алишмагани учун шундай қилди, уни Уелсс қиморда қирқ марта ютиб олган эди. Сув совуқ, шилимшиқ эди-я! Бир бола катта каламушнинг бўтқага ўзини отганини кўриб қолган. Онаси билан Денти камин ёнида, Брижетнинг чой олиб келишини кутиб ўтиришибди. Онаси оёқларини каминнинг панжарасига қўйди, мунчоқдан гул солиб тикилган пайпоғи исиди, улардан хушбўй ҳид, майин ҳарорат таралди. Дентининг билмаган балоси йўқ. Денти унга Мозамбик бўғози қаердалигини, Америкадаги энг узун дарё, ойдаги энг баланд тоғ қандай аталишини ўргатади. Ҳазрат Арнолл Дентидан ҳам кўп билади, чунки у руҳоний, бироқ отаси билан Чарлз тоға Денти ақлли, ўқимишли аёл, дейишади. Баъзан Денти овқатдан сўнг, оғзини қўли билан тўсиб, ғалати товуш чиқаради: бу — кекирик. Майдоннинг нариги четидан кимдир қичқирди:

— Ҳамма уйга!

Унга кичик ва тайёрлов синфлари болаларининг овози қўшилди:

— Уйга! Ҳамма уйга!

Қизариб-бўғриқиб кетган, уст-бошлари лойга беланган болалар бир жойга тўпланишди, у болаларнинг орасида кетаяпти, ётоққа қайтаётганидан хурсанд. Роди Кикем тўпни сирпанчиқ бандидан ушлаб кўтариб бораяпти. Болалардан бири унга охирги марта тўпни ташлаб бер, деди, бироқ Роди пинагини бузмади, ҳатто жавоб ҳам қилмади. Саймон Мунен жим юр, назоратчи кузатиб келаяпти, деди. Шунда ҳалиги бола бурилиб, Саймон Муненга шундай деди: — Нима учун бундай деяётганингни биламиз. Сен учига чиққан хушомадгўйсан.

“Хушомадгўй” қандайдир ғалати сўз. У бола Саймон Муненни беҳуда ҳақорат қилмади. Саймон Мунен баъзида назоратчи Макглейдга орқа қилиб, енг учида иш битиради, назоратчи бўлса гўё ўзини жаҳли чиққандай кўрсатади. Бу сўзнинг оҳанги ёқимсиз. Бир сафар у Уиклоу меҳмонхонасида ҳожатхонадаги чаноқда қўлини ювди, кейин отаси занжирга боғлаб қўйилган тикинни очиб юборди ва шунда ювинди сув тешиқдан пастга оқиб туша бошлади. Сув секинлаб оқиб кетгандан сўнг чаноқнинг тешигидан: “х-у-ш” деган товуш чиқди. У шуни эслади, яна ҳожатхонанинг оппоқ деворлари эсига тушди, бадани жунжикиб, совқотгандай бўлди, кейин қизиб кетди. У ерда иккита жўмрак бор, уларни бураш керак, шунда совуқ ва иссиқ сув оқади. Бадани бир зум совқотиб қалтиради, кейин бироз қизигандай бўлди. У жўмрақларга муҳрланган сўзларни кўрди. Бунда қандайдир ғалати сир бор эди.

Даҳлиз ҳам совуқ, ҳавоси аллақандай бўғиқ, зах. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай газни ёқишади, газ ёниб турганда, худди ашула хиргойи қилгандай, бир маромда вишиллайди. Ўша, ҳар доимги ашуласини куйлайди, болалар шовқин қилишмаса дам олиш хонасида хиргойини эшитса бўлади.

Арифметика дарси бошланди. Ҳазрат Арнолл доскага бир қийин масалани ёзди-да, болаларга қараб шундай деди:

— Хўш, қани, ким ғолиб чиқаркан? Бошла, Ёрк! Тез бўл, Ланкастер!

Стивен жон-жаҳди билан киришди, бироқ масала жуда мураккаб эди, у чалкашиб кетди. Кўкрагидаги камзулининг устидан оқ атиргул қўшиб тақилган шойи нишонча титрай бошлади. У арифметикадан кучли эмас эди, бироқ Ёрклар ютқазиб қўймасин, деб жон-жаҳди билан тиришди. Ҳазрат Арнолл юзига жиддий тус берди, бироқ у жаҳлга минмаган, мийиғида кулиб турарди. Туйқусдан Жек Лотен бармоқларини қирсиллатди ва Ҳазрат Арнолл унинг дафтарига назар ташлаб, деди:

— Тўғри, яша Ланкастер! Қирмизи атиргул ютди. Қани-қани, бўш келма, Ёрк! Қани, тез бўл. Жек Лотен ўтирган жойидан уларга қараб-қараб қўяди. Унинг денгизчилар киядиган мовий кўйлагига қирмизи атиргул қўшиб тақилган жажжи шойи нишонча жудаям ярашиқли эди. Стивен юзлари қизарганини ҳис қилди, шу дамда у болаларнинг тайёрлов синфида ким кучли: Жек Лотенми ё Стивенми, деб баҳс бойлашганини эслаганди. Биринчи ўқувчи номини бир ҳафта Жек Лотен, бир ҳафта у қўлга киритган вақтлар ҳам бўлган. Навбатдаги масалани ечар экан, унинг оқ шойи нишончаси титраб, қулоғи остида Ҳазрат Арноллнинг овози жаранглаб турди. Кейин унинг ғайрати сусайиб қолди, манглайига совуқ тер тепчиди, юзлари бир зумда совуб қолганини ҳис қилди. Бетим совиб кетди, демак, оқариб кетган бўлса керак, деб ўйлади у. Масалани еча олмади, бироқ ташвишланмаса ҳам бўлади. Оқ атиргул, қирмизи атиргул— бари чиройли гуллар! Биринчи, иккинчи, учинчи ўқувчига бериладиган гувоҳномаларнинг ҳам ҳаммаси бирдай чиройли: қирмизи, оқ сариқ ва бинафша. Оқ сариқ, бинафша ва қирмизи атиргуллар ҳам чиройли. Балки ёввойи атиргуллар айнан шундайдир: бехосдан хаёлига майсазордаги ёввойи атиргул ҳақидаги қўшиқ келди. Бироқ атиргулларнинг яшил ранглиси бўлмайди. Ким билсин тағин, бир жойларда бўлса бордир.

Қўнғироқ жиринглади ва ўқувчилар синф-синф бўлиб бирин-кетин даҳлиздан юриб ошхонага йўл олишди. У ликопчасидаги икки туюр сариқ ёғга термилиб ўтирибди, бироқ елимшак нонни ея олмади. Дастурхон ҳам ҳўл, шилимшиқ. Шунга қарамай, у оқ этак боғлаб олган қўпол хизматчи кружкасига шопириб қуйиб кетган иссиқ чойни бир кўтаришда сипқорди. Сассиқ Роуч

билан Сорин қаҳва ичди, уларга қаҳвани уйдагилари тунука қутиларда юборишади. Бу ернинг чойини ичиб бўлмайди, ювиндига ўхшайди, дейишади улар. Уларнинг оталари — катта судя, деб гапиради болалар.

Болалар унга жуда ғалати туюлади. Уларнинг ҳаммасининг отаси, онаси бор, ҳаммасининг камзуллари ва овозлари ҳар хил. Шу зумда уйларида бўлиб қолса, қани энди онасининг тиззасига бошини қўйиб ётса. Бироқ бунинг ҳеч иложи йўқ, қани бу ўйинлар, дарслар, ибодатлар тезроқ тугай қолса, бориб тўшақда чўзилиб ётарди.

У яна бир кружка қайноқ чой ичди, шу пайт Флеминг сўради:

— Сенга нима бўлди? Бирор жойинг оғрияптими?

— Билмайман, — деди Стивен.

— Қорнинг оғриётган бўлса керак, — деди Флеминг, — рангинг оқариб кетганга ўхшайди.

Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.

— Ҳа, — деди Стивен.

Бироқ унинг қорни оғримаётганди. Юрагим оғрияпти, деб ўйлади у, агар шу жой оғриши мумкин бўлса. Флеминг кўнгли очиқ бола, ундан ҳол сўради. Йиғлагиси келди унинг.

Тирсақларини столга тиради ва кафтлари билан иккала қулоғини маҳкам бекитди, кейин очди.

У ҳар гал қулоғини чиппа бекитиб, кейин очганда ошхонадан кучли шовқин эшитилади. Бу худди тунда шитоб билан кетаётган поезд шовқинига ўхшайди. У қулоғини бекитса шовқин тинади, поезд тунелга кириб кетгандай. Ўша оқшом Докида поезд мана шундай гумбурлаган эди, тунелга кириши билан шовқин тинди. Стивен кўзларини юмди, поезд юрди—шовқин, сўнг жимлик, яна шовқин—жимлик. Унинг гумбурлашини, кейин тинчланишини эшитиш мароқли, мана, тагин тунелдан отилиб чиқди, гумбурлади, жимиб қолди.

Кейин юқори синф болалари сафланишиб, ошхона ўртасидаги поёндоздан юриб ўта бошлашди.

Педди Рет, Жимми Межжи, испан бола, унга тамаки чекишга рухсат берилган, кичкина португал кетаяпти, жун қалпоқ кийиб юради. Кейин кичик синфлар ва тайёрлов бўлими қўзғалди. Ҳар қайси боланинг ўзига хос равиш-рафтори бор.

У дам олиш хонасининг бир бурчагида, ўзини гўё домино ўйинини томоша қилаётган қўйга солиб ўтирибди, ора-сира бирми, икки бор газнинг хиргойисини эшитишга муваффақ бўлди.

Назоратчи болалар билан эшик олдида тик турибди. Саймон Мунен одатдагидай унинг соясида куймаланади. Назоратчи болаларга Таллабег ҳақида ниманидир гапираётир.

Кейин у эшикдан нарироққа юрди. Уеллс эса Стивенга яқин келиб, сўради:

— Айт-чи, Дедалус, сен ухлаш олдидан онангни ўпасанми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Стивен.

Уеллс болалар томонга ўгирилиб, деди:

— Эшитдингларми, бу бола ҳар кун оқшом ухлаш олдидан онамни ўпаман, деяпти.

Болалар ўйинни тўхтатиб, ўгирилиб қарашди ва кулиб юборишди. Стивен уларга қараб, кулишларидан ловуллаб тутақиб кетди:

— Йўқ, мен ўпмайман.

Уеллс унинг гапини илиб олди:

— Эшитдингларми, бу бола ухлаш олдидан онасини ўпмас экан.

Яна кулги кўтарилди, Стивен уларга қўшилиб кулишга уринди. Бирдан аъзойи бадани қизиб кетди, ўзини нохуш сизди. Қандай жавоб бериш керак эди? Ундай деса ҳам, бундай деса ҳам

Уеллс кулди-ку! Уеллс, афтидан, нима деб жавоб беришни билади, чунки у учинчи синф.

Стивен Уеллснинг онасини кўз олдида келтирмоқчи бўлди, бироқ Уеллсга қарашга ботинолмади. Уеллснинг башараси унга ёқмасди. Шу Уеллс уни кеча ҳожатхона тешигига итаргилади, у жажжи тамакидонини ошиққа алишмади, ошиқни Уеллс қиморда қирқ бор ютиб олган. Уеллс пасткашлик қилди, болалар шундай дейишди. Сув муздай, шилимшиқ эди. Бир бола катта каламушнинг бўтқага “шалп” этиб тушганини кўриб қолган.

Баданида аллақандай ёқимсиз совуқ шилимшиқ суюқлик югургандай бўлди, дарсга қўнғироқ

чалинганда болалар дам олиш хонасидан тизилиб чиқа бошлашди, у дахлизда, кейин зинапояда кетаётиб кийимининг тагидан изиллаб совуқ кираётганини ҳис қилди. Ҳануз миясида нима деб жавоб бериш керак эди, деган ўй чарх уради. Қайсиси тўғри — онасини ўпгани маъқулмиди, ўпмагани? Ўпич дегани нима? Онангга “хайрли тун” дейиш учун бошингни мана бундай кўтарасан, онанг юзини тутати. Шу-да, ахир, ўпич дегани. Онаси унинг иягига лабларини босади, онасининг лаблари юмшоқ, лаблари унинг иягига совуққина тегади ва қисқагина майин товуш чиқаради: птс. Одамларнинг бир-бирларига юзларини тутишининг нима кераги бор экан?

У ўз ўрнига ўтириб, партасининг қопқоғини очди ва тагига елимланган рақамни—етмиш еттини етмиш олти қилиб ўзгартирди. Мавлуд таътилигача ҳали жуда узоқ, бироқ қачондир барибир у кунлар келади, ахир, ер тинимсиз айланиб турибди-ку.

Унинг география дарслигининг биринчи бетига Ер расми бор. Улкан шар булутлар орасида. Флемингда бир кути рангли қаламлари бор, бир куни кечқурун мустақил дарс пайти Флеминг ерни яшилга, булутларни эса жигаррангга бўяди. Бу Дентининг жавондаги иккита чўткадай: дастасига яшил бархит қопланган чўтка Парнелл шарафига, жигарранг бархит қопланган чўтка Майкл Девитт шарафига. Бироқ бунақа рангларга бўяшни у Флемингдан илтимос қилгани йўқ. Флеминг ўзи шундай бўяди.

У дарс тайёрламоқчи бўлиб географияни очди, бироқ Америкадаги атамаларни ёдида сақлай олмади. Ҳар хил жойлар турлича номларда аталади. Улар турли мамлакатларда, қитъаларда, қитъалар эса Ерда, Ер эса Коинотда.

У яна биринчи бетни очди ва қачондир ўзи ёзиб қўйган сўзларни ўқиди: мана унинг ўзи, исм-шарифи ва яшаётган жойи.

Стивен Дедалус

Тайёрлов синфи

Клонгоус Вуд Коллеж

Селлинз

Килдер графлиги

Ирландия

Овруро

Ер

Коинот

Буни ўзи қўли билан ёзиб қўйган. Флеминг эса бир куни кечки пайт ҳазиллашиб шу бетнинг орқасига бундай деб ёзди:

Стивен Дедалус — исмим менинг,

Ирландия — менинг ватаним.

Клонгоус — бошпанам менинг

Осмон — менинг паноҳим.

У шеърни тескари томондан ўқиди, бироқ энди шеърга ўхшамади. Кейин у биринчи бетдаги ёзувни қуйидан юқорига қараб ўқиб чиқди ва ўзининг исмига келди. Мана бу унинг ўзи. У тағин ҳаммасини юқоридан қуйига қараб ўқиди. Коинотдан кейин нима келади? Ҳеч нима. Бироқ коинот теварагида, балки унинг қаерда тугагини ва бу ҳеч нима қайси жойдан бошланишини белгилайдиган бир нима бордир? У қалин девор билан тўсилмагандир, эҳтимол теварагини юпқа гардиш ўраб олган бўлиши мумкин. Бор бутунича ва ҳамма жойни ўраб олиши — ғалати-ку? Ақлга сиғмайди. Ёлғиз тангригина бунга қодир. Бу чеку чегарасиз улкан фикрни тасаввур қилишга уринди, бироқ хаёлига фақат тангри келди, холос. Тангри — тангрининг исми бу, худди унинг исми Стивен бўлганидай. Диеу—тангри шундай бўлади, тангрини шундай деб ҳам аташади, кимдир биров тангрига сиғинаётиб Диеу деб мурожаат қилади, шунда тангри сиғинаётган франтсузлигини дарҳол пайқайди. Исми турли тилларда турлича бўлса-да, тангри ҳаммасини тушунади, одамлар ўз тилларида тиловат қилишса-да, нимани гапиришаётганини

билиб туради, барибир тангри тангрилигича қолади ва унинг ҳақиқий исми Тангри. Бу фикрлардан у жуда толиқди. Назарида боши хумдай шишиб кетганга ўхшади. Варақни очиб, уйқули кўзлари билан жигарранг булутлар орасидаги думалоқ яшил ерга қаради. У ўйлаб бошлади, қайси тўғри — яшил рангни ёқлаш керакми ёки жигаррангними, чунки бир куни Денти қайчи билан чўтканинг дастасидаги Парнелл шарафига қопланган яшил бархитни сўкиб ташлади ва унга эшиттириб, Парнелл — ярамас одам, деди. Ҳозир уйларида бу ҳақда мунозара қилишаётганмикан. Бу сиёсат дейиларди. Икки тараф бўларди: Денти бир тараф, отаси ва мистер Кейси — бошқа тараф, бироқ онаси билан Чарлз тоғаси бирор-бир тарафга қўшилишмасди. Ҳар куни рўзномалар бу ҳақда нималардир ёзишарди.

Сиёсат нима эканини яхши тушунмаслиги, Коинот қаерда тугадини билмаслиги унга алам қилади. У ўзини кичкина ва нимжон сезди. Қачон у поезия ва риторика синфидаги болалардай бўларкан? Уларнинг товуши катта одамларникидай, бармоқлари ҳам катта-катта, улар тригонометрияни ўтади. Бунгача ҳали жуда узоқ. Аввал таътил бўлади, кейин эса навбатдаги семестр, ундан кейин яна бир семестр, ундан кейин яна таътил. Бу поездга ўхшайди, туннелга киради, туннелдан чиқади ва яна шовқинга ўхшайди, агар ошхонада қулоғингни бекитиб туриб очсанг, бир эшитилиб, бир тинадиган шовқинга. Семестр — таътил, туннел — ташқари, шовқин — жимлик, эҳе, ҳали бу жудаям узоқ! Қанийди, тезроқ тўшакка кириб ухлаб қолса. Черковда ибодат қилиб олинса бўлди — тўшакка шўнғийди. Уни безгак тутди, эснади. Чойшаблар озроқ исигандан кейин тўшакда ётиш мазза-да. Кирган пайтингда муздай бўлади. Буни хаёлига келтириб, бадани қалтираб кетди. Кейин исийди, шундан сўнг уйқуга кетасан. Ўзингни ҳорғин сезишнинг гашти бор. У яна эснади. Кечки ибодат тугадими — тамом, тўшакка шўнғийсан, у керишди ва тагин эснагиси келди. Бир неча дақиқадан сўнг ҳузур қиласан. У шитирлаётган совуқ чойшабга илиқ нафас урилаётганини, бирдан исиб кетаётганини ҳис қилди, аъзойи бадани қизиб кетди, кейин бироз совугандай бўлди, безгак тутди ва эснагиси келиб оғзини очди.

Кечки ибодатга қўнғироқ чалинди ва улар жуфт-жуфт бўлиб зинадан юриб, даҳлиз орқали черковга боришди. Узун даҳлиздаги чироқлар ҳам хира. Ҳадемай ҳаммаси ўчади, тинчийди. Черков совуқ, оқшомги салқин ҳаво уфуради, мрамор устунларнинг эса ранги тунги денгизникидай. Денгиз совуқ, кечаси ҳам, кундузи ҳам, бироқ кечаси совуқроқ. Қуйироқда, уларнинг уйлариининг ёнида, тўлқинга қарши қурилган ғов атрофи ҳам совуқ ва қоронғи. Уйларида оловда қозонча қайнапти, унда пунш пишаяпти.

Рухоний тепасида туриб дуо ўқиди ва унинг хотирасида дуо сатрма-сатр муҳрланди.

Тангрим! Каломимни ўзинг рост этгайсан,  
Каломим шарафларга буркагай номингни Сенинг,  
Шошил, Худойим, менга нажот бергали.

Черков совуқ, оқшом нафаси ҳукм суради. Бироқ бу илоҳий нафас. Бу якшанба кунлари ибодат чоғида улардан орқароқда тиз чўкиб ўтирадиган деҳқонлардан анқийдиган ҳидга ўхшамайди. Деҳқонлардан қишлоқ ҳавосининг, ёмғирнинг, торф ва дағал матоларнинг ҳиди анқийди. Уларнинг нафаси шундоқ унинг кифтига урилиб туради, чўқинганида улар хўрсиниб қўйишади. Улар Клейнда яшайди, дейди бир бола. Кичик-кичик уйчалар бор Клейнда. Бир сафар улар Селлинзни ёқалаб йўлдан ўтиб кетишаётганида у қия очиқ эшикда қўлида бола кўтариб турган аёлни кўрган. Қани, уйчада бир оқшом тунаб, торф тутаб ётган ўчоқ олдида, ловуллаб қизиб ётган чўғнинг алангаси ёритган ғира-шира қоронғиликда деҳқонлардан анқиган ҳиддан, ёмғир, торф ва дағал матоларнинг ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг. Бироқ дарахтлар орасидан ўтган йўл қоп-қоронғу! Бундай зимистонда адашиб қолганнинг ҳолига вой! Бу ҳақда ўйлаб, уни ваҳима босди. У тиловатнинг сўнги сўзларини ўқиган рухонийнинг товушини эшитди. Чўқина бошлади, бироқ хаёлини дарахтлар орасидаги қоронғулик ҳақидаги ўй тарк этмасди.

У ётоқхонада ечинаётганида бармоқлари титради. Бармоқларини бўйсундиришга уринди. Газни ўчиришгунча у ечиниши, тиз чўкиши, дуо ўқиши ва тўшакка ётиши керак эди. У пайпоқларини



суғурди, шаша-пиша тунги узун кўйлагини кийди-да, қалтираб каравот ёнига тиз чўқди ва газ ўчиб қолишидан хавотирда наридандан-бери дуо ўқий бошлади. У пичрлаганда елкалари силкиниб қўярди.

Тангрим, отам билан онамни ўз паноҳингда сақла ва уларни мен учун асра!

Тангрим, укаларим ва сингилларимни ўз паноҳингда сақла ва уларни мен учун асра!

Тангрим, Денти билан Чарлз тоғани ўз паноҳингда сақла ва уларни мен учун асра!

У чўқинди ва сакраб тўшакка шўнғиди, кўйлагининг этагига оёқларини чирмаб, аъзойи-бадани титраб-қақшаб, муздай оқ чойшабга кулча бўлиб ўраниб олди. Қазо қилганида дўзахга тушмайди, қалтироғи эса ҳадемай босилади. Ётоқхонада болаларга хайрли тун тилаган овоз эшитилди. У бир зум бошини чиқариб қаради, каравотнинг олди ва ён томонларига тортилган, уни тўрт томонидан бекитиб турган яшил пардаларга кўзи тушди. Газни секин пасайтириб ўчиришди.

Назоратчининг қадам товуши узоқлашди. Қаёққа кетаяпти? Зинадан юриб пастга тушиб, кейин даҳлизга ўтармикан ёки даҳлизнинг тўридаги ўзининг хонасига борармикан? У зулматни кўрди. Қора ит ҳақидаги гаплар ростмикан, тунлари бу ерда изғиб юрармиш, кўзлари тўрт филдиракли араванинг чироқларидай катта-катта. Айтишларича, бу қотилларнинг арвоҳлари эмиш.

Кўрқувдан унинг бадани қалтираб кетди. Кўзига қасрнинг зим-зиё даҳлизи кўринди. Қартайиб қолган хизматкорлар эски-туски коржомаларида, зина тагидаги дазмолхонага йиғилишди. Бу анча бурун бўлган. Қари хизматкорлар чурқ этмай ўтиришарди. Ўчоқда олов липиллайди, бироқ паст қоп-қоронғи. Биров даҳлизга кўтариладиган зинадан чиқиб келаётир. Эгнида оқ маршаллик плаш, юзи газарган, бефарқ. Қўлини юраги устига маҳкам босган. Қари хизматкорларга бефарқ қаради. Улар ҳам хўжайинларининг юзини, кийим-кечагини танишди ва унинг ўққа учганини пайқашди. Бироқ улар қараган тараф қоронғи эди, зим-зиё, ўлик сукунат. Уларнинг хўжайини Прага бўсағасида, жуда узоқда, денгиздан олис жойда ажал ўқига дучор бўлган. У жанг майдонида турарди, қўли кўксига маҳкам босилган.

Ў, жуда совуқ ва бу ҳақда ўйлаш жуда кўрқинчли! Қоронғида баттар совуқ ва баттар кўрқинчли. Тўрт томонда юзидан қони қочган, ғалати башаралар, фонарга ўхшаган катта чақчайган кўзлар. Бу қотилларнинг арвоҳлари, узоқларда, денгиздан наридаги қонли жанг майдонларида ўққа учган маршалларнинг шарпалари. Улар нима демоқчи бўлишаётир, нега юзлари ғалати?

“Тангрим, ташрифингни бу даргоҳдан дариф тутма, бизни йўлдан оздиргувчи шайтон васвасасидан ўзинг омон сақла...”

Уйга — таътилга! Қандай соз бўларди! Болалар унга айтишган. Қиш бошида эрта тонгда қаср дарвозаси олдида ҳамма извошларга ўтириб олади. Филдираклар қайроқтош йўлда ғичирлайди. Ректорга хайр-хўш айтган сўзлар жаранглайди.

Ура! Ура! Ура!

Извошлар кичик бутхона ёнидан ўтади, ҳамма бош кийимини ечади. Ўйнаб-кулиб қишлоқ йўлига чиқиб олишади. Аравакашлар қамчи билан Бунденстаун<sup>2</sup> тарафга ишора қилади. Болалар қичқиради: “Ура!” Ижарачи Жоллининг уйи ёнидан ўтишади. Ура, ура ва яна бир бора ура! Шодон қийқириқлар билан Клейндан ўтишади, йўл четида турган одамларга қичқаришиб салом беришади, улар ҳам кулиб-қийқириб алик олади. Қия очик эшиклар олдида қишлоқ аёллари қараб туришибди, у ер-бу ерда эркакларнинг қораси кўринади. Қиш ҳавосининг ажойиб ҳиди — бу Клейннинг ҳавоси: ёмғир ҳиди, эриётган торф ва деҳқонларнинг дағал уст-бошларидан анқийётган ҳид.

Поезд болалар билан тирбанд: узун шоколаднусха поезд. Кондукторлар нари бориб, бери келиб, эшикларни ёпиб-очиб юришибди. Улар тўқ ҳаворанг зарҳалли мундир кийиб олишган,

қўлларида кумуш хуштаклар, калитлари қувноқ жиринглайди: клик-клик, клик-клик. Поезд Эллин қирларини ортда қолдириб, тап-тақир текисликда шитоб билан кетаётир. Телеграф оғочлари липиллаб ортда қолаётир...

Поезд елдек учади... У йўлни билади. Уйлари айвонида фонарлар, яшил новдалардан ясалган гулчамбарлар бор. Печакгул ва игнабарглар катта тошойнани чирмаб олган, бири яшил, бири қирмизи печакгул билан игнабарг чилчироқнинг гирдига чирмашиб кетган. Яшил печакгул ва қирмизи игнабарг девор бўйлаб эски суратларнинг теварагига ўралган. Печакгул ҳам, игнабарг ҳам унинг шодлиги учун, мавлуд айёми учун.

Қандай соз!

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг. Салом Стивен! Шодон қийқириқлар. Онаси уни ўпади. Ўпиш шартмикан? Унинг отаси энди маршал, судя ҳам гапми. Мана уйингдасан. Салом, Стивен. Шовқин...

Бу шарақлаб очилаётган парданинг шовқини эди, чаноқлардан оқиб тушаётган сувнинг шувиллаши эди. Ётоқхонада уйғониб ўрnidан тураётган, кийинаётган ва ювинаётган болаларнинг шовқини: назоратчи кафтини кафтига уриб, нари-бери бориб келар, болаларга бақириб, уларни қистарди... Қуёшнинг заиф нурлари суриб қўйилган сариқ пардаларга, ғижимланиб ётган чойшабларга тушиб турибди. Унинг тўшаги танчадай қизиби кетган, юзи ҳам, аъзойи-бадани ҳам жуда иссиқ.

У ўрnidан туриб, кароватнинг четига ўтирди. Ўзини дармонсиз сизди. Узун пайпоғини киймоқчи бўлди. Пайпоғи жуда қаттиқ, дағал туюлди, ўзини беҳол сизди.

Флеминг сўради:

— Сенга нима бўлди, тобинг қочдимми?

Ўзи билмасди нима бўлганини. Флеминг тағин сўради:

— Тўшагинга кира қол. Мен Макглейдга айтаман, тоби қочиб қолди, дейман.

— У касал.

— Ким?

— Макглейдга айтинглар.

— Кир, кириб ётавер.

— У касалми?

Болалардан бири қўлтиғидан ушлаб суяб турди. У оёғига ёпишиб қолган пайпоғини суғуриб олди ва иссиқ тўшакка кириб ётди.

У тўшаги совиб қолмаганига қувониб, ўзини чойшабнинг ичига олди. Қулоғига эрталабки ибодатга чоғланаётган болаларнинг ўзи ҳақидаги гап-сўзлари чалинди. Аблахлик қилди-да. Уни ҳожатхона тешигига итариш — аблахлик бўлди, дейишарди улар. Кейин болаларнинг овози тинди, улар чиқиб кетишди. Каравоти ёнидан кимнингдир овози келди:

— Дедалус, сен бизларни чақиб бермайсан-а, тўғрими?

Қаршисида Уеллснинг башараси кўринди. Унга қаради ва Уеллснинг қўрқатётганини сизди.

— Мен атай қилганим йўқ. Айтмайсан-а, Стивен?

Отаси зинҳор ўртоқларинг устидан чақимчилик қилиб юрмагин, деб тайинлаган. У бошини чайқади. “Йўқ” деди ва ўзини енгил ҳис этди.

Уеллс деди:

— Чин сўзим, ишон, мен атай қилганим йўқ. Мен ҳазиллашдим. Хафа бўлма.

Уеллснинг башараси ғойиб бўлди, товуши учди. Узр сўраяпти, чунки кўрқади. Кўрқади, гўё у бедаво дардга йўлиққану... Гиёҳларни қурт-қумурсқа еб битиради, жонзотларни қисқичбақа кемиради ёки аксинча. Бу анча олдин бўлган эди, ўшанда майдонда, кеч кириб қош қорая бошлаган паллада, у командасининг думида ер тепиниб юрар ва зим-замбил қуш бўзранг ҳавода ер бағирлаб учарди. Лестер аббатлигида чироқларни ёқишди, у ерда Уолси қазо қилди. Уни аббатлар ўзлари дафн этишди.

Бу энди Уеллснинг эмас, унга тикилиб турган назоратчининг башараси эди. У тилёғмалик

қилаётгани йўқ. Йўқ, ҳечам, у чиндан бетоб. Алдаётгани йўқ. У манглайида назоратчининг қўлини сезди, назоратчининг қўли остида манглайи жуда иссиқ ва ҳўл эканини ҳис қилди. Гўё каламушни ушлагандай сесканди — шилимшиқ, жиққа ҳўл ва совуқ. Ҳар қандай каламушда кўзи иккита, улар кўриш учун. Териси туксиз, тақир, силлиқ ва сирпанчиқ: оёқлари кичкина, йиғилган, сакрашга қулай, қоп-қора йилтиллаб турадиган кўзчалари бор, кўриш учун. Улар билади қандай сакрашни. Бироқ тригонометрияни улар икки дунёдаям тушунмайди. Ўлганлари ёнбоши билан ётади, уларнинг териси қовжираб, қуриб қолади. Энди бу ўлимтиқ, холос. Назоратчи қайтиб келди, гапирётган унинг овози, туриш кераклигини айтаяпти, унга ибодатхона бош руҳонийси турсин, кийиниб касалхонага борсин дебди. У ўрнидан туриб, кучининг борича илдамроқ кийинишга уринаётганда назоратчи деди:

— Мана энди биз бирга-бирга Майкл оғанинг қабулига борамиз ва қоринчамизда талотўп бўлаяпти, деб айтамиз унга.

Назоратчи шундай деди, чунки у яхши одам. Уни кулсин деб атай шундай гапирди. Бироқ у кула олмади, чунки ияги, лаблари қалт-қалт титраяпти, буни кўрган назоратчи ўзи кулиб қўйди. Кейин қичқирди:

— Қани бўл! Дадил-дадил қадам ташла!

Улар бирга-бирга зинадан пастга тушишди ва даҳлиздан юриб, ҳаммомнинг ёнидан ўтишди. Ҳаммомнинг эшигига рўпара келганда у безовта хавотир ичида илмилик, торф тусидаги бўтана сувни, илиқ намхуш ҳавони, сувга шўнғиётган гавдаларнинг шов-шуви ва сочиқларнинг дорилар ҳидига ўхшаш ҳидини эслади.

Майкл оға касалхона эшиги олдида турарди, унинг ўнг томонидаги қоронғи хона эшигидан дориларнинг ҳидига ўхшаш ҳид келарди. Бу жавонларга терилган шишалардан чиқаётган ҳид. Майкл оға билан гапга киришиб кетди. Майкл оға назоратчининг саволларига жавоб қилди ва уни “сер”, деди. Унинг сариқ сочларига оқ оралаган, қиёфаси ғалатиноқ эди. Унинг бир умр оғалигича қолиши қизиқ. Уни “сер” деб чақириш мумкин эмаслигиям ғалати, чунки у оға — тамом-вассалом, бошқаларга ўхшамайди. У бошқалардай тақводор эмасмикан? Бошқалардан нимаси кам унинг?

Хонада иккита каравот қўйилган, биттасида бир бола ётган эди, улар ичкарига киришганда ўша бола қичқирди.

— Салом бошловчи Дедалус! Тепада нима гап?

— Тепада осмон бор, — деди Майкл оға.

Бу учинчи синфда ўқийдиган бола эди. Стивен ечинаётганда у Майкл оғадан бир бўлак қизартириб пиширилган нон билан ёғ узатишини сўради.

— Узатақолинг, илтимос, — деди у.

— Ёғ егилари келибди-да, — деди Майкл оға. — Ҳали доктор келсин, сенинг жавобингни берамиз.

— Жавобимни берасизми? — такрорлаб сўради бола. — Мен ҳали буткул соғайганим йўқ-ку.

Майкл оға гапини такрорлади:

— Берамиз, берамиз, кўнглинг тўқ бўлсин. Буни сенга мен айтаяпман.

У ўчоқдаги оловни қўзғалоқчи бўлиб энкайди. Унинг бели чана тортадиган отларникидай узун эди. У косовни ҳафсала билан силкилади ва учинчи синф боласига маънилатиб бош ирғаб қўйди.

Кейин Майкл оға чиқиб кетди, бироз ўтиб учинчи синф боласи девор томонга ўгирилиб олди ва ухлаб қолди.

Мана, у касалхонада. Демак, у касал. Улар ота-онасига хат ёзиб, хабар беришганмикан. Яхши бўларди агар руҳонийлардан бирортаси бориб айтса. Ёки ўзи хат ёзиб берарди, элтиб берса. Меҳрибон онажоним!

Мен касал бўлиб қолдим. Уйга кетгим келаяпти. Тезроқ келинг, мени уйга олиб кетинг. Мен касалхонадаман.

Суюкли ўглингиз Стивен.

Улар жудам узоқда! Дераза ортидан қуёшнинг тафтсиз нури йилтирайди. Бирдан ўлиб қолса-я? Ахир, қуёш чиқиб турган кунда ҳам ўлиб қолиши мумкин-ку. Эҳтимол, у онаси етиб келгунча ўлиб қолар. Ундай бўлса дафн маросимини черковда ўтказишади. Литтл ўлганда шундай қилишган — унга бу ҳақда айтиб беришганди. Ҳамма болалар қора кийимда черковда йиғилишади, ҳаммаси мотамсаро қиёфада. Уеллс ҳам келади, бироқ бирорта бола унга қайрилиб қарашни истамайди. Кейин тобутни оҳиста кўтаришиб, черковдан олиб чиқишади ва катта хиёбон ортидаги жамоанинг мўъжаз қабристонига дафн этишади. Ўшанда Уеллс қилган ишига афсусланади ва жомнинг маъюс садоси таралди. Қулоғига ҳатто жом садоси чалинди. Беихтиёр Брижет ўргатган қўшиқни ичида такрорлади:

*Қўнғироқ динг, донглаб садо бер.*

*Алвидолар айтгин онажон!*

*Асра мени эски мозорда.*

*Акажоним қабри ёнида.*

*Тобут четидаги жияк қародир.*

*Олти нафар малак ҳамроҳдир:*

*Дуо ўқир иккови, иккови куйлар.*

*Иккиси жонимни фалакка элтар.*

Қандай гўзал ва мунгли! Қандай чиройли сўзлар, айниқса, “Асра мени эски мозорда”, деган жойи. Баданида титроқ турди. Қандай мунгли ва қандай гўзал! Унинг йиғлагиси келди, хўрлиги келганидан эмас, ана шу, худди мусиқадай гўзал ва мунгли сўзлар учун. Жом жаранглапти. Алвидолар айтгин! Алвидо!

Қуёшнинг тафтсиз нури хира тортиб қолди. Майкл оға унинг каравоти бошида, қўлида шўрва солинган косани кўтариб турибди. У ичида севинди, чунки танглайи қуриб, томоғи қизиб кетганди. Майдонда ўйнаётган болаларнинг қий-чувлари қулоғига чалиниб турибди. Бу кун ҳам коллежда ҳаммаси олдингидай, худди ўзи бор пайтдагидай ўтаяпти. Кейин Майкл оға кетишга чоғланди, учинчи синф боласи унинг, алабатта, келиб туришини ва газеталардаги янгиликларни гапириб беришини илтимос қилди. У Стивенга исми Эдди эканини айтди, отасининг бир қўра пойга оти борлигини, уларнинг ҳаммаси соврин олган йўрғалар эканини ва яна отаси Майкл оғага қайси отга унинг учун соврин қўйишини айтиши мумкинлигини, чунки Майкл оға яхши одам эканини, унга ҳар куни жамоага келиб турадиган газеталардаги янгиликларни канда қилмай гапириб бериб туришини айтди. Газеталар турли-туман янгиликлар, воқеалар, кемалар ҳалокати, спорт ва сиёсат ҳақидаги хабарларга тўла. — Ҳозир газеталарда нуқул сиёсат ҳақида ёзишади, — деди у. — Сенинг ота-онанг ҳам шу ҳақда гапиришса керак.

— Ҳа, — деди Стивен.

— Бизникилар ҳам, — деди у.

Кейин у бир дақиқа ўйлаб туриб деди:

— Сенинг исм-шарифинг ғалати-а — Дедалус, меники ҳам ғалати — Эдди. Менинг исм-шарифим шаҳар номидан, сеники лотинчага ўхшайди.

Кейин у сўради:

— Сен топишмоқ топишга устамисан?

Стивен жавоб қилди:

— Унчаликмас.

Шунда у деди:

— Қани топ-чи, Килдер графлиги нимаси билан грамматикага ўхшайди.

Стивен жавоби қанақа бўларкан, деб бироз ўйланди, кейин деди:

— Ютқаздим.

— Чунки унда ҳам, бунда ҳам “Еди” бор. Тушунарлими? Эдди—Килдер графлигидан шаҳар номи, эди — грамматикада феъл.

— Тушунарли, — деди Стивен.

— Бу эски топишмоқ, — деди у.

Кейин бироз сукут сақлаб туриб, деди:

— Биласанми?

— Нима? - сўради Стивен.

— Бу топишмоқни бошқача йўл билан топса ҳам бўлади.

— Бошқача йўл билан? — сўради Стивен.

— Шу топишмоқни-да, — деди у. — Биласанми, уни қандай қилиб бошқача йўл топиш мумкин.

— Йўқ, — деди Стивен.

— Тополмайсанми, а?

У ўмганини кўтариб, Стивенга қаради. Сўнг ўзини ёстиққа тушлаб, деди:

— Бошқача йўл билан топса бўлади, қандай топишни айтмайман.

Нега у айтмади? Унинг отасининг бир қўра пойга оти бор, демак Сориннинг, Сассиқ Роучнинг отасидай судья бўлса керак отаси. Стивен ўзининг отасини эслади, онаси роял чалганда отаси қўшиқ айтарди ва ҳар сафар у танга сўраганда отаси сўм берарди, отасининг бошқа болаларнинг отасидай судья эмаслиги унга алам қилди. Унда нега бу болаларга қўшиб, уни ҳам бу ерга ўқишга беришди? Бироқ отаси бир гап айтган, сенга бу жой бегона эмас, чунки бундан роса эллик йил бурин бобонг бу ерда Халоскор1 номини олган, деган. Ўша замоннинг одамларини эски урфдаги камзулларидан билса бўлади. Ўша пайтларда ҳаммаси тантанавор руҳда кечган — балки, деб ўйлади у, ўша пайтлар Клонгоуснинг тарбияланувчилари мис тугма қадалган ҳаворанг калта камзулда юришгандир, сариқ нимча ҳам, қуён терисидан тикилган қалпоқ ҳам кийишгандир, пиво ҳам ичишгандир катталарга ўхшаб, қуён ови учун този ҳам асрашгандир.

У деразага қаради, кундузнинг ёруғи янада хира тортганини кўрди. Энди майдонча тепасини ҳам, эҳтимол, бўзранг булут қоплаб олгандир. Майдончада жим-житлик. Болалар синфда масала ечаётган бўлишса керак ёки ҳазрат Арнолл уларга овоз чиқариб китоб ўқиб бераётгандир.

Унга бирор-бир дори беришмаётгани ғалати. Эҳтимол, Майкл оға қайтиб келса, ўзи билан олиб келар. Касалхонага тушсанг аллақандай сассиқ суюқлик ичиришади дейишганди. У ўзини олдингидан кўра тузукроқ ҳис қилди. Аста-секин соғайиб кетгани тузук-да. Соғайса китоб сўраши мумкин. Кутубхонада Голландия ҳақида китоб бор. Унда ажнабийча ғалати атамалар, ғаройиб шаҳарлар ва кемаларнинг суратлари бор. Уларни мазза қилиб томоша қилса бўлади! Деразанинг ёруғи бунча сўник бўлмаса! Бироқ шуниси маъқул. Деворда олов бир кўтарилиб, бир тушади. Бу денгиз тўлқинларига ўхшайди. Кимдир ўчоққа кўмир ташлади ва у овозларни эшитди. Улар гаплашаётганди. Худди тўлқинларнинг шов-шувидай. Ёки бу тўлқинлармикан — кўтарилиб, тушиб гаплашаётган.

У бостириб келаётган тўлқинларни кўрди — ўркач-ўркач узун қора пўртаналар булутдай кўтарилади, тушади, ойсиз оқшомда баттар қорайиб кўринади. Кемалар кирадиган кўрфаздаги минорага ўрнатилган маёқда хира шуъла милтиллайди ва у қирғоққа йиғилган одамларни кўрди. Улар кўпчилик эди, бандаргоҳга кириб келаётган кемани кўриш учун қирғоққа йиғилишганди. Бир новча одам кема ортида зим-зиё тақир қирғоққа қараб турибди. Маёқнинг хира шуъласида Стивен унинг юзини кўрди. Бу Майкл оғанинг мотамсора юзи эди.

У Майкл оға оломон сари қўлини қандай чўзганини кўрди ва сув устида таралган аччиқ қайғули овозни эшитди.

— У ўлди. Биз унинг жасадини кўрдик.

Оломон айтиб йиғларди:

— Парнелл! Парнелл! У ўлди!

Оғир мусибатга тушган оломон оҳу фарёд қилиб, тиз чўқди.

У жигарранг бахмал кўйлақда, елкасидан ошириб яшил бахмал ридо ташлаб олган, қирғоқ лабида тиз чўккан оломон олдидан виқор билан бир сўз демай, ғоз юриб ўтиб бораётган Дентини кўрди.

\* \* \*

Қип-қизил чўққа айланган тошқўмир уюми каминда алангаланаётир, печакгуллар қоплаган қандил остидаги мавлуд дастурхонига ноз-неъматлар тортилган. Улар бироз кечикишди, овқат эса ҳали ҳам тайёр эмас: бироқ онаси бирпасда тайёр бўлади, деди. Улар эшикнинг очилишини ва хизматкорларнинг оғир металл қопқоқлар ёпилган идишларни кўтариб кириб келишини кутиб ўтиришарди.

Ҳамма кутаётир. Чарлз тоға уй тўрида — дераза олдида ўтирибди. Денти ва мистер Кейси каминнинг икки тарафидаги оромкурсиларда, Стивен эса уларнинг ўртасида стулда оёғини каминнинг панжарасига қўйиб ўтирибди. Мистер Дедалус ўзини камин устидаги ойнага солиб қаради, мўйловининг учини бураб қўйди ва фракининг этаklarини қайириб, орқасини оловга ўгириб турди, бироқ у тез-тез қўлини кўтариб, мўйловининг гоҳ у, гоҳ бу учини тобларди. Мистер Кейси бошини бир ёнбошга ташлаб, кулимсираб, гарданига шапатилаб уриб қўярди. Стивен ҳам жилмайди: у кумуш танга солинган ҳамён мистер Кейсининг кафтидадир деб ўйлаб, унинг маҳкам сиқилган муштини очмоқчи бўлиб уринди, лекин мистер Кейсининг бармоқлари тошдай қотиб қолган эди. Шунда мистер Кейси малика Викторияга туғилган куни муносабати билан совға тақдим этганидан бери шу учта бармоғим акашак бўлиб қолган, деб айтди унга. Мистер Кейси гарданига шапатилаб уриб қўйди ва Стивенга қараб уйқули кўзлари билан кулимсиради, мистер Дедалус эса шундай деди:

— Хў-ўш. Яхши бўлди-да. Аммо зўр бўлди юриб келганимиз! Тўғримиз, Жон! Хў-ўш... Бугун овқатланиш насиб қилармикан ўзи, билсак бўладими? Тоза ҳаводан тўйиб нафас олдик. Ҳарқалай ёмон бўлмади, жин урсин.

У Дентига ўгирилиб деди:

— Сиз бугун умуман чиқмадингиз-а, миссис Раёрден?

Денти қовоғини ўйди ва қисқа жавоб қилди:

— Йўқ.

Мистер Дедалус фракининг этагини туширди ва буфетнинг олдига келди. У токчадан виски солинган каттакон сопол кўзани олди ва ундан секин графинга қуя бошлади, қуя туриб эгилди, қанча қуйганини кўрмоқчи бўлди. Кейин кўзани яна буфетга қўйди-да, иккита қадахчага оздан виски қўйди, устидан озроқ сув қўшди ва қадахларни кўтариб каминнинг олдига келди.

— Овқат олдидан иштаҳани очади-да, Жон, — деди у.

Мистер Кейси қадахни қўлига олиб, бир кўтаришда бўшатди ва уни ёнига — каминнинг устига қўйди. Кейин деди:

— Ҳозир мен ошнаимиз Кристоферни эсладим, унинг қўли қўлига тегмайди...

У хохлаб кулди, йўталди, сўнг қўшиб қўйди:

— Терга ботиб йигитларига шашпан улашади.

Мистер Дедалус қаттиқ кулди.

— Ўша Кристими? — деди у. — Ҳа, унинг тақир бошига битган ҳар битта сўгалда бир тўда фирибгарникидан ортиқроқ айёрлик бор.

У бошини осилтирди, кўзларини юмди ва ҳузур қилиб лабини ялади, сўнг хонадоннинг хўжайинига хос овозда гап бошлади:

— Ўзини нечоғи бўш-баёв қилиб кўрсатади! Сайраб юборади-я, доғули! Қўй оғзидан чўп олмагандай! Вой, анойи!

Мистер Кейсини ҳамон йўтал забтига олар, у ўзини кулгидан тўхтата олмасди. Стивен отасининг сохти-сумбатада, товушида хонадоннинг хўжайинини кўргандай, овозини

эшитгандай бўлди ва кулгиси қистади.

Мистер Дедалус кўзига ойнакни кўндириб, ўғлига қараб, хотиржам ва меҳрибон оҳангда деди:  
— Хўш, болакай, сен нега кулаяпсан, а?

Хизматкорлар кириб келишди ва идишларни дастурхонга қўйишди. Уларнинг ортидан миссис Дедалус кирди ва ҳаммани дастурхонга таклиф қилди.

— Марҳамат қилинлар, — деди у.

Мистер Дедалус ўзининг жойига келиб ўтирди ва деди:

— Ўтиринг, миссис Раёрден.

— Келинг, Жон, азизим.

У Чарлз тоға ўтирган томонга ўгирилиб қўшиб қўйди:

— Марҳамат қилинг, сер, таом мунтазир.

Ҳамма келиб жойлашганидан сўнг у овқат солинган идишнинг қопқоғига қўлини қўйди ва бирдан хато қилганини пайқаб қолиб, қўлини тортди:

— Қани, Стивен.

Стивен овқат олдиан дуо ўқиш учун ўрнидан турди.

“Ўз паноҳингда асра бизни, Тангрим, мурувватингни дариф тутмагайсан. Халоскоримиз — Исо ҳаққи бизни раҳм-шафқатингга дохил этгайсан. Омин”.

Ҳамма чўкиниб олди ва мистер Дедалус хурсандлиги-дан нафасини ростлаб олиб, идишнинг гирдида ёғ томчилари ялтираб турган зилдай қопқоғини кўтарди.

Стивен идишдаги қовурилган куркага қаради, у куркани эрталаб ошхонадаги столда, оёғи бойланган ва кегай санчилган алпозда кўрган эди. Отаси ДъОлер -Стритдаги Данда бу курка учун бир гения сарфлаганини ва сотувчи бармоғи билан курканинг тўшига ниқтаб, бу билан парранда жуда харидоргир эканини уқтирмақчи бўлганини Стивен биларди ва у беихтиёр сотувчининг овозини эслади:

— Олинг бунни, сер. Кейин хурсанд бўласиз. Зотдор парранда.

Нега мистер Баррет Клонгоусда болаларнинг қўлига урадиган чизғични курка дейди? Бироқ Клонгоус узоқда, дастурхондаги идишлардан эса курка гўштининг, селдирнинг қайноқ хушбуй ҳиди таралади, каминдаги аланга гуриллаб тепага ўрлайди, ям-яшил печакгуллар ва қирмизи игнабарглар эса кўзни қувонтириб, кўнгилга шодлик улашади! Кейин эса, овқатланиб бўлишгач, бодом мағзи сепилган, кўкатлар билан безатилган каттакон плампудингни тортишади, унинг теграсида зангори олов жимирлайди, устида эса ям-яшил жажжи байроқча ҳилпираб туради.

Бу унинг биринчи марта мавлуд зиёфатида иштирок этиши эди. У укалари ва сингилларини ўйлади. Улар нариги хонада кутишяпти, ўзи ҳам неча марта кутган. Қайтарма кўкрак ёқали камзулида у ўзини бошқача, катталардай ҳис қилди бугун эрталаб, ибодатга боришидан олдин кийинтиришиб, онаси меҳмонхонага уни бошлаб кирганида отаси йиғлаб юборди. Чунки уни кўрган пайт отаси ёдига тушган. Чарлз тоға шундай деди.

Мистер Дедалус идишнинг қоқоғини ёпиб қўйди ва иштаҳа билан овқат ейишга киришди.

— Шўрлик Кристи, — минғирлади у, — афтидан у ўзининг макру ҳийлаларига буткул ўралашиб қолганга ўхшайди.

— Саймон, — деди миссис Дедалус, — сен миссис Раёрденга қайладан узатмаяпсан.

— Дарвоқе, — деди у ҳозиржавоблик билан, — миссис Раёрден, мен гумроҳнинг гуноҳимдан ўтинг.

Денти қўли билан ликопчасини тўсди:

— Йўқ, миннатдорман.

Мистер Дедалус Чарлз тоғага ўгирилди:

— Сиз-чи, сер?

— Ҳаммаси жойида, Саймон.

— Жон, сизга-чи?

— Менга бас. Ўзингиз олаверинг.

— Сенга-чи, Мери? Ликопчангни узат, Стивен. Олсанг-чи, олавер, мўйловинг тезроқ чиқади. Қани!

У Стивеннинг ликопчасига қайладан уюб солди ва идишни столга қўйди. Кейин Чарлз тоғадан гўшт мазалими, деб сўради. Чарлз тоға гапира олмади, оғзи банд эди, бошини сермаб қўя қолди.

— Қадрдонимиз ўшанда руҳонийга муносиб жавоб қилганмиди? А? — деди мистер Дедалус.

— Мен бунга унинг қурби етади, деб ўйламаган эдим, — деди мистер Кейси.

— “Черковнинг харажатини мен ўзим тўлайман, ҳазрат, сиз Тангрининг даргоҳини ташвиқот юритадиган минбарга айлантиришни бас қилсангиз бўлгани”<sup>1</sup>.

— Ўз пирига бундан ортиқ гап айтиб бўладими, — деди Денти. — Аниқса, ўзини католикман деган одамнинг оғзидан шу гап чиқса-я.

— Улар айбни нафақат ўзларидан қидирганлари маъқул, — деди мистер Дедалус сохта ҳалимлик билан. — Агар улар ақллироқ бўлишганда дин билан машғул бўлишарди, бошқаларнинг ишига тумшук тиқиб юришмасди.

— Ахир, шунинг ўзи дин-да, — деди Денти. — Улар халқни огоҳлантириб, ўз бурчларини бажаришяпти. Улар ўз жамоаларига панд-насихат қилиб туришлари керак-ку.

— Биз черковга — Тангрининг уйига бош эгиб яратганга ибодат қилиш учун келамиз, — деди мистер Кейси, — сайловолди нутқларини тинглаш учун эмас.

— Шунинг ўзи дин-да, — такрорлади Денти. — Улар тўғри қилишяпти. Улар ўз жамоаларига ваъз ўқиб туришлари керак.

— Меҳробдан туриб ташвиқот юргизишларига нима дейсиз? — сўради мистер Дедалус.

— Тўғри-да, — деди Денти. — Бу жамоанинг маънавиятига дахлдор. Агар руҳоний ўз қавмига нима яхши-ю, нима ёмонлигини тушунтирмаса, унинг руҳонийлиги қаерда қолади?

Миссис Дедалус қўлидаги пичоқ билан санчқини дастурхонга қўйиб, деди:

— Худо хайрингизни берсин, сиёсий мунозараларингни жуда бўлмаса бугун, шундай кунда қўя туринглар!

— Мутлақо ҳақсиз, мем, — деди Чарлз тоға. — Бас, етар, Саймон. Бўлди энди, тамом.

— Хўп, хўп, — деди бидирлаб мистер Дедалус.

У идишнинг қопқоғини илкис кўтарди:

— Хўш, кимга яна куркадан?

Ҳеч ким жавоб қилмади. Денти яна гап очди:

— Воизликни католикка чиқарган, ҳа, шубҳасиз, католикка.

— Миссис Раёрден, ўтиниб сўрайман, — деди миссис Дедалус, — бугунча шу гапни тўхтатиб турайлик.

Денти у томонга ўгирилиб деди:

— Сизнингча, мен черков аёнларини таҳқирлашларига чидаб туришим керакми?

— Агар улар сиёсатга аралашини бас қилишса, — беихтиёр гапга қўшилиб кетди мистер Дедалус, — ҳеч ким уларга бир оғиз ҳам гапирмайди.

— Ирландиянинг епископлари ва поплари ўз сўзларини айтишди, — эътироз билдирди Денти, — уларга бўйин бериш керак.

— Улар сиёсатдан воз кечсин, — гапга аралашди мистер Кейси, — бўлмаса халқ черковдан юз ўгиради.

— Эшитдингизми? — деди Денти миссис Дедалусга мурожаат қилиб.

— Мистер Кейси! Саймон! Бас, етар, ўтиниб сўрайман, — ялина бошлади миссис Дедалус.

— Яхшимас! Яхшимас! — деди Чарлз тоға.

— Бу қандай гап! — қичқирди мистер Дедалус. — Биз инглизларнинг бир ишораси билан ундан воз кечармишмиз!

— У халқни ортидан эргаштиришга нолайиқ бўлиб қолган эди, — деди Денти. — У ҳамманинг



кўз олдида гуноҳга ботиб яшади.

— Ҳаммамиз гуноҳқормиз, ҳаммамиз гуноҳқор бадбахт-лармиз, — вазминлик билан жавоб қилди мистер Кейси.

— “Ҳою ҳавасдан буткул тийилиш мушкул, бироқ бундаин гуноҳдан ўзини четга ола билмаганнинг ҳолига вой, — деди миссис Раёрден. — Магар бундай кимсанинг гарданига тегирмон тошини бойласалар, боз уни денгизга ташласалар тузук, токи у ўзгаларни йўлдан оздирмагай”. Мана, муқаддас китобда нима дейилган.

— Ўта бўлмагур сўзлар булар, агар менинг фикримни билишни истасангиз, — деди мистер Дедалус совуқ оҳангда.

— Саймон! Саймон! — Чарлз тоға уни туртди. — Ёш боланинг олдида-я!

— Хўп-хўп, — деди хато қилганини пайқаб мистер Дедалус. — Айтганча... Мен айтмоқчи эдимки... Бўлмагур гапларни стантсиядаги бир ҳаммол айтибди. Шундай десак тузукроқ бўлар. Қани, Стивен, ликопчангни чўз, ошна. Қолдирмагин-а, ҳаммасини егин.

У тўлатилган ликопчани Стивенга узатди ва Чарлз тоға билан мистер Кейсининг ликопчаларига курка гўшtidан иккита катта бўлакни қўйиб, устига қайладан бостириб қўйди. Миссис Дедалус овқатдан камгина еди, Денти эса қўлларини тиззасига қўйиб ўтирарди. Унинг юзи қизариб кетган эди. Мистер Дедалус санчқи билан курканинг қолган-қутганини ковлаштираркан, деди: — Бу ерда яна битта мазали луқма қолди, буни архиерей луқмаси дейишади. Хўш, хонимлар, жентелменлар, қани кимга?..

У курка гўштини санчқига санчиб кўтарди. Ҳеч ким оғиз очмади. У луқмани ўзининг ликопчасига қўйиб деди:

— Менинг ишим таклиф қилиш. Бироқ энди бу ўзимга қолди, шекилли, ўзим ейман. Кейинги пайтларда негадир кучдан қолаётгандайман.

У Стивенга кўзини қисди ва бир қўли билан ликопчасини пана қилиб, ейишга тутинди. У еб бўлгунича ҳеч ким чурқ этмади.

— Ҳавоям зап ҳаво бўлди-да! — деди у. — Шаҳарда мусофирларнинг кўплигини айтмайсизми. Ҳеч ким гап қўшмади. У яна гапира бошлади:

— Менимча, ўтган йилги мавлуд байрамига қараганда бу йил зиёратчилар кўп келди.

У ўтирганларнинг дастурхонга эгилган бир қадар мулзам юзларига кўз югуртиб чиқди ва ҳеч қандай жавоб эшитмагач, бир дақиқа сукут сақлаб турди-да, сўнг алам билан деди:

— Хулласи калом, менинг мавлуд зиёфатимни буздинглар!

— Черков аъёнларига ҳурмат бўлмаган уйда, — деб узиб олди Денти. — бахт-саодатга, хушвақтликка ўрин йўқ.

Мистер Дедалус қўлидаги санчқи билан пичроқни ликопчага шарақлатиб ташлаб юборди.

— Ҳурмат!? — деди у. — Биллига ҳурматми, шармандаларча сафсата сотгани учун-а ёки ўша армлик мешқорин очофатгами! Ҳурмат-а?!

— Черков амалдорлари! — аччиқ киноя қилди мистер Кейси.

— Лорд Лейтримнинг отбоқари, — қўшимча қилди мистер Дедалус.

— Улар худонинг ёрлақанган бандалари, — деди Денти. — Мамлакатнинг фахри!

— Очофат мешқорин, — деди яна мистер Дедалус. — У ухлаган пайтдагина безиён. Унинг қировли қиш кунда чўчқа гўштига карамни қўшиб уриб ётганини бир кўрсангиз эди! Полвон! У тумтоқ башарасини бужмайтирди ва лабларини чапиллатиб қўйди.

— Қўйинг, Саймон, ёш боланинг олдида ярашмайди бундай гаплар. Яхшимас.

— Ҳа-да, катта бўлганда ҳаммасини эслайди, — гапни илиб кетди Денти қизишиб, — булар бари худога, динга ва руҳонийларга қарши гаплар-ку, уларни ўзи туғилиб ўсган уйда эшитиб ўтирса-я.

— Эсласин-да, — столнинг нариги тарафидан туриб қичқирди мистер Кейси, — руҳонийларнинг, уларнинг малайларининг амру маъруфлариниям эсласин. Ахир, Парнеллнинг юрагини адойи тамом қилган, уни гўрга жойлаган шулар-ку! Катта бўлганида буни ҳам эсласин,

ахир.

— Итдан таркаганлар! — хитоб қилди мистер Дедалус. — Аҳволи танг бўлганда, пайт пойлаб Парнеллни сотишди-я! Худди палид каламушлардай унга ташланишди, ғажишди! Ёвуз кўппаклар! Кўппакдан фарқи йўқ уларнинг. Худо ҳаққи!

— Жуда тўғри қилишган-да. — қичқирди Денти. — Улар ўзларининг епископларига ва попларига итоаткор бўлишган. Уларга шон-шарафлар бўлсин!

— Бас, етар ахир, қўйинглар бу бемаъни гапларни! — хитоб қилди миссис Дедалус. — Бирор кун йўқки, кўнглингни қоп-қора қиладиган шундай бемаъни можароларсиз ўтса.

Чарл тоға тинчланинглари деган маънода қўлини кўтарди:

— Жим, жим, жим! Наҳотки одам ўзининг фикрини ғазабга минмай, сўкинмай гапириши қийин бўлса. Бу яхшимас, ахир!

Миссис Дедалус Дентининг қулоғига шивирлаб, уни тинчлантирмоқчи бўлди, бироқ Денти ўшқириб берди:

— Йўқ, мен жим туролмайман! Черковимни, эътиқодимни ҳимоя қиламан, бу диндан қайтганларга уни таҳқирлатиб, тупуртириб қўймайман.

Мистер Кейси олдидаги ликопчани стол ўртасига илкис сурди, кейин тирсагини столга тиради-да, ҳирқираган товушда уй эгасига қараб мурожаат қилди:

— Мен сизга ўша машҳур тупуриш тарихини гапириб берганмидим?

— Йўқ, Жон, айтганингиз йўқ, — деди мистер Дедалус.

— Наҳотки, — деди мистер Кейси, — аммо жуда ибрат олса арзийдиган воқеа-да. Бу воқеа бироз олдинроқ, Уиклоу графлигида, ҳозир сиз билан бирга яшаб турган жойда юз берган. У тўхтаб, Дентига ўгирилиб, қаҳр билан салмоқлаб гапира бошлади:

— Ижозатингиз билан айтиб қўяй, хоним, агар сиз мени назарда тутиб гапираётган бўлсангиз адашасиз, мен динидан қайтганлардан эмасман. Католикман мен, худди отамдай, унинг отаси ҳам католик бўлган, унинг отасининг отаси ҳам жуда қадим замонлардаёқ католик бўлган ва ўша пайтларда биз ўз эътиқодимиздан қайтгандан кўра ҳаётнинг баҳридан ўтиб қўя қолишга тайёр эдик.

— Демак, сиздай одам учун, — деди Денти, — ҳозир оғзингиздан чиққан гапларни айтиш баттар уят.

— Айтинг, Жон, — деди мистер Дедалус кулимсираб. — Қулоғимиз сизда.

— Католик эмиш! — деди яна киноя билан Денти. — Учига чиққан протестант ҳам бугун мен эшитган гапларга ўлсаям чидаб ўтирмасди.

Мистер Дедалус бошини ҳар ёққа саланглатиб, муқом қила бошлади.

— Мен протестант эмасман, буни сизга такрор айтаяпман, — деди мистер Кейси жони чиқиб.

Мистер Дедалус ўзича фингиб ва бошини саланглатиб турди-да, туйқусдан ҳирқироқ товушда пинғиллаб хиргойи қилди:

Келинглари, ҳой, католиклар, сиз.

Ибодатдан юзни бурмангиз!!

У қўлига пичоқ билан санчқини олиб, яна овқат ейишга тутинди ва мистер Кейсига қувноқ овозда деди:

— Айтинг ўшани, Жон, қулоғимиз сизда, бу овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Стивен меҳр билан мистер Кейсининг юзига қаради, мистер Кейси бошини қўлларига тираганча бир нуқтага термилиб турарди. Стивен каминнинг олдида у билан ёнма-ён ўтириб, унинг қаҳрли, қорамағиз чеҳрасига тикилишни яхши кўрарди. Бироқ унинг қора кўзлари ҳеч қачон ғазаб билан чақнамас, вазмин, салобатли товушини эшитиш мароқли эди. Нега у руҳонийларга қарши? Бундан чиқдики, Денти ҳақ экан-да. У отаси гапирганда эшитган, Денти ёшлигида тарки дунё қилган — роҳиба бўлган, кейинча акаси билакузук ва бошқа майда-чуйда тақинчоқларни қора халққа пуллаб бойигач, монастирни тарк этган, Аллеганга кетган.

Эҳтимол, шунинг учун у Парнеллга қарши бўлса керак? Ҳа, айтганча, у Эйлин билан бирга

ўйнаса Денти ёқтирмайди, чунки Эйлин протестант-да, Денти ёшлигида протестантлар билан бирга ўйнаб юрадиган болалардан протестантлар муқаддас Биби Марямнинг қуйма ҳайкалчасини таҳқирлашганини эшитган. “Фил суюкли минора — Тилла кўшк!”<sup>24</sup>, дейишган улар. Қандай қилиб аёл киши фил суюкли минора ёки тилла кўшк бўлиши мумкин? Унда ким ҳақ бўлиб чиқади? Унинг хотирасига Клонгоусдаги касалхона оқшоми, қоп-қора тўлқинлар, кўрфаздаги маёқ ёғдуси ва қайғули хабарни эшитган оломоннинг дод-фарёди келди. Ейлиннинг қўллари узун, оппоқ эди. Бир куни кечқурун, улар кўз бойлаш ўйнаётганда Эйлин унинг кўзларини қўллари билан бекитди: қўллари узун, оппоқ, ингичка, совуқ ва нозик. Бу ўша фил суюги. Совуқ ва оппоқ, мана, фил суюкли минора нима дегани.

— Бу қисқа ва жуда қизиқ воқеа, — деди мистер Кейси. — Бу Арклоуда бўлган эди, ҳаво совуқ, булутли кун эди, йўлбошчимиз қазо қилишларидан сал олдинроқ. Унинг руҳини ўзинг шод қилгайсан, илоҳим!

У мадорсизланиб кўзларини юмди ва бироз сукут сақлади. Мистер Дедалус лycopчадаги суюкни қўлига олиб, гўштини тишлари билан узиб оларкан, деди:

— Айтмоқчисизки, уни ўлдиришларидан олдинроқ бўлган эди, демоқчисиз-да?

Мистер Кейси кўзларини очди, чуқур хўрсинди ва давом этди:

— Бир куни у Арклоуга келди. Биз митингда эдик, митинг тугагандан сўнг, бир амаллаб, тирбанд оломоннинг орасини ёриб, стантсияга ўтишга тўғри келди. Умримда бунақанги қий-чувни, дод-фарёдни эшитмаганман! Оломон бизни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа суриб кетади. Шунда бир кампир, қари пияниста алвасти, негадир менга аридай ёпишди-қолди. Атрофимда лойни кечиб гир айланади, кўзини менга қадаб олган, тинмай қичқиради: Руҳонийларнинг душмани! Париж биржаси! Мистер Фокс!<sup>25</sup> Китти ЎШи!

— Хўш, сиз нима қилдингиз, Жон?— сўради мистер Дедалус.

— Мен унинг акиллашига эътибор қилмадим, — деди мистер Кейси. — Жуда совуқ эди, баданни жиндай қиздирар деб (мени кечирсинлар, хоним) тилимнинг тегига денгиз тамакисидан не миқдор ташлаб олганман, турган гап, оғзимни очолмайман, чунки оғзим тамаки “шарбати”га тўла.

— Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди, Жон?

— Хуллас, мен унга эътибор қилмадим, майли, Китти ЎШини қоралайдими, билганича акиллайверсин, дегандим, бироқ бу алвасти муҳтарама хонимни шундай бир сўз билан ҳақоратладики, бу сўзни айтишга тил айланмайди, ҳарқалай мавлуд дастурхонида ўтирибмиз, қолаверса, бегойим, сизнинг таъбингизни ҳам бузмай, ўзимнинг лафзимниям булғамай.

У жимиб қолди. Мистер Дедалус бошини кўтариб сўради:

— Хўш, кейин сиз нима қилдингиз, Жон?

— Нима қилардим? — деди мистер Кейси. — Қарасам, у ўзининг буришган жирканч башарасини нақ иягимга тираб келаяпти, менинг оғзимда лиқ тўла тамаки “шарбати”. Шунда мен унга яқинроқ энгашдим-да, мана шундай “Тфу!” дедим.

У юзини четга буриб қандай қилганини кўрсатди.

— Тфу! Унинг шундоқ кўзига тупуриб юбордим.

У қўли билан кўзларини бекитди ва жони қаттиқ оғриётган одамдай чинқириб юборди:

— “Вой, Исо Масих, Биби Марям, Юсуф! — деб аюҳаннос соларди у. — Вой-дод, кўр бўлиб қолдим, дод, ўламан!”

У хириллаб, кулгидан ва йўталдан ўзини тўхтата олмай, бўғилиб такрорлади:

— Кўр бўлиб қолди, кўр бўлиб қолди!

Мистер Дедалус қаҳ-қаҳ отиб кулганча ўзини стулнинг суюнчиғига ташлади. Чарлз тоға бошини чайқаб қўйди. Дентининг юзи қаҳрли тус олди, ўтирганлар хохолаб кулишаркан, у бир гапни тинмай такрорларди:

— Яхши, жуда яхши, жуда соз!

Аёл кишининг кўзига тупуриш яхшимас.

Ўша кампир Китти ЎШини қандай сўз билан ҳақорат қилдийкан, уни мистер Кейси ҳатто тилга олишга ҳам ҳазар қилди-я? Стивен оломон орасидаги мистер Кейсини кўз олдига келтирди: ана у, араванинг устида, тик туриб нутқ ирод қилаётир. Шунинг учун ҳам у қамоқда ўтирган. У беихтиёр элади: бир куни уйларига сержант ЎНил келди, сержант даҳлизда туриб отаси билан шивирлашиб гаплашди, ора-сира бошидаги темир қалпоғининг чарм бандини асабий тишлаб қўярди. Ўша оқшом мистер Кейси Дублинга одатдагидай поездда жўнамади, уйлари олдига арава келди ва отасининг Кебинтили орқали ўтадиган йўл ҳақида нимадир деганини эшитди у, У ҳам отаси каби Ирландия учун қайғурар, Парнеллни ёқлар эди, бироқ аслида Денти ҳам улар тарафда, чунки бир куни сайлгоҳда оркестр чалиб турганда Денти бир жанобнинг бошига шамсия билан тушириб қолди, куй охирида оркестр “Худоё, қироличани ўзинг асра!”ни ижро этаётганда ўша жаноб бошидан шляпасини ечган эди.

Мистер Дедалус алам билан пихиллади.

— Ҳой, Жон, — деди у. — Улар ўзи шунга муносиб. Биз шўрликлар поплар қўл остида эзилган халқмиз. Умрбод шундай бўлиб келган ва охиратгача шундай бўлиб қолади.

Чарлз тоға бошини чайқаб деди:

— Ҳа, аҳволимиз чатоқ, чатоқ!

Мистер Дедалус гапини такрорлади:

— Попларнинг қўл остида эзилган ва худонинг марҳаматидан бенасиб халқ!

Шундай деб у ўнг тарафида деворга осиглиқ бобосининг суратига ишора қилди.

— Жон, мана бу чолни кўряпсизми? — деди у. — Ҳалол Ирланд, унинг даврида одамлар фақат мол-дунё деб ўлиб-тирилган эмас. У олий жазога ҳукм қилинган Оқ Болаларнинг бири эди.

Минг етти юзу олтмишинчи йили оқ қўзғолончи сифатида ўлимга ҳукм қилинган. У оғайнилари — черков аёнлари ҳақида гапиришни яхши кўрарди, ҳеч қачон уларни ўзим ўтирган дастурхонга йўлатмайман, дерди.

Денти чидаб туrolмади:

— Бизни руҳонийлар бошқариб турибди, биз бундан фахрланишимиз керак! Улар — яратганнинг кўз қорачиғи. Уларга отилган тош тангрига отилган тош билан баробар.

— Бундан чиқдики, бизнинг ўз ватанимизни севишга ҳаққимиз йўқ экан-да? — сўради мистер Кейси.

— Бизни ортидан эргаштириш, йўлбошчи бўлиш учун туғилган инсонга эргашиб ҳам тақиқланганми?

— Ватан хоини, — бақирди Денти. — Хоин, хотинбоз! Черковимиз раҳнамолари ундан юз ўгириб жуда тўғри қилишди. Улар ҳамиша Ирландиянинг содиқ дўстлари бўлишган.

— Сиз шунга ишонасизми? — деди Кейси.

У мушти билан столни урди ва қошларини асабий кериб, бармоқларини бирин-кетин ёза бошлади.

— Уния даврида, епископ Лениген маркиз Корнуоллисга фуқароликни байъат қилганда, ирланд епископлари бизни сотмаганмиди? Ўша епископлар ва поплар минг саккиз юзу йигирма бешинчи йили ўз мамлакатининг келажагини католик динининг эрки учун қурбон қилмаганмиди? Минбару меҳроблардан туриб фенилар ҳаракатини бадном этганлари-чи? Теренс Белю Макменус хокини таҳқирлаганлари-чи?

Кейсининг юзи ғазабдан бўғриқиб кетганди, Стивен унинг ёниб гапираётганидан ёноқлари чўғдай қизариб кетганини сизди.

Мистер Дедалус алам билан кулди.

— Ў, худойим, — дея ҳайқирди у, — мен қария Пол Каллинни унутиб қўяёзибман. Мана, тангримнинг яна бир ёрлақанган кўз қорачиғи.

Денти стол оша мистер Кейсига қараб қичқирди:

— Тўғри қилишган, жудаям тўғри! Улар ҳамиша тўғри йўл тутишган! Худо, ахлоқ ва дин ҳамма нарсадан устун!

Миссис Дедалус унинг ғазабланганини кўриб деди:

— Миссис Раёрден, ўзингизни босинг, улар билан пачакилашманг.

— Худо ва дин — ҳаммасидан устун! — қичқирди Денти.

Мистер Кейси маҳкам сиқилган муштани кўтарди ва зарб билан столга урди.

— Бўпти, яхши, — бўғилиб қичқирди у, — агар шунақа бўладиган бўлса, бас, Ирландияга худонинг кераги йўқ!

— Жон, Жон! — қичқирди мистер Дедалус меҳмоннинг енгидан тортқиларкан.

Денти унга тикилганча қотиб қолди: унинг ёноқлари пириллаб уча бошлади. Мистер Кейси стулни зарб билан сурди-да, стол оша Денти тарафга эгилиб, қўлини кўзлари олдида худди пашшани қуваётгандай асабий сермай бошлади.

— Ирландияга худонинг кераги йўқ! — бақирди у. — У Ирландияда жуда кўп бўлди. Бас, жонга тегди! Йўқолсин!

— Шаккок! Иблис! — Денти чийиллаганча ўрнидан сакраб турди ва сал бўлмаса унинг юзига тупираёзди.

Чарлз тоға билан мистер Дедалус мистер Кейсини бир амаллаб жойига ўтирғизиб, тинчлантиришга уринишди. У нафратдан чақнаган қорамтир кўзларини бир нуқтага қадаб тинмай бақирарди:

— Йўқолсин, даф бўлсин!

Денти илкис кўзғалиб, стулни зарб билан четга сурди ва столдан нари кетди, стол устидаги қўлсочиқлар солинган идиш ерга тушиб, гиламнинг устида юмалаганча оромкурсининг оёғига урилиб тўхтади. Мистер Дедалус ўрнидан чаққон туриб, Дентининг ортидан эшикка югурди. Эшик олдида Денти тўхтаб ортига ўгирилди, унинг ёноқлари учар ва ғазабдан лов-лов ёнарди, у хонани бошига кўтариб қичқирди:

— Дўзахилар! Биз ғалаба қилдик! Биз уни ўлимга маҳкум этдик! Иблис!

Эшик шарақлаб ёпилди.

Мистер Кейси ўзини ушлаб турганларни итариб ташлади ва манглайини столга уриб хўнграб юборди.

— Бадбахт Парнелл! — У ўкириб фарёд чекди. — Ҳалок бўлган қиролимиз!

У бўзлаб йиғларди.

Қўрқувдан юзи докадай оқариб кетган Стивен бошини кўтариб қаради, отасининг кўзлари жиққа ёш эди.

\* \* \*

Ҳар жой, ҳар жойда тўп-тўп бўлиб турган болалар гурунглашарди. Биттаси айтди:

— Уларни Лаенс-Хилл яқинида ушлаб олишибди.

— Ким ушлабди?

— Мистер Глисон билан руҳоний. Улар аравада кетаётган экан.

Ўша бола тағин қўшиб қўйди:

— Менга бунга юқори синфдаги бир бола айтди.

Флеминг сўради:

— Улар нега қочибди?

— Сабабини мен биламан, — деди Сесил Сандер. — Улар ректорнинг хонасидан пул ўмаришган.

— Ким ўғирлаган?

— Кикемнинг акаси. Кейин бўлишиб олишган.

— Жуда билафонсан-да, Сандер! — деди Уеллс. — Уларнинг нега қуён бўлганини мен биламан.

— Хўш, айт-чи, нега?

— Айтма деб илтимос қилишган менга, — деди Уеллс.

— Айтақол, — чувиллашди болалар.

— Қўрқма, биз сени сотмаймиз.

Яхшироқ эшитиш илинжида Стивен бўйнини чўзди. Уеллс, бирортаси келмаяптимикиан, деб атрофга аланглади. Кейин шивирлаб гапира бошлади.

— Ибодат либослари турадиган шкафта черковнинг виноси сақланади, биласизларми шуни?

— Ҳа.

— Қисқаси, улар шу винони ичиб қўйган, гуноҳкорни қидирганда ҳидидан пайқаб қолишган.

Мана, нега улар жуфтакни ростлашган, билдингларми энди?

Биринчи бўлиб гап очган бола айтди:

— Тўғри, тўғри, мен ҳам юқори синфдаги боладан шу гапни эшитдим.

Ҳамма жимиб қолди. Стивен уларнинг орасида бир сўз айтишга журъат этмай жим турар, эшитарди, холос. У қўрққанидан бироз ваҳимага тушди, аъзойи бадани бўшашиб кетгандай бўлди. Улар бунга қандай қўл уришдийкан? У жим-жит қоронғи ҳужрани кўз олдида келтирди.

Ҳужрада ёғоч шкафлар бор эди, ичига диний китоблар тартиб билан териб қўйилган. Бу жой бутхона эмас, бироқ барибир бу ерда фақат шивирлаб гаплашиш мумкин. Бу муқаддас жой. У ёз оқшомини эслади, ўшанда маросим куни — ибодат либосини кийдириш учун уларни ўрмондаги кичик бир бутхонага олиб келишди. Сирли, синоатли жой. Эшикнинг олдида турган бола қўлидаги узун занжирга боғланган исириқдонни оҳиста тебратар, тебранганда

исриқдоннинг кумуш қопқоқчаси хийла кўтарилиб-тушиб, ичидаги чўф оловланарди. Исириқдонга писта кўмир солинган эди, бола идишни тебратганда кўмир милтиллаб чўғланар ва ундан ачқимтироқ ҳид тараларди. Ҳаммага ибодат либоси кийгизилгандан сўнг бола исириқдонни ректорга узатди ва ректор идишга бир қошиқ седана сепди, кўмир чўғининг устига тушган седана жизиллади.

Болалар майдончада тўп-тўп бўлишиб гап сотишарди. Унинг кўзига болаларнинг бўйи калтариб қолгандай туюлди. Бунинг сабаби бор эди, кеча пойгачилардан бири, иккинчи синфда ўқийдиган бола, уни велосипед билан уриб юборди. У шағал тўкилган йўлакка йиқилиб тушди, кўзидаги кўзойнаги учиб кетиб, уч бўлак бўлди, оғзига жиндай қум кирди.

Шунинг учун ҳам болалар унинг кўзига кичрайиб, дарвоза устунлари ингичка ва узоқ бўлиб кўринар, майин кулранг осмон эса жуда баландлаб кетган эди. Спорт майдончасида ҳеч ким йўқ эди, чунки ҳамма крикет ўйнаш учун бир жойга йиғилган, баъзи болалар Барнс капитан бўлади деса, бошқалари Флауерсни айтишарди. Ниҳоят майдончада тўпни ҳаволатиб, ташлаб бериб, уриб-ўйинни бошлаб юборишди. Мулойим ҳавони зарб билан урилаётган крикет таёқларининг товуши тутиб кетди. Пик, пак, пок, пек — худди фавворадан сув томчилари лиммо-лим ҳовузга оҳиста томчилаётгандай.

Шу пайтгача миқ этмай ўтирган Этти пичирлаб деди:

— Сизларнинг айтган гапларинг тўғримас.

Ҳамма ўгирилиб унга қаради:

— Нима учун?

— Нима, сен биласанми?

— Сенга ким айтди?

— Айтгин, Этти!

— Айтгин, Этти!

Этти қўли билан майдоннинг Саймон Мунен ёлғиз ўзи тош тепиб, айланиб юрган томонига ишора қилди.

— Ана ундан сўранглар, — деди у.

Болалар ўша томонга қарашди, кейин сўрашди:

— Нега ундан сўраш керак?

— Уям ўшалар биланми?

Этти товушини пасайтириб деди:

— Бу болалар нега жуфтакни ростлаб қолишганини биласизларми? Мен сизларга айтаман,

лекин ҳеч ким билмасин.

— Айт, Этти, айта қол. Ҳеч кимга айтмаймиз.

У бир дақиқа жим турди, кейин муҳим сирни ошкор этаётгандай шивирлаб деди:

— Кечаси Саймон Мунен билан Тис Бойлни ҳожатхонада кўриб қолишибди.

Болалар унга ҳайрон бўлиб қарашди:

— Кўриб қолишибди?

— Нима қилаётган экан улар?

Етти айтди:

— Ёпишишаётган экан.

Бирдан ҳамма жимиб қолди.

— Билдингларми энди нима бўлганини, — деди Этти.

Стивен жўраларининг юзига кўз ташлади, бироқ улар бари майдончанинг нариги тарафига қараб туришарди. Унинг кимдандир сўраб билгиси келди. Ҳожатхонада ёпишиш — нима дегани? Нега энди юқори синфнинг бешта боласи шу учун қочиб кетишди? “Бу—ҳазил”, деб ўйлади у. Саймон Мунен доим башанг кийинади, бир сафар кечки пайт унга Саймон шарбатли конфет солинган шарни кўрсатди, идишни футбол командасидаги болалар ошхонанинг ўртасидаги поёндоз устидан унга қараб юмалатишганда, Саймон эса эшик олдида турган эди. Бу кечқурун, бектайв командаси билан мусобақадан кейин бўлган эди, шар эса ярми яшил, ярми қизил — нақш олманинг ўзгинаси, фарқи шуки, уни очса бўларди, ичи шарбатли карамелга лиқ тўла эди. Бир сафар Бойл филнинг иккита “сўйлоқ тиши” бор дейиш ўрнига “тиси” деди, шунинг учун унга Тис Бойл деб лақаб қўйишди. Баъзи болалар уни Бойл хоним деб чақиривади, нега деганда у доим тирноқларига зеб бериб, эговча билан уларни силлиқлаб юради.

Ёйлиннинг ҳам узун ингичка совуққина оппоқ қўллари бор, чунки у — қиз бола. Қўллари худди фил суягидай, фақат юмшоқ. Мана фил суякли миноранинг маъноси, бироқ протестантлар бунини тушунмас, тушунмаганлари учун ҳам масхаралаб кулишади. Бир сафар у Эйлин билан бирга меҳмонхона ҳовлисига қараб туришган эди. Хизматкор устунга узун байроқни қўндираётган эди, кунгай бетдаги чимзорда эса бир тозича уёқ-буёққа чопқиллаб юрарди. Эйлин қўлини унинг чўнтагига тикди, ўзининг қўли ҳам шу чўнтакда эди, шунда у қизнинг бармоқлари совуқ, нозик ва юмшоқ эканини ҳис этди. Чўнтагини бўлса мазза-да, деди Эйлин. Кейин бирдан бурилиб, кулганча, айланма зинадан пастга югуриб кетди. Унинг кумушранг сочлари елкасида, худди қуёшда товланган олтиндай, ярқираб тўкилиб турарди. Фил суякли минора. Тилла кўшк. Бир ниманинг устида бош қотирсанг, ўшанда уни тушуна бошлайсан.

Бироқ нега айнан ҳожатхонада? Ҳожатхонага фақат заруратдан борасан-ку. У ерда сандиқдай-сандиқдай тош плиталар бор, майда тешикчалардан кун бўйи сув томиб туради, димиққан сувнинг қўланса ҳиди ўтириб қолган. Бир эшикка қизил қалам билан икки қўлида иккита фишт кўтарган, рим тоғасидаги<sup>1</sup> соқолли одам расми чизилган, расм тагида: “Балбес девор тиклаган”<sup>2</sup> деган ёзув бор.

Бунини болалардан бири кулги учун чизган. Башараси жуда кулгили чиққан-да, бироқ соқолли одамга ям ўхшаб кетади. Деворга эса жуда чиройли ҳуснихат билан ўнгдан чапга: “Юлий Сезар галлик каллар ҳақида ёзган”<sup>3</sup>, деб ёзиб қўйилган.

Балки улар, болалар ҳазиллашиб ёзиб-чизиб ташлаган бўлар-бўлмас нарсаларни кўриш учун бу ерга кириб олишгандир. Барибир уларнинг бу қилиғини оқлаб бўлмайди, Эттининг гапи хунук чиқди, қайси юз билан айтди-я шу гапни. Улар қочиб кетишди-ку, демак, бу шунчаки ҳазил эмас.

У майдончанинг ҳамма қараб турган тарафига қаради ва уни ваҳима босди.

Флеминг деди:

— Хўш, энди улар учун ҳаммамизнинг таъзиримизни беришадими?

— Таътилдан кейин бу ерга қайтиб қадамимни босмайман, мана кўрасан, келиб бўпман, —

деди Сесил Сандер. — Уч кунлаб ошхонада миқ этишмайди-ю, сал нарсага дарров чизгич билан савалай кетишади.

— Тўғри, — деди Уеллс. — Баррет бўлса “Жарима дафтари”ни қўлидан қўймайди, бир варақлашга тушиб кетса борми, тамом, тўхтатиб бўпсан — неча марта урушини худо билади. — Менам қайтиб келмайман.

— Тўғри, — деди Сесил Сандер, — бугун эрталаб инспектор иккинчи синфга кирди.

— Келинглар, исён кўтарамиз, — деди Флеминг. — Нима дейсизлар?

Ҳеч ким чурқ этмади. Атроф жим-жит эди, крикет таёқларининг зарбалари энди олдингидан кўра жуда секин эшитиларди: пик, пок.

Уеллс сўради:

— Энди уларни нима қилишаркан?

— Саймон Мунен билан Тиснинг пайини қирқишади, — деди Этти, — юқори синфдагиларга бўлса биттасини танланглар: ё жазо ёки ҳайдаласизлар, дейишди.

— Улар қайсини танлади? — сўради биринчи бўлиб гап очган бола.

—Корригендан бошқа ҳаммаси ҳайдалишни маъқул кўрди,—деди Этти. —Уни мистер Глиссон савалайди.

—Мен биламан нега Корриген буни танлаганини,—деди Сесил Сандер, —тўғри қилди-да, бошқа болалар адашди, чунки жазо олганинг одамларнинг эсидан чиқади-кетади, коллеждан ҳайдалсанг ёмон, бир умр иснодга қоласан. Қолаверса, Глисон, ҳарқалай ўласи қилиб урмайди-ку.

— Тўғри-ю, лекин иш шунгача бормагани маъқул-да, — деди Флеминг.

— Мен ҳечам Саймон Муненнинг ё Тиснинг ўрнида бўлишни истамасдим,—деди Сесил Сандер.

—Уларни жазоламаса кераг-ов. Эҳтимол, фақат қўлларига яхшилаб уришар.

— Йўқ, йўқ,—деди Этти, — икковининг ҳам юмшоқ жойларига боплаб савалашади.

Уеллс кетини силаб йиғламсираган товушда деди:

— Бошқа қилмайман, сер, қўйиб юборинг, сер...

Этти кулимсиради ва камзулининг енгини шимариб деди:

*Гуноҳ қилдингми чида,  
Ҳиқиллама, вақт ўтди.  
Иштонингни тез тушир,  
Тутиб тур, кетти.*

Болалар кулишди, бироқ барибир уларнинг чўчиб туришганини у сезди. Майин, бўзранг ҳавода крикет таёғининг зарбалари эшитилди: пок, пок. Бу узоқдан келаётган зарбалар товуши, бироқ ўзингни уришаётганда бошқача бўлади — жонинг оғриганини сезасан. Қўлга урганда чизгичдан ҳам товуш чиқади, бироқ бу бошқача товуш. Болалар уни китнинг мўйлови ва терисидан қилинган, ичида қўрғошини бор дейишади, урганда қандай оғритишини у тасаввур қилиб кўришга уринди. Товушлар ҳар хил бўлади. Узун, ингичка хипчиннинг товуши қаттиқ шувиллаб чиқади, текканда қандай оғритаркан, деб ўйлади у. Хаёлига келган бу ўйлардан бадани қалтираб кетди. Эттининг гапини эслаб эти жунжикди. Нимаси кулгили экан? Бадани жимирлаб кетди, ахир, иштонингни туширган пайтда ўзи бироз совуқ бўлади-да, сал-пал қалтирайсан. Ваннада ечинаётганингда ҳам шундай бўлади-ку. Уларнинг иштонларини ким ечаркан — ўзларими ёки тарбиячими? Бунинг кулгили жойи йўқ-ку?!

У Эттининг турилган енглари ва сиёҳ чапланган озғин қўлларига қаради. Этти мистер Глисон енглари қандай қайиришини қўрсатмоқчи бўлиб енглари шимарди. Бироқ мистер Глисоннинг енг қайтармаси думалоқ ва оппоқ, ярқираб туради, қўллари эса топ-тоза, оппоқ, лўппигина, тирноқлари узун ва ўткир. Эҳтимол, у ҳам тирноқларини Бойл хонимга ўхшаб эговча билан силлиқлаб юрар. Бироқ унинг тирноқлари кўзга хунук кўринади — узун ва ўткир.



Оппок, лўппигина қўллари ҳечам қўрқинчли эмас, мулойим, бироқ тирноқлари узун, қўрқинчли. Гарчи Стивен қўрқинчли узун тирноқларни ва хипчиннинг шувиллаб урилган товушини, ечинаётганда кўйлак этагининг тагидан кириб баданни жунжиқтириб ўтадиган қалтироқни тасаввур этиб, совуқ ва қўрқувдан титраётган бўлса-да, оппок, лўппигина, кучли ва мулойим қўлларни кўз олдига келтириб ғалати ва хотиржам ҳузур туйғусини ҳис этди. Шунда у Сесил Сандер айтган гапни эслади: мистер Глиссон Корригенни жонини оғритиб урмайди. Флеминг эса: тўғри, чунки унинг ўзи билади бундай қилмаса яхши бўлишини, деди. Нега шундай — тушунарсиз.

Майдонча тарафдан қичқирган овоз эшитилди:

— Ҳамма ётоққа!

Унга бошқа овозлар жўр бўлди:

— Ётоққа, ҳамма ётоққа!

Ҳуснихат дарсида у қўл қовуштириб ўтирди, синфда пероларнинг секин қитирлагани эшитиларди. Мистер Харфорд нари бориб, бери келиб юриб турибди, гоҳида қизил қалам билан кичик тузатишлар қилади, ора-сира перони қандай ушлашни кўрсатиш учун болалардан бирортасининг ёнига ўтиради. Стивен доскадаги биринчи сатрни, гарчи у ерда нима ёзилганини билса-да, ҳарфлаб ўқишга уринди, бу дарсликдаги энг охириги гап эди: “Тушунмай туриб қилинган ҳаракат рулсиз кеманинг сузишига ўхшайди”. Бироқ доскадаги ҳарфларнинг чизикчалари қилдай ингичка кўринади, у ўнг кўзини қаттиқ қисиб, чап кўзи билан узок синчиклаб тикилибгина бош ҳарфларнинг думалоқ шаклини зўрға илғар эди.

Бироқ мистер Харфорд жуда меҳрибон, ҳеч қачон жаҳли чиқмайди. Бошқа ўқитувчилар қаттиқ дарғазаб бўлишади. Нега энди катта синфдаги болаларнинг қилғилиғи учун улар жавоб беришлари керак? Улар ҳужрадаги шкафдан черков виносини олиб ичишган, буни ҳидидан билиб олишган, дейди Уеллс. Эҳтимол, улар муқаддас неъмат солинган идишни ўғирлаб, бир жойга олиб бориб сотишни ўйлашгандир? Бироқ барибир кечаси билдирмай кириш, қоронғида шкафни очиб, олтиндай товланиб турган идишни ўмариш — бу гуноҳи азим; ахир, унинг ичидаги винода, гуллар ва шамлар орасида тантанали тарзда ўтадиган маросим чоғи, ладаннинг хушбўй ҳиди ҳар икки тарафдан таралиб, руҳоний исириқдонни сермаб турган, Доминик Келли ёлғиз ўзи хорни етакчи овозда бошқараётган бир дамда тангрини ўзи ҳозир бўлади-ку. Улар идишни ўғирлашган пайтда тангри у ерда бўлмаган, албатта. Бироқ барибир идишга қўл текизишнинг ўзи ақлга сиғмайдиган иш, гуноҳ. Бу ҳақда у қўрқувга қоришган ихлос туйғуси билан ўйлади: даҳшат ақлга сиғмайдиган иш; пероларнинг энгилгина қитирлашини эшитиб ўтириб бу ҳақда ўйлаганида унинг юраги ортига тортиб кетди. Ахир, тап тортмай шкафни очиш ва черков виносини ичиш, кейин буни ҳидидан сезиб қолишлари... кимки юрак ютиб бу ишни қилган бўлса, гарчи унчалик даҳшатли ва ақлга сиғмайдиган иш бўлмаса-да, барибир гуноҳ. Лекин винонинг ҳидидан бироз кўнгил айнийди. У биринчи марта черковда қовушув маросимида винони татиётиб кўзларини юмиб олди ва оғзини очди, тилини бироз чиқарди, ректор унга муқаддас неъматни улашиш учун эгилди, шунда у ректорнинг нафасидан винонинг энгил ҳидини сизди. Вино — ёқимли сўз. Кўз олдинга тўқ қизил ранг келади, чунки узум доналари тўқ қизил — Юнонистонда, оппок ибодатхоналарга ўхшаган уйлар олдида ўсадиган тоқларда бўлади. Бироқ барибир ректорнинг нафасидан унқиб турган винонинг энгил ҳиди ўша куни — маросимда у биринчи марта қатнашиб, илк бор муқаддас неъматни татишга мушарраф бўлган куни кўнглини бироз айнитди. Бу кун — ҳаётдаги энг бахтли кун. Бир сафар кўпчилик генераллар Наполеондан ҳаётингиздаги энг бахтли кун қайси, деб сўрашган. Наполеон бирор-бир йирик жангда ғалаба қозонган ёки император бўлган кунни айтса керак, деб ўйлашган. Бироқ у шундай деган:

— Жаноблар, менинг ҳаётимдаги энг бахтли кун — бу менинг биринчи муқаддас қовушув куним.

Синфга ҳазрат Арнолл кириб келди, лотин тили дарси бошланди, у эса ҳали ҳам қўлини

қовуштириб ўтирарди. Ҳазрат Арнолл машқ ёзилган дафтарларни тарқатди ва синф иши жуда ёмон бажарилганини, ҳаммага машқни тузатилган хатолари билан қайта кўчиришни буюрди. Дафтарлар орасида энг ёмони Флемингники эди, чунки варақларига сиёҳ чапланиб кетганди. Ҳазрат Арнолл дафтарни бир четидан ушлаб кўтариб кўрсатди ва бундай дафтарни ўқитувчига бериш — учига чиққан ҳурматсизлик, деди. Кейин у Жек Лотенни доскага чақириб, маре отини турлашни буюрди, бироқ Жек Лотен ўрин-пайт келишигининг кўпликда қандай турланишини билмай, тўхтаб қолди.

— Уял, — деди ҳазрат Арнолл қатъи оҳангда. — Сен, ахир, аълочи ўқувчисан-ку!

Кейин у бошқа бир болани чақирди, сўнг яна бирин-кетин бошқаларни чақирди. Ҳеч ким билмади. Ҳазрат Арноллнинг юзи фавқулодда хотиржам тус олди, доскага чақирилаётган болалар ҳаракат қилишгани, бироқ жавоб бера олишмагани сайин унинг хотиржамлиги ортиб борди. Фақат қовоқлари бироз осилди, кўз қараши жиддийлашди, товуши эса вазмин эди. Ниҳоят у Флемингни чақирди ва Флеминг бу сўзнинг кўплик сони йўқ деди. Ҳазрат Арнолл бирдан китобни ёпди-да, бақириб берди:

— Ҳозироқ синфнинг ўртасига ўтиб, тиз чўк. Умримда бунақанги дангасани кўрган эмасман. Сизлар эса, бўлинглар, машқни қайтадан кўчиринглар!

Флеминг ўрнидан секин туриб, ўртага ўтди ва охири икки партанинг оралиғида тиз чўкиб ўтирди. Қолган болалар дафтарлари устига эгилиб, ёза бошлашди. Синф сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди, Стивен чўчиброқ ҳазрат Арноллнинг хўмрайган юзига қаради ва унинг юзи жаҳлдан қизариб кетганини кўрди.

Ҳазрат Арноллнинг жаҳл қилаётгани гуноҳга кирармикан, ё болалар эринчоқ бўлиб қолганда у жаҳл қилса бўлаверармикан, ахир, бу билан улар яхши ўқиб қолмайди-ку? Ёки эҳтимол, у ўзини жаҳли чиққандай кўрсатаётимикан? Бунга унинг ҳаққи бор, чунки у руҳоний, нима гуноҳ, нима гуноҳ эмаслигини ўзи билади, билгандан кейин, албатта, гуноҳга йўл қўймайди-да. Бироқ мабодо бехосдан гуноҳкор бўлиб қолса-чи, унда қаерга бориб тавба қилади? Тавба қилиш учун, балки, жамоа бошлиғининг ҳузурига борар-а? Мабода жамоа бошлиғи гуноҳ қилиб қўйса, ректорга боради, ректор эса провинтсиалга, провинтсиал бўлса иезуитлар генералига боради. Бу жой иезуитлар ордени, у отасининг иезуитларнинг бари ақлли одамлар, деганини эшитган. Агар улар иезуит бўлишмаганида эди, албатта, жуда мавқели-мартабали кишилар бўлишарди. У ҳазрат Арнолли, Педди Барретни ҳам, Макглейд ва мистер Глисонни ҳам иезуит бўлишмаганида ким бўлишларини кўз олдига келтиришга уринди. Бироқ буни тасаввур қилиш мушкул, чунки уларнинг ҳар қайсисини ҳар хил рангдаги камзулларда, шимларда, мўйловларию соқоллари билан, тагин бошларида ҳар хил шляпалар билан кўз олдинга келтиришинг керак.

Ешик шовқинсиз очилиб ёпилди. Синфга: “инспектор”, деган ваҳимали шивир-шивир яшин тезлигида ёйилди. Бир дақиқа оғир жимлик чўқди, кейин охири партадан чизғичнинг қаттиқ қарсиллаб урилган товуши эшитилди.

Стивеннинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳазрат Арноли, бу ерда жазога эҳтиёж сезаётганлар йўқми? — қичқирди инспектор. — Бекорчи ялқовлар йўқми бу ерда таъзирини ейишга лойиқ.

Инспектор синфнинг ўртасига келди ва тиз чўкиб ўтирган Флемингга кўзи тушди.

— А-ҳа! — хитоб қилди у. — Бу ким бўлди? Нега у тиз чўкиб ўтирибди? Исм-шарифинг нима сенинг?

— Флеминг, сер.

— А-ҳа, Флеминг! Шубҳасиз, бу ғирт дангаса, кўзлари айтиб турибди. Нега у тиз чўккан, ҳазрат Арнолл?

— У лотин тили машқини ёмон ёзган, — деди ҳазрат Арнолл, — бунинг устига грамматикадан бирорта саволга жавоб беролмади.

— Тўғри-да, — бақирди инспектор, — туришидан маълум. Учига чиққан танбал. Кўзидан

маълум, кўзидан.

У партани тақиллатиб урди ва ўшқирди:

— Тур ўрнингдан Флеминг! Чаққон!

Флеминг секин қўзғалиб ўрnidан турди.

— Қўлингни тут! — ўшқирди инспектор.

Флеминг қўлини чўзди. Чизғич қаттиқ қарсиллаган товуш чиқариб ура бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти.

— Нариги қўлингни тут!

Чизғичнинг яна олти марта шиддат билан қарсиллаб урилгани эшитилди.

— Тиз чўк! — бақирди инспектор.

Флеминг, қўлларини пинжигга тикқанча тиз чўкди, оғриқдан унинг юзи буришиб кетди. Стивен Флемингнинг қўллари қаттиқлигини, чунки Флеминг қўлларига қатрон суртиб, ишқалаб юришини биларди. Эҳтимол, унинг жони қаттиқ оғригандир, ахир, урганда товуш жуда қаттиқ чиқди-ку? Стивеннинг юраги увишиб кетди.

— Қани, ҳамма ишга! — ўшқирди инспектор. — Бу ерда бизга дангасаларнинг, ишёқмас муттахамларнинг кераги йўқ. Ҳамма ишга! Ҳазрат Долан сизларни ҳар кун келиб текширади.

Ҳазрат Долан эртагаям келади. — Шундай деб у чизғич билан ўқувчилардан бирининг биқинига туртди ва: — Хўш, қани, сен тур-чи! Ҳазрат Долан қачон келаркан?

— Эртага, сер, — Том Ферлоннинг овози эшитилди.

— Эртагаям, индингаям, индингаям — келаверади, — деди инспектор. — Буни қулоқларингга қуйиб олинглар. Ҳазрат Долан ҳар кун келади. Қани энди ёзишга киришинглар-чи. Хўш, сен кимсан?

Стивеннинг юраги шув этиб кетди.

— Дедалусман, сер.

— Нега бошқалар ёзаяптию сен қўл қовуштириб ўтирибсан?

— Мен... ҳалиги...

Кўрқиб кетганидан унинг тили айланмай қолди.

— Нега бу ёзмай ўтирибди, ҳазрат Арнолл?

— У кўзойнагини синдирган, — деди ҳазрат Арнолл, — шунинг учун мен уни машғулотдан озод қилдим.

— Синдирди? Бу нима қилиқ? Исм-шарифинг нима? — сўради инспектор.

— Дедалус, сер.

— Бери кел, Дедалус. Буни қара-я, мана яна битта ишёқмас муғомбир! Башаранг айтиб турибди найрангбозлигингни. Кўзойнагингни қаерда синдирдинг?

— Югурадиган йўлакда, сер.

— А-ҳа, югурадиган йўлакдамиш! — бақирди инспектор. — Мен бунақа найрангларни кўп кўрганман!

Стивен ажабланиб бошини кўтариб қаради ва бир дақиқа унинг кўзи ҳазрат Доланнинг оқариб-бўзарган, қаримсиқ юзига, икки қаншарида туклари хўппайган оқиш-кулранг бошига, кўзойнагининг темир гардиши ва ойнақлар ортидан ўқрайиб турган нурсиз кўзларига тушди. Нега у бунақа найрангларни кўп кўрганман, деди?

— Ишёқмас тирранча! — ўшқирди инспектор. — Кўзойнагини синдирганмиш! Одатдаги найранг буюм! Қани, тез бўл, қўлингни чўз!

Стивен кўзларини юмди ва кафтини тепага қилиб қалт-қалт титраётган қўлини олдинга чўзди. У бир дақиқа инспекторнинг бармоқлари, қўлини ёймоқчи бўлиб бармоқларига текканини сезди ва қўли тепага кўтарилганда кенг-мўл енги шитирлаганини, зарб билан уриш учун ҳаволанган чизғичнинг шувиллаган товушини эшитди. Бир зарб билан синдирилган таёқнинг товушидай қарсиллаган аччиқ, шиддатли ва аёвсиз зарбадан унинг қўли оловга тушган баргдай бужмайиб-тиришиб қолди, кетма-кет тушаётган зарбалар шовқини ва оғриқнинг

зўридан кўзларига қайноқ ёш қуйилиб келди. Қўрқувдан аъзойи бадани қалтирар, қўллари титрар, қип-қизариб олови чиқиб кетган кафти ва бармоқлари ҳавода муаллақ осилиб қолган баргдай титрарди. Ўпкаси тўлиб кетди, агар оғзини очса ўкириб, бўлди бас, қўйиб юборинг, дея хўнграб йиғлаб юбориши аниқ эди. Бироқ кўзлари қайноқ ёшларга тўлган, қўллари оғриқ азобидан қалт-қалт титраётган бўлса-да, у кўз ёшлари аралаш бўғзига тиқилган фарёдни ичига ютди.

— Нариги қўлингни чўз! — қичқирди инспектор.

Стивен абжағи чиқиб кетган, титраётган қўлини туширди ва чап қўлини чўзди. Яна тепага кўтарилган қўл енги шитирлади, яна ҳаволанган чизғичнинг шувиллагани эшитилди ва қаттиқ қарсиллаган, аччиқ, чидаб бўлмас, чўғдай куйдириб юборадиган оғриқдан унинг кафти ва бармоқлари бир парча қип-қизил гўштга айланиб тугилиб қолди. Кўзларидан қайноқ ёшлар тирқираб отилди, алам, азоб ва қўрқув ичида юз-кўзлари ловуллаганча, титраб турган қўлларини тортиб олди ва инграб юборди. Қўрқувдан вужуди карахт бўлиб қолди, аянчли аҳволдан алам билан тўлғанаркан бўғзидаги фарёд беихтиёр отилиб чиқаётганини, қайноқ кўз ёшлари тизиллаб лов-лов ёнаётган ёноқларидан оқиб тушаётганини ҳис қилди.

— Тиз чўк! — бақирди инспектор.

Стивен аёвсиз савалаб ташланган қўлларини пинжига босганча дарҳол тиз чўкди. Эзилган, қавариб шишиб кетган қўлларига ичи ачиди, булар ўзининг эмас, бошқа бировнинг қўлларидай уларга раҳми келди. У тиз чўкиб ўтириб, бўғзидаги сўнгги аламли ёшларни ичига ютиб, куйишиб оғриётган қўлларини пинжига босиб, кафтини тепага қарата чўзган қўлини, инспекторнинг қўли бармоқларига қаттиқ текканини, титраётган бармоқларини қандай ёйганини, абжағи чиқиб, қавариб, қип-қизариб кетган кафтининг юмшоқ гўштини ва ҳавода нажотсиз қалтираб турган бармоқларини бир-бир кўз олдига келтирди.

— Қани ҳамма ишга! — қичқирди инспектор эшик томонга бурилаётиб, — ҳазрат Долан ҳар кун келиб хабар олади, текширади — қани бу ерда яна жазога лойиқ иш ёқмас такасалтанглар, ялқовлар бормикан? Ҳар куни келади ҳазрат Долан, билиб қўйинглар! Ҳар куни!

Унинг ортидан эшик беркилди.

Юввош тортиб қолган болалар нафасини ичига ютиб, бош кўтармай машқни ёзишни давом эттиришарди. Ҳазрат Арнолл ўрнидан турди ва парталар орасидан юриб, ёқимли сўзлар билан болаларнинг кўнглини кўтарди, йўл қўйишган хатоларини тушунтира бошлади. Унинг овози жуда ёқимли ва майин бўлиб қолган эди. Кейин у келиб жойига ўтирди ва Флеминг билан Стивенга деди:

— Жойларингга бориб ўтиришларинг мумкин. Иккаланг ҳам.

Флеминг билан Стивен ўринларидан туришиб, бориб парталарига ўтиришди.

Уятдан юзлари бўғриқиб кетган Стивен шошиб-пишиб бир қўли билан китобни очди-да, эгилиб бошини варақлар орасига буркаб олди.

Ноҳақлик, шафқатсизлик бўлди бу, чунки унга доктор кўзойнаксиз ўқишни тақиқлаган эди, бугун эрталаб у отасига хат ёзиб, кўзойнак юборишларини сўраган эди. Ҳазрат Арнолл ҳам уйдагиларинг кўзойнак юборишгунча ёзмай туришинг мумкин, деганди. Шундан кейин ҳам уни бутун синфнинг олдида найрангбоз деб ҳақорат қилишди, савалашди, ахир, у синфда доим биринчи ёки иккинчи ўқувчи бўлса. Ёрklarнинг сардори бўлса. Нега инспектор уни найрангбоз деди? У инспекторнинг бармоқлари, кафтини ёймоқчи бўлиб, бармоқларига текканини сезган пайтда кўришмоқчи шекилли, деб ўйлаганди, чунки инспекторнинг бармоқлари юмшоқ, лўппигина эди, бироқ шу дақиқада бир зум юқорига кўтарилган қўл енгининг шитирлагани эшитилди-ю, зарба тушди. Уни синфнинг ўртасига тиз чўктириб қўйишгани ҳам ноҳақлик ва шафқатсизликдан бошқа нарса эмас. Ҳазрат Арнолл иккаласига ҳам жойларингга бориб ўтиришларинг мумкин деди, бироқ бу гапни иккаланг ҳам бир гўрсан, деган оҳангда айтди. У ҳазрат Арноллнинг машқларини тузатаётиб хотиржам ва мулойим овозда гапирганини эшитди. Эҳтимол, у энди афсусланаётгандир, раҳмдил бўлгиси келиб қолгандир. Бироқ барибир

ноҳақлик, шафқатсизлик бўлди бу. Инспектор — руҳоний киши, ammo унинг бу иши ноҳақликдан, бераҳмлиқдан бошқа нарса эмас. Унинг оқишдан келган бўзранг башарасида, темир гардишли кўзойнаги ортидан ўқрайиб қараган нурсиз кўзларида раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ эди, чунки у аввалига ўзининг юмшоқ бармоқлари билан унинг кафтини ёйди, бироқ кўришмочи бўлиб эмас, аёвсиз савалаш учунгина шундай қилди.

— Мен буни учига чиққан разиллик деб ҳисоблайман, бор гап шу, — деди Флеминг болалар узун даҳлиздан турнақатор бўлиб ошхонага боришаётганда. — Ахир, ҳеч қандай айби йўқ одамни савалаш адолатданми?

— Чинданам сен кўзойнагингни билмай синдириб қўйдингми? — сўради Сассиқ Роуч. Флемингнинг гапидан Стивеннинг юраги сиқилди. Сассиқ Роучга эса жавоб қилмади.

— Албатта-да, билмай, бехосдан, — деди Флеминг. — Мен бунга чидаб туролмасдим. Мен тўғри бориб ректорга шикоят қилардим, ўлай агар.

— Тўғри, — унинг гапини чаққон илиб олди Сесил Сандер, — мен кўрдим унинг чизғични кифтига ташлаб билдирмай олиб кирганини. Бундай қилишга унинг ҳаққи йўқ.

— Жуда қаттиқ оғридим, а? — сўради Сассиқ Роуч.

— Ҳа, жудаям, — деди Стивен.

— Мен ҳечам бу Тозининг шу қилиғига чидаб ўтирмасдим. Умуман, бундай тозиларни кўришга кўзим йўқ, — гапга аралашди Сассиқ Роуч, — эртага яна келаман деди у, келиб у сени яна уради.

— Тўғри айтаяпти. Сен бориб ректорга шикоят қилмасанг бўлмайди, — чувиллашди болалар. Иккинчи синфнинг баъзи бир болалари бу можарони эшитиб туришганди, улардан бири дабдабали оҳангда шундай деди:

— Сенат ва Рим аҳли қарор қилади: Дедалусга берилган жазо нотўғри.

Бу нотўғри берилган жазо эди, бу чиндан ноҳақлик ва шафқатсизлик эди. У ошхонада ўтириб бошига тушган кўргуликни бошдан-охир қайта-қайта эсларкан, кутилмаганда миясига: юзимга қараган одам мени найрангбоз деб ўйлаши мумкинми, деган ўй келди. Афсус, ҳозир чўнтагида кичкина ойнаси бўлганда юзига бир қараб кўрарди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, унга нисбатан адолатсизлик қилинди, бу ноҳақлик, бориб турган шафқатсизлик.

Тўқ кулранг тусдаги балиқ котлети унинг томоғидан ўтмади. Уларга чоршанба, муқаддас рўза кунлари шундай котлет бериларди: битта картошкада белкуракнинг изи қолибди. Ҳа, тўғри, у шундай қилади, худди болалар айтганидай иш тутади. Тўғри бориб, ректорнинг олдига киради, ўзини ноҳақдан жазолашганини айтиб беради. Бир буюк одам ҳам шундай қилган, тарих дарслигида унинг сурати бор. Ректор унга жазо нотўғри берилганини эълон қилади — ахир, сенат ва рим халқи ноҳақ жазоланганларни ҳамиша оқлаган ва улар нотўғри жазоланганлар, дея эълон қилган. Улар буюк одамлар бўлишган, исмлари Ричмел Мегноллнинг саволномасида битилган. Тарихда ҳам, Питер Парлининг Юнонистон ва Рим ҳақидаги ҳикояларида ҳам шундай одамлар ва уларнинг ишлари ҳақида айтилган. Биринчи бетдаги суратда Питер Парленинг ўзи чизилган. Суратда текисликдаги икки томонини ўт-ўланлар ва буталар қоплаган йўл тасвирланган, Питер Парле эса протестантлар руҳонийсига ўхшаб, соявони кенг-мўл шляпада, қўлида йўғон ҳасса билан Юнонистонга ва Римга олиб борадиган йўлда жадал одимлаб бораётир.

Ахир, бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ — ректорнинг олдига кириб, бор гап айтилади, холос. Бу осон: тушлиқдан ҳамма билан бирга чиқади, даҳлиздан юрмайди, аксинча, қасрга бориладиган зинадан кўтарилади: шундан сўнг ўнгга бурилса бўлди, бир зумда пастқам, ғира-шира, тор даҳлизда пайдо бўлади, бу жойдан ректорнинг хонаси бир қадам.

Қандай бўларкан? У юқори синф болаларининг столдан туришаётганини эшитди: ошхона ўртасидаги поёндоз устидан юриб бораётган болаларнинг қадам товушлари эшитилди. Ана Педди Рет, Жимми Межжи, ана испан бола, португал бола ҳам кетаяпти, бешинчи бўлиб Корриген бораётир, Корригенни мистер Глисон савалайди. Инспектор Долан эса уни

найрангбоз деб ҳақорат қилди ва ҳеч бир сабабсиз савалади: Стивен йиғидан қизариб кетган хира кўзларига зўр бериб, Корригеннинг кенг елкаларига қаради. Корриген қора бошини осилтириб ҳаммадан орқада у билан ёнма-ён бораётир. Бироқ Корригеннинг ўзидан ҳам ўтдида, ҳарқалай, мистер Глисон уни жонини ачитиб урмайди. У Корригеннинг ҳаммомда жуда басавлат кўринганини эслади. Унинг териси торф рангидай, худди ҳовуз четидаги саёз лойқа сув тусига ўхшайди, йўлакдан юриб ўтганида оёқлари хўл плиталар устида гурс-гурс этади, қадам ташлаганда сонлари лорсиллайди, чунки у семиз.

Ошхонанинг ярми бўшаб қолди, болалар турнақатор тизилишиб эшикка қараб боришаётир. У зинадан тўғри юқорига қараб юради, чунки ошхонанинг эшиги ортида ҳеч қачон назоратчим, инспектор ҳам бўлмайди. Йўқ, бормагани маъқул. Ректор барибир инспекторнинг тарафини олади, булар бари найранг, дейди, бунинг устига инспектор ҳар кун келади-ку, баттар бўлади кейин, ректорга шикоят қилган шу болами, деб ёмон кўриб қолади уни. Болалар уни боришга ундашяпти-ю, бироқ ўзларига қолса боришмасди. Улар ҳаммасини унутиб юборишган аллақачон. Йўқ, бормайди, уям унутгани маъқул. Айтганча, инспектор ҳар куни келаман деб шунчаки пўписа қилдимикан. Йўқ, бормагани тузук, яхшиси инспекторнинг кўзидан панароқда юради, нега деганда, кичкина бўлсанг, кўзга илинмасанг сенга тегишмайди.

Унинг столидаги болалар кўзғалишди. У ўрнидан туриб, болаларнинг ортидан эшикка юрди. Ҳал қилиш керак. Мана, эшикка яқинлашиб қолди. Агар болаларга эргашиб яна озгина юрса ўтиб кетади — ректорнинг хонасига боролмайди, чунки кейин спорт майдончасидан қайтиб келишнинг иложи бўлмайди. Ректорга борсам, барибир, жазолашади, ҳамма унинг ғашига тегади, инспекторнинг устидан ректорга шикоят қилган тирранча Дедалус шу, деб гап қилиб юради.

У поёндоздан юриб эшиккача борди. Йўқ. Бормаслик керак. У бундай қилолмайди. Стивен инспекторнинг кал бошини, ўқрайган раҳмсиз кўзларини эслади ва қулоғига унинг исм-шарифинг нима, деган товуши қайта-қайта эшитилди. Нега у бир марта айтганда эслаб қололмади? Эслаб қололмагани учун қайта сўрадимикан ё исм-шарифини масхараламоқчи бўлдимикан? Тарихда ўтган буюк кишиларнинг исм-шарифлари уникига ўхшайди, бироқ ҳеч ким уларни масхаралаб кулмайди-ку. Калака қилгиси келган бўлса, ўзининг исм-шарифидан кулсин. Долан — уларнинг уйига кир ювиш учун келиб юрадиган бир хотиннинг исм-шарифига ўхшайди.

У тор, қоронғи даҳлиздан юриб, ҳужраларнинг пастак эшикчалари ёнидан ўтди. Фира-шира қоронғуликда ўннга, чапга аланглаб бораётиб, бу ердаги деворларда суратлар бўлиши керак, деб ўйлади. Атроф қоронғи ва жим-жит эди, унинг кўзлари яхши кўрмас, йиғидан шишиб кетган, шу сабабдан у ҳеч нарсани ажратолмасди. Бироқ жамоанинг улуғ кишиларининг суратлари девордан унга қараб тургандай туюлди: авлиё Игнатий Лоёла қўлида очиқ китоб, шаҳодат бармоғи билан “Ад Можорем Деи Глориам”<sup>\*2</sup> иборасини кўрсатиб турибди, авлиё Франтсиск Ксаверий кўксига ишора қилган, бошига мовут қалпоқ кийган Лорентсо Риччи синф назоратчисининг ўзгинаси, художўй ўғлонларнинг уч нафар ҳомийси — авлиё Станислав Костка, авлиё Алоизий Гонзага ва саодатманд Иоанн Берхманс — учаласи ҳам навқирон қиёфада, чунки улар навқирон ёшда қазо қилишган, ҳазрат Питер Кенни эса оромкурсида кенг-мўл плашига ўраниб ўтирибди.

У кираверишдаги майдончага чиқди ва аланглаб атрофга кўз ташлади. Мана шу ердан ўтган Гамилтон Роуен, аскарлар отган ўқларнинг изи бор эди бу ерда. Кекса хизматкорлар маршалнинг оппоқ либосига бурканган арвоҳини шу ерда кўришган.

Кекса хизматкор майдончанинг бир четини супураётган эди. У қариядан ректорнинг хонаси қаерда деб сўради, қария қарши томондаги охирги эшикни кўрсатди ва у юриб келиб, эшикни тақиллатгунча орқасидан кузатиб турди.

Ичкаридан ҳеч ким жавоб қилмади. У қаттиқроқ тақиллатди ва ичкаридан бўғиқ овоз эшитилганда юраги шув этиб кетди:

— Кираверинг.

У эшикнинг тутқичини буради, эшикни очди ва ичкаридаги яшил наMAT қопланган иккинчи эшикнинг тутқичини излаб пайпаслади. Тутқични топиб босди ва хонага кирди.

Ректор столда ёзиб ўтирарди. Столда бош суюги турибди, хонада эски оромкурсига қопланган терининг ҳидига ўхшаган ғалати ҳид бор эди.

Бундай табаррук жойга кириб қолганидан ҳаяжонланиб ва хонадаги вазмин сукунат босиб, юраги тез уриб кетди: у столдаги бош суюгига ва ректорнинг мулойим чехрасига қаради.

— Хўш, болакай, нима гаплар? — сўради ректор. — Тинчликми?

Стивен энтикиб, томоғига тикилган ҳаяжонни ютаркан деди:

— Мен ўзимнинг кўзойнагимни синдириб қўйдим, сер.

Ректор оғзини очди ва таажжубланган оҳангда деди:

— Ў!

Кейин кулиб туриб деди:

— Начора, модомики кўзойнагимизни синдириб қўйган эканмиз, демак, энди уйга хат ёзишга тўғри келади, янгисини юборишсин.

— Мен уйимизга хат ёздим, сер, — деди Стивен, — ҳазрат Арнолл ҳам айтдилар, уйдагиларинг янги кўзойнак юборишгунча ёзмай тургин, дедилар.

— Яхши, жуда яхши, — деди ректор.

— Бироқ...

— Хўш?

— Ҳазрат Долан бугун келиб, мени машқни ёзмаганим учун савалади.

Ректор бир сўз демай унга қараб турди, Стивен юзларига қон югураётганини ҳис қилди, шу дамда кўзларидан ёш тирқираб кетадигандай туюлди.

Ректор айтди:

— Сенинг исм-шарифинг Дедалус, шундайми?

— Ҳа, сер.

— Қаерда синдирдинг кўзойнагингни?

— Юрадиган йўлакчада, сер. Бир бола велосипедда мени уриб юборди, мен йиқилиб тушдим, кўзойнагим учиб кетиб синди. Мен у боланинг исм-шарифини билмайман.

Ректор яна бир муддат чурқ этмай унга тикилиб қолди. Кейин кулиб туриб, деди:

— Менимча, бу ерда англашмовчилик бўлган, ҳазрат Долан билмаган-да.

— Мен унга айтдим, сер, кўзойнагимни синдириб қўйдим дедим, бироқ у мени жазолади.

— Сен уйингга хат ёзиб юборганингни унга айтдингми?

— Йўқ, сер.

— Ана, кўрдингми, демак, ҳазрат Доланга тушунтириб айтмагансан. Унга айтгин, мен сени бир неча кунга машғулотлардан озод қилдим.

— Раҳмат, сер, бироқ ҳазрат Долан айтди, эртага у яна келаркан, мени яна уради.

— Яхши, — деди ректор, — англашмовчилик бўлибди-да, ҳазрат Долан билан ўзим гаплашаман. Хўш, бўлдимми?

Стивен кўзларини ёш қоплаганини сезди ва пичирлаб деди:

— Ҳа, бўлди, раҳмат, сер.

Ректор столнинг бош суюги турган тарафидан қўлини узатди ва Стивен бир лаҳза унинг совуқ, ҳўл кафтини ҳис қилди.

— Хўп, хайр, — деди ректор қўлини оларкан, бош ирғаб.

— Хайр, сер, — деди Стивен.

У таъзим қилди ва хонадан астагина чиқиб, ортидан иккала эшикни ҳам секин, авайлаб бекитди.

Бироқ майдончада кекса хизматкорнинг ёнидан ўтиб, яна пастқам, тор ва қоронғи даҳлизга келганда қадамини тезлатди. У тобора қичаб, ғира-шира қоронғиликда шошиб-пишиб, энтикиб,

тез-тез юра бошлади. Даҳлизнинг охиридаги эшикни тирсаги билан итариб очди-да, зинадан югуриб тушиб, яна иккита даҳлиздан чопиб ўтди ва — ташқарига отилиб чиқди.

У майдонда ўйнаётган болаларнинг қийқириқларини эшитди. Ўзини тўхтатолмай югуриб кетди ва шу чопишда югурадиган йўлакдан ўтди-да, майдончага етганда нафаси тикилиб, ўзининг синфи олдида тўхтади.

Унинг чопиб келаётганини болалар кўриб туришганди. Улар дарҳол Стивенни қўрғалаб ўраб олишди, гапини яхшироқ эшитиш учун бир-бирларини туртиб-сура бошлашди.

— Хўш, айт қани, нима бўлди?

— У нима деди?

— Кирдингми олдига?

— У нима деди?

— Айт қани, нима бўлди?

У болаларга ўзи нима деганини ва ректор нима деб гапирганини айтиб берди. Гапини тугатиши билан болалар бир варакайига фуражкаларини осмонга ирғитишиб, қичқириб юборишди:

— Ур-ра!..

Улар фуражкаларини илиб олишиб, яна осмонга қараб ирғитишди ва яна қичқиришди:

— Ура! Ура!

Кейин бир-бирларининг қўлларини чалиштириб ушлашиб, устига уни кўтариб ўтқазишди ва то ўзи сакраб тушиб қочиб кетганча кўтариб чопишди. У ўзини ерга ташлаб бир четга қочгандан сўнг болалар ҳар ёққа сочилиб, ётган жойларида яна фуражкаларини осмонга ирғитишди ва фуражкалари ҳавога кўтарилганда ҳуштак чалиб, қичқиришди:

— Ура!

Кейин улар уч марта кал Доланга қарши ғазаб билан ҳайқиришди ва яна уч бор Конми шарафига “ура” айтишди ва уни Клонгоус коллежи тарихида энг зўр ректор, деб эълон қилишди.

Майин бўзранг ҳавода олисдан келаётган қийқириқлар товуши тинди. У ёлғиз ўзи ўтирибди. Елкасидан оғир юк тушгандай енгил, вақти чоғ. Бироқ барибир у ҳазрат Доланнинг олдида кеккаймайди, интизомли ва итоаткор бола бўлади. Кўнглида ҳазрат Доланга бирор-бир яхшилик қилгиси, такаббурлик қилмаётганини билдиргиси келди.

Ҳаво майин, булутли ва сокин эди: қош қорая бошлаганди. Кечки салқин турди, қишлоқда дала ҳавоси шунақа ёқимли бўлади, улар далада маёр Бартоннинг чорбоғида шолғом кавлашди, шолғомни шу ердаёқ тозалашиб, йўл-йўлакай ейишди: айвонча ортидаги, мозилар ўсадиган ўрмондан шунақа ёқимли ҳид таралади.

Болалар узоқдан ва яқиндан тўп оширишни машқ қилишяпти. Булутли майин ҳавода дуккиллаган паст товуш қулоққа чалинади ва бу осойишталикни бузиб, ҳар тарафдан кркет таёғининг зарбалари эшитилди: пик, пок, пак — худди фавворадаги сув томчиси лиммо-лим ҳовузга оҳиста томиб тушаётгандай.

---

\*1 Ва бегона дастгоҳга интилди-ку руҳ (лот).

\*2 “Тангрини боз шарафламоқ чун” (лот.) — иезуит ордени шиори.

## ИККИНЧИ БОБ

Чарлз тоға чекадиган тамаки шу қадар аччиқ эдики, охир-оқибат унга боғнинг этагидаги саройчага бориб, эрталабки кайфини ўша ерда қилишини тайинлашди.

— Зўр, Саймон. Жуда соз! — деди қария босиқлик билан. — Қаерда бўлганда-чи. Саройда бўлса сарой-да, қайтага яхши.

— Ҳе, жин урсин, — деди қизишиб мистер Дедалус, — бу бемаъни нарсани оғзингизга қандай



оласиз, ҳеч ақлимга сиғдиролмайман. Ахир, бу заҳри қотилнинг ўзгинаси-ку, худо ҳаққи! — Ажойиб тамаки, Саймон, — деди қария, — баданни юмшатади, кайфни чоғ қилади. Ўшандан бери Чарлз тоға ҳар куни эрталаб сочларини ҳафсала билан орқага тараб-текислаб, бошига гард қолдирмай тозаланган тсилиндрни кўндиргач, ўзининг саройига йўл олади. У чекиб ўтирганда эшикнинг тирқишидан тсилиндрнинг бир чети ва трубкасининг бошчаси кўриниб туради. Менинг бошпанам, дейди у бадбўй саройчани, бу ерда яна мушук ва боғда ишлатиладиган асбоб туради, шунингдек, бошпанаси унга ашула машқ қиладиган студия вазифасини ҳам ўтайди ва ҳар куни эрталаб у ўзининг яхши кўрган кўшиқлари: “Шох-шаббалар кўланкаси чекинди” ёки “Мовий кўзлар, олтин сочлар”, ё бўлмаса “Бларни дарахтзори”ни берилиб, димоғида минғирлаб хиргойи қилади, кулранг ва зангори тутун ҳалқалари эса трубкадан оҳиста ўрмалаб, очиқ ҳавога сингиб кетади.

Ёзнинг биринчи ярмида Блекрокда Чарлз тоға Стивеннинг содиқ ҳамроҳига айланди. Чарлз тоға қорувли, юзларидан қатъияти аниқ кўриниб турадиган, офтобда тобланган, оппоқ чакка соқолли чол эди. Дам олиш ва байрамдан бошқа кунлари унга озик-овқатга буюртма бериб келиш вазифаси юкланар, у уйдан чиқиб, Керисфорт-авенюга, шаҳарнинг шоҳ кўчасидаги, одатда, оила зарур нарсаларни харид қиладиган дўконга йўл оларди. Стивен у билан дўкон айланишни яхши кўрарди, чунки Чарлз тоға йўл-йўлакай очиқ қутиларга, катта ёғоч челақларга тўлатилган мева-чевалардан олиб унга улашарди. Бир бош узумни хас-хашаги билан чангаллаб кўтарган ёки икки-уч дона олмага қўл солган ва уларни болага бажонидил ҳадя этган пайтлари бўлган. Бундай пайтда сотувчи тиржайиб қўяди; агар Стивен ўзини олгиси келмаётгандай кўрсатса, сотувчи қовоғини солиб дейди:

— Олаверинг, сер, эшитаяпсизми гапимни! Ичак-човоққа нафи бор бунинг!

Буюртма қабул қилиб олингандан сўнг улар боғга йўл олишарди, боғда уларни Стивеннинг отасининг эски ошнаси Майк Флинн скамейкада кутиб ўтирган бўларди. Шу ердан Стивен боғни айланиб югура бошларди. Майк Флинн қўлида соат билан вокзалга юриладиган йўлак бошида турар, Стивен эса боғни айланиб, Майк Флинннинг қоидаси бўйича — бошини ғоз тутиб, тиззаларини баланд кўтариб, қўлларини икки биқинига тираган ҳолда югурарди. Эрталабки югуриш тугагандан сўнг мураббий унга хатоларини уқтирар ва баъзан қандай югуриш кераклигини кўрсатиш учун эски кўк каноп туфлида, оёқларини бир-бирига уриб, завқ билан бир неча қадам югурарди. Гарчи унга отаси бизнинг замоннинг энг зўр чопағонлари Майк Флинннинг қўлида тарбия топган, деб айтган бўлса-да, Стивен устозининг сўлғин, тикандай тук босган юзига, тамаки ўрайвериб сарғайиб кетган узун бармоқларига ачиниб кўз ташлаб қўяр, қаварган узун бармоқлари тамаки ўрашдан тўхтаганда, тамаки увоқлари шувиллаб халтачага тўкилиб тушаётганидан беҳабар ҳолда туйқусдан узоқ-узоқларга ўйчан термилиб қараб қоладиган зангор хира кўзларига қарарди.

Уйга қайтаётганларида Чарлз тоға кўпинча черковга кирарди. Бу ердаги муқаддас сув солинган идишга Стивеннинг қўли етмасди, шунда чол идишга қўлини ботириб олиб, тез-тез силкиб Стивеннинг уст-бошига ва черковнинг эшиги олдига сув сачратарди. Чўқина туриб у тиз чўқарди, бунгача қизил дастрўмолини ёзар ва ҳар бир саҳифасининг тагига дуонинг илк сўзлар битилган, эскириб қорайиб кетган дуолар китобига қараб пичирлаб овоз чиқариб ибодат қиларди. Стивен унинг тақводорлигига хайрхоҳ эмасди, бироқ чолнинг эътиқодига ҳурмат юзасидан ёнида тиз чўкиб ўтирарди. У кўпинча: Чарлз тоға нега бунчалик берилиб дуохонлик қиларкан, деб ўйларди. Эҳтимол, аросатда қолган руҳларга Яратгандан шафқат тилар ёки охирини осон қилишини илтижо этар, балки Коркда ўзи шамолга совурган катта бойликнинг ҳеч бўлмаса бир бўлагини қайтариб беришини Яратгандан ўтиниб сўрар.

Якшанба кунлари Стивен отаси ва тоғаси билан бирга сайрга чиқарди. Оёғидаги қадоқларига қарамай чол бемалол яёв юрарди ва кўпинча улар ўн, баъзан ҳатто ўн икки мил йўл босиб қўйишарди. Стиллорген қишлоқчасида йўл иккига ажраларди. Улар ё чапга, Дублин тоғлари тарафга қайрилишар ёки Гоутстаунга қараб юриб, у ёқдан Дандремга ўтиб ва Сендифорд

орқали уйга қайтишарди. Юриб бораётиб ёки оёқларини совутиш учун йўл четидаги бирор-бир ошхонага бош суқишганда катталар ҳар доимдагидай ўзларининг яхши кўрган мавзулари — Ирландиядаги сиёсий масалалар ҳақида, Манстер ёки бир пайтлар оилада бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида гапга тушиб кетишарди, Стивен эса уларни жон қулоғи билан тингларди. Тушунарсиз сўзларни у ичида қайта-қайта такрорлар, ёдлаб олгунча тинчимасди ва атрофидаги дунёни уларнинг гап-сўзларидан тушуниб олишга шу тариқа оз-оздан ўрганиб борарди. Назарида, дунё ишларида ўзи ҳам иштирок этадиган вақт-соатлар яқинлашиб қолгандай туюлар ва у зимдан улуғ ишга тайёрлана бошлаган, бу улуғ иш ўзининг тақдир-пешонасига битилганини кўнглида ҳис этар, бироқ моҳиятини ғира-шира тасаввур қилар эди. Тушлиқдан кейин унинг ихтиёри ўзида бўларди: эскириб тўзиган китобни — “Граф Монте-Кристо”нинг таржимасини ўқишга бериларди. Бу қайғули қасоскор образи унинг тасаввурида болалигида хаёл қилган тушунарсиз ва кўрқинчли нарсаларга боғланиб кетарди. Кечалари у меҳмонхонадаги стол устида қоғозга кўчириладиган суратлардан, қоғоз гуллар, рангли юпка қоғозлар ва шоколад ўрайдиган ялтироқ қоғоз тасмачаларидан оролдаги ваҳимали ғор шаклини ясарди. Кейин бу иншоотни, сохта ялтироқлигидан юраги сиқилиб, бузиб ташларди ва шунда кўз ўнгида Марселнинг ёрқин манзараси, қуёш нурлари тўкилиб турган боғ теварагидаги тўсиқлар ва Мерседес пайдо бўларди.

Блекрок ортида, тоққа олиб борадиган йўлда, атиргуллар ўсадиган боғда кичкина оқ уйча бор, бу уйчада, дерди у ўзига-ўзи, бошқа бир Мерседес яшайди. Сайр қилгани чиқаётиб ёки уйга қайтиб келаётиб, у ўша жойгача бўлган масофани ўзича чамалар ва хаёл-орзусида худди китобдагидай, узундан-узоқ ғаройиб саргузаштларни бошдан кечирар, охирида эса ўзи пайдо бўларди: мана у — қариб қолган ва ғамгин, ой ёғдусига чўмган боғда Мерседес билан ёнма-ён турибди, кўп йиллар олдин қиз унинг муҳаббатига хиёнат қилган ва у ҳасратга тўлиб, бироқ мағрур туриб деди:

“Хоним, мен мускат узумини тановул этмайман”.

У Обри Миллз деган бола билан дўстлашди ва у билан биргаликда боғда саргузашт ишқибозлари иттифоқини тузди. Обри камзулининг ёқаси устидан ҳуштак, белидаги камарига велосипеднинг кичкина чироғини осиб олган, бошқа болалар камарларига калта таёқчаларни ханжарга ўхшатиб тиқиб олишган. Стивен бир жойда Наполеоннинг оддий кийинишни маъқул кўргани, бўлар-бўлмас нишонлардан воз кечганини ўқиган эди ва бу унга аскарлари билан кенгаш ўтказганда айрича қониқиш бағишларкан. Иттифоқ аъзолари алвастилар чорбоғига ҳужум уюштирар ёки қасрдаги кўрғончага жам бўлишиб, йўсин қоплаган пахмоқ харсанглар устида жанг қилишарди: кейин ҳориб-толиб уй-уйларига қайтишар, думоғларига суви эскириб айний бошлаган ҳовузнинг бадбўй хиди ўтириб, қўллари, бошлари бақатўнларнинг аччиқ шилимшиқ ширасига буткул беланиб қоларди.

Обрига ҳам, Стивенга ҳам сутни фақат бир киши олиб келарди ва улар тез-тез аравада у киши билан бирга Каррикмайнзга боришарди, сигирлар шу ерларда ўтлаб юрарди. У сигирларни соғиб олгунча болалар навбат билан ювош бияга миниб, далани айланарди. Бироқ куз келиб, сигирларни даладан молхонага ҳайдаб кетишди ва Стивен Стредбуркдаги сасиб ётган молхонани бир кўриб қолди — бижғиб ётган кўлмаклар, уюб ташланган суюқ гўнг, охурларда кепак қорилган емишдан кўтарилаётган буғдан сал бўлмаса ичи ағдарилаёзди. Қуёшли кунларда ям-яшил қирларда ёйилиб ўтлаб юрган сигирларни кўрганда кўзи қувонарди, энди молни кўрса жирканадиган, ҳатто сутга ҳам қайрилиб қаролмайдиган бўлиб қолди.

Бу йил сентябрнинг яқинлашиб келаётгани унинг дилини сиёҳ қилмасди, чунки энди Клонгоусга қайтиб боришининг ҳожати йўқ. Майк Флинн касалхонага ётди, шу билан боғдаги машқлар ҳам барҳам топди. Обри мактабга қатнай бошлади, унга ўйнаш учун фақат тушдан сўнг бир соатгина рухсат беришарди. Иттифоқ ҳам тарқаб кетди, алвастилар чорбоғига ҳужумлар, харсанглар устида жанг қилишлар ҳам тугади. Баъзан Стивен сутчи билан кечқурун соғилган сутни тарқатиш учун аравада бирга юрар, кечки салқинда эсан совуққина шабада

молхонанинг қўланса ҳидини хотирасидан қувгандай бўлар, пичан боғламлари ва сутчининг уст-бошига илашган молнинг юнларидан энди жирканмасди. Арава бирор уй олдига келиб тўхтаганда: ҳозир эшик очилиб, бир зум ялтиратиб тозаланган ошхона ёки ёп-ёруғ даҳлиз кўринади, ичкаридан хизматкор аёл чиқиб, кўзчасини қўяди-да, эшикни беркитади, деб кутиб қараб турарди. Бироқ айна шундай— унинг юрагини сиқиб, боғда машқ қилаётганида туйқусдан оёқларидан мадорини қуритадиган гумон туйғуси, устози Майк Флинннинг узун, сарғайиб кетган, қадоқли бармоқларига, маъюс эгилган сўлғин, тикандай тук босган юзига умидсиз қарашга мажбур этадиган хавотир ҳисси келажак ҳақидаги ширин орзуларини тўзғитиб юборарди. Отасининг ишлари чатоқлигини у оз-моз пайқаган эди: шунинг учун ҳам уни Клонгоусга жўнатишмади. Яқиндан бери уйларида рўй бера бошлаган баъзи бир нохушликларни у сезиб юрарди, бу ўзгаришлар унинг назарида жуда мустаҳкам бўлиб кўринган нарсаларни бирин-кетин бузиб ташлаётгани ҳар сафар унинг дунё ҳақидаги болаларча тасаввурига сезиларли зарба бўлиб тушарди. Гоҳи-гоҳида қўзғаладиган иззатталаблик туйғуси юрагининг туб-тубида ғимирлаб қўяр ва юзага чиқиш учун йўл қидирмасди. У от туёқларининг дупирига, Рок-роудга томон темир излардан келаятган кўнка-вагонларнинг тарақ-туруқига қулоқ солганда, шундоқ ортида тарақлаб юмалаб тушган каттакон тунука идишнинг шовқинини эшитганда онгини, ерни қоплаган шом пардасидай, қоронғулик чўлғаб оларди. У хаёлида Мерседеснинг ёнига қайтар ва кўз олдига қизнинг қиёфаси жонланганда томирларида ғалати бир безовталиқ уйғонарди. Аҳён-аҳёнда вужудини аллақандай ҳаяжон забт этар ва уни беихтиёр шом қоронғуси қоплаган сокин кўчаларига қувиб соларди. Боғлардаги осудалик, деразалардан ёғилиб турган нурафшон ёғдулар ҳаяжондан ҳаприқаётган юрагига тасалли берарди. Ўйнаб юрган болаларнинг қий-чувлари унинг ғашини қўзғар, уларнинг аҳмоқона бақириқ-чақириқлари эса унга, Клонгоусдагидан кўра ҳам қатъироқ тарзда, ўзининг ҳечам бошқаларга ўхшамаслигини ҳис этишга мажбур қиларди. Унинг ўйнагиси келмасди. У ўзи кўриб турган мана шу ҳақиқий ҳаётда юрагини бесаранжом қилаётган ўша тутқич бермас қиёфани учратгиси келарди. Уни қаердан, қандай излаб топишини билмасди. Бироқ ҳеч қандай заҳмат чекмаса-да, бир куни ўша қиёфа қаршисида пайдо бўлишини кўнглида сезарди. Шунда иккаласи, гарчи бир-бирини олдиндан билишса-да, олдиндан бирор-бир шийпон остидаги ёки бошқа хилватроқ жойда учрашишга аҳдлашган бўлишса-да, албатта, хотиржам кўришишади. Фақат иккаласи бўлади — атроф эса қоронғу ва жим-жит; ана шу беқиёс файзу тароватли лаҳзада у қайта туғилади. У қизнинг кўз ўнгида бир зум ғойиб бўлади, жонсиз, танасиз шаффоф руҳга айланади ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ қайта яралади. Бўшанглиги, маъюслиги, тажрибасизлиги ана шу сеҳрли лаҳзада уни буткул тарк этади. Бир куни эрта тонгда дарвоза олдига бир жуфт сариқ соябон арава келиб тўхтади ва одамлар оғир-оғир қадам ташлашиб уйга киришди, улар жиҳозларни олиб кетиш учун келишганди. Мебелни аравага гулзорни босиб кўтариб олиб ўтишди, гулзорда похол ва ип-арқонларнинг узук-юлуқ парчалари сочилиб ётарди. Жиҳозларни юклаб бўлишгач, аравалар тарақлаганча кўчада юриб кетди. Йиғламсираган онасининг ёнида ўтирган Стивен кўнканинг деразасидан Мерион-роуд бўйлаб йўртиб кетишаётганини кўрди. Ўша куни кечқурун меҳмонхонадаги каминни ёқиш қийин бўлди, мистер Дедалус темир косов билан каминни қовлаштирди, кўмирнинг олов олишини кутиб турди. Чарлз тоға бўшаб қолаётган, тўшанчилари йиғиб олинган хонанинг бир бурчагида мудраб ўтирибди. Столдаги чироқ юк ташувчилар оёқ излари қолган кир-чир полни хирагина ёритади. Стивен отасининг ёнида кичкина курсида, унинг ўзига-ўзи айтаётган узук-юлуқ гапларни эшитиб ўтирибди. Авваллари у кам нарсани тушунар ё умуман ҳеч нарсани тушунмас эди, бироқ аста-секин отасининг душманлари борлигини ва қандайдир кураш бўлиши кутилаётганини илғай бошлади. У ўзини ҳам бу курашга тортишаётганини, унга ҳам аллақандай мажбурият юкланаётганини сизди. Унинг орзуларини, Блекрокдаги осойишта ҳаётини остин-устун қилиб юборган кутилмагандаги кўчиш, туман босган файзсиз шаҳардан аравада юриб ўтганлари, энди улар

яшайдиган, саромжон-сарихтасиз яп-яланғоч уй ҳақидаги ўйлар юрагини сиқарди. Шундай дамларда яна қандайдир бир нур, келажакдан умидворлик туйғуси унга куч бағишлади. У энди хизматкор аёлларнинг даҳлизда нега сирли пичирлашганини, отасининг нега камин тагига тўшалган гиламча устида тик туриб оловга орқасини тутиб, овози борича Чарлз тоғага бир нималарни уқтирмақчи бўлгани-ю, Чарлз тоғанинг уни ўтиришга, овқатланиб олишга кўндирмақчи бўлиб уринганларининг сабабини биларди.

— Мен ҳали таслим бўлганим йўқ, Стивен, ўғлим, — дерди мистер Дедалус косов билан каминдаги милтиллаб турган оловни асабий қўзғаркан, — ҳали биз курашамиз, жин урсин (ўзинг кечиргайсан, тангрим), ҳа, ҳали шундай жанг қилайликки!

Дублин янги ва нотаниш жой эди. Чарлз тоға шу қадар уқувсиз бўлиб қолдики, уни топшириқ билан бирор жойга ишониб жўнатишнинг иложи йўқ эди, боз устига, кўчиб келишгандан сўнг уйда авж олган бесаромжонлик ва ташвишлардан Стивен, Блекрокдагидан кўра ҳам, бекорчи бўлиб қолди. У дастлаб қўшни уй олдидаги майдончани айланишга журъат этди, бир тор кўчанинг ярмигача бора олди, бироқ кейин хаёлида ўзича шаҳар планини чизган бўлиб, марказий кўчалардан бирига чиқиб олди ва дадил юриб божхонагача борди. У дарё қирғоғидаги кемалар таъмирланадиган устахоналар ёнида шунчаки сандирақлаб юрди, сув бетидаги қалин сарғайган кўпик ичида қалқиб турган бир талай пўкак-сузгичларга, бандаргоҳда уймалашиб турган юк ташувчиларга, тарақлаб бораётган аравалару пала-партиш кийинган, соқолли политсиячиларга ажабланиб қаради. Қирғоққа уюб ташланган ёки кемаларнинг ичида осилиб турган той-той нарсалар унга ҳаётнинг залворли ва фавқулодда ғалатилигидан дарак берар, тагин қалбида кечқурунлари боғдан боққа Мерседесни қидириб изғишга мажбур этадиган ўша безовта туйғуни қўзғар эди. Ва бу янги гуллаган қайноқ ҳаёт ичида у Марселни ҳам тасаввур қила олиши мумкин эди, бироқ бу ерда на шишадай тоза осмон ва на қуёш нури ярақлаб турган вино дўконларининг панжарасимон деразалари бор. У қирғоққа назар ташлаганида, дарёга ва ер бағирлаб турган осмонга қараганида ичида мубҳам бир ғашлик тошиб келар, бироқ у барибир ҳар куни шаҳарни изғишини канда қилмас, гўё ўзига чап бераётган кимнидир излаётгандай тиниб-тинчимас эди.

У икки марта онаси билан қариндошларининг уйига меҳмонга борди ва ҳар гал мавлуд байрами учун безатилган — ярқираб нур сочиб турган савдо растаси ёнидан юриб ўтилган бўлса-да, чиройи очилмади, ғамгин кайфият уни тарк этмади. Ғамгинлигининг эса ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабаблари кўп эди. Ўзининг ҳали кичик экани унга алам қилар, аллақандай аҳмоқона тийиқсиз эҳтиросларга берилиб қолишлари, уйларида ҳаёт маромининг ўзгариб кетгани орзу-ўйларини остин-устун қилиб, дарду дунёсини фавқирона ва сохта бир нимага айлантириб қўйгани уни пушаймонга соларди. Бироқ алам ва пушаймонлар унинг теварак-атрофдаги оламни англай бошлаган идрокига йилт этган янгилик олиб кирмади. У нимаики кўрган бўлса, барчасини чидам билан, оғриниб кўнглидан ўтказар ва бу оғир кайфият зимдан унинг қон-қонига сингиб борарди.

У холасиникида, ошхонада курсида ўтирарди. Каминнинг ортидаги локланган деворда қалпоқли чироқ осилиб турар ва унинг ёруғида холаси тиззасига ташлаган оқшомги газетани ўқирди. Холаси кулиб тушган аёллар суратига узоқ қараб турди, кейин ўйчан оҳангда деди: — Гўзал Мейбл Хантер.

Кўнғироқсоч қизалоқ оёқларининг учига кўтарилиб, суратга қаради-да, секингина сўради:

— Бу қайси пиесада, оий?

— Пантомимада, қизалоғим.

Қизча кўнғироқсоч бошчасини онасининг қўлига қўйди ва суратга қараб, гўё сеҳрланиб қолгандай шивирлади:

— Гўзал Мейбл Хантер!

Айёрона кулиб турган бу қув кўзлардан, гўё сеҳрланиб қолгандай, қизча кўзларини узолмай турди ва ҳаяжонланиб пичирлади:

— Вой, қандай чиройли!

Кўчадан елкасида бир қоп кўмир билан оғир қадам ташлаб букчайиб кириб келган бола унинг гапини эшитди. Бола елкасидаги қопни ерга чаққон ташлаб, югуриб келди. У қизаринқираган, кўмирдан қорайган қўллари билан газетани ўзига тортди ва қизчани четроққа суриб, ўзига кўринмаётганидан нолинди.

Стивен деразалари қорайган эски уйнинг тепа қаватида энсиз тор ошхонада ўтирибди.

Ўчоқдаги олов акси деворда жилпанглаб ўйнапти, дераза ортида дарёни қоплаган шом қоронғуси қуюқлашаётир. Кампир ўчоқ олдида куймаланади, чой дамламоқчи: у ишидан бошини кўтармай руҳоний билан доктор нима дейишганини секин гапириб берапти. Ва яна кампир беморнинг аҳволи қай томонга ўзгараётгани, ҳаракатлари, гап-сўзларидаги ғалати аломатларни ҳам айтаётир. У бу гапларни эшитаяпти, хаёли эса қаршисида милтираётган кўмир уюмида — қасрлар ва саройлар ичида эгри-бугри узун йўлақлар ва тор, зимистон ғорларда кечаётган олатасир саргузаштлар билан банд.

Туйқусдан у эшик олдида аллақандай шарпани сезди. У ерда, ғира-ширада, қия очиқ эшикнинг қоронғу тирқишида бир бош кўринди. Маймунбашара ғариб мавжудот ўчоқ бошидаги овозларга музтар бўлиб турибди. Инграган овоз сўрайди:

— Жозефинами бу?

Куймаланаётган кампир, ўчоқ бошидан жилмай, дадил жавоб қайтаради:

— Йўк, Эллен, бу Стивен!

— Ҳа... салом Стивен.

У саломга алик олади ва эшикдаги башарада маънисиз табассумни кўради.

— Сенга бирор нима керакми, Эллен? — сўрайди кампир.

Бироқ у, саволга жавоб бермай, дейди:

— Мен бу Жозефина, деб ўйлабман. Мен сизни Жозефина дебман, Стивен. — Қиз буни бир неча бор такрорлайди ва сездирмай қиқирлаб кулади.

У Харолд-кроссдаги болалар байрамида ўтирибди. Одамови сергак кайфият тобора уни ўз таъсирига олаётир, у ўйинларга деярли қўшилмаяпти. Болалар бошларига қалпоқ кийиб олишиб, сакрашиб рақс тушаётир, унинг ўйин-кулгиларга қўшилгиси келаётган бўлса-да, барибир бу серзавқ даврада ола-була қалпоқлар орасида ўзини бегонадай, ғамгин ҳис этади. Бироқ ўзи тайёрлаган қўшиқни айтиб бериб, тинчгина бурчакка келиб қулай ўрнашиб олгач, ёлғиз ўтиргани ўзига ёқди. Бошида унга сохта ва бемаънидай туюлган хурсандчилик оқшоми энди туйғуларини эркалаётган, бегона кўзлардан сир тутишга уринаётган эҳтиросига тасалли бераётган ёқимли шабададай ҳузур бағишлар, боз устига, ашула айтиб рақсга тушаётган болалар орасидан, мусиқа ва ўйин-кулгилар ичида қизнинг у ўтирган бурчакка қадалиб-қадалиб қараётган меҳрли, бесаранжом ва айни дамда интизор нигоҳи юрагини тўлқинлантириб юборарди.

Даҳлизда болалар кийинишаяпти. Байрам оқшоми тугади. Қизалоқ бошига шолрўмолини ташлаб олди ва улар ёнма-ён юриб чанага боришаётганда унинг иссиқ нафасидан чиққан буф рўмолга бурканган боши узра ўйноқлаб кўтарилар, бошмоқлари муз қотган йўлга урилиб бепарво тақилларди.

Бу чананинг охирги қатнови эди. Ҳориган тўриқ отлар буни сезар ва ойдин кечага пўписа қилгандай бўйинларидаги қўнғироқчаларни силкиб-силкиб қўярди. Паттачи йўл бошловчи билан гаплашиб олди ва яшил чироқ ёруғида улар бир-бирига бош силкишди. Бўм-бўш ўриндиқларда бир талай рангли патталар сочилиб ётарди. Кўчанинг на у ва на бу тарафидан оёқ товуши эшитиларди. Тунгги сукунатни ҳеч қандай товуш бузмас, фақат ҳориган тўриқ отлар тумшукларини бир-бирига суйкашар ва қўнғироқларни силкитиб қўйишарди.

Улар, афтидан, айтилган гапга қулоқ солишди: у юқоридаги ўриндиққа, қиз пастдагисига ўтирди. Қиз бир неча бор унинг ўриндиғига чиқди ва яна ўзиникига тушди, гап тугаганда қиз пастга тушишни унутиб, икки марта унинг ёнида бир дақиқача туриб қолди, бироқ кейин

тушди. Унинг юраги сув юзидаги пўкаксузгичдай қизнинг ҳаракатларига монанд кўтарилиб-тушарди. Қизнинг шолрўмол тагидан қараган кўзлари нима деб сўзлаётганини у эшитди ва бундай сўзларни у қачондир бир замонлар, ҳаётдами ё хаёлдами, эшитган эди. У қизнинг ўзини чиройли кўрсатиб, ярашиб турган кўйлагини, сумкаси ва узун қора пайпоқларини намойиш қилиб, атай юрагини ўртаётганини пайқади, бироқ ундан кўзини ҳеч узолмасди. Шунда ҳапқириб ураётган юрагининг туб-тубидан тошиб келаётган аллақандай овоз: у қизнинг, шундоқ қўл узатса етадиган тўхфасини қабул қила олармикан, дегандай бўларди. Бир куни Эйлин билан меҳмонхона ҳовлисига қараб туришгани ёдига тушди: меҳмонхона ходими устунга узун байроқни қўндираётган эди, кичкина ов кучуги кунгайдаги майсада у ёқдан бу ёққа югуриб юрарди, шунда Эйлин тўсатдан кулиб юборди ва қия йўлакдан пастга қараб чопиб кетди. Ҳозир ҳам у, яна ўша пайтдагидай, жойидан жилмай, ҳаракатсиз турибди — гўё саҳнада ўйнаётган томошани кузатаётган хотиржам томошабиндай.

“Уям хоҳлаяпти менинг қўл тегизишимни, — деб ўйлади у, — шунга мен билан бирга кетаяпти-да. Агар у менинг ўриндиғимга чиқса, унга яқинлашим осон бўлади: шунда бизга ҳеч кимнинг кўзи тушмайди. Мен уни қучоқлардим, ўпардим”.

Бироқ у бундай қилгани йўқ; кейин бўм-бўш чанғида, оёғи остидаги тарам-тарам зинага ғуссага ботиб термилиб ўтирди ва қўлидаги паттани йиртиб-йиртиб қиймалаб ташлади.

Ертаси куни у ўзининг тепадаги бўм-бўш хонасига қамалиб олиб, бир неча соат столга эгилиб ўтирди. Олдида янги перо, янги оч яшил дафтар ва янги сиёҳдон турарди. Дафтарнинг биринчи бетини очиб, тепасига, одатига кўра, иезуит ордени шиорининг бош ҳарфларини ёзди: А.М.Д.Г. Биринчи йўлга ёзмоқчи бўлган шеърининг сарлавҳасини битди: Э.га. Шеърга шундай сарлавҳа қўйса ҳам бўлишини биларди, чунки лорд Байроннинг шеърлар тўпламида шунақа сарлавҳани кўрган эди. Сарлавҳани ёзиб, тагига тўлқинли чизиқ тортиб, кейин ўйлашиб қолди ва беихтиёр муқовага алламбалоларни чизабошлади. Ёдига Бреда мавлуд зиёфатининг эртаси куни столда қандай ўтиргани ва миясига ўрнашиб қолган отасининг ибораларини ишлатиб, Парнелл ҳақида шеър ёзишга урингани тушди. Бироқ ўшанда мавзу оғирлик қилганди чоғи, машқдан воз кечиб, варақни тўлдириб синфдошларининг исм-шарифларини ёзиб ташлаган эди:

Родирек Кикем

Жек Лотен

Энтони Максуйни

Саймон Мунен.

Афтидан, ҳозир ҳам урингани билан бир иш чиқмайдиган кўринди, бироқ ўша байрам оқшомини эслаб кўнгли ёришди, ўзига ишончи ортди. Ўшандаги аҳамиятсиз, ўткинчи нарсалар ёдидан кўтарилиб кетган, хотирасида на чанғи, на паттачи билан извошчи, ва на отлар қолган, ҳатто ўзи билан қиз ҳам хаёлидан жуда узоқлашиб кетгандай эди. Шеър фақат оқшом ҳақида, беҳолгина эсаётган шабада ва ойнанинг бокира ёғдуси ҳақида сўзларди, холос; баргларида айрилиб мунғайиб қолган дов-дарахтлар тагида туришган қаҳрамонларнинг юракларидаги ноаён дард тарқаб борар, хайрлашув фурсати етганда эса уларнинг бири жойидан жилмади ва бўса уларни бир-бирига қовуштирди. У шеърни битириб, варақнинг пастига Л.Д.С.\*1 ҳарфларини ёзиб қўйди, кейин дафтарни ёпиб, онаси ётадиган уйга кирди ва у ердаги ойнага қараб ўзининг юзига узоқ тикилди.

Бироқ эмин-еркин кунлар ҳам оёқлаб бораётган эди. Кунларнинг бирида отаси бир дунё янгилик билан келиб қолди, овқат устида жағи тинмай жавради. Стивен отасини кутиб ўтирганди, чунки бугун қўй гўштидан қовурма пиширилган, отаси унга нонни қовурманинг қайласига булаб егин, деб қисташини биларди. Бироқ бу сафар қайланинг мазаси унга татимади, чунки Клонгоус ҳақида гап очилиши биланоқ томоғига бир нима тиқилди.

— Унинг ёқасидан олишимга сал қолди, — деди мистер Дедалус бир гапни тўртинчи марта такрорлаб, — майдоннинг шундоқ бурчагида тутдим-да ўзиниям.

— Ишқилиб, бу ишнинг уддасидан чиқармикан у? — сўради миссис Дедалус. — Мен Белведер ҳақида гапираяпман.

— Бўлмаса-чи, чиққанда қандоқ, — деди мистер Дедалус. — Мен сенга айтгандим-ку, ахир, у энди иезуитлар орденининг раҳбари — провинтсиал.

— Менга қолса, сира ҳам уни христиан биродарлар мактабига бергим йўқ, — деди миссис Дедалус.

— Жин урсин ўшаларни, — бақирди мистер Дедалус.

— Аллақандай Педдию Майклар билан оғиз-бурун ўпишиши етмай турганди! Йўқ, иезуитлар билан бирга бўлсин, шу ерда бошладими ўқишни — шу ерда тугатсин. Кейин ҳам унга фойдаси тегади. Обрўйлироқ жойга жойлаштириб қўйишга ҳам имконият бор уларда.

— Бунинг устига энг бой ташкилот, тўғрими Саймон?

— Ҳа-да! Кунлари пошшолик билан ўтади! Сен кўрганмидинг уларнинг Клонгоусдаги дастурхонини? Яратганга шукр, уларнинг егани олдида, емагани ортида.

Мистер Дедалус ўзининг ликопчасини, қолган овқатни тозалаб есин деб, Стивеннинг олдида сурди.

— Энди сен, Стивен, қунт билан киришгин, — деди у. — Сандирақлаб юрганинг етар.

— Мен унга ишонаман, у энди тиришиб ўқийди. — деди миссис Дедалус, — бунинг устига Морис ҳам энди у билан бирга бўлади.

— Вой, худойим, эсим қурсин, Морисни унутиб қўйибман-ку, — деди мистер Дедалус. — Қани, ярамас, бу ёққа кел-чи. Кел олдимга тирранча. Биласанми нима, мен ҳали сени мактабга олиб чиқаман, у ерда сенга ҳарфларни кўшиб ўқишни ўргатишади: н-о-н—нон. Мен сенга яна чиройли дастурмолча сотиб олиб бераман, бурнингни тозалаб артиб юрасан. Зўр бўлади, а? Морис кайфи чоғ бўлиб, аввал отасига, кейин Стивенга қаради. Мистер Дедалус кўзойнагини кўзига қистириб, иккала ўғлига синчковлик билан кўз ташлади. Стивен нон чайнаётган эди, отасига қарамади.

— Ҳа, дарвоқе, — деди ниҳоят мистер Дедалус, — ректор бору, ўша-да, ҳалиги провинтсиал, менга сен билан ҳазрат Доланнинг ўрталарингда бўлиб ўтган можарони гапириб берди. Сен дейман, бу, жуда шумтака чиқиб қолдинг-ку, а, уятсиз.

— Наҳот у шундай деган бўлса, Саймон?

— Йўқ, гап бошқа ёқда! — Кулди мистер Дедалус. — Бироқ у менга бу воқеани оқизмай-томизмай гапириб берди. Биз у билан уёқ-буёқдан анча валақлашдик... Эҳ-а, эсим қурсин! Айтганча, биласанми у менга нима деди? Ҳа, унинг жойини ким эгаллаганидан хабаринг борми? Майли, бу ҳақда кейин. Хуллас, биз у билан жуда очилиб-сочилиб лақиллашдик, у мендан ошнализ ҳалиям кўзойнак тақиб юрибдими, деб сўради, кейин ўша можаро тарихини эринмай гапириб берди.

— У норозими, Саймон?

— Норози! Бўлмаган гап! “Ўғил бола экан”, деди у.

Мистер Дедалус провинтсиалнинг манқаланиб оҳанжама билан гапиришини калака қилди:

— “Энди қўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик, десайиз, мен буни овқат устида уларга гапириб бердим-да”. “Еҳтиёт бўлинг, ҳазрат Долан, — дедим мен, — тагин тирранча Дедалус қўлларингизни аёвсиз савалаб, таъзирингизни бериб қўймасин!”. Энди қўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик! Ҳа, ҳа, ҳа!

Мистер Дедалус хотинига ўгирилиб қаради ва ўзининг одатдаги гап оҳангида таъкидлаб деди:

— Кўрдингми, у ерда қандай тарбиялашларини! Иезуит дегани — бу суяк-суягигача дипломат, ахир!

У яна провинтсиалнинг овозига тақлид қилиб, такрорлади:

— “Энди қўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик, десайиз, мен буни овқат устида уларга гапириб бердим-да. Ҳа, ҳа, ҳа!”.

\* \* \*

Кечқурун мактаб спектакли бошланишидан олдин Стивен кийим жавони олдида, тепасига хитой фонусчалари чамбарак қилиб тортиб илинган мўжазгина майсазорга тикилиб турарди. У меҳмонларнинг бош бинодан зина орқали тушиб келиб, театрга киришаётганини кўрди. Фрак кийган мезбонлар, Белведер қариялари театр эшиги олдида навбатчилик қилишар, меҳмонларни тавозе билан жойларигача бошлаб боришарди. Туйқусдан ёнган фонусча ёруғида у руҳонийнинг кулимсираган юзини кўрди.

Муқаддас неъматлар ковчегдан олиб қўйилган, меҳроб супаси ва унинг тевараги холироқ бўлиши учун биринчи қатордаги ўриндиқлар орқага сурилган. Девор тагига гантеллар, ирғитиб ўйналадиган хўққалар ва бошқа спорт анжомлари қўйилган, оғир тошлар бурчакка уюб ташланган, жигарранг қопларга нари-бери тиқиб жойланган сон-саноқсиз гимнастика туфлилари, камзул ва кўйлақлар уюмлари орасидаги устига чарм қопланган ёғоч от эса ўз навбатини кутиб турибди, спорт дастури охирида уни саҳнага олиб чиқишади ва атрофида беллашувчи командалар саф тартади.

Стивен гарчи ёзма ишларда эришган ютуқлари учун гимнастика синфига синфбоши этиб сайланган бўлса-да, томошанинг биринчи турида иштирок этмади, бироқ иккинчи турда намойиш этиладиган спектаклда ўқитувчининг бош комик роли унга топширилган эди. Жуссаси ва сиполигини инobatга олишиб, шу ролга маъқул кўришганди. У энди Белведерда иккинчи йилни ўтказаётган ва охириги синфдан битта олдинда ўқиётган эди.

Оппоқ пайпоқ ва камзулча кийиб олган болалар қатори тўпирлаб руҳонийлар кийими сақланадиган хона орқали черковга югуриб ўтди. Кийимхонада ва черковда ҳаяжонланган тарбиячилар ва ўқувчилар уймалашиб туришарди. Хомсемиз тепакал сержант ёғоч от олдидаги трамплинни оёғи билан босиб кўрди. Хўққалар билан ўйин кўрсатадиган узун палтодаги озгин йигит унинг ёнида қизиқсиниб қарар, ярқираган кумушранг хўққалар унинг чуқур ён чўнтақларидан чиқиб турарди.

Аллақаердан ёғоч соққаларнинг қарсиллаб урилган товуши эшитилди, команда саҳнага чиқишга тайёрланаётган эди, бир дақиқа ўтиб, шошиб-пишаётган тарбиячи, ғозлар галасини қувлаётгандай, узун тўнининг этагини ҳовлиқиб силкиб, ортда қолганларга бақириб, кийимхонадан болаларни олдига солиб ҳайдади. Қадимги деҳқонларга ўхшаб кийиниб олган бир тўда бола черковнинг ичкарасида, баъзилари қўлини боши узра кўтариб, бошқалари ўтирган жойларида сунъий гуллар солинган саватчаларни силкитиб, рақсни машқ қилишарди. Меҳроб равоқининг қоронғи бурчагида семиз кекса хоним кенг-мўл қора кўйлагининг ичида хирмондай бўлиб тиззалаб турарди. Хоним ўрнидан турганда ёнида пуштиранг кўйлак кийган, гажаклари олтин тусли ясама соч, бошига урфдан қолган похол шляпа кийган, қошларини териб, ёноқларини дид билан қирмизига бўяб, упа сурган хушбичим қомат кўринди. У кўзга кўринган чоғда черковни таажжубли оҳангдаги шивир-шивир тутиб кетди. Тарбиячилардан бири кулимсираб, бошини сермаб ишора қилиб, қоронғи бурчакка борди ва семиз кекса хонимга таъзим бажо келтириб, илтифот билан деди:

— Нимади бу — ёш гўзал ледими ё кўғирчоқми, миссис Теллин?

У шундай деб шляпанинг пешайвони тагидаги оро бериб бўялган табассумли чеҳрани кўрмоқчи бўлиб эгилиб қаради ва беихтиёр хитоб қилди:

— Наҳотки! Бу, ахир, жажжи Берти Теллен-ку!

Стивен ўзининг дераза ёнидаги кузатиш постида туриб кекса хоним билан руҳонийнинг кулишганини эшитди, кейин орқа тарафдаги, якка ўйин — похол шляпа рақсини ижро этадиган болачани кўргани йиғилган ўқувчиларнинг қойил қолишиб шивирлашаётгани эшитилди.

Стивен тоқатсизланиб кескин ҳаракат қилди. У парданинг четини қўйиб юборди ва ўзи тик турган курсидан тушиб, черковдан ташқарига чиқиб кетди.

У коллеж биноси ичидан ўтиб, боғга туташган шийпон тагида тўхтади. Қаршидаги театрдан



овозларнинг бўғиқ саси ва ҳарбий оркестрнинг мис асбоблари шапиллаб урилаётгани эшитилиб турарди. Ёруғлик бинонинг ойнаванд тоmidан тепага таралар, театр гўё байрамона безатилган кемадай тифиз жойлашган уйлар орасида лангар ташлаган, милтираб турган фонуслар шодаси билан қирғоққа бойлаб қўйилгандай. Театрнинг биқинидаги эшик туйқусдан ланг очилди — ёруғлик поёндоздай майсазор узра тўшалди. Кемадан кутилмаганда мусиқанинг гумбирлаган садоси таралди — валснинг биринчи вазнлари чалинди, эшик яна бекилди ва энди мусиқа садоси бир қадар сўник, майин эшилиб-оқиб эшитилди. Биринчи вазнларнинг оҳанрабоси, ишвали майин таронаси унинг юрагида тушунтириб бўлмайдиган сирли туйғуларни қўзғади ва айни шу туйғулар уни кун бўйи қўним тополмай юриб туришга, ҳалигина эса тоқатсизланиб черковдан чиқиб кетишга мажбур этганди. Беҳаловат туйғулар тўлқиндай ичидан тошиб келар ва тобора авж олаётган мусиқа тошқинида фонусчалар шодасини чуватиб, гўё кема сузиб борарди. Кутилмаганда, худди ўйинчоқ тўпдан ўқ отилгандай, қарсиллаган шовқин бу ҳаракат маромини бузди. Томошабинлар саҳнага чиққан гимнастикачиларни қарсақ чалиб олқишлашаётган эди.

Шийпоннинг охирида, кўча билан туташган жойида қоронғуликда қип-қизил нуқта милтиллади. Ўша тарафга қараб бораётиб, у енгил ёқимли ҳид думоғига урилганини сизди. Иккита бола йўлакда чекишиб туришарди: у узоқдан Куронни овозидан таниди.

— Ана, олижаноб Дедалус келаётир! — хириллаган овоз қичқирди. — Садоқатли дўстга саломлар бўлсин!

Саломлашиш тугар-тугамас паст товушдаги сохта кулги эшитилди ва Курон таъзим қилди, қўлдаги хивични ерга уриб-уриб қўйди.

— Ҳа, бу менман, — деди Стивен тўхтаб, нигоҳини Курондан олиб, унинг ёнидаги дўстига кўз ташларкан.

Куроннинг йўлдошини у биринчи бор кўриши эди, бироқ сигаретнинг туташган чўғи ёруғида унинг рангпар юзини, масхараомуз кулги югурган бироз олифтаном турқини, палто кийган бўйчан қомати ва бошидаги қўнқайган шляпасини илғади. Курон уларни таништиришга уринмади ва бунинг ўрнига даб-дурустдан деди:

— Мен ҳозир дўстим Уоллисга айтиб турган эдим: агар сен бугун кечқурун ўқитувчи ролида ректорни кўрсатсанг борми, роса кулги бўларди-да. Жуда зўр томоша чиқарди!

Курон ўзича ректорнинг майдакаш йўғон овозини калака қилмоқчи бўлиб уддалай олмади, уқувсизлигидан ўзи кулиб, Стивенга мурожаат қилди:

— Ўзинг бир кўрсат, Дедалус, сен унга жуда зўр тақлид қилиб қўясан-да. “Ма-агар че-ерковга қу-улоқ осмас э-екан, де-емак энди у бо-ориб турган маж-жусий ва йў-ўлдан оз-зган ғай-йридиндир”.

Бироқ унинг гапини Уоллиснинг хотиржам хитоби бўлди, унинг сигарети муштуғига тикилиб қолган эди:

— Жин урсин бу лаънати муштукни, — Уоллис оғзидан муштукни оларкан, ижирғаниб тиржайди. — Доим шундай тикилиб қолади-я. Сиз ҳам муштук билан чекасизми?

— Мен чекмайман, — деди Стивен.

— Ҳа, — деди Курон, — Дедалус одобли бола. У чекмайди, хайр-еҳсон улашадиган бозорларга бормайди, қизларга илакишмайди — унисиниям қилмайди, бунисиниям қилмайди.

Стивен рақибининг қизарган, жонланган юзига, қирғийнинг тумшуғидай қайрилган бурнига кулимсираб қараб, бошини чайқаб қўйди. Уни доим Винсент Куроннинг исм-шарифи қушнинг номидан олингани, боз устига, юзи ҳам қушга ўхшаб кетиши ҳайрон қолдирарди. Манглайига рангсиз соч толалари, худди пахмайган пўпакчадай, тушиб турарди. Чўтманглайи туртиб чиққан, ингичка қирғий бурни бир-бирига яқин жойлашган чақчайган маъносиз кўк кўзлари орасидан осилиб тушган эди. Аслида рақиблар мактабдош дўстлар эди. Улар синфда бирга ўтиришар, черковда ёнма-ён тиз чўкишиб ибодат қилишарди, ибодатдан сўнг нонушта устида мириқиб лақиллашарди. Биринчи синфда ўқувчиларнинг зеҳни пастроқ эди, шу боис асосан

Курон билан Стивен синфни бошқаришарди. Улар бирор кунга жавоб олиш ёки гуноҳ қилиб қўйган болага авф сўраш лозим бўлганда биргалашиб ректорга боришарди.

— Ҳа, айтганча, — деди Курон. — Мен бу ерда отангни кўрдим.

Стивеннинг юзидаги табассум йўқолди. Қачон ва ким бўлмасин, дўстими ё ўқитувчисими, отаси ҳақида гап очилди дегунча, Стивен сергак тортиб қоларди. У сукут сақлаб, ичида ҳадик билан Курон яна нима деркин дея унинг оғзини пойлади. Бироқ Курон уни тирсаги билан маънодор қилиб туртиб, деди:

— Сен, жуда айёр экансан-а.

— Нега энди? — сўради Стивен.

— Сиртдан қарасанг қўй оғзидан чўп олмайдигандай, — деди Курон, — аслида пихини ёрганлардансан.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиртдан қараганда нимани назарда тутаяпсиз? — хушмуомалалик билан ўсмоқчилади Стивен.

— Дарҳақиқат, марҳамат қилсинлар! — деди Курон. — Биз ўша қизни кўрдик, тўғрими Уоллис? А? Жуда чиройли қиз экан, қурғур! Ҳамма нарсани билгиси келаверганини айтмайсанми!

“Стивен қайси ролни ўйнарган-а, мистер Дедалус? Стивен қўшиқ айтармикан, мистер Дедалус?” Сенинг отажонинг ҳам ойнагининг устидан жуда сирли қараб қўйди: ҳарқалай, дардингдан хабари борга ўхшайди. Хўш, нима бўпти, билгани яхшимасми, шахсан мен бундан ҳечам хижолат бўлмасдим! Аммо жуда дилбар қиз экан, тўғрими Уоллис?

— Ҳа, ёмонмас, — деди Уоллис хотиржамлик билан муштугини яна оғзининг четига қистираркан.

Бегона боланинг олдида айтилган бетакаллуф қочириқлардан Стивеннинг нафрати қўзиди. Қизнинг у билан қизиққани-ю, у ҳақда сўраб-суриштирганларидан Стивен ҳеч қандай завқ туймади. Кун бўйи унинг хаёлини қиз билан Харолд-кроссда чана ўриндиғида туриб хайрлашганлари, ўша оқшомги ҳаяжонли кечинмалар, кейин уйга бориб ёзган шеъри ҳақидаги ўйлар банд этди. Кун бўйи у қиз билан яна учрашишини кўз олдига келтиришга уринди, чунки унинг бугун спектаклга келишини биларди. Худди ўша оқшомдагидай безовталиқ унинг юрагини сиқар, бироқ бу азоб энди шеърга кўчиб, кўксидан чиқиб кета қолмасди. “Бугун” билан “ўша пайт” орасида икки йил ётибди, кўп нарсага ақли етиб улгурган шу икки йил уни бугунгидай ҳузурли имкониятдан ажратиб қўйган эди ва бугун кун бўйи вужудини ўртаган ҳузурбахш изтироб асов тўлқиндай чайқалиб-тошган, гоҳ тушиб, гоҳида қутуриб ва яна ортга чекиниб, сўнгра тагин шитоб билан кўтарилиб турдики, у ниҳоят, буткул ҳолдан тойишигача бориб етган бир пайтда тарбиячининг қўғирчоқдай ясатилиб, грим қилинган болакайга отган қочириқли гап-сўзлари уни мувозанатдан чиқиб кетишга—туйқусдан кескин ҳаракат қилишига сабаб бўлди.

— Кел, яхшиси, айбингни бўйинингга олиб, тавба қил, — деди Курон. — Биз сени бу сафар қўлга туширдик. Энди ўзингни ҳар ёққа ташлаб, авлиёга ўхшатиб кўрсатишинг бефойда, ҳаммаси ойдайд равшан!

У беихтиёр такаббурлик билан ҳиринглаб кулиб юборди ва эгилиб Стивеннинг оёғига хивич билан койиганнамо секин уриб қўйди.

Стивенни энди нафрат туйғуси тарк этганди. У энди ўзини на мамнун ва на ғамгин ҳис этар, шунчаки ҳазил-ҳузул билан вазиятдан чиқиб кетишга чоғланган эди. У ҳалигина бетакаллуф туюлган қочириқларга энди хафа бўлмас, қалбида кечаётган соҳир туйғуларга ҳеч қандай гап-сўз дахл қилолмаслигини билар ва шу боисдан рақибининг кўнглига қараб, майнавозчилигига сохта кулги билан жавоб берарди.

— Тавба қил, — дея такрорлади Курон хивич билан унинг оёғига уриб.

Ҳазиллашиб урган бўлса-да, бу зарба олдингисидан кучлироқ эди. Стивен енгил, бироқ жизиллатиб ўтган зарбани тўйди ва итоаткорона бош эгиб, дўсти бошлаган ўйинни давом эттиришга майл сезаётгандай “Сонфитеор”ни ўқишга тутинди. Бу саҳна яхшигина яқун топди,

Курон билан Уоллис бу таҳқиромуз тазаррудан завқланиб, такаббурларча кулишди. Стивен дуо сўзларини беихтиёр айтиб юборди, сўзларнинг ўзи гўё унинг оғзидан учиб чиқаётгандай эди ва шу лаҳзада унинг ёдида бошидан кечган бошқа бир шундай ҳолат жонланди; ўша ҳолат, у Куроннинг тиржайиб турган оғзининг икки четидаги ажинларга кўзи тушганда худди сеҳру жоду таъсирида намоён бўлгандай хотирасидан сизиб чиқди. У оёғига тушаётган ўша таниш зарбларни ҳис этди ва айна дамда танбеҳ бериб айтишган ўша таниш сўзни ҳам эшитди:

— Тавба қил!

\* \* \*

Бу воқеа биринчи семестрнинг охирида, у коллежга келган йили содир бўлди. Унинг ҳиссиётга берилувчан мижози ҳануз ғариб, омонат ҳаётнинг аёвсиз турткиларидан азоб чекарди. Дублиннинг зерикарли манзараларини кўравериб сиқилиб кетган юрагини эса ҳали ҳам ғашлик ва саросима тарк этмаган эди. Икки йил у орзулар оғушида яшади, энди эса мутлақо нотаниш дунёга тушиб қолгандай, бу ердаги ҳар бир ҳодиса, ҳар қандай янги одам унинг иззат-нафсига жуда қаттиқ тегиб кетар, бу ҳол уни гоҳ умидсизликка туширса, гоҳида мафтун этар ёки аксинча, мафтун этиб ва умидсизликка тушириб, доимо қалбида безовталиқ, қайғули ўй-хаёлларни кўзғар эди. У ўзининг бўш вақтини асосан исёнкор ёзувчиларнинг асарларини ўқиб ўтказарди, уларнинг заҳархандалиги ва ғазабга қоришган нутқлари кўнглига оғир ботар, ўзича ижодга берилиб, ҳали ғўр бўлса-да, ёзган иншоларига кўнглидагини тўкмагунча, фикр-ўйларига ғулғула солиб, тинчлик бермасди.

Иншо унинг учун ўқув ҳафтасининг энг муҳим машғулоти эди ва сешанба кuni уйларида мактабга келаётиб у ўзидан олдинда бораётган бирор-бир одамни мўлжалга олар, шу одамдан маълум жойга етганда ўзиб кетишга ёки қадамларининг йўлакка ётқизилган ҳар бир плитага тўғри тушишига уринар ва шу тариқа ўзининг иншодан биринчи бўлиш-бўлмаслигини тусмоллар эди.

Мана сешанба ҳам келди ва кутилмаганда омадли кунлар якун топди. Мистер Тейт, инглиз тили муаллими, унга бармоғини ўқталиб, дона-дона қилиб деди:

— Мана бу ўқувчи иншосида бидъатни ёзибди.

Жимлик чўқди. Мистер Тейт жимликни бузмай, қўли билан тиззаларининг орасини қашлади, синфда унинг оҳорланиб қотирилган қайтарма енги ва ёқасининг майин қисирлагани эшитиларди, холос. Стивен бошини кўтармади. Кўкламнинг булутли кuni эди, унинг кўзлари ҳали ҳам заиф, оғриб турарди. У тамом бўлдим деб ўйлади, ўзини фош этилгандай ҳис этди, ақлим ҳам нотавон менинг, оиламиз ҳам ночор, деган хаёлга борди ва бўйнига ёпишиб турган ғадир-будир қайтарма ёқасининг дағал гирдини ҳис қилди.

Мистер Тейтнинг баланд товушдаги қисқа кулгиси синфдаги оғир жимликни юмшатди.

— Балки бuni ўзингиз билмагандирсиз? — деди у.

— Қайсини? — сўради Стивен.

Мистер Тейт тиззаларининг орасидан қўлини олиб, ёзма ишни очди.

— Мана бу жойини айтаяпман. Яратганга ва руҳга доир жойини. Хў-ш-ш! А-ҳа! Мана...

“Қачондир яқинлашишга имкон йўқлигидан”. Бу шаккоклик.

— Мен “Қачондир эришишга имконият йўқлигидан”, демоқчи эдим, — минғирлади Стивен.

Бу билан у ён берган эди ва мистер Тейт тинчланиб, дафтарни ёпиб, унга узатаркан, деди:

— Ҳа! Дарвоқе! “Қачондир эришишга”. Бу бошқа гап.

Бироқ синфдагилар ҳа деганда тинчишмади. Гарчи дарсдан сўнг ҳеч ким унга бу ҳақда оғиз очмаган бўлса-да, у теварагида давом этаётган ифвогарликларни ҳис этди.

Оғзаки танбеҳдан сўнг, орадан бир неча кун ўтиб, хатни қутига ташлаш учун Драмкондр-роуд бўйлаб кетаётганида у туйқусдан кимнингдир чақирганини эшитди:

— Тўхта!

У орқасига ўгирилди ва шом қоронғусида ўзи томон яқинлашиб келаётган учта синфдошини кўрди. Уни чақирган Курон эди, у икки дўстининг ўртасида дадил қадам ташлаб, қўлидаги хивич билан ҳавони қадамига мос тарзда шувиллатиб кесиб келарди. Ошнаси Боланд у билан бақамти қадам ташлар, оғзи қулоғида, Неш эса тез юраётганидан ҳансираб, хумдай сариқ бошини саланглатиб орқароқда пилдираб келарди.

Болалар Клонлифф-роуд томонга бурилган жойда китоблар ва ёзувчилардан гап очилди, ким қанақа китоб ўқиганию, уйларидаги шкафларда ота-оналарининг қанча китоби борлигини айтишиб мақтанишга тушиб кетишди. Стивен уларнинг гапларини эшитиб ҳайрон қолди, чунки Боланд синфда энг зеҳни паст бола ҳисобланса, Неш учига чиққан ялқов эди. Шунга қарамай, сеvimли ёзувчи ҳақида гап очилиши биланоқ Неш тап тортмай энг улуғ ёзувчи—бу капитан Мерриет, дея билағонлик қилди.

— Бекор гап! — деди Курон. — Дедалусдан сўра-чи. Сенингча, энг буюк ёзувчи ким, Дедалус? А?

Стивен, унинг пичинг қилаётганини сезиб сўради:

— Носирларданми?

— Ҳа.

— Менимча, Ньюмен.

— Кардинал Ньюменми?

— Ҳа, — деди Стивен.

Неш Стивенга ўгрилиб савол бераркан, унинг сепкил босган юзи кулгидан ошқовоқдай ёйилиб кетди:

— Ўша кардинал Ньюмен сенга ёқадими?

— Кўпчилик Ньюменнинг услубини жуда зўр деб ҳисоблайди, — тушунтира кетди Курон икки ошнасига, — тўғри-ю, лекин у шоир эмас-да.

— Энг зўр шоир ким, Курон? — сўради Боланд.

— Албатта, лорд Теннисон-да, — жавоб қилди Курон.

— Тўғри, лорд Теннисон, — деди Неш, — бизнинг уйимизда унинг бир жилдли тўла шеърлар тўплами бор.

Шу гапдан сўнг Стивеннинг сабри чидамади, гапирмайман, деб ўзига берган ваъдасини бузди:

— Теннисон—шоир? Қофиябоз-ку у?

— Нима деяпсан! — деди Курон, — Теннисоннинг буюк шоирлигини ҳамма билади.

— Сенинг-ча, ким буюк шоир? — сўради Боланд ёнидаги ошнасини елкаси билан туртиб.

— Байрон—буюк шоир, — жавоб берди Стивен.

Аввал Курон, кейин ошналари уни масхаралаб кулиб юборишди.

— Нега кулаяпсизлар? — сўради Стивен.

— Сенинг устингдан кулаяпмиз, — деди Курон. — Байрон—буюк шоир эмиш? Чаласавод нодонларгина уни шоир дейиши мумкин.

— Ол-а! Ана сенга зўр шоир! — деди Боланд.

— Сен, яхшиси, тилингни тийсанг бўларди, — деди Стивен унга дадил бурилиб қараб. —

Сенинг поезия ҳақида бор билганинг ҳовлидаги деворга ёзганингдан маълум-ку? Бемаъни қилигинг учун таъзирингни беришмоқчи бўлишди-ку.

Ҳақиқатан ҳам Боланд ҳовлининг деворига коллеждан уйига пастдаккина тотти отда борадиган бир бола ҳақидаги анчайин мисраларни ёзган, деб гапиришарди:

*Тайсон отда Қуддусга кетди,  
Йиқилиб йўлда лат еди кети.*

Стивеннинг бу ҳужумидан шерикларининг уни учган бўлса-да, Курон тийилмади:

— Нима бўлгандаям барибир Байрон шаккок бўлган, бунинг устига ахлоқи бузуқ бўлган.

— Унинг қандай бўлгани билан менинг ишим йўқ, — қўрс жавоб қилди Стивен.

— Унинг шаккок бўлгани ёки бўлмагани сенга барибирми? — гапга қўшилди Неш.

— Сен бу ҳақда ниманиям билардинг? — қичқирди Стивен. — Умрингда дарсликдаги битта-ярим мисолдан бошқа балониям ўқимагансан-ку, сен ҳам, Боланд худди шундай.

— Мен биламан, Байрон тутуриқсиз одам бўлган, — деди Боланд.

— Қани, ушланглар бу шаккокни, — қичқирди Курон.

Шу дамдаёқ Стивенни ушлаб олишди.

— Тейт беҳудага думингни бурамади сенинг, иншода шаккокликка йўл қўйганинг учун шундай қилди, — деди Курон.

— Эртагаёқ унга ҳаммасини айтиб бераман, — таҳдид қилди Боланд.

— Сен-а? — деди Стивен. — Оғзингни очишга қўрқасан-у!

— Қўрқаманми?

— Ҳа, қўрқасан!

— Керилма! — қичқирди Курон Стивеннинг оёғига хивич билан уриб.

Бу Стивенга ташланишга шай турганларга бир ишора эди. Неш унинг иккала қўлини орқасига қайириб ушлаб турди, Боланд эса ариқ четидаги куриб қолган карамнинг узун томирини суғуриб олди. Стивен хивич билан таёқдай қаттиқ карам томирининг зарбаларидан қутилмоқчи бўлиб, жон-жаҳди билан силтаниб юлқинмасин, иложсиз эди, уни тиконли сим ўралган тўсиққа қисиб олишганди.

— Бўйнингга ол, сенинг Байронинг бир пулга қиммат.

— Йўқ.

— Бўйнингга ол.

— Йўқ.

— Бўйнингга ол.

— Йўқ. Йўқ.

Нихоят, қаттиқ олишувлардан сўнг у бир амаллаб қутилиб чиқишга муваффақ бўлди. Унга азоб берган болалар хохолашиб, уни масхаралашиб Жонсис-роуд томон кетишди, у ёшланган кўзларини уқалаб, ҳеч нимани кўрмай, туртиниб-суртиниб муштини маҳкам сиққанча аламзада кайфиятда алаҳсираб борарди.

Ҳозир ҳам, ўзини маъқуллаб ҳиринглаб турган болалар олдида тавба-тазарру дуосини айтиб турибди-ю, хотирасида ўша шафқатсиз олишув манзараси аниқ-тиниқ жонланди ва у ажабланиб ўзига-ўзи: менга ўшанда азоб беришган бу болаларга нега кўнглимда зиғирча нафрат йўқ, деб савол берди. У ҳаммасини жуда яхши эслайди, уларнинг қўрқоқлигини ҳам, раҳмсизлигини ҳам, бироқ негадир хотирасидаги ўша воқеа энди ғазабини кўзғамасди. Ўқиган китобларидаги изтиробга тўлиб-тошган оҳ-воҳлар-у қаҳр-ғазабларнинг унга сохта туюлгани шундандир, балки. Ҳатто ўша куни, кеч кириб қоронғу тушган маҳалда, Жонсис-роуд бўйлаб туртиниб-суртиниб аламзада кайфиятда алаҳсираб уйларига кетаётган пайтда ҳам аллақандай куч вужудини қамраб олган нафрат туйғусини, ҳил-ҳил пишган шафтолининг пўстини осонгина шилгандай, сидириб олаётганини ҳис этганди.

У ҳануз шийпон тагида, икки ошнасининг бири қўйиб, бири олаётган сафсаталарини, қолаверса, театрдан келаётган гулдурос қарсақлар товушини бепарво эшитиб турибди. Қиз бу пайтда театрда, бегоналар орасида, балки унинг саҳнага чиқишини пойлаб ўтиргандир. У қизни кўз олдида келтиришга уриниб кўрди, бироқ бунинг иложи бўлмади. Фақат бошига ўралган шолрўмолни эслай олди, холос, бу қизлар қишда киядиган боғичли бош кийимига ўхшарди; қизнинг тим қора кўзлари эса ғойибдан уни ўзига чорлар ва ақлини шоширарди. У ўзидан: мен уни ўйлаганимдай, у ҳам мен ҳақимда ўйлармикан, деб сўради. Кейин қоронғида ёнидагиларга сездирмай бир қўлининг бармоқлари учини иккинчи қўлининг кафтига тегизди ва

билинар-билимас тарзда оҳиста силади. Бироқ қизнинг бармоқлари мулойим ва хийла дадил теккан эди ва ўшандаги ҳолат хотирасида жонланиб, вужуди, тўлқин кўз илғамас тебранганидай, бир зум чайқалиб кетди.

Бир бола тўсиқ бўйлаб шийпон тагидан улар томонга чопиб келарди. Боланинг нафаси тиқилиб, ҳаллослаб қолди.

— Эй, Дедалус, — қичқирди у, — Дойл жинни бўлиб қолди-ку! Югур тезроқ, тез бўл, кийин! Саҳнага! Тезроқ!

— Боради, — деди Курон калондимоғлик билан. — Қачон лозим кўрса, шунда боради.

Бола ўгрилиб Куронга қаради ва такрорлади:

— Тез бўл! Дойлнинг жаҳли чиқаяпти.

— Менинг саломимни етказиб қўй Дойлга, мен тупирдим унга, — жавоб қилди Курон.

— Майли, боришим керакка ўхшайди, — деди Стивен, бунақа орият талашиш унга бегона эди.

— Сенинг ўрнингда бўлсам бормасдим, — деди Курон, — ҳеч ҳам бормасдим, худо ҳаққи!

Юқори синф ўқувчиларигаям шунақа муомала қиладими? Нима бўпти, жаҳли чиқса чиқар!

Унинг аҳмоқона пиесасида ўйнаётганингга шукр қилсин.

Кўпгина ўртоқларига хос бўлган бундай манманликни Стивен яқиндан бери рақибиди ҳам пайқаган эди, бироқ бу унинг феъл-атворидаги вазмин итоаткорлик одатига зиғирча таъсир қилмади. У ўзбошимчаликнинг нафига ишонмас, бунақа дўстликнинг самимийлигига шубҳа билан қарар ва буни балоғат ёшининг тийиқсиз бебошликлари, деб биларди. Ҳозир қўзғалган орият масаласи ва шунга алоқадор бошқа гаплар унга аҳамиятсиз туюлди. Ўзича хаёл суриб, учқур орзу-ўйлар оғушида парвоз қилган лаҳзаларда кутилмаганда хаёли бузилар, беихтиёр ширин орзуларидан воз кечар, шунда қулоғига ўтириб қолган отасининг ва муаллимларининг овозлари қайта жаранлагандай бўларди, улар Стивенни аввал бошда жентелмен ва эътиқодли католик бўлишга даъват этишарди. Энди бу овозлар унга маънисиз туюлади. Коллежда спорт гимнастикаси синфи очилганда у бошқа бир овозни эшитди, энди уни кучли, жасур ва соғлом бўлишга даъват этишарди; коллежда миллий тикланиш учун кураш шарпалари оралай бошлагач эса, яна бир овоз уни ватанга содиқ бўлишга, она тилини, миллий урф-одатларни тирилтиришга ёрдам беришга ундай бошлади. Кундалик турмуш, оила ташвишлари бир кун келиб уни тер тўкиб, ўз меҳнати билан отасининг қўлдан кетган мавқеини тиклашга мажбур этишини билар ва бу ҳозир уни яхши дўст бўлишга, жўраларининг ёнини олишга ёки уларни жазодан асраб қолиш ва қандай йўл билан бўлмасин, бир кун ҳордиқ чиқариш учун синфга рухсат олиб беришни сўраётган тенгқурларининг овозига ўхшаб кетарди. Бу маънисиз овозларнинг қоришган ғала-ғовури уни қатъиятсиз қилиб қўяр, бемалол хаёл суришига йўл қўймасди. У ора-сира бу овозларга ҳам қулоқ тутар, бироқ улардан узоқлашганда, улар етиб бормайдиган жойда ёлғиз ўзи қолганида ёки хаёлан яқинлари орасида бўлганида ўзини бахтиёр ҳис этарди.

Рухонийлар кийимхонасида юзлари қип-қизил иезуит билан кексароқ бир киши, иккаласи ҳам оҳори кетиб қолган кўк ятакда, упа-елик солинган қутини титкилашарди. Аллақачон грим қилиб олишган ўғил болалар у ёқдан бу ёққа саланглаб юришибди, баъзилари гарангсиб бир жойда тўпирлашиб туришибди, бўялган юзларини бармоқларининг учи билан эҳтиёт бўлиб ушлаб қўйишади. Коллежда меҳмон бўлиб турган ёш иезуит, қўлларини чуқур ён чўнтақларига тиқиб, кийимхонанинг ўртасида турибди, у оёғининг учида кўтарилиб, тушиб, бир маромда тебранади. Унинг ипақдай майин малла жингалак сочли кичкина боши ва арчилган тухумдай текис қиртишланган ияклари эгнидаги ниҳоятда озода руҳонийча либоси ва ялтиратиб тозаланган ботинкасига қуюб қўйгандай ярашиб тушган.

Тебраниб турган қоматга қараб туриб, руҳоний йигитнинг истехзоли кулимсираши сабабини билгиси келаётган Стивен отасининг уни Клонгоусга жўнатаётиб, иезуитни ҳамиша дид билан кийина олишидан билса бўлади, деганини эслади. Шу пайт хаёлидан отамнинг феъл-атворида кулимсираб турган, пўрим кийинган шу руҳонийга хос нимадир бор, деган фикр кечди ва

туйқусдан муқаддас мартаба, қолаверса, руҳонийлар кийимхонасининг ўзи ҳам таҳқирланаётганини ҳис этди, чунки бу осуда масканга тутуруқсиз гап-сўзлар, ҳазил-ҳузуллар шовқини бостириб кираётган, ҳавони эса упа-елик ва газ чироқларнинг бадбўй ҳиди булғаётган эди.

Кўк халатли кекса киши манглайига ажинлар тортиб, оғзининг икки четига кўк ва қора бўёқларда соя солгунча Стивен сахнада баланд овоз билан аниқ-равшан гапириш кераклигини уқтираётган дўмбоққина ёш иезуитнинг овозини паришонхотир тинглади. Қулоғига оркестрнинг “Лилия Киларни”ни чалаётгани эшитилди ва ҳозир, бир неча сониядан сўнг парда очилади, деб ўйлади. У сахнага чиқишдан чўчимаётганини сезиб турарди, бироқ ижро этадиган роли ўзини камситадигандай туюлди. Ўзи айтадиган баъзи кинояли гапларни эслаганда бўёқ сурилган ёноқларига қон югурди. У қизнинг залдан жиддий, мафтункор кўзларини тикиб қараб турганини тасаввур қилди ва шу лаҳзадаёқ кўнглидаги шубҳа-гумонлар йўқолди, ўзига ишончи ортди. Гўё ғойибдан хушкайфият инъом этилгандай эди — у туйқусдан гўдакларга хос шўх-шаддодликнинг юқумли таъсирига тушди ва бу кайфият табиатидаги эзгин умидсизликни буткул тарқатиб юборди. Бир сония ичида у болаларча бахтиёрлик оғушида, гўё қайта туғилгандай тамом ўзгарди-қолди: спектаклнинг бошқа иштирокчилари билан сахна ортида туриб, уларга қўшилиб, икки бақалоқ руҳонийнинг тоб ташлаб қийшайиб қолган сахна пардасини жон-жаҳдлари билан суриб очишаётганини кўриб қийқириб кулди.

Орадан санокли дақиқалар ўтиб, у ўзини сахнада — чарақлаган чироқлар ёруғи ва нурсиз, хира безаклар орасида кўрди, ҳайҳотдай бўшлиқдан беҳисоб чеҳралар унга тикилиб туришарди. Машқ пайти унга қовушмагандай, сунъий туюлган пиеса сахнада фавқулодда жонли чиқаётганини англаб у ажабланди. Спектакл гўё ўзидан-ўзи очилиб, авж олиб қизир, у ва унинг шериклари эса ўзларининг кинояли гап-сўзлари билангина томошага кўмаклашиб туришарди. Томоша тугаб, парда ёпилганда у бўшлиқ қарсақлар садосидан гумбурлаганини эшитди ва ён тарафдаги ораликдан қараб, беҳисоб чеҳралардан таркиб топган улкан яхлит тўда бир неча гуруҳларга бўлиниб, қизгин муҳокамага киришиб кетганини кўрди.

У сахнадан чаққон тушиб, кийимларини алмаштирди ва черковдан боғ тарафга чиқди. Энди, томоша тугагандан сўнг, унинг кўнгли баттар бетоқат бўлиб, янги саргузаштни кўмсар эди. Айни шунинг кетидан тушгандай, у чопқиллаб кетди. Театрнинг барча эшиклари ланг очик, зал аллақачон бўшаб қолган эди. Унга кема лангарининг занжирини эслатган сим арқонда бир неча фонус тунги шамолда тебраниб ғира-шира нур сочарди. У ҳовлиқиб, қандайдир ўлжани бой берадигандай, югурганча боққа чиқиладиган айвонга борди ва меҳмонларга таъзим бажо этиб, қўл сиқишиб хайрлашаётган икки иезуит ёнидан ўтиб, боққа чиқаётган тўда орасига ўзини урди. Упага беланган бошига бировларнинг кулиб, бировларнинг мазах қилиб ё ажабланиб қараб қолаётганини илғаб-илғамай ҳовлиққанча олдинга талпинар, ўзини жуда шошаётганга ўхшаб кўрсатарди.

Ташқарида у ўзининг оила аъзоларини кўрди, улар фонус тагида уни кутиб туришарди. Бир қарашдаёқ бу гуруҳдагилар ўзига тегишли одамлар эканини пайқади ва зинапоядан пастга чопиб тушиб кетди.

— Мен бир иш билан Жоржис-стритга ўтишим керак. — деди у чопиб бораётиб отасига. — Уйга кечроқ қайтаман.

У отасининг жавобини кутмай, югурганча йўлни кесиб ўтди-ю, тепалиқдан пастга эниб кетди. Қаёққа бунчалик шошаётганини ўзи ҳам билмасди. Фурур, умид ва ишонч, мисоли оёқ остида топталган ўт-ўландай, ўзининг ўткир ифори билан унинг юрагини ўртаётган, ақл-ҳушини ўғирлаган эди. У қирдан қуйига елдай учиб борар, кутилмаганда дарду дунёсини ўртаб юборган камситилган фурур, топталган умид ва алданган ишонч оғуси уни тамом гангитиб қўйган эди. Бу оғу бурқираб унинг кўзлари олдида паға-паға бўлиб тепага ўрлади ва аста-секин, ҳаво яна тиниқлашиб совий бошлагач, ниҳоят, йўқолди.

Ҳануз кўз олдини туман тўсиб турарди, бироқ энди кўзлари боягидай ёнмасди. Бот-бот ғазаб ва

умидсизликдан воз кечишни буюрадиган ички бир даъватга ўхшаш аллақандай куч уни тўхташга мажбур қилди. У энди ҳаракат қилмас, қаршисидаги ўликхонанинг қорамтир томига ва қайроқтош ётқизилган қоронғи тор кўчага қараб турарди. У уйининг деворидаги лавҳада тор кўчанинг “Лоттс” деган номини ўқиди ва оғир аччиқ ҳиддан оғриниб нафас олди. “Отнинг сийдиги билан чириган пичан, — деб ўйлади у. — Ундан нафас олиш фойдали. Юрагимни тинчлантиради. Мана, энди юрагим анча хотиржам. Ортга қайтаман”.

\* \* \*

Стивен тагин отаси билан Кингс-бриш вокзалида поездда ўтирибди. Улар кечки поезд билан Коркка кетишаётир. Паровоз пишқириб, буғ чиқариб, поезд вокзал саҳнидан жилганда Стивен бир неча йил бурун, Клонгоусга йўл олишганда кўрганларидан болаларча ажабланганини ва мактабдаги биринчи кунни бутун тафсилотлари билан эслади. Бироқ ҳозир у ҳечам ажабланмаётган эди. У бир текис сузиб ўтаётган дов-далага, ҳар тўрт сонияда липиллаб ўтаётган сим ёғочларга, худди асов отнинг туёғидан сачраган учқундай, қоронғуликда ялт этиб ва шу зумда ортда қолиб келаётган кичик, хира ёруғ бекатлар, уларнинг саҳнида қотиб турган навбатчиларга қараб кетаётир.

У отасининг Корк ҳақидаги, ёшлиги ҳақидаги ҳикояларини гап қўшмай, бепарво эшитди: отаси вафот этган бирор-бир биродари ёки бу гал сафарга чиқишга нима мажбур этгани ҳақида гап бошлади дегунча чуқур хўрсиниб қўяр ёки беихтиёр қўлини идишга чўзарди. Стивен жим ўтириб тинглар, бироқ кўнглида ҳамдардлик туймасди. Отаси элаган марҳумлар орасида у Чарлз тоғадан бошқасини танимас, энди унинг қиёфаси ҳам хотирасидан ўча бошлаган эди. У отасининг мол-мулки аукциондан сотилишини биларди, отаси ўзининг хонавайрон бўлаётгани сабабини бу шафқатсиз дунёнинг орзу-умидларига тажовузидан, деб қарарди. Мериборда у ухлаб қолди. Кўзини очганда Меллоудан ўтиб кетишганди: отаси ён томондаги ўриндиққа чўзилиб ухлаб ётарди. Совуқ сахар ёғдуси ҳосилсиз далаларни, дарахтлар, уйқуга чўмган уйлар томини ғира-шира ёритди. Жим-жит қишлоқларга қараб, отасининг чуқур нафас олиб, уйқусида алаҳсираётганини эшитиб бораркан, ғафлат уйқусида ётган дунё қаршисида унинг ўй-хаёлларини ваҳима босди. Теварагида чала ўликдай донг қотган одамлар юрагига ғулғула солди, улардан ўзига бирор-бир зиён-заҳмат етадигандай туюлди, ва тезроқ тонг отишини ўтиниб сўраб, дуо ўқий бошлади. Унинг тангрига ва авлиёларга юкинмай, шунчаки ўқиган дуолари эшик тирқишидан эсаётган сахарги салқин шамолда қалтироқ билан бошланиб ва поезднинг бир маромдаги тақ-туқига монанд, аллақандай қовушмаган сўзларининг саросимали пичир-пичири билан якун топди; қаққайган, ҳар тўрт сонияда липиллаб, шовқинга басма-бас ўтиб турган телеграф ёғочлари гўё ҳаракат маромини таъкидлаётгандай эди. Бу асов мусиқа унинг юрагидаги ваҳимани бироз босгандай бўлди ва у дераза панжарасига суяниб, тагин кўзини юмди.

Поезд шовқин-сурон солиб Коркка кириб келганида ҳали жуда эрта эди. “Виктория” меҳмонхонасида Стивен яна ухлагани ётди. Чарақлаган қуёшнинг илиқ нурлари деразани қоплади. Стивен кўчада ҳаёт қайнай бошлаганини эшитди. Отаси қўл ювиладиган жойда тик туриб, сочига, юзига ва мўйловига синчиклаб қараётир, у сув солинган кўза устидан бўйнини чўзиб, ўзини яхшироқ кўрмоқчи бўлиб бошини бурди. Айни пайтда оҳиста, ҳар бир сўзни оҳангга солиб, чўзиб хиргойи қилди:

*Ёшлигимда ғўрлик қилиб,  
Уйландим-қўйдим.  
Мана энди, жонгинам,  
Баридан тўйдим.  
Рўзғор деган ғор экан,*



*Билибман қайдан.  
Бахтимни излаймикан  
Мен Амриқодан.  
Бироқ вақт оқар сувдай,  
Сулув қарийди.  
Мисли тонгги шудрингдай  
Нурдан арийди.*

Дераза ортидаги серқуёш шаҳар шовқини ва отасининг ҳазил аралаш ҳазин қўшиққа турли пардаларда сайқал бераётган овози Стивеннинг кўнглидаги тунги ваҳималар асоратини буткул ҳайдади. У ўрндан ирғиб туриб, кийина бошлади ва хиргойи тугагач, отасига деди:

— Бу сизларнинг “Бери келинг, эр ирланд-лар”ингиздан кўра яхши.

— Сен шундай деб ўйлайсанми, — деди мистер Дедалус.

— Менга бу қўшиқ ёқади, — деди Стивен.

— Ҳа, бу ажойиб қадимги қўшиқ, — деди мистер Дедалус мўйловининг учини бураб. — Эҳ, сен буни Мик-Лейси айтганини эшитармидинг! Шўрлик Мик Лейси! У ҳар бир пардани қанақа ўйнатиб айтарди, йўқ мен бундай айтолмайман. Ҳа, энди “Бери келинг, эр ирландлар”ни у бир айтиб ўтди-да, эшитиб туриб сел бўлиб кетардинг.

Мистер Дедалус нонуштага жигар қиймасидан тайёрланган овқат буюрди ва овқат устида хизматчидан шаҳардаги янгиликлар ҳақида сўраб-суриштирди, уларнинг гаплари чалкашиб, бир-бирларини тушунишлари қийин бўлди, чунки хизматчи ҳозирги пайтдаги хўжайинини назарда тутса, мистер Дедалус унинг отасини ёки бобосини назарда тутиб гапирарди.

— Ҳарқалай, Қироллик коллежи жойидами ишқилиб, — таъкидлади мистер Дедалус. — Ўғилчамга бир кўрсатай дегандим-да.

Мардайк кўчасида дарахтлар қийғос гуллаган эди. Улар коллеж дарвозасидан киришди ва сўзамол қоровул уларни чоғроқ ҳовлидан олиб ўтиб, бино томон бошлади. Бироқ улар ҳар ўн-ўн беш қадамда шағал тўшалган йўлакда тўхтаб қолишар ва отаси билан қоровул ўртасида шундай савол-жавоб бўларди:

— Наҳотки! Бечора Мешқорин қазо қилдими?

— Ҳа, сер, қазо қилди.

Улар тўхтаб қолишганда Стивен бетоқат бўлиб, гаплари қачон тугар экан, деб депсиниб кетиб турарди. Бироқ ҳовличадан ўтгунча улар шу алпозда узоқ судралишди, бундан унинг бетоқатлиги баттар ошиб, ғазаби келди. У ҳайрон бўларди, наҳотки, оқ-қорани балодай ажрата оладиган, ҳар кимга ҳам ишонавремядиган отаси шу ялтоқи қоровулнинг тилёғламалигига алданиб ўтирса: эрталаб эшитганида завқи келган жануб шевасидаги аломат сўзлар ҳам энди унинг асабини қўзғай бошлаганди.

Улар анатомия театрига киришди, мистер Дедалус қоровул кўмагида исм-шарифининг бош ҳарфлари ўйиб ёзилган партани қидира бошлади. Стивен орқароқда, бу ердаги тушкин, ўлик сукунат ва биқик муҳит ҳавосидан кўнгли ғашланиб, зўрға оёғини судраб босарди.

Парталардан бирида у сиёҳ сачраган тахтанинг бир неча жойига ўйиб ёзилган Фоетус сўзини ўқиди. Бу қутилмаган ёзувдан унинг аъзойи-бадани қизиқ кетди: ёнида талабалар қараб тургандай туюлиб, ноқулай аҳволга тушиб ўзини уларнинг нигоҳидан панароққа олгиси келди. Отасининг ҳикояларини эшитиб, ҳеч тасаввур қила олмаган ўша ҳаёт манзаралари тўйқусдан партага ўйиб ёзилган шу сўз таъсирида кўз олдида пайдо бўлди. Чорпахил мўйловли талаба қаламтарошда ҳафсала билан ҳарфларни бири-кетин ўйиб ёзарди. Бошқа талабалар унинг ёнида тик туриб ёки ўтириб қараб, қаламтарош тагидан чиқаётган ҳарфларни қийқириб кулиб кузатишаётир. Талабалардан бири унинг тирсасига туртди. Чорпахил талаба қовоғини уюб ўгирилиб қаради; унинг эгнида кенг бўзранг кўйлак, оёғида тўқ жигарранг ботинка бор эди. Стивенни чақирди. У кўзига кўринган рўядан қочиб қутилмоқчидай, аудитория

зинапояларидан югуриб пастга тушди ва бўғриқиб кетган юзини яшириш учун партага эгилиб, отасининг исм-фамилиясининг бош ҳарфларига қаради.

Бироқ ўша сўз ва унинг таъсирида пайдо бўлган рўё Стивен орқага қайтиб, ҳовлидан ўтиб коллеж дарвозасига томон бораётганда ҳам кўз ўнгида жимирлаб турарди. У шу кунгача ботинидаги жирканч бир иллатдай туюлган нарсанинг аллақандай аломатларига ҳаётда дуч келиб қолганидан тамом гарангсиб қолганди. Уни мудом таъқиб этиб юрган қўрқинчли шарпалар хаёлида қайта жонланади, шарпалар Стивеннинг хаёлига келган сўзлардан қутилмаганда важоҳатли тус олди. Гарчи улар қаердан —қабих арвоҳларнинг қай бир маконидан қайнаб чиқаяпти, деб ҳайрон қолаётган бўлса-да, Стивен тезда уларнинг таъсирига тушди ва ақл-ҳушини эгаллаб, кўнглига васваса солишига қўйиб берди. Шарпалар унинг вужудини тамом асир қилиб олгандан сўнг эса у ўзини буткул ожиз ва хўрлангандай ҳис этди, нима қиларини билмай бетоқат бўлди ва ўзидан-ўзи жиркаиб кетди.

— Мана ўша дўкон! Худди шу!—кичқирди мистер Дедалус. —Мендан бу ҳақда кўп эшитгансан-а, тўғрими, Стивен? Бу дўконга бизлар бир тўда бўлиб тез-тез кириб турардик, ўша пайтлар бизларни ҳамма танирди. Гарри Пирд, кичкина Жек Маунтен, тагин Боб Даес, яна фронтсуз Морис Мориарти, Том ЎГрейди, Мик Лейси, мен сенга эрталаб у ҳақда гапириб бергандим, Жоун Корбет, бечора оқкўнгил Жонни Киверс.

Мардаик кўчасидаги дарахтлар барги шитирлаб, куёш нурида ялтиллаб шивирлайди. Уларнинг ёнидан крикет командаси ўйинчилари, спорт кийимида барваста ёш йигитлар ўтишди, биттаси дарвоза тўри солинган узун яшил қопни кўтариб олган. Бўм-бўш тор кўчада саёқ мусиқачи-немислар —ранги унниқиб кетган ҳарбий мундирлардаги беш киши—ескириб қолган асбобларда ўзларини кўрғалаб олган болаларга, шу атрафдаги идораларнинг бекорчи югирдақларига куй чалиб бераётир. Бошига оқ рўмол танғиб олган фартукли оқсоч аёл куёшда оқ мрамардай ялтираб турган дераза раҳига қўйилган қутидаги гулларга сув қуяётир. Бошқа бир ланг очиқ деразадан роялнинг садоси таралади, мусиқа садолари тобора юқорилаб авжига чиқади.

Стивен отасининг ёнида, унинг ҳикояларини эшитиб бораётир. Отасининг йўқолиб, ўлиб кетган ҳамшишалари, ёшликдаги дўстларининг исмларини у олдин ҳам кўп эшитган эди. Унинг кўнгли айниб, юраги сиқила бошлади. У ўзининг Балведерда кечирган беқарор аҳволи ҳақида ўйлади—стипендия оладиган, синфда энг аълочи, ўзининг обрўсидан чўчийдиган, мағрур, сал нарсага аразлаб қоладиган, ҳар нарсага шубҳаланадиган, турмушнинг нотавонлиги ва ўзининг тийиқсиз ўй-хаёлларидан зада ўқувчи. Сиёҳ чапланган партага ўйилган ҳарфлар жимирлаб, унинг жисмонан кучсизлигини, бемаъни эҳтиросларини масхаралагандай ажи-бужи бўлиб кўз олдида ўйноқлар, ўзининг ўқувсиз ёввойи феъл-атворидан жирканишга мажбур этарди. Оғзидаги сўлаги заҳардай аччиқ туюлди, томоғига тиқилди, кўнгли айниб боши гангиди ва у бир дақиқача кўзини юмиб, ҳатто ҳеч нимани кўрмай қадам ташлади.

Отасининг овози эса ёнгинасида эшитилиб турарди.

—Сен вояга етиб, одамлар қаторига қўшилганинда, Стивен, мен шундай бўлишига жудаям ишонаман, бир нарсани унутмагин: қандай ишнинг бошини ушлашингдан қатъи назар, доимо интизомли, инсофли одамлар билан бирга бўл. Ёшлик пайтимда мен, сенга очиғини айтиб қўя қолай, давримни сурганман, дўстларим ҳам ҳалол, олижаноб йигитлар эди. Ҳар қайсимиз қайсидир томондан устун эдик. Бировнинг овози зўр бўлса, бошқа бировида артистлик қобилияти бор эди, кимдир бир банд шеърни қойил қилиб айтолса, кимдир эшкак тортишда тенги йўқ ёки теннис кортида биринчи эди, бошқаси латифани сув қилиб ичарди. Биз ҳамма нарсага қизиқардик, ҳаётдан кўнглимиз тусаган, қўлимиз етган ҳамма нарсани олардик, хуллас, ўз шавқу шаробимизда яшаганмиз, бироқ бундан бирор-бир инсоннинг кўнглига зиғирча оғирлик ботмаган. Чунки ҳаммамиз бирдай тартибли-интизомли йигитлар эдик, ҳалол ирландлар эдик, Стивен. Сен ҳам шундай —ҳалол, олижаноб йигитлар билан улфат бўлишингни хоҳлайман, ўғлим. Кўриб турибсан, мен сен билан худди дўстим билан

гаплашгандай гаплашман, Стивен, чунки ўғил бола ҳеч қачон отасидан ҳайиқиб, ўзини олиб қочиб юрмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Шунинг учун, бобонг раҳматли сенинг ёшингда менга қандай муомала қилган бўлса, мен ҳам сенга шундай муомала қиламан. Бобонг билан икковимиз ота-боладан кўра кўпроқ ака-укага ўхшардик. Мени биринчи марта оғзимда трубка билан ушлагани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Кечагидай эсимда, Саут-террасда ўзим тенги мишиқилар билан ғўддайишиб турибмиз, ўзимизни гўё ботмон чоғлаймиз, тумшук осмонда, ҳаммамизнинг оғзимизда трубка. Бир пайт, шундоқ қарасам, ёнгинамдан отам ўтиб бораяпти. Бир оғиз гапирмади, тўхтамади ҳам ҳатто. Эртаси куни якшанба эди, иккаламиз бирга айлангани чиқдик, бир пайт, уйга қайтаётганимизда, у чўнтагидан папирос қутисини чиқариб нима дейди де: “Ҳа, айтганча, Саймон, мен сенинг чекишингни билмас эканман”, дейди. Мен нимадир деган бўлиб минғирладим чоғи, у қутини менга чўзиб: “Яхши тамакига тобинг қалай, қани бу сигараниям синаб кўр-чи. Менга буни кеча кечқурун Куинстаунда америкалик бир капитан совға қилди”, дейди.

Стивен отасининг пиққиллаганини эшитди, бу кулгидан кўра хўрсиниққа ўхшаб кетарди. — Ўша пайтда у Коркдаги йигитларнинг энг олди эди. Сенга бор гапни айтаяпман. Кўчадан юриб ўтса аёллар тўхтаб, орқасидан термилиб қараб қоларди.

Шу ерда отасининг товуши ўқирган йиғидан бўғилиб қолди ва Стивен беихтиёр кўзларини катта очди. Бирдан кўзининг қорачиғига ёпирилиб кирган ёруғ нур ичида у фаройиб сеҳрли оламни—қорамтир тусдаги осмонда бурқираб ётган паға-паға булутлар ва уларга сел бўлиб қўйилаётган тўқ қизил ёғдуни кўрди. Миясининг ичи лўқиллаб оғрир, боши танасига бўйсунмасди. У дўконлар пештоқиға илинган лавҳалардаги ҳарфларни зўрға фарқларди. Ўзининг ёввойи феъл-атвори боис, у ҳаётдан тамом бегоналашиб қолгандай эди. Атрофда рўй бераётган бирор-бир ҳодиса, агар унинг тушкун кайфиятига ҳамоҳанг бўлмаса, унга таъсир этмас ва уни ўзига жалб қилолмасди. На ёзнинг кўрк-тароватиға, на шодлиғу дўстликка кўнглида рағбат сезар, на тириклик шавқи ёки оддий исоний даъват унинг чиройини очар, отасининг овози эса асабини кўзғар ва эзгин руҳини баттар азобларди. У миясида кечаётган фикрларни зўрға идроклар ва ичида секин такрорларди:

“Мен—Стивен Дедалус. Отам билан бирга кетаяпман, унинг исми-шарифи Саймон Дедалус. Биз ҳозир Коркдамиз, Ирландиядамиз. Корк—бу шаҳар. Биз “Виктория” меҳмонхонасиға тушдик. Виктория. Стивен. Саймон. Стивен. Виктория. Исmlар”.

Болалик хотиралари тўсатдан хира тортди. У ёдида қолган ёруғ дақиқаларни эслашға уринди, бироқ эслай олмади. Хотирига фақат номларғина келди: Денти, Парнелл, Клейн, Клонгоус. Ушоқдай болакайни кекса аёл географияға ўқитарди, шкафда аёлнинг иккита чўткаси бўларди. Кейин уни коллежға жўнатишди. У биринчи марта илоҳий қовушиш маросимида қатнашди, крикет ўйнаганда киядиган қалпоғиға яширган шоколадларни еди, касалхонанинг тор палатасида, деворда биланглаб ўйнаётган олов аксига термилди, хаёлида қандай ўлишини, ректорнинг ҳашамли либосда келиб, унинг дафн маросимида хизмат қилишини, жасадини эса бош арғувонзор хиёбон ортидаги чоғроққина қабристонға дафн этишларини тасаввур қилди. Бироқ ўшанда у ўлмади. Парнелл эса ўлди. На черковда ибодат, на дафн маросими бўлди. Парнелл ўлгани йўқ, балки қуёшда тарқаган тумандай эриб кетди. У йўқолди, ё бўлмаса ҳаётни тарк этди, чунки энди у йўқ. Ғалати, тасаввурға сиғмайди—у ҳаётдан кетди-борди, ўлгани йўқ, қуёшда эриб битди ё коинотнинг аллақаерларида сарсон-саргардон кезиб юрибди! Кўзига бир сония кичкина болакай кўриниб кетгани ғалати бўлди: ана у, ўзи—бўзранг белбоғли камзулда. Қўллари ён чўнтақларига тиқилган, чолварчаси тиззасидан пастдаги боғичлари билан айлантириб тортиб боғлаб қўйилган.

Ўша куни кечқурун, отасининг мол-мулки сотилиб бўлганидан кейин, Стивен унинг ортидан итоаткорона эргашиб, шаҳар бўйлаб майхоналарға кириб-чиқиб юрди. Мистер Дедалус бозордаги савдогарларға, майхона хизматчиларига, овқат ташувчилар-у хайр-садақа сўраган гадоларға тап тортмай бир гапни қайта-қайта такрорлар: ўзининг Коркда туғилгани, асли таги

корклик экани, ўттиз йилдан бери Дублинда яшаётганига қарамай жануб шеvasини унутиб қўймагани ва ёнидаги мана бу йигитча—тўнғич ўғли ғирт дублинлик такасалтанг экани ҳақида тинмай жаврар эди.

Ерталаб улар “Нком” қаҳвахонасидан чиқишди, қаҳвахонада мистер Дедалуснинг қўли қалтираб, чашкаси ликопчага урилиб, қаттиқ жаранглаб кетди. Стивен стулни қимирлатиб, йўталиб, бу хижолатли аҳволни—кечаги ичкиликбозликнинг шармандали оқибатини сездирмасликка уринди. Хўрланишларнинг эса кети кўринмасди: мистер Дедалус ўзича меҳр кўргазмоқчи бўлган бозордаги савдогарларнинг масхаралаб кулишлари, буфетчи хотинларнинг илжайишиб майна қилишлари-ю отасининг дўстлари бири қўйиб, бири олиб оғиз кўпиртириб мақташлари. Улар Стивенга сен худди қўйиб қўйгандай бобонгга ўхшайсан дейишди, мистер Дедалус маъқуллади, ўхшашга ўхшайди-ю, фақат Стивен ундай чиройли эмас, деди. Улар узоқ тортишувдан сўнг мистер Дедалусни нутқидан корклик эканини билса бўлади, деган хулосага келишди ва уни Ли дарёси Лиффи дарёсидан чиройли эканини тан олишга мажбур қилишди. Улардан бири Стивеннинг лотинчадан билимини синаб кўрмоқчи бўлиб, “Дилектус” дан бир неча иборани таржима қил-чи, деб туриб олди ва: “Темпора мутантур нос эт мутантур ин иллис” тўғрими ёки “Темпора мутантур эт нос мутантур ин иллис”<sup>\*2</sup> тўғрими, деб сўради. Мистер Дедалус Жонни Кешмен деб чақирган бошқа бир эзма чол ундан қаернинг қизлари чиройли — Дублиннинг ё Коркнингми, деб сўрайвериб энсасини қотирди.

— Ҳой, у сен ўйлаганларданмас, — деди мистер Дедалус. — Тирғалавермасанг-чи унга. У жиддий, ақлли бола, ҳеч қачон бундай бўлмағур нарсаларга бошини қотирмайди.

— Ҳа-а, бундай бўлса, демак, у отасининг ўғли эмас экан-да, — деди эзма қария.

— Бунисини бироқ мен билмадим, — деди мистер Дедалус ишшайиб.

— Сенинг отанг, — деди эзма чол Стивенга, — ёшлигида Коркдаги қизларни қийратарди. Сен буни билмасмидинг?

Стивен бошини қўйи солди, майхонанинг кафел ёткизилган ерига термилди.

— Улгирарсан ҳали унинг бошини қотиришга, — деди мистер Дедалус. — Қўй ўз ҳолига.

— Нега бошини қотирарканман? Бобоси тенги одам бўлсам. Ҳақиқатан ҳам мен бобо бўламан сенга, тўғрими, — деди қария Стивенга. — Сен шунга биласанми?

— Йўқ, — деди Стивен.

— Наҳотки, — деди эзма чол. — Сандз Уеллда иккита тойчоғим—неварам бор. Хўш? Сенингча, менинг ёшим нечада? Мен сенинг бобонгни яхши эслайман, қизил камзул кийиб, тулки овлашга чиқарди. У пайтлари сен ҳали дунёга келмаган эдинг.

— Унинг дунёга келиши ҳеч кимнинг хаёлида ҳам йўқ эди, — деди мистер Дедалус.

— Бўлмасам-чи! — маъқуллади эзма чол.

— Биласанми, мен ҳатто сенинг бобонгнинг отасини, Жон Стивен Дедалусниям танирдим.

Ашаддий дуелчи эди-да ўзиям! Хўш! Хотира қалай?

— Гапингга қараганда уч, йўқ, тўрт авлодни биларкансан, — деди суҳбатдошлардан бири. —

Ҳадемай, Жонни Кешмен, нақд юзни ураркансан.

— Мен сизларга ёшим нечадалигини айтаман, — деди эзма чол. — Мен ропа-роса йигирма еттидаман.

— Тўғри, Жонни, — деди мистер Дедалус. — Ўзингни тетик ҳис этаётган бўлсанг, демак, ҳали ёшсан-да. Қани, олдикми, тагида қолганини тинчитайлик, кейин бошқасини очамиз. Ҳой бола! Тим, Том, исминг нимади сенинг, шунақасидан яна бир шиша келтир. Гапнинг рост, ўн саккиздаман гўё, менга шундай туюлади, шу ўғлим мендан икки карра ёш, хўш, шундай бўлгандан сўнг у менинг олдимга туша олармиди!

— Унга тан беришинг, Дедалус, ҳарқалай, қийин бўлмайди сенга, — деди ҳалигина гапга қўшилган киши.

— Йўқ, йўқ, жин урсин! — қичқирди мистер Дедалус. — Мен ашуланинг авжини ундан яхши айтаман, овдаям олдимга тушишга йўл бўлсин унга, мен билан тулки тутишга юраги

бетлармикан, эҳе, ўттиз йил бурун, керрилик болалар билан овлардик-да тулкини! Улар овнинг маънисига боришарди, маънисига!

— Бироқ у сени мана бу билан енгади, мана бу билан,— деди эзма чол бармоғини манглайига нуқиб ва бир кўтаришда қадахни бўшатди.

— Ҳа, уям отасидай оқибатли инсон бўлади, деб умид қиламиз, бундан ортиқ нима ҳам дердик, — жавоб қилди мистер Дедалус.

— Бундан ортиқ тилак бўладими, ахир, — деди эзма чол.

— Худога шукр қилайлик, Жонни — деди мистер Дедалус, — кўп яшадик, бироқ ёмонликни кам қилдик.

— Аксинча, хайрли ишларни кўп қилдик, Саймон, — ғурурланиб қўшиб қўйди эзма чол. — Ўзингга шукр яратган эгам, умримизга умр қўшганингга, эзгу ишларни бисёр раво кўрганингга қуллуқ.

Стивен учала қадахнинг қандай кўтарилганига қаради, отаси ва унинг икки кекса ошнаси ўзларининг ёшлиги учун ичишди. Тақдир ё феъл-авторданми, ишқилиб, аллақандай жарлик Стивенни улардан бездирарди. Назарида, унинг ақли қаҳру ғазабга мойил ва қартайгандай туюларди: у худди ер тепасидаги тафтсиз ойдай, гуруглашаётганларнинг баҳслари, қувонч ва андуҳлари устида, совуқ нур таратиб турарди. Вужудида бир пайтлар отаси ва унинг ошналари ҳис этаётган ҳаёт ва ёшлик шавқини ҳис этмасди. Дўстона гурунглар қувончи, эркак кишига хос метиндай соғлиқ ва фарзандлик туйғуси унга бегона эди. Унинг қалбида совуқ, қаҳрли ва меҳрдан холи майллардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Унинг болалиги барҳам топган ёки ғойиб бўлган, у билан бирга оддий қувончларга мойил кўнгли ҳам ҳамма нарсадан безиган ва ҳаётда гўё осмондаги сўник ой гардишидай, саргардон кезиб юрарди.

*Толмадингими кўқда, ой? Рангинг синиқ, бенаво.*

*Фалак тоқидан ерга қарайсан ғамгин, маъюс.*

*Сайр этасан, танҳо...*

У ичида Шеллининг сатрларини такрорлади. Инсонга хос норасоликни одам боласига насиб этмайдиган олиймақом қудратга қарши қўйгани уни ҳушига келтирди ва у ўзининг шахсий, ночор ва арзимас ғам-андуҳларини унутди.

\* \* \*

Стивеннинг онаси, укаси ва амакиваччаларидан бири кимсасиз фостер-плейснинг бурчагида кутиб турадиган бўлишди, Стивен эса отаси билан зиналардан кўтарилишди ва соқчи-шотланд бориб-келиб юриб турган устунлар ёнидан юриб кетишди. Улар ҳайҳотдай залга киришиб, кассанинг дарчасига яқинлашганда Стивен чўнтагидан Ирландия банки директори номига ёзилган — биттаси ўттиз, иккинчиси уч фунтли чекларини чиқарди. Кассир чекларга бериладиган суммани, унинг стипендияси ва ёзма ишига берилган мукофот — ҳаммасини қўшиб, муомалада пул ўрнида юрадиган банкнотлар ва жаранглаган танга билан ҳисоблаб санаб узатди. Стивен хотиржамлик билан уларни бўлиб-бўлиб чўнтақларига жойлади ва отаси билан гаплаша туриб уни қутламоқчи, келажаги порлоқ бўлишини тиламоқчи бўлаётган очикқўнгил кассирга энли тўсиқ устидан итоаткорона қўл узатди. Уларнинг овози Стивеннинг ғашини кўзғади ва у бетоқат бўлиб, типирчилай бошлади. Бироқ кассир, бошқаларни куттириб қўйиб, замон ўзгариб бораётгани, ҳозир энг муҳими, агар чўнтак кўтарса, албатта, фазандни яхшилаб ўқитиш кераклигини жаврай кетди. Мистер Дедалус шошилмасди, бир атрофга аланглари, бир шипга қарар, тоқатсизланаётган Стивенга ҳозир улар эски Ирланд парламентининг биносида туришганини, жамоа палатаси шу ерда бўлганини уқтирарди. — Ажаб замонлар эди-да! — деди мистер Дедалус оғзидан бол томиб, — у даврнинг одамлари бошқача эди — Хили-Хатчинсон, Флуд, Генри Граттен, Чарлз Кендл Буш. Ҳозирги зодагонман

деганлардан ўргилдим, нуқул тимирскиланишади! Шулар-да энди ирланд халқининг доҳийлари! Биласанми Стивен, бу бойваччаларни ҳатто қабристондаям ҳақиқий ирландлар билан ёнма-ён ётишини тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳ, жигарим, Стивен, бу, биласанми, ҳалиги бир қўшиқда айтади-ку: “Саратонда кўклам ҳавоси” деб, шунинг ўзгинаси.

Банк теварагида октябрнинг изғиринли шамоли изғийди. Улар лой йўлакнинг четида туришибди, уччаласининг ҳам юзлари совуқдан кўкариб кетган, кўзлари ёшланади. Стивен онасининг энгил кийинганини сезди ва бир неча кун олдин Бернардо магазини витринасида йигирма гиния турадиган елкага ташланадиган аёллар камзулини кўрганини эслади.

— Хўш, пулниям олдик, — деди мистер Дедалус.

— Энди овқатлангани борсак ёмон бўлмасди, — деди Стивен. — Қаерга борсак экан!

— Овқатланамизми? — деди мистер Дедалус. — Маъқул бу, ҳар қалай, яхши таклиф.

— Арзонроқ жойга кирақолайлик, — деди миссис Дедалус.

— Камбағалбоп жойга-я?

— Ҳа, бирор оддийроқ ошхонага.

— Кетдик, — деди Стивен тоқатсизланиб. — Қимматми, арзонми — нима фарқи бор.

Стивен уларнинг олдига тушиб, майда нотекис қадам ташлаб, жилмайиб борарди. Улар ортда қолиб кетмаслик учун қадамларини тезлатишди ва унинг қичаб юраётганига кулимсирашди.

— Ҳовлиқмасанг-чи, — деди отаси. — Ёв қуваяптими, кап-катта йигитга ярашмайди бундай шошқолоқлик. Совғадан қуруқ қолаяпмизми бунча югириб!

Улар бўлар-бўлмас кўнгилхўшликларга пул сарфлаб юриб куннинг қандай ўтганини сезишмади, Стивеннинг қўлидаги мукофот пули ҳаш-паш дегунча тугаб битди. Шаҳардан уйга турли-туман ширинликлар, конфету қуритилган мева-чевалар солинган катта қутиларни кўтариб келишди.

Ҳар куни Стивен оила учун тайёрланадиган таомлар рўйхатини тузар, кечқурунлари улар уч ёки тўрт киши бўлиб, “Ингомара” ё “Лионлик нозанин”ни томоша қилгани театрга отланишарди. Унинг калта камзулининг чўнтагида улфатларга аталган вена шоколади бўлар, шимининг чўнтагида эса бир сиқим кумуш ва мис тангалар шақирларди. У ҳаммага совға харид қилар, ўзининг хонасини қайта бошдан безашга киришиб кетар, аллақандай лойиҳалар устида бош қотирар, жавондаги китобларнинг жойини алмаштирар, нарх-наволар ёзилган маълумотномаларни ўрганар, оиланинг ҳар бир аъзосига аниқ вазифа юкланадиган янгича қатъи тартиб-қоида ўрнатмоқчи бўларди. Уйдагилар учун фоиз эвазига қарз берадиган касса очди ва фақат квитантсия ёзиш-у тушадиган фоизни ҳисоблашнинг завқига берилиб, ёрдам сўраганларга қарз улаша бошлади. Бу машғулотлар жонига теккач, у оёғига конки танғиб олиб, шаҳар бўйлаб санғиди. Охир-оқибат барча эрмакларидан безди. Қирмизи сир бўёқ тунука қутида қотганча қолди, деворга қопланган тахта бўялмади, чала-чулпа урилган сувоқ эса кўчиб туша бошлади.

Оила одатдаги турмуш тарзига тушиб олди. Онаси энди уни исрофгарчиликка йўл қўйгани учун койимасди. Ўзи ҳам бурунги, мактабда пайтидаги ҳаёт йўсинига қайтди, ўрнатган янгиликлари эса барбод бўлди, республикаси қулади. Қарз берадиган кассаси жуда катта камомад билан ёпилди. Ўзи учун тузган яшаш тартиб қоидаси ўз-ўзидан бузилиб кетди.

Нақадар бемаъни ҳаракатлар эди бу! У теварагидаги ҳаётнинг бўтана оқимига қарши тартиб ва файзу тароват тўғонини тикламоқчи, ахлоқ қоидалари ҳамда фойдали машғулотлар кўмагида янгича оилавий муносабатларни жорий этиб, вужудидаги безовта туғённи босмоқчи бўлди. Бари бекор кетди. Бўтана оқим ҳам сиртдан, ҳам ичдан тўсиқни бузиб бостириб кирди: фарқ бўлган тўғон устида ҳар икки оқим шиддат билан тўқнашди.

У энди бу ҳаётга ўзининг тамом бегоналигига ҳам ақли етиб турарди. Туғишганларига ҳам олдингидай бемалол ёндашиб боролмайдиган бўлиб қолди, хижолатга солган бўлар-бўлмас ишларини, орттирган беҳуда ташвишлари-ни ёдидан чиқаролмас, бу қилғиликлари уни онаси, укаси ва сингилларига бегонасирашиб қўйган эди. Ўзининг улар билан қондошлигини ҳис этмас, назарида аллақандай сир уларни боғлаб тургандай, гўё бу оилага ўзи асранди фарзанд, укаси

сингиллари эса шунчаки бир кўкракдан сут эмишган-у, аслида бегоналардай эди.

У яна вужудини қийноққа солаётган ташналикни қондиришга уринди. Бу ташналик олдида кўзига ҳеч нарса кўринмас, оғир гуноҳга ботгани-ю, ҳаёти ёлғон-яшиқ важ-карсонларга қоришиб кетаётгани уни ортиқ безовта қилмасди. Жонини азоблаётган жирканч хоҳиш йўлдан озишга ундар, унинг учун бирор-бир азиз нарса қолмаганди. У лоқайдлик билан тийиқсиз ўй-хаёлларига эрк бериб, кўзи тушган ҳар қандай қиёфани тасаввурида жонлантириб, шаҳвоний майлга пинҳона ружу қўярди. Қаршисидан чиқиб қолган нотаниш аёл, гарчи кундуз кун унга нечоғли бокира туюлмасин, оқшомлари босиринқи тушларида бетлари ловиллаб, кўзлари ҳайвоний ҳирс билан ёниб кўринарди. Фақат эрталаб, ўрnidан тургач, тўшақда хаёлидан кечирганларини эслаб безовталанар, тобора гуноҳга ботиб бораётганидан ич-ичидан эзиларди. Унинг боши тағин уйга сиғмай қолди. Туманли куз оқшомлари, худди бир неча йил бурун Блекрокнинг сокин кўчаларини кезишга жазм этгандай уни яна тор кўчаларда сағишга ундарди. Бироқ энди на уйлар олдидаги бир текис қилиб буталган боғчаю гулзорлар ва на деразалардан ёғилиб турган нурафшон ёғдулар унинг юрагига илиқлик олиб кирарди. Фақат ора-сирада, кўнгли хотиржам тортиб, хоҳиш туғилган дамларда ва тинкасини қуритган шаҳват ўрнини ҳузурли чарчоқ эгаллаганда хотирасининг туб-тубидан Мерседес қиёфаси қалқиб чиқиб келарди. Яна тоғ йўлидаги кичкина оқ уйда ва барқ уриб очилиб ётган атиргулларга тўла боғчани кўрди ва ойнанинг кумуш нурларига чўмилиб ётган боғчада қиз билан, шунча йилларга чўзилган айрилиқ ва сарсон-саргардонликдан сўнг, қўл ушлашиб турганини, ғамгин қиёфада, бироқ ўзини мағрур тутиб, бошини сермаб қизга рад жавобини қилганини ва айтиши лозим бўлган ўша гапни айтганини эслади. Шу дақиқаларда хаёлида Клод Милнотнинг сокин нутқи жаранглагандай бўлиб, юрагидаги ғашликка таскин берди. У бир пайтлар интизор бўлиб кутган тотли учрашув хаёли, гарчи ўша вақтлардаги орзу-умидлари билан феъл-атворидаги қатъиятсизлик, тортинчоқлик ва тажрибасизликка бир зумдаёқ барҳам берадиган ҳақиқий, ҳузур-ҳаловатли висол иштиёқи ўртасида шафқатсиз борлиқ тубсиз жардай бўлиб ётганига қарамай, унинг қалбини мунаввар туйғуларга тўлдирди.

Бу тотли лаҳзалар ўтиб, ўча бошлаган шаҳват алангаси яна вужудини жунбушга келтира бошлади. Шеър сатрлари унинг лабларида қотди, ёввойи ҳайқириқ ва беандиша сўзлар миясида чарх уриб, отилиб чиқишга шай эди. Томирларида қон гупирарди. У шилтаси чиқиб кетган кўчада изғир, тор кўчаларнинг қоронғу бурчакларига, дарвозаларга суқланиб қарар, тик этган товушга қулоғини динг қиларди. У худди ўлжасининг изини йўқотиб қўйган йиртқичдай увлади. У ўзига ўхшаган маҳлуқ билан айб ишга бош қўшиш, уни гуноҳ қилишга мажбурлаш ва у билан гуноҳга ботиб роҳатланишни кўмсарди. У зимистон қаъридан аллақандай қора нарса шиддат билан ўзи томон, худди тутқич бермайдиган ва вишиллаган асов селдай бостириб келаётганини ҳис қилди ва бу оқим уни тамом фарқ этгудай эди. Бу ваҳимали вишир-вишир босиринқи тушдаги каби кўпириб-тошиб қулоқларига урилди, кўз илғамас узун томчилар аъзойи-баданини илматешик қилиб ўтгандай бўлди. Бу чидаб бўлмас оғриқ азобидан бармоқлари титраб-қақшаб мушт бўлиб тугилди, тишлари бир-бирига қапишиб кетди. Кўчада туриб аллақандай нозик, силлиқ ва мафтункор бир нимани тутиб қолмоқчи бўлиб қўлларини узатди, ва аллақачондан бери бўғзида тутиб турган чинқириқ лабларидан отилиб чиқди. Чинқириқ мисоли бадбахт гуноҳкорларнинг жаҳаннамдаги оҳу нолаларидай фиғонли чиқди ва аччиқ, йиғламсираган ҳирқироқли илтижога айланиб ўчди, бу айни ҳожатхонанинг зах тортган деворида у кўрган уятсиз ёзувнинг аянчли акс-садоси эди.

Бир маҳал у боши айланиб тор, ифлос кўчаларга кириб қолди. Бадбўй жинкўчалардан унинг қулоғига шовқин, маст-алас бақириқ-чақириқлар, сўкинишлар, ҳирқираган ширакайф товушлар эшитилди. Буларнинг унга таъсири кам эди, у қаерга келиб қолдим, бу яҳудийлар квартали эмасми, деб ҳайрон бўлиб турарди. Узун ялтироқ кўйлақлар кийиб, атир-упага беланиб олган хотинлар ва ёш қизлар кўчани кесиб ўтишиб, у уйдан бу уйга кириб-чиқиб юришарди. Уни қалтироқ босиб, кўз олди қоронғулашди. Туман босган нигоҳида, булутли ҳаво қоронғусида

фонусларнинг сарғиш қўзоғи меҳроб пештоқига ёқиб қўйилган шамлардай йилтиллаб кўринди. Эшиклар олдида ва ёруғ айвончаларда хотинлар, аллақандай маросимга шайланаётгандай, тўда-тўда бўлиб туришарди. У бутундай бошқа дунёга тушиб қолди: гўё минг йиллик уйқудан уйғонди.

У кўчанинг ўртасида турар, юраги кўкрагини ёриб чиққудай гурсиллаб урарди. Қизил кўйлакли ёшгина аёл қўлини унинг елкасига қўйди ва кўзларига тик қаради.

— Хайрли шом, ёқимтой Вилли! — деди жувон қувноқ оҳангда.

Унинг хонаси иссиқ ва ёруғ эди. Каттакон қўғирчоқ оёқларини кериб, каравот олдидаги оромкурсида ўтирибди. Стивен жувон кўйлагини қандай ечаётганига қаради, атир уфурган бошининг мағрур, қатъиятли ҳаракатини кўрди, ўзини бамайлихотир кўрсатиш илинжида биргина сўз айтишга ўзини мажбурлашга уринди.

Ва шу зайл миқ этмай хонанинг ўртасида қаққайиб турганида жувон яқинига келди ва уни қучоқлади — шодон ва хотиржам қучоқлади. Жувоннинг лўппи қўллари уни қаттиқ қучди ва унинг ортга энгашган жиддий, хотиржам юзини кўриб, кўкрагининг сокин ва бир текис кўтарилиб тушаётганини ҳис этиб, Стивеннинг жазавода ўкириб йиғлаб юборишига сал қолди. Унинг маҳлиё бўлган кўзларида севинч ва ором ёшлари балқиди, гарчи бир сўз айтмаган эса-да, лаблари очилди.

Жувон балдоқлари жиринглаган қўли билан унинг сочларини силади ва уни шумтака, деб атади.

— Ўп мени,— деди жувон.

Унинг лаблари қимир этмади, жувонни ўпмади. Жувон ўзини яна қаттиқроқ қучиб туришини ва оҳиста-оҳиста эркалашини хоҳларди у. Жувоннинг қучоғида у ўзини фавқулодда қучли, ботир ва қатъиятли ҳис этди. Бироқ унинг лаблари қимир этмади, жувонни ўпмади.

Бехос ҳаракат билан жувон унинг бошини эгди ва ўзининг лабларини унинг лабларига босди, Стивен жувоннинг ўзига ошқора тикилиб қараган кўзларидан ҳаракатининг маъносини уқди. Бу энди унинг имконидан ташқарида эди. У кўзларини юмди, жону танини аёлга топшириб, унинг юмшоқ хиёл очиқ лабларидан ўзга дунёдаги ҳамма нарсани унутди. Ўпаётиб, жувоннинг дудоқлари унинг лабларигагина эмас, ақлу ҳушига ҳам таъсир этди, гўё унга нимадир айтмоқчи бўлди ва туйқусдан, лаҳза ичида, у ҳеч қачон ҳис этмаган, энг мудҳиш гуноҳдан-да оғир, ҳид ёки товушдан майин ва маъсум алоқани туйди.

---

\*1 Лаус Део Семпер — тангрини боз шарафламоқ учун (лотинча). Иезуит мактабларида ёзма ишга қайд этиладиган одатдаги белги.

\*2 “Вақт ўзгаради ва биз ҳам у билан бирга ўзгариб борамиз” (лотинча). Биринчиси тўғри.

## УЧИНЧИ БОБ

Қайғули кун ўтиб, декабрнинг тезкор шом қоронғуси, аланг-биланг масхарабоздай, бир зумдаёқ ерни қоплади, у синф хонасида деразанинг тўртбурчак хира ойнасига термулиб ўтириб, қорни овқат талаб қилиб таталаётганини ҳис қилди. У кечки таомга сабзи, шолғом солинган ва аччиқ мурч сепилган унли қайла устига картошка пюреси ва ёғли қўй гўшти бостириб солинган қовурдоқ бўлар, деб умидланди. Буларнинг барини жойла, дерди гўё қорни қутқи солиб.

Оқшом қоп-қоронғи бўлади, зим-зиё тун. Бироз қоронғи тушиши билан исқирт кварталдаги исловатхоналарнинг у ер-бу ерида сарғиш фонуслар милтиллаб ёнади. У тор кўчаларда санқийди, ўша тарафга интилиб бораверади, оёқлари ўша қоронғи бурумга бошлаб олиб кириб кетмагунча ҳаяжон ва кўрқувдан қалтирайди. Айни пайт фоҳишалар ҳам кундузги уйқудан туришиб, эснашиб, сочларидаги тўғнағичларни тузатишиб, тунги учрашувларга чоғлангани кўчага чиқишади. У хотинларнинг фавқулодда имо-ишора қилиб қолишларидан ёки гуноҳга



кўникиб қолган юрагини ўртайдиган атир ҳиди анқиган бирор-бир момик баданнинг чорловидан умидвор бўлиб, уларнинг олдидан хотиржам юриб ўтади. Ва бу чорловни у сергак кутаркан, тийиқсиз майилларига эрк бергани оқибатида заифлашиб қолган ҳис-туйғуларини ерга уриб, нафсониятини топтаётган нарсаларга беҳад диққат бўлиб эътибор қилади: кўзлари — яланғоч столга тўкилган пивонинг ҳалқа-ҳалқа кўпикларига, ҳарбийчасига ғўддайиб турган икки аскарнинг суратига, тумтароқ афишага тушади; қулоқлари — бақириб-чақирган, қийқириб ҳол сўрашишган товушларни эшитади.

—Хелло, Берти, хўш, нима билан хурсанд қиласан, азизим?

—Ҳа, сенмисан, дўндикча?

—Ўнинчи номерга кир, жажжи Нелли кўзлари тешилиб кутаяпти.

—Бу оқшом бир яйрай депсан-да, а, йигитча?

Унинг дафтаридаги тенглама, даражаларни билдирадиган кўзча ва юлдузчали белгилар билан товуснинг серҳашам думидай ёйилиб тарвақайлаб кетди; даражаларнинг кўзчалари ва юлдузчалар ўзаро чоғиштирилиб қисқартирилгач, дум аста-секин ихчамлаша бошлади. Даражалар худди бир очилиб, бир юмилиб турган кўзчалардек пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб турар, кўзчалар ёниб-ўчиб турган юлдузчалардай очилар ва юмиларди. Юлдузли ҳаётнинг улкан гирдоби унинг толиққан ақл-ҳушини бир четга суриб кетар ва яна ҳаял ўтмай ортга қайтариб олиб келар ва узоқдан элас-елас эшитилаётган мусиқа садоси бу ҳаракатга жўр бўларди. Бу қандай мусиқа бўлди экан? Куй оҳанги яқинроқдан эшитила бошлади ва у Шеллининг қоронғу осмонда танҳо кезиб юрган, толиқиб ранги синиққан ойга бағишланган мисраларини эслади. Юлдузлар уваланиб кета бошлади ва юлдузлар чангининг юпқа пардаси коинот қаърига сингиб кетди.

Бошқа бир тенглама ёйилиб, секин дум чиқара бошлаганда варақдаги ёруғ нур хира тортди. Бу унинг томир ёйиб, гуноҳларга ботиб, ёниқ юлдузлардай учқун сачратиб ва яна йиғилиб, оҳиста сўниб, ўзининг оташ-алангасини ўчириб — шу зайил ҳаёт йўлига тушаётган қалби, руҳияти эди. Унинг юрагини ўртаган оташ-алангалар ўчиб-битди ва бўшаб қолган совуқ зим-зиё қалбини лоқайд мубҳамлик эгаллади.

Унинг борлиғини совуқ сергак бефарқлик эгаллаб олди. Биринчи марта гуноҳга йўл қўйганидан қаттиқ изтиробга тушганида юрагининг туб-тубидан вулқондай қайнаб-тошиб келган ғазаб ва нафрат оташин танини ё бўлмаса руҳини куйдириб, бир умрга мажруҳ қилиб қўядигандай туюлиб, қаттиқ кўрққанди. Бироқ ҳаёт тўлқини уни гоҳ фарқ қилиб, гоҳ пасайиб-тушиб аста-секин ўзига келтирди. Бу талотўмдан унинг тани, руҳи омон қолди ва улар ўртасида сўзсиз-сўроқсиз битим—муроса пайдо бўлди. Юрагидаги беҳаловат туйғуларга барҳам берган мубҳамлик бир қадар бефарқ бўлиб, совуққонлик билан ўзини-ўзи англашга айланди. У бир эмас, бир неча марта оғир гуноҳга қўл урган эди ва биринчи қилган гуноҳининг ўзи учун абадий лаънатга қолиши тайинлигини билар, кейингилари эса тортажак азобларига яна азоб қўшарди, холос. Ўтаётган кунлар, машғулотлар ва азобли ўйлар энди унинг гуноҳларини енгиллатмас — об-ҳаёт булоғининг ҳузурбахш суви энди унинг қашшоқ руҳига, руҳий ташналиқдан қақраган вужудига тириклик шавқини бағишламас эди. Энди у гадойларга садақа берганида бир зум тўхтаб, уларнинг дуоларини эшитиб ўтирмас, бурилиб кетиб қолар ва ҳорғин хаёл суриб, балки шундай қилсам озгина бўлса-да савоб оларман, деб умидланарди. Художўйликни бутунлай тарк этганди. Қилган оғир гуноҳлари учун дўзах оловида ёнадиган бўлганидан кейин тоат-ибодатдан нима фойда? Гарчи уйқусида ҳам жонини олиш ва дўзах оловига ташлаш Яратганнинг иродасига боғлиқ эканини, бундай пайтда ҳатто раҳм-шафқат тилашга ҳам улгура олмай қолишини билса-да, юрагидаги кибр ва азбаройи ихлос билан кўрқиши унинг оғиз очиб дуо ўқишига монелик қиларди. Ўзининг гуноҳларини кибр билан тан олиши ва кўнглидаги Яратганга муҳаббатдан холи кўрқув қўл урган жинояти беҳад катталигини, ҳамма нарсадан огоҳ ва ҳамма нарсани билгувчи зотга мунофиқларча тавба-тазарру қилган билан гуноҳлардан халос бўлишининг иложи йўқлигини мудом уқтириб

турарди.

— Биласизми, Эннис, сизнинг елкангиздаги бу калла эмас, шунчаки ошқовоқ, деса ҳам бўлаверади. Сизга нима бўлди ўзи — нахотки ирратсионал миқдор нималигини билмасангиз? Бетайин жавобдан синфдошларига нисбатан унинг кўнглида ғимирлаган беписандлик баттар кучайди. Энди у бошқалар олдида уялиб-нетиб ўтирмас эди. Якшанба кунлари эрталаб, черков ёнидан ўтаётиб, ибодат қилаётганларга бепарво қараб қўярди; одамлар тўрттадан тизилишиб, бошларини эгишиб, черковнинг эшиги олдида итоаткор туришар, ичкаридаги ибодатни кўрмаётган ва эшитмаётган бўлишса-да, ўзларини маросимда иштирок этаётгандай тутишарди. Уларнинг маъюс художўй қиёфалари ва сочларига суртишган арзон мойнинг кўнгилни айнитадиган ҳиди бу муқаддас жойдан унинг ихлосини қайтарарди. У ҳам бошқалар қатори риёкорликка йўл қўяр, бироқ авомнинг соддадиллигига, шундай осонгина алданишига мутлақо ишонмасди.

Унинг ётадиган хонаси деворида унга коллеждаги Биби Марям бирлиги жамоасининг префекти унвони берилгани ҳақидаги четлари нақш билан безатилган ёрлик осифлик турарди. Шанба кунлари, жамоа аъзолари ибодат хизматини ўташ учун черковга йиғилишганда, у меҳробдан ўнг томондаги фахрли жойни эгаллар, мато қопланган кичкина ўриндиққа тиззасини букиб ўтириб, маросим пайти хорнинг ўзига тегишли қанотини бошқарарди. Бу сохта ҳолат унинг виждонини қийнамас эди. Баъзи дақиқаларда унинг фахрли ўриндан сакраб туриб, ҳамманинг олдида риёкорлиги учун тавба-тарарру қилиб, черковни ташлаб чиқиб кетгиси келар, бироқ теварагидаги одамларнинг юзларига бир қарашнинг ўзи қалбидаги бу ғалаённи босиш учун етарли бўларди. Оятлардаги образли башоратлар унинг нафсиз ғурурига ўзгача зеб берарди. Марямни шарафловчи баландпарвоз ҳамду санолар: хушбўй нардин, миро ва ладан — Биби Марямнинг илоҳий насл-насаби белгилари, кеч гуллайдиган дарахт ва кеч очилган гул — асрлар оша унинг улуғворлигини одамлар онгига сингдириб келган тимсоллар Стивеннинг қалбини асир этарди. Ва ибодат якунида Муқаддас битикни ўқиш навбати унга етганда, Стивен бўғиқ овозда, сўзлар оҳанги билан виждонини юпатиб, аллалаётгандай бир маромда ўқий бошларди:

“Қуаси седрус эхалтата сум ин Либанон эт гуаси супрессус ин монте Сион. Қуаси палма эхалтата сум ин Гадес эт қуаси пиантатио росае ин Жеричо. Қуаси улива спесиоса ин сампис эт қуаси пларанус эхалтата сум жухта ақуам ин платеис. Сисут синнамомум эт балсамум ароматисанс одорем деди эт қуаси мйррҳа элеста деди суавитатем одорис”\*1.

Илоҳий сиймонинг ундан юз ўгиришига сабаб бўлган гуноҳ уни беихтиёр жами гуноҳкорлар ғамхўрига яқин қилиб қўйди. Биби Марямнинг кўзлари унга меҳр билан ювош қараб тургандай туюлар, нозиккина жуссасини чулғаган илоҳий ёғду нажот истаб ўзи томон талпинган гуноҳкорларни ҳечам таҳқирламасди. Агар қачондир унинг юрагида: энди ҳеч қачон гуноҳга қўл урмайман, тавба қиламан, деган холис хоҳиш уйғонган бўлса, бу шубҳасиз, ўзини Биби Марям хизматига бағишлаш истагидан эди. Агар қачондир унинг руҳи, танини жунбишга келтирган беҳаловат майллар босилгач, уят ва алам билан ўз даргоҳига қайтиб ва унга томон — тимсоли “кўк тоқидаги ёрқин, оҳанрабо, само сирларидан огоҳ этиб, оламга осойишталик бағишловчи” тонг юлдузига талпинган бўлса, бундай лаҳзаларда Биби Марямнинг исми, ҳали бемаъни ва уят сўзлар ва танигагина роҳат бағишлаган беандиша ўпичлар таъми аримаган лабларидан чиқар эди.

Бу, чиндан ғалати эди. Бундай ҳолатлар қандай юз беришини у ўзича тушунишга уринди. Бироқ синф хонасини қоплаган ғира-шира қоронғулик унинг фикрларини ҳам чулғади. Қўнғироқ чалинди. Ўқитувчи топшириқ бериб, чиқиб кетди. Стивеннинг ёнида ўтирган Курон сохта оҳангда хиргойи қилди:

Менинг дўстим, гўзал Бомбадос.

Ташқарига чиқиб кетган Эннис, синфга кириб, янгиликни хабар қилди:

— Хизматкор келди, ректорни сўраб.

Стивеннинг орқасидаги бўйчан ўқувчи қўлларини бир-бирига ишқаб, деди:

— Яшасин! Энди бир соат мазза қилиб лақиллашса бўлади. Соат икки яримгача қайтиб келмайди. Кейин сен унга катехизисдан савол бериб, гапни айлантирасан, хўпми Дедалус. Стивен кифтини партанинг суянчиғига ташлаб, ястаниб, қўлидаги қаламни дафтар устида паришонхотир югизиб ўтирганча, сафсаталарга қулоқ солар, тутруқсиз гап-сўзларни Куроннинг ора-сира қичқирган овози бўлиб турарди:

— Секинроқ гапирсанглар-чи! Шунақаям шовқин кўтарасизларми!

Черковнинг қатъи ақидаларининг туб илдизларига, сирли томонларига назар ташлаш ва ўзининг ана шу қоидаларга кўра қораланганини эшитиш, буни чуқур ҳис этишга бўлган иштиёқи кўнглига аллақандай қайғуга қоришган севинч улашиши ҳам Стивенга жуда ғалати туюларди. Авлиё Яъқубнинг битта муқаддас ўғитга зид иш қилган киши барча ўғитларни бузган, муқаддас ўғитларнинг ҳаммасига қарши гуноҳ қилган бўлади, деган ҳикмати унга, қалбининг қоронғу бурчакларига зеҳн солиб қарамагунча, баландпарвоз гапдай туюлди. Барча оғир гуноҳлар: манманлик ва бошқаларни назар-писандга олмаслик, пулга ҳирс қўйиш ва унинг воситасида айш-ишратга қўл уриш имконига эга бўлиш, бузуқликда ўзидан омадироқ кимсаларга ҳавас билан қараш ва яхши хулқли кишилар устидан ифво юритиш, очкўзлик, бетаъмиз ўй-хаёлларга берилиб, унингдай эҳтирос оловида ёниш, руҳан ва жисмонан карахтлиқ ботқоғига ботиб, оқибатда вужудини наҳс босиб кетгани, аслида, ахлоқсизликнинг бемаъни уруғидан урчиган гуноҳлардир.

Кўпинча у партада, ректорнинг қатъиятли жиддий юзига хотиржам қараб ўтириб, ҳар хил тагдор саволларни ўйлаб топиб, шу билан вақтини чоғ қилар эди. Агар киши ёшлигида пул ўғирласа ва шу ўғирлаган пулидан катта бойлик орттирган бўлса, гуноҳидан халос бўлиши учун қанча қайтариши керак — ўғирлаган миқдордаги пулни фойизи биланми ёки жами йиққан бойлигиними? Агар оддий одам гўдакни чўқинтираётиб айтиши лозим бўлган дуо сўзларини айтмай туриб сув пуркаса, гўдак чўқинтирилган ҳисобланадими? Минерал сув билан чўқинтирилса ҳам ҳисобга ўтадими? Нима учун биринчи ўғитда мўмин-қобил кишилар, бева-бечораларга жаннат ваъда қилинади-ю, иккинчи ўғитда ер юзига юввош, беозор бандалар ворис бўладилар дейилади? Илоҳий қовушиш маросимида ҳам нон, ҳам вино истеъмол қилинишининг боиси нимада, Исонинг вужуди ва қони, руҳи ва илоҳий моҳияти фақат нондами ёки фақат винодами? Исонинг вужуди ва қони табаррук қилинган нон ушоғида бус-бутунича мавжуд бўладими ёки қисман қўшилган бўладими? Мабодо, табаррук қилингандан кейин вино айниб сиркага айланса, нон моғор босиб, уваланиб қолса, шунда ҳам Исо илоҳ ва инсон сифатида уларда мавжуд бўлаверадими?

— Келаяпти, келаяпти!

Деразадан пойлоқчилик қилиб турган ўқувчилардан бири ректорнинг бош бинодан чиққанини кўриб қичқирди. Катехизислар очилди ва болалар мук тушиб китоб ўқишга киришдилар. Ректор кириб, минбарда ўз жойини эгаллади. Бўйчан ўқувчи ректорга бирор-бир қийин савол бер, деган маънода секингина Стивенни туртди.

Бироқ ректор одатдагидай катехизисни бериб туришни сўрамади ва дарсни ҳам суриштирмади. У қўлларини столга қўйиб, деди:

— Чоршанба куни биз авлиё Франтсиск Ксаверий шарафига бағишланган диний машғулотларимизни бошлаймиз, унинг хотирасига аталган байрам шанба куни бўлиб ўтади. Диний машғулотлар чоршанбадан жумагача давом этади. Жума куни, кундузги ибодатдан кейин шомгача черковда ибодат қилинади. Гуноҳини кечувчи ўз руҳонийси бор ўқувчиларга уларни алмаштирмасликни маслаҳат бераман. Шанба куни соат тўққизда ибодат ва бутун коллеж учун умумий илоҳий қовушиш маросими бўлади. Шанба куни машғулотлар йўқ. Шанба ва яшанба байрам, бироқ бундан душанба ҳам бемалол экан, деган фикрга бормаслик керак. Бундай адашишларга йўл қўймайсизлар, деган умиддаман. Менимча, Дедалус, сиз кўпроқ адашиб қолишга мойилроқсиз.

— Менми, сер? Нега, сер?

Ректорнинг қаҳрли жилмайишидан синфда енгил кулги кўтарилди. Стивеннинг юраги, сўлиган гулдай, секин жунжикиб, увиша бошлади.

Ректор боягидай жиддий, қатъиятли оҳангда давом этди:

— Коллежимиз ҳомийси авлиё Франтсиск Ксаверийнинг ҳаёти тарихини яхши биласизлар, деб ўйлайман. Авлиё Франтсиск қадим испан уруғларидан ва сизга маълумки, у авлиё Игнатийнинг энг тўнғич шогирдларидан эди. Улар Парижда танишишган, ўша пайтда Франтсиск Ксаверий университетда фалсафадан дарс берган. Бу олижаноб ёш задагон, олим, адиб коллежимизнинг буюк асосчиси таълимотини бутун қалби билан чуқур ҳис этган ва албатта, хабарингиз бор, у ўз хоҳишига кўра, авлиё Игнатий томонидан ҳиндларга Исо таълимотини ёйиш учун Ҳиндистонга жўнатилган. Шу боисдан ҳам уни Ҳиндистон ҳаворийси, дейишади. У бутун Шарқни кезиб чиққан: Африкадан Ҳиндистонга, Ҳиндистондан Япониягача борган, маъжусийларни христианликка даъват этган. Бир ой ичида ўн минг будпарастни чўқинтирган. Уларнинг боши устида кўтаравериб, тинимсиз чўқинтирганидан ўнг қўли ишламай қолган. Шундан кейин ҳам кўп одамларни динга киритмоқчи бўлиб, Хитойга жўнашни мўлжаллаган эди, бироқ Санъсизян оролида безгакка чалиниб қазо қилган. Франтсиск Ксаверий улуғ авлиё эди! Исонинг буюк аскар эди!

Ректор бир муддат жим қолди, кейин, бармоқлари чалиштирилган қўлларини сермаб, давом этди:

— У тоғни ўрнидан жилдиришга қодир бўлган кучли эътиқод соҳиби эди! Бир ой ичида ўн минг жонни динга киритишнинг ўзи бўладими! Мана чин фотиҳ, орденимиз шиорига чинакам садоқат: ад мажорем Деи глориам. Шунинг унутмангларки, самода бу авлиёнинг ҳукми барҳақдир! Унинг қудрати мусибатларимизга тангридан ижобат сўрайди, ибодатларимиз ижобат бўлиб, тилагимиз, магар бизнинг бахтимизга хизмат этса, қондирилишини сўрайди, ва тағин, энг муҳими, гуноҳ қилган бўлсак, тавба-тазарруларимизни етқаради. Улуғ авлиё Франтсиск Ксаверий! Одамлар қалбининг буюк сайёди!

У қўлларини сермашдан тўхтатиб, уларни манглайига босди ва қорамтир қаҳрли кўзлари билан тингловчиларга синчиклаб қараб чиқди.

Кўзларининг қорамтир ёлқини ғира-шира ёруғликда чўғдай ялтиради. Стивеннинг юраги, узоқдан келаётган гармселни сезган чўл қизғалдоғидай жунжикиб кетди.

\* \* \*

— “Билгинки, барча кор-аъмолингда охиратингни ёдингда тутмоғинг жоиз ва асло гуноҳга қўл урмагайсан” — ушбу калом, менинг аҳли Исо биродарларим, Экклесиаст китобидан олинган, еттинчи боб, қирқинчи мисра.

Стивен черковда биринчи қатордаги ўриндиқда ўтирарди. Ҳазрат Арнолл кичкина стол ортида меҳробдан чап тарафда ўтирарди. Оғир плаш унинг елкасидан сирғалиб тушиб борар, юзи сўлинқираган ва тумовлигидан товуши хириллаб чиқарди. Кекса ўқитувчининг юзи, бундай кутилмаган вазиятда унинг қаршисида пайдо бўлгани, Стивенга Клонгоус ҳаётини эслатди: катта спорт майдонлари, тўпирлашиб юрган болалар, ҳожатхонанинг тешиги, ўзининг дафн этилишини орзу қилган бош арғувонзор хиёбон ортидаги мўъжаз қабристон; у бетоб бўлиб ётган касалхона деворида биланглаб ўйнаган камин алангаси акси, Майкл оғанинг ғамгин чеҳраси. Бу хотиралар кўз ўнгидан бирма-бир ўтгани сайин, унинг руҳи тозариб гўдакникидай покиза бўлиб борарди.

— Биз бугун, менинг азиз аҳли Исо иниларим, қисқа бир муддатга, фоний дунё ташвишларидан холи бу масканда йиғилган эканмиз, муродимиз улуғ авлиёлардан бири, Ҳиндистон ҳаворийси, бизнинг коллежимизнинг ҳомийси авлиё Франтсиск Ксаверий хотирасини ёдга олмақдир. Ҳар йили, менинг азизларим, жуда узоқ замонлардан бери, бунинг қачон бошлангани на сизга ва

на менга маълум, коллеж тарбияланувчилари айни мана шу черковга ўз ҳомийлари шарафига ўтказиладиган айём арафасида йиллик диний машғулотларга жам бўлишган. Ўшандан буён кўп замонлар ўтди ва кўп нарсалар ўзгарди. Ҳаттоки, сўнги йиллар ичида, ўзингиз гувоҳлигингизда қанча ўзгаришлар юз берди. Ҳали-замон бу ўриндиқларда ўтирганларнинг айримлари энди биздан олисдалар — аллақайлардаги жазирама мадорларда; кимдир хизмат жойида, кимдир ўзини илм-маърифатга бахшида этган, бошқа биров узоқ мамлакатнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган пучмоқларида сайру саёҳатда, кимдир балки тангри иродаси билан дорилбақога рихлат қилгандир ва унинг ҳузурда ҳисоб берар. Хулласки, йиллар оқар сувдай ўтиб бораётир, ўзи билан ёмонни ҳам, яхшини ҳам оқизиб кетаётир, улуғ авлиёнинг хотирасини эса коллеж тарбияланувчилари ҳануз эъзозлаб келишаётир ва бизнинг бир неча кун давом этажак диний машғулотларимиз католик испан ўлкасининг мустаҳиқ ўғлонларидан бирининг муборак номини ва шон-шарафини абадиятга дохил этиш мақсадида муқаддас черковимиз тайин этган айём арафасида ўтади.

Энди ўзимиздан сўрайлик: хўш, “диний машғулотлар” нимани англатади ва тангри ҳамда инсонлар назарида чин насронийча умргузаронликка интилганлар учун бу машғулотларнинг, айниқса, басавоб ҳам жоиз саналиши боиси нимада? Диний машғулотлар, азизларим, бу тириклик ғамидан, фоний дунёнинг кундалик ташвишларидан муайян муддат чекиниш ва шу йўсин иймонимизни бир имтиҳон қилиб олсак, муқаддас дин сиру синоатлари борасида фикрламак ва бу дунёда мавжудлигингиз моҳиятини англаб олмақдир. Мана шу санокли кунлар мобайнида мен сизга тўрт Охирги Унсурга тааллуқли фикрларни баён қилишга ҳаракат қиламан. Булар эса сизга катехизисдан маълум бўлган: қазо, маҳшар, дўзах ва жаннат. Биз мана шу кунлар мобайнида уларни имкон борича яхшироқ фаҳмлаб олишга уринамиз, фаҳмлаб олиш асносида руҳиятимиз абадий ҳузур-ҳаловатга дохил бўлажак. Билингким, азизларим, биз бу дунёга яққа-ёлғиз мақсад илинжида чорланганмиз: муродки, тангрининг муқаддас иродасини адо этмак ва руҳиятимиз боқийлигини асрамак. Қолган барчаси — фонийдир. Муҳими битта — руҳониятимизни асрамак. Инсон, магар у ер юзини қўлига киритса-ю, бироқ руҳониятининг боқийлигини йўқотса — ундан не фойда? Ҳайҳот, азизларим, бу ўткинчи дунёда бундайин айрилиқнинг ўрнини босадиган нимарса йўқдир.

Шу важдан, азиз биродарларим, менинг сиздан ўтинчим шулки, бир неча кунга бу дунёга боғланган ўй-режаларингиз, сабоқлар, кўнгилхушлиқлару иззатталаб иштиёқларни бир четга қўя туринг, руҳониятингиз аҳволини ўйланг. Сизга эслатиб ўтишимнинг ҳожати йўқдир, дарвоқе диний машғулот кунлари руҳиятингиз хотиржамлик ва художўйликда устувор бўлажак ва сиз номуносиб кўнгилочар шовқин-суронлардан тийилиб туришингиз лозимдир. Ёши катталарингиз кузатиб бормоғингиз жоизки, токи бу қоидалар бузилмасин. Айниқса, менинг иймоним комилки, бизнинг Биби Марям бирлиги жамоаси префектлари ва аъзолари ҳамда муқаддас фаришталар бирлиги жамоаси ўз биродарларига муносиб намуна бўлажаклар. Авлиё Франтсиск шарафига бағишланган мазкур маросимни чин юракдан ва ўй-хаёлимизни тўла-тўқис сафарбар этиб, адо этайлик. Яратганнинг ўзи саъй-ҳаракатларингиздан марҳамату мададини дариф тутмасин. Аммо баъд энг зарури ва энг муҳими шуки, бу диний машғулотларни сиз орадан йиллар ўтиб, буткул ўзга шарт-шароитларда юрган чоғларингизда, босиб ўтганингиз умр йўлига бир қайрилиб қараганингизда кўнглингиз ёришиб, парвардигорга шукроналар айтасизки, сизни тавфиқли, мустаҳиқ, ғайратли умргузаронликнинг илк тамал тошини қўйишга муяссар этибди. Ва мабодо айни шу лаҳзаларда орангизда кўнгли фақир, руҳияти қашшоқлар ҳам иштирок қилаётган бўлса, мудҳиш кўргулик улар бошига тушиб, тангри марҳаматидан бенасиб қолиб — оғир гуноҳга ботган бўлсалар, мен парвардигорга ўтинаман ва ибодат қилиб сўрайман, бу диний машғулотлар ўша боёқишларнинг қашшоқ руҳиятида эзгулик томон ўзгариш содир этгай. Парвардигорга, унинг ғайратли қули шоҳиду мададкор Франтсиск Ксаверийга ибодат қиламанки, ўша ғариб жонларни чин юракдан тавба-тазарруга чорлагай ва минбад муқаддас маросим воситаси ила улар Франтсиск айёми куни

Яратганнинг ўзи билан яқдил бўлмай. Тақводору динсиз, авлиё-ю гуноҳкор — барча учун бу руҳоний машғулотлар умр бўйи нурли хотира бўлиб қолмай.

Менга кўмаклашинг, азиз аҳли Исо иниларим! Ўзингизнинг эътиқод нуридан ёришган идрокинги билан, ғайратли саъй-ҳаракатингиз билан, одобу ахлоқингиз, хуш феълингиз билан менга кўмаклашинг. Миянгиздан ножоиз ўй-фикрларни ҳайдаб-қувинг ва фақат Охирги Унсурлар: қазо, маҳшар, дўзах ва жаннат ҳақида ўй суринг. Кимда ким буларни ёдида тутган экан, гуноҳдан абадий холидир, дейди Экклесиаст. Кимда ким буларни ёдида тутган экан, неки саъй-ҳаракати, фикр-хаёли бор — барисиди улар кўз ўнгида муқим турмай. У иймонли умр кўрмай ва иймон билан кетмай, зеро, унинг кўнгли иймон ва ишонч нури билан тўлғудирки, фоний дунёда чеккан жами жабру жафолари чин дунёда юзлар ва минглар карра роҳат ва фароғатга айланиб қайтажак, абадий ҳузур-ҳаловат ато этажакки, мен сизнинг ҳаммангизга ва ҳар қайсингизга, азиз дўстларим, тангри таолодан шуни тилайман. Омин!

Вазмин бўлиб қолган дўстлари тўдасида ўйга қайтаркан, Стивен ақлини аллақандай қалин туман пардаси қоплаб олаётганини ҳис этди. Тўғулар исканжасида у бу туманнинг кўтарилишини ва унинг ортида яширинган сиру синоатдан воқиф бўлишни кутди. Овқатни у бош кўтармай, ютоқиб еди, тушлик тугаб дастурхон усти ёғли тахсимчаларга тўлиб кетди, у оғзидаги ёғ юқини тили билан сидириб ялади, тамшаниб ўрнидан кўзгалди ва дераза ёнига келди. Унинг ўлжасини еб битириб, тумшуғини тили билан юваётган йиртқичдан фарқи йўқдай эди. Бу тамом дегани; кўрқинч, хавотир шарпалари ақлини чулғабган туман пардасини йиртиб, миясида ғимирлай бошлади. У юзини дераза ойнасига босди ва қоронғу туша бошлаган кўчага қаради. У ер-бу ерда йўловчиларнинг қораси кўринди. Ҳаёт деганлари шумикан. “Дублин” сўзига уюшаётган ҳарфлар кўрслик билан бир-бирини итаргилаб саркашлик қилар, унинг миясини сирқиратиб сиқар эди. Юраги ёғга бўкиб қалқиб-қалқиб сузар ва бўғилар, маънисиз хавотирдан машъум гирдобга тушиб кетар, вужудини — ланж, жирканч, ночор танини аллақандай шаҳват илоҳаси ўзига тамом бўйсундириб олган эди.

Ертанги кунги ваъз қазо ва рўзи маҳшар ҳақида бўлди ва унинг руҳи мудроқ умидсизликдан аста-секин уйғона бошлади. Руҳонийнинг ҳирқироқ овози ўлим ваҳшатини кўнглига солганида унинг юрагидаги хавотир кўрқувга айланди. У ажал талвасасини туйди. Ажалнинг совуқ шарпаси унинг оёқ-қўлларидан оҳиста сирғалиб, юраги томон ўрмалаётганини, қоронғу тумандай кўз олдини қоплаб, ҳали-замон тафаккур ёлқинидан ёришган миясидаги нурафшон фикрларни фонусларни ўчиргандай бирин-кетин ўчириб, идрокини чулғаб олди; баданига жончиқар терлар тепчиётир; мускуллари пахтадай бўшашиб жонсизланаётир, тили кесақдай қуриб, оғзида қотди, юраги тобора секин-секин ураётир, мана, уришдан тўхтаб ҳам қолди, нафаси, ночор нафас, ожизу нотавон танда жони энтиқиб типирчилаб хириллайди ва бўғзига тикилиб талвасага тушади. Нажот йўқ! Йўқ! У, унинг ўзи, шаҳвоний майлларига бўйсунган тани ўлаётир. Лаҳадга элтинг уни! Ёғоч қутига жойланг, ёлланган тобуткашлар елкасига ортиб, уйдан олиб чиқиб кетинг. Чуқурга, одамлар кўзидан узоқроққа даф қилинг, гўрга тиқинг, у ерда чирийди, қурт-қумурсқаларга, очофат каламушларга ем бўлади.

Дўстлари кўзларида ёш билан унинг жасади устида бош эгиб туришган бир паллада, гуноҳкорнинг жонини ҳакам сўроққа торта бошлайди. Сўнги лаҳзаларда фоний дунёдаги ҳаёти бир сира руҳи қаршисиди намоён бўлади ва руҳ бир қарор топиб улгурмай, тан ўлади, кўрқувга чулғабган руҳ титраб-қақшаб тангри сўроғига дохил бўлади. Шунча вақт раҳм-шафқатини дариғ тутмаган тангри энди қилмишига ярашасини инъом этади. У узоқ сабр билан кутди, гуноҳкор бандасини иймонга чорлади, тавба-тазарруга имкон берди, шафқат, мурувватлар қилди. Бироқ энди фурсат ўтди. Гуноҳ ишга қўл уриб, нафс йўлига кирган, тангри ва унинг муқаддас черкови ўғитларига кулиб қараган, қудратидан гумонсираган, муқаддас ҳикматларини писанд этмаган, теварак-атрофдагиларни алдаган, гуноҳ устига гуноҳ қилиб, бузқликларини ўзгалар назаридан яширган вақтлар энди ўтди-кетди. Барчаси учун яратганнинг ҳузурда жавоб бериш фурсати етди: тангрини чув туширишнинг ҳам, алдам-

қалдам билан қутулишнинг ҳам иложи йўқ. Бу ерда тангри иродасига бўйсунмаган ғаюр исёнкорона ва бандаи ожизнинг нораво бузуқ табиатига хос ўта шармандали ҳамда энг майда қусурлару жирканч зўравонликкача — ҳар бир қилинган гуноҳ рўёбга чиқади. Модомики, аҳвол шундоқ экан, буюк императормидинг, саркарда ва ёки ғаройиб ихтирочи ё тенги йўқ олим бўлганмидинг — бефойда. Тангри ҳукми олдида барча баравар. У иймонли бандаларини сийлайди, гуноҳкорларни жазога мустаҳиқ этади. Одам руҳини тафтиш этмоққа бир дақиқалик фурсат кифоя. Ўша бир дақиқагина — жон танани тарк этган, руҳ адолат тарозусига қўйилган оний лаҳза! Ҳукм ўқилади ва руҳ роҳат-фароғат қучоғига ёки аросат саҳросига ёхуд оҳу-фиғон билан дўзах қаърига равона бўлади.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Тангрининг адолатли ҳукми бандалари қулоғига етиб бормоғи лозим, зеро, бу ҳукмдан кейин навбат бошқасига. Яъни, охирги кун — Рўзи маҳшар келади. Кўк тоқидаги юлдузлар шамол қоққан анжир дарахтининг меваларидай тўпирлаб ерга тўкилади. Олам чироғи қуёш гадонинг эғнидаги жандадай абгор ҳолга келади; ой қонталаш тус олади. Осмон йиртилиб, ўралган қоғоздай йиғилиб қолади. Арши - аъло лашкари саркардаси улуғ ва қудратли малоик Микоил осмондан тушади. Бир оёғи билан денгизга, иккинчиси билан ерга қадам қўяди ва у тортган сур садоси охир замондан дарак беради. У уч бора тортган сур оҳанги оламга таралади. Замон бор, замон бор эди, бироқ энди замон барҳам топди. Сурнинг сўнги садоси билан бани одамзод—бой ва камбағал, яхши ва ёмон, оқил ва аҳмоқ, олижаноб ва разил оёққа қалқиб, Иосафат водийси томон ирғишлайди. Қачондир умр кўрган, дунёга келмоқ насиб этган Одам Атонинг жамики ўғил қизлари — ҳамма-ҳаммалари бу улуғ кунда ҳозир бўладилар. Ана шунда олий ҳакам ҳозир бўлади! На тангрининг итоаткор қурбонлик қўзиси, одамови насролик Наби Ясу, на одамнинг маъсум ўғли ва на эзгу қўйчивон нажотга келади. У булутлар устида илоҳий қудрат, шон-шавкатларга бурканиб пайдо бўлади ва теварагида тўққиз мулозим ҳозир у нозир: фаришталар ва малоиклар, тахтлар, боёнлар, қудрат, само кучлари, олий ва энг юқори мартабали фаришталар. У айтади ва унинг овози оламнинг ҳамма буржига, жаҳаннам қаъригача етиб боради. Олий ҳакам у, угина ҳукми ўқийди, бу ҳукм энг сўнги. У иймонли мўминларини ўз паноҳига олади ва сизлар учун бунёд этганим —боқий ҳузур-ҳаловат салтанатига кириш, дейди. Иймонсизларни эса қувиб ҳайдайди ва илоҳий ғазаб билан хитоб қилади: “Кўзимдан нари кетинг, бетавфиқлар, оловда куйингиз, иблис ва унинг малайлари ёнажак оловда”. Эҳ, бадбахт гуноҳкорлар учун бу нақадар оғир азоб! Биродарлар бир-биридан, фарзанд ота-онадан, эрлар аёлларидан айри тушадилар. Бахтиқаро гуноҳкор банда ёлвориб қўл чўзади, талпинади, балки фоний дунёда унинг учун азиз, бир пайтлар содда ва самимийлигидан ўзи кулган кишига талпинар, балки диёнатли йўлга даъват этган, панд-насихат қилган кишига интизор боқар, бағрикенг биродарига, меҳрибон опасига ва ё унга жон-дилини бахшида этган отасига, онасига илтижо этар. Надоматлар бўлсинки, кеч! Динига содиқ одамлар иймони куйган, маҳкум жонлардан юз ўгирадилар, чунки бундай жонлар қабиҳликлари билан бандаи мўминлар кўз олдида жазога тортиладилар. Ў, сиз, риёкорлар, сиз, охирати куйиб кетганлар! Сиз, фоний дунёда ширин табассумли қиёфада кўриниш бериб юрганда руҳингиз гуноҳларнинг бадбўй ўрасига айланганлар — бу қаҳрли кунда ҳолингиз не кечади?

Бу кун келади, келиши муқаррар, келиши шарт—қазо кунининг, Рўза маҳшарнинг! Бандасининг қисмати—жон таслим этмак ва қазосидан сўнг парвардигор сўроғига дохил бўлмақдир. Қазоимиз муқаррарки, буни биз биламиз. Бу қачон ва қандай рўй беради, узоқ давом этувчи касалликдан кейинми ё бахтсиз тасодиф оқибатидами — буниси бизга ноаён. Инсон ўғлининг қай маҳал пайдо бўлиши, қайси кун, қайси соатда — бундан-да воқиф бўлолмаймиз. Ҳушёр турингиз ва унутмангизким, сиз хоҳлаган дақиқада ўлишингиз мумкин. Қазо—ҳаммамизнинг қисматимизда бор. Одам қавми бошида турганларнинг гуноҳидан йўғрилган ўлим ва сўроқ — мавжудлигимизда бекиладиган ва қазо қилгач бандасига ноаён хилқат томон йўл очадиган қоронғу эшикки, неки жон бор, яққа-ёлғиз, бир ўзи, фақатгина қила олган эзгу ишларидан

бошқа ҳар қандай илинжу таянчдан —дўсту биродару қондош-жондош, устоз марҳаматидан тамом маҳрумликда бу эшиқдан қадам қўяди. Илло, бу ҳикмат туну кун ёдимизни тарк этмагайким, шундагина гуноҳга қўл уришдан ўзни сақлагаймиз. Қазойи муҳаққақ — осий бандалар учун азобу уқубатлар кони бўлса, иймони бутун, тангри йўлидан тонмаган, тириклигида бандасига юкланган қиёмат қарзини адо этган, ибодатларини бажо келтирган, сирли маросимларни канда қилмаган — парвардигор марҳаматига ноил бўлган, хайрли ишларга бош қўшган мўминга эса осойиш-оройиш лаҳзаларидир. Художўй, тақводор католик учун, дину эътиқодда собит инсон учун ўлим ваҳшати бегонадир. Буюк инглиз адиби Аддисоннинг ўлим тўшагида ётган чоғида бадахлоқ ёш граф Уорвикка одам юборганини ва бу гуноҳкорнинг келиб, тангрининг чин насроний бандаси ўз ажалини қай тариқа қарши олаётганини кўриб қўйишга имкон туғдирганини бир эсланг. Ҳа, фақат художўй, эътиқодли католиккина чин юракдан шундай хитоб қилмоғи мумкин:

Ажал! Қани ништаринг сенинг?

Дўзах! Қани зафаринг сенинг?

Бу ваъзнинг ҳар бир сўзи унга қарата айтилган эди. Тангрининг қаҳру ғазаби унинг разил, пинҳона куфру гуноҳларини нишонга олган эди. Воизнинг пичоғи унинг фош бўлаётган виждонининг туб-тубларига қадалар ва у ўз қалбининг гуноҳлар маддалаб кетган фасод уясига айланганини ҳис этди. Ё раббим, воиз ҳақ! Тангри фурсати етди. Унурга тушиб кетган ҳайвондай, унинг руҳи разолат ботқоғига ботиб қолди, бироқ малоик тортган сур товуши уни залолат зулматидан ёруққа чорлади. Фаришта келтирган Рўзи маҳшар ҳақидаги ваҳий бир лаҳзаёқ унинг феълидаги калондимоғ хотиржамликни барбод қилди. Охират куни ваҳимаси онгига тўфондай кўчди. Ва куфру гуноҳлар, кўзларида шаҳват олови ёнган бу фоҳишалар тўфонда мисоли жонсарак сичқонлардай чийиллашиб, тум-тарақай бўлиб кетди.

У уйига қайтаркан майдонни кесиб ўтди, қизиб кетган қулоқларига аёлнинг қўнғироқдай кулгиси чалинди. Бу юввош, шўх кулги унинг юрагини сурнинг товушидан-да баттарроқ саросимага солди; у бошини кўтариб қарашга журъат этолмади, юзини четга бурди ва унинг ёнидан ўтаётиб, тарвақайлаб кетган бутазорнинг соясига кўз қирини ташлади. Унинг изтиробда эзилган юрагидан тошган уят ҳисси бутун вужудини қамраб олди. Кўз олдида Эмманинг қиёфаси жонланди ва қизнинг ғойибона қиё бошқиши юрагидан тошган орият тўлқинини баттар кучайтирди. Унинг тийиқсиз ўй-хаёлларида Эмма ўзнинг нечоғли топталганини, бокиралиги нақадар таҳқирланганини билармикин! Шумиди ёшликда берган кўнгили деганлари! Йигитлик шаъни қани? Поезия ҳаваси-чи? Тубанликка тушган дамларининг жирканч тафсилотлари ўзининг бадбўй ҳавоси билан нафасини бўға бошлади. Бир даста, қоракуя суркалиб булғанган, камин панжарасининг тагига яшириб юрадиган беҳаё суратларга соатлаб ошкора ютоқиб термилар, ҳам ўй-хаёллари, ҳам номатлуб ҳаракати билан гуноҳга йўл қўяр эди; тушига нуқул маймунсифат махлуқлар кирарди; қонталаш кўзлари чакчайган аёллар хаёлидан кетмас, ҳирсу ҳавасини ошкора ифодалаган узундан-узоқ қабиҳ хатлар ёзар, уларни пинжида яшириб олиб чиқиб кун бўйи изғир, баъзан ўт-ўланлар орасига ташласа, баъзида бирор-бир эшик тирқишигами, девор қавагидами қистириб кетар, бирорта қизнинг кўзи тушса олиб жимгина ўқийди, деб хаёл қиларди. Нақадар пасткашлик! Наҳот шулар рост бўлса, наҳот шу қилғиликларини у қилган бўлса? Миясида чувалашган бу уятли хотиралардан манглайига совуқ тер тепчиди.

Уят азоби бироз босилгач, у чўкиб қолган руҳини кўтаришга уринди. Тангри ҳам, Биби Мариям ҳам ундан жуда олисда. Тангри беҳад улуғ ва шафқатсиз, Биби Мариям эса ўта бокира ва бенуқсон. Бироқ у кўз олдида келтирди: Эмма билан бепоён далада ёнма-ён туришибди ва у итоаткорона, кўзларида ёш билан эгилиб, қизнинг тирсагига тушган енгини ўпаётир. Бепоён далада, майин шаффоф шом осмони остида, булутлар ним кўкимтир само денгизи бўйлаб ғарбга томон оҳиста сузиб кетаётган бир паллада улар — тангрининг йўлдан озган болалари ёнма-ён туришибди. Улар ўз гуноҳлари билан тангри ғазабини қўзғашди, гарчи бу



гуноҳлар, яратган эгамнинг икки боласиники бўлса-да. Бироқ улар қилган гуноҳ “ҳусни жамолида самовий сеҳр мужассам, чиройи кўзга хатарли, аммо тимсоли—тонг юлдузига монанд, ёрқин ва тароватли”<sup>1</sup> Биби Мариямни ғазаблантирмади. Илоҳанинг унга тикилган кўзлари қаҳрсиз ва таъна-дашномсиз қараб турарди. У иккаласининг қўлларини қовуштиради ва уларнинг юракларига мурожаат этиб дейди:

—Стивен ва Эмма, бир-бирингизнинг қўлларингдан ушланглар, самода айни осуда шом палласи. Сизлар йўлдан адашдинглар, лекин сиз — менинг болаларимсиз, ахир. Мана, ўзга юракка муҳаббат риштаси билан боғланган юрак. Қўл ушлашинг, менинг азиз болаларим, сиз биргаликда бахтли бўласиз ва юракларингиз бир-бирини севажак.

Черков саҳни панжарали парда тирқишидан сочилиб турган сўлғин алвон нурга чулғанган, парда билан дераза ромининг торгина оралиғидан мисоли найзадай санчилган хира ёруғ нур меҳробдаги шамдонларнинг бўрттириб ишланган, фаришталарнинг жангу жадалларда уриниб, сири кўчган аслаҳаларидай хира йилтиллаб турган ҳошияларида акс этади.

Черковга, боғга, коллежга ёмғир қуйиб ёғаётир. Ёмғир сассиз-садосиз, тинимсиз қуяди. Сув тобора кўтарилади, ўт-ўланни, буталарни босади, уйларни қишлоқларни фарқ қилади, ҳайкалларни ва тоғ чўққиларини қоплайди. Жами тирик жон борки, сассиз-садосиз маҳв бўлади: қушлар, одамлар, филлар, чўчқалар, болалар чўкиб кетади; барҳам топаётган бани башар вайроналари орасида жасадлар қалқиб-бўкиб сузиб юради. Қирқ кечаю қирқ кундуз, токи ер юзи сув остида қолгунча, ёмғир ёғади.

Ахир, шундай бўлиши мумкин-ку. Нега бўлмас экан?

—“Жаҳаннам қаъри тобора кенгайди ва ўз комини беҳад катта очди”. Бу сўзлар, менинг қадрдон аҳли Исо биродарларим, пайғамбар Ишаъё китобидан, бешинчи боб, ўн тўртинчи оят. Воиз тўнининг ички чўнтагидан занжирсиз соатини чиқарди ва унга жимгина қараб олди, кейин уни эҳтиётлаб ёнига, столга қўйди.

У бир маромда гапира бошлади:

—Маълумингизким, менинг қадрдон биродарларим, Одам Ато ва Момо Ҳаво бизнинг илк аждодларимиз ва ёдингиздаким, уларни тангри яратган, улар Иблис ва унинг қутқуси билан исён кўтарган фаришталар қулагач, самодаги бўш қолган ўринни банд этишган. Иблис, бизга маълум, тонг ўғли, ёрқин ва қудратли фаришта бўлган, бироқ барибир у ҳалокатга юз тутди. У қулади ва у билан бирга само лашкарининг учдан бир қисми маҳв бўлди, ўзининг исён кўтарган фаришталари билан у дўзахга ташланди. Унинг қандай гуноҳга йўл қўйгани бизга қоронғу. Ақоид уламолари таъкидлайдиларким, бу гуноҳ такаббурликдандир, нон сервиам — итоат этмайман, деган оний куфрли ўй-ниятдандир. У бир лаҳза куфру шубҳага берилиб, парвардигори оламнинг улуғлигига шак келтирган ва тангри уни самодан олиб, жаҳаннам қаърига абадул-абадга улоқтирди!

Шунда тангри Одам Ато ва Момо Ҳавони яратди ва уларни Дамашқ водийсидаги Аданга, ғаройиб, нурафшон, турли ранглар барқ урган, минг хил зийнатли ўт-ўланларга тўлиб - тошган боғга жойлади. Ҳосилдор замин уларга ўз неъматларини инъом этди; паррандаю даррандалар уларнинг тасарруфида бўлди, уларга итоатда бўлди. Бизнинг танимизга мерос бўлиб ўтган дарду ситамлар—касалликлар, муҳтожлигу ўлим Одам Ато ва Момо Ҳавога бегона эди.

Қудратда тенгсиз парвардигори олам ўз илки-имконида неки бўлса барчасини уларга муҳайё қилган эди. Бироқ тангри уларга бир ягона шарт қўйди —сўзига итоат этмоқни амр этди. Улар тақиқланган дарахт мевасини еб қўймасликлари лозим эди.

Афсуслар бўлсинким, менинг қадрдон биродарларим, улар ҳам тубанликка юз тутдилар. Бир пайтлар нурдай балқиган фаришта, субҳи содиқ ўғлони, оқибатда эса маккор ёв —Иблис жами жондорлар ичида энг ғоддори бўлмиш илон қиёфасида уларга намоён бўлди. Иблис улардан суқланарди. Кўшки самодан қулаган бу саркардаи шаётин хоки туробдан яратилган одамнинг бир пайтлар ўзи эга бўлиб, сўнг куфру гуноҳи боис маҳрум этилган имконларга эга бўлишини зинҳор-базинҳор ҳазм эта олмасди. У Момо Ҳавога, жинси ожизага яқин келди ва қулоғига

ширин сўзлари билан захру заққумини қўйди, яъни ваъда қилдиким, — ох, куйфрона аҳду паймон!—магар У билан Одам Ато тақиқ этилган мевадан татиб кўрсалар, улар ҳам яратганнинг ўзи каби, яъни тангри сифатини касб этажаклар. Момо Ҳаво олмага оғиз солди ва уни Одам Атога ҳам узатдики, Одам Атода Момо Ҳавонинг қўлини қайтармоққа лойиқ журъат етмади. Иблиснинг захри заққум суюксиз тили ўз корини қилди. Улар маҳв бўлдилар. Ва шу чоғ боғда тангрининг амри янграб, ўзи яратганни, одамни сўроққа тортди. Ва Микоил, само лашкари саркардаси қўлида олов шамшир билан жинояткор жуфт қошида ҳозир нозир бўлди ва уларни жаннатдан оламга, касалликлару муҳтожликлар, шафқатсизлигу ранж-аламлар, машаққату маҳрумликлар оламга ҳайдаб солдики, минбад улар ризқ-рўзини пешона тери билан топгайлар. Ҳатто ана шунда ҳам тангри меҳр-мурувватини дариф тутмади! У бизнинг бечора гуноҳкор аждодларимиз — Одамато ва Момоҳавога шафқат кўрсатди ва ваъда қилдики, вақт-соати етган паллада самодан ер сари уларни тагин тангри фарзандлари, само тахти ворислари мартабасига кўтаргувчи зотни сафарбар этажак; ва тангрининг ёлғиз ўғли, муқаддас учликдаги иккинчи зот, боқий сўз гуноҳкор банданинг халоскори бўлажак. У келди. У бокира Биби Марямдан, она-худодан туғилди. У Яҳудияда, вайрона бир кулбада таваллуд топди ва ўттиз ёшга киргунча, вақт-соати келгунга қадар дурадгорлик қилиб қаноат билан яшади. Фурсати етиб, одамларга меҳр-муҳаббати тўлиб-тошган палла уларга тангри шоҳлигининг Хушхабарини етказмоққа бел боғлади.

Хўш, унинг сўзига қулоқ тутишдими? Ҳа, қулоқ тутишди, холос, бироқ уқишмади. Мисоли бир жиноятчи кимса қатори уни тутиб олишди ва банди этишди, телбани масхаралагандай таҳқирлашди, унинг ўрнига исёнчи ва қотил кимсани афу этишни лозим топишди, танига беш минг бор калтак уришди, бошига тиканли чамбарни қўндириб қўйишди; яҳудия авоми ва рим аскарлари кўча-кўйлардан уни судраб ўтишди, эғнидаги кийимини юлиб олишиб, ўзини хочга михлашди, қовурғаси орасига найза санчиб тешишди ва тангримизнинг ярадор танидан қон сув билан қўшилиб оқди.

Бироқ шундай мусибатли, мислсиз азоб-уқубатли дамларда ҳам меҳрибон халоскоримиз одамзод аҳволига куюнди. Ва ўша жойда, Гўлготада муқаддас католик черковини тайин этди. Черковни у абадий қоялар устида тиклади ва ваъда қилдики, агар одамлар унинг черкови панд-насихатларига қулоқ осийса боқий ҳаётга муяссар бўлажаклар, аммо уларни дея чекилган шунча ранжу алам, меҳнату машаққатлардан кейин ҳам ўзларининг қусур ва иллатларидан воз кечолмасалар — уларнинг ёзиғи мангу азоб: жаҳаннам бўлажак. Рухонийнинг овози тинди. У жим қолди, кафтларини қовуштирди, кейин уларни ёйди. Ва яна гапира бошлади:

— Энди, имконимиз даражасида бир дақиқа гуноҳкор бандаларни абадий жазога мустаҳиқ этмоқ учун қаҳрланган тангри ҳукми-қароридан яралмиш бу қийноқлар маконини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Дўзах — бу тор, қоп-қоронғу бадбўй зиндон, аланга ва тутун қоплаган иблис ва гуноҳкор руҳлар макони. Тангри бу зиндонни унинг қонунларига бўйсунмоқни раво кўрмаганларга муносиб жазо бўлсин, дея тор қилиб яратган. Бу дунёда эса бечора маҳкумда, жуда бўлмаганда, қимирлаш имкони бор, гарчи у камеранинг тўрт девори ичида ёки қамоқхона ҳовлисида бўлса-да. Дўзахда буткул бўлакча. Дўзахда маҳкумлар чунонам кўпки, улар даҳшатли зиндон қаърида бир-бирларига қапишиб ётишади, жаҳаннам деворларининг қалинлиги айрим жойларда тўрт минг милгача келади, маҳкумлар чунонам зич қалашган ва шу қадар ночор аҳволдаки, улуғ раҳнамо Анселм бу ҳақдаги китобида зикр этишича, улар ҳатто кўзларини кемираётган қуртларни олиб ташлаш учун қўлларини қимирлата олишмайди.

Маҳкумлар қоронғуда қалашиб ётишади. Тагин шуни унитмангларки, дўзах олови ёритмайди, ёруғлик таратмайди. Худди тангри иродаси билан Бобил ўчоғи олови ҳароратини йўқотиб, ёруғини сақлаганидай, дўзах олови, тангри иродаси билан, ҳароратини сақлаб ёруғини йўқотади. Бу — қоронғуликнинг, қора аланга ва қора тутуннинг ҳамда оловланган

олтингургуртнинг қутуриб буриқсиган мангу тўфоники, қалашиб ётган жасадлар бир ютум ҳаводан ҳам мосуводирлар. Фиръавнлар заминини тангри дучор этган жамики жазолар ичида энг даҳшатлиси қоронғуликдир. Уч кун эмас, балки азалу абад давом этажак дўзахнинг зимистон тунини нимага қиёслаш мумкин? Бу тор қоронғу зиндон азоби чидаб бўлмас қўланса ҳиддан баттар кучаяди. Зикр этилганидек, ер юзининг жамики ахлати, кир-чир ва тўкиндисини, мисоли оқава хандакка йиғилгандай, шу маконга йиғиладики, токи Рўзи маҳшарнинг аёвсиз олови бу нажас кўлини ўзининг поклантирувчи оташида буткул ёқиб йўқ қилмасин. Бу жойни ёнаётган олтингургуртнинг тоғдай уюми даҳшатли бадбўй ҳидга тўлдиради ва маҳкумларнинг танасини ҳам ўзидан шу заҳарли ҳидни чиқарадики, авлиё Бонавентура айтмоқчи, бу жасадларнинг биттасиёқ бутун бир оламни заҳарламоқ учун кифоядир. Магар узоқ муддат ҳаракатсиз ҳолатга тушгудай бўлса, сайёрамиз ҳавосини, бу мусаффо табиат ҳам димиқиб, айнийди. Шундай экан, энди жаҳаннам қўлансасини қанақалигини тасаввур қилаверинг! Лаҳадда йиринг бойлаб балчиққа айланиб ётган, сасиб ириган мурдаларни кўз олдингизга келтиринг. Ва тасаввур этингки, бу мурда олов ўлжасига айлангусини, ёнаётган олтингургуртнинг маҳв этгучини алангасини комига тортилгусини; ва бунгача ўлаксалар чор-атрофга нафасини бўғувчи, кўнгилни айнитгучини қўланса ҳид тарқатиб ётади. Сиз ана шу жирканч манзарани — қўланса зимистонда қалашиб ётган сон-саноксиз мурдаларнинг бадбўй фасодини йиғилган улкан ўрани тасаввур этинг. Буларнинг барини хаёлан кўз олдингизга келтиринг, шунда сиз жаҳаннам азобини қисман тасаввур эта оласиз.

Бироқ бу қўланса ҳид, гарчи нечоғли уқубатли бўлмасин, маҳкумлар дучор этилажак азобларнинг даҳшатлисини ҳали олдинда. Зеро, олов билан қийнаш — буюк азобдирки, золим ҳукмдорлар ўз қўл остидагиларни ана шундай жазога тортганлар. Бармоғингизни шам алангасига бир зум тутиб кўринг ва ўт билан азоблаш нималигини шунда англайсиз. Бизнинг ердаги оловимиз тангри томонидан одам учун, унинг ҳаётини чароғон этиш, меҳнату машаққатларини енгиллатишдай эзгу ниятда яратилган, аммо жаҳаннам олови мутлақ ўзгача хусусиятдадирки, бу олов тангри иродасини билан тавбадан юз ўгирган гуноҳкорларга жазо ўлароқ пайдо этилган. Бизнинг ердаги олов йўналтирилган нарсани тезда пиширади, куйдиради ё эритади, зеро, унинг ҳарорати юқори. Ва боз, одам боласини тадбиркорлигини боис оловнинг ёниш жараёнини кучсизлантирадиган ёки тўхтатиб қўядиган кимёвий восита-усулларни ихтиро эта билди. Аммо дўзахдаги заҳарли олтингургурт шундайин моддаки, у абадий алангаланиб, ёниб ётиш учун яралган. Боз устига, бизнинг ердаги олов ёндириб йўқ қилади, гуриллаб авж олиб ёнгани сарини тез сўнади, лекин дўзах олови йўқ қилмай, муттасил куйдиради, гарчи шиддатли алангаланса-да, ҳеч қачон ўчмайди, сўнмайди.

Бизнинг ердаги олов, унинг алангасини нечоғли ваҳимали ва шиддатли эса-да, доимо муайян чегарага эга, бироқ жаҳаннамнинг олов кўли чеку чегарасиз, на қирғоғини, на таг-тубини бор. Маълумингизки, шайтоннинг ўзи қайсидир жангчи саволига жавоб қиларкан, магар бутун бир тоғ қоясини қўпориб дўзах оловига отсалар у мисоли мум томчисидай лаҳзада ёниб кетажанини айтган. Ва бу аждарҳо-олов маҳкумлар танини сиртдангина куйдирмайди! Ҳар қайси маҳкум руҳ ўзи бир дўзахга айланади ва унинг ботинини ёнаётган ўчоққа менгзагулик. Ў, бу бадбахт гуноҳкорлар қисмати нақадар аянчли! Томирларида қон қайнайди, биқирлаб оқади, мия бош суюгини ичида эрийди, юрак ўт олади, кўкрак қафасида ёрилади; ички аъзолар оловланган лаҳча гўштга, кўзлар, бу нозик тўқима, қип-қизил соққадай чўғга айланади.

Бироқ баён этаётганим — дўзах оловининг қаҳр-у запти-ю узлуксизлигини тангри иродасини адо этгучини қурол бўлмиш жон ва танларни азоблагувчи чексиз қудратга тенг келолмайди. Тангри ғазабидан бино бўлган бу олов ўз-ўзича эмас, балки илоҳий қасос қуроли ўлароқ ҳаракатланади. Чўқинтирилган сув руҳ ва баданни вобаста поклагани мисол қасоскор олов жонни тана билан бирга азоблайди. Танадаги ҳар бир аъзо уқубат тортади ва улар билан якбора руҳ-да қийноққа гирифтордир. Кўз зим-зиё қоронғуликдан кўрмай қолади, бурун— жирканч ҳиддан, қулоқ—оҳу-фарёддан, сезгилар—чўғ-михлар ва темир хивичлар зарбидан,

оловнинг аёвсиз тилларидан зир қақшайди. Ва бундайин жисмоний қийноқлар ичида ўлмас рух аланганинг беҳисоб тиллари воситасида абадий қийноққа солинади.

Яна шуни унутмангизким, жаҳаннам зиндонидаги ушбу қийноқлар маҳкумларнинг бир-бирларига бақамти ётгани боис зўрайгандан-зўраяди. Ерда зиён-заҳматли унсур яқин бўлса хавфлидир, зеро, ҳатто гиёҳлар ҳам, савқитабий тарзда, ўзлари учун ҳалокатли, хатарнок нимарсалардан четроқда кўкаради. Дўзахда-чи, дўзахда бу қонун амал қилмайди, оила, ватан, биродарлик, қон-қардошлик алоқалари каби тушунчалар йўқ. Нола-ю фиғон қилаётган, фарёд чекаётган гуноҳкорларнинг қалашиб ётиши уларнинг азобу уқубатларини дубора кучайтиради. Жамики инсоний туйғулар унитилади, маҳкумларнинг оҳу зорлари жаҳаннамнинг энг чека буржларигача бориб етади. Уларнинг оғзидан тангрига қарши койинишлар, теварагидаги ўзи каби гуноҳкорларга ғазабнок сўзлар, кўфрга бош қўшган шерикларига лаънатлар ёғилади. Қадим замонда шундайин қоида амал қилган: падаркушни, отасига қўл кўтарган оқпадарни бир қопга хўроз, маймун ва илонлар билан қўшиб жойлашиб, қопнинг оғзини тикишиб денгизга улоқтиришган. Бизга ўта шафқатсизликдай туюлувчи бу қоида моҳиятига кўра, жиноятчига аламзада, ваҳший жонзотларни қўшиб, бирйўла улардан шу зайл қасос олинган. Бироқ тилсиз-жафсиз жонзотларнинг жон талвасаси жаҳаннамда қуриб қақраган даҳанлардан, куйиб ёнаётган бўғизлардан отилаётган аччиқ аламларга қиёсан ҳечдир. Гуноҳкор бандалар дўзахда азоб чекаётганлар орасида ўзларини гуноҳга бошлаган, шунга кўмак кўрсатганларни, бузуқ ўй-хаёллар, бадахлоқ қилиқларга чорлаган сўзларни миясига қўйганларни, ўзларини кўфрга йўллаганларни танийдилар ва уларга жон-жаҳдлари билан қаҳру ғазабларини сочадилар, ҳақорату лаънатларга кўмадилар.

Ва ниҳоят, гуноҳкор руҳлар—йўлдан оздирувчилар ва йўлдан озганлар—жинлар билан бирга нечоғли даҳшатли қийноқларга дучор бўлишини-да бир тасаввур этинг. Жинлар маҳкумларни дубора қийноққа солади: ҳам ўзларининг иштироки ва ҳам таъна-ю дашномлари билан. Биз жинларнинг нақадар аянчли эканини ақлга сиғдиролмаймиз. Бир бор жинни кўрган авлиё Екатерина Сиенская: бу даҳшатли махлуққа тағин кўзим тушганидан кўра умримнинг охиригача чўғ устида ялангоёқ юрганим маъқул, деб ёзган. Нега имонли ҳаётдан, эзгу амаллардан юз бурдинг? Нега гуноҳлардан сақланмадинг? Нега ярамаслар билан танишишдан қочмадинг? Нега бузуқлигинг ва бадахлоқлигингга қарши курашмадинг? Нега руҳоний раҳнамоинг панд-насиҳатига қулоқ осмадинг? Нега бир марта, икки марта, уч, тўрт ва юзинчи марта гуноҳга йўл қўйиб ҳам разил амалларинг учун тавба қилмадинг ва афсус-надоматларингни кутган, сени гуноҳлардан халос этмоқчи бўлган эгамдан шафқат тиламадинг? Аммо энди тавба-тазаррунинг вақти ўтди. Вақт бор, вақт бор эди, бироқ энди вақт йўқ. Пинҳона гуноҳ қилмоққа, такаббурлигу ялқовликка, ғайриахлоқий ишрату ҳаловатларга берилмоққа, тананинг ҳайвоний майлларига бўйсунмоққа, ўрмон жондорлари, йўқ, жондорлардан-да баттар кун кечирмоққа вақт бор эди! Зеро, уларда, нари борса, фаҳм йўқки, тўғри йўлга бошласа. Вақт бор эди, аммо энди йўқ. Тангри сен билан беҳисоб овозларда гаплашди, турли йўсинларда сенга уқтирди, бироқ сен эшитишни хоҳламадинг. Сен такаббурлигингдан қолмадинг, юрагингдаги кеку адоватдан кечолмадинг, эзгу туйғуларга юрагингдан ҳатто жой тополмадинг, муқаддас черков даъватларига қулоқ осмадинг, урф-одатларга итоат этмадинг, номуссиз шерикларингдан ажралмадинг, гумонлардан қутулмадинг. Қийноғу қистовга олгувчи шайтанат ваъзи шунақа: таҳқиरोмуз ва таъна-дашномларга, адовату, нафратга тўла. Ҳа, айнан нафратга тўла, зеро, уларнинг ўзлари гуноҳ қилишган, яъни фақат фаришта табиатликларига хос гуноҳга — ақл исёнига йўл қўйишган эса-да, ана шу жирканч жинлар ҳам ночор банданинг муқаддас қасрини таҳқирлаган, хўрлаган, ўзини-ўзи топтаган, ору номусдан айирган гуноҳларидан нафратланади, жирканади.

Ў, менинг азиз аҳли Исо иниларим, бизни бундайин таҳқиरोмуз ваъзни тингламоқдан асрасин! Ҳеч биримизни бундайин мудҳиш қисматга рўбару этмасин. Мен тангрига илтижолар қилиб, айни дамда ибодатхонада ҳозир бўлганларнинг жонлари охирги даҳшатли интиқом куни

бадбахтлар қаторида турмаслигини ўтинаман. Улуғ ҳакам қаҳру ғазабига учрашдан, “Мендан нари кетингиз, лаънатилар, иблис ва фаришталарига ҳозирланган абадий оловда ёнинг!”, дея амр этилгувчи шафқатсиз ҳукми қай биримизга-да бўлмасин ўқилишидан асрасин!

У черковдан чиқди; оёқлари дармонсизланиб чалишди; бошининг териси, гўё арвоҳнинг бармоқлари теккандай жунжикди. У зинадан кўтарилиб даҳлизга кирди, деворларда қатлга ҳукм этилган маҳбуслар — бошсиз, қон жўшаган, шаклсиз ёвуз кимсалардай палто ва макинтошлар осилган эди. Қадам ташлагани сайин уни қўрқув баттар чулғаб оларди: у аллақачон ўлган, жони танини тарк этган ва шитоб билан тубсиз чоҳга тушиб бораётир. Оёғи остида ер сирғалади ва у партага оғир чўкди, қараб ўтирмай қандайдир китобни очиб, мук тушди. Ҳар бир сўз — у ҳақда. Ҳа, шундай. Тангри—мислсиз қудратли. Тангри уни шу дақиқада, ҳозироқ, партада ўтирган жойида, нима бўлаётганини англаб улгирмаёқ ҳузурига чақириб олиши мумкин. Тангри уни чақирди ҳам. Қандай? Шунчалик тезми? Унинг вужуди кичрайди, гўё аланганинг очофат тиллари яқинлашганини ҳис этгандай, гўё олов бўрони куйдирган баргдай бужмайди. У ўлди. Ҳа. Уни суд қилишаётир. Олов сели кўтарилди ва унинг танини куйдирди! Тағин олов сели, тағин. Мияси қизий бошлади. Яна сел ёпирилди. Мияси қайнаяпти, тандирдай қизиган бош суягининг ичида биқирлаяпти. Аланга тили бош суягидан оловли ҳалқа бўлиб отилиб чиқди ва минглаб овозларда чинқирди:

— Дўзах! дўзах! дўзах! дўзах!

Унинг ёнида овозлар эшитилди:

— У дўзах ҳақида гапирди.

— Нима бўпти? Сизларга ҳаммасини уқтирдими?

— Уқтирганда қандоқ. Қўрқувдан ўлиб қолай дедик.

— Сизларга фақат шундай қилиш керак. Тез-тез қўрқитиб насиҳат қилиб турилса, шунда, эҳтимол, яхши ўқирсизлар.

Мадори қуриб, у партанинг суянчиғига таянди. У ўлмади. Тангри унга бу сафар ҳам шафқат қилди. У ҳали ҳам ҳар доимгидай мактабда. Дераза олдида эзиб ёғаётган ёмғирга қараб мистер Тейт ва Винсент Курон туришибди: гаплашяпти, ҳазиллашишяпти, бошларини силкишяпти.

— Сайр қилолсанг эди. Мен ошнам билан Малахайдга велосипедда сайр қилишга келишгандим. Бироқ йўллар тизза бўйи лой бўлса керак.

— Эҳтимол, ҳали сайр қилишга улгирарсизлар, сер.

Таниш овозлар, одатдаги гап-сўзлар, овозлар тинганда синфга чўккан жимжитлик, овқатланаётган тўданинг хотиржам чалпиллатиб чайнаши — булар бари унинг эзилган руҳига таскин берарди.

Ҳали вақт бор. Ў, Биби Марям, гуноҳкорлар раҳнамози, ўзинг қўлла! Ў, бокира аёл, ажал гирдобидан ўзинг асра!

Инглиз тили дарси тарихий мавзудаги суҳбат билан бошланди. Қироллар, эркатойлар, фирибгарлар, епископлар, мисоли шарпасиз арвоҳлардай, исмлар оғушида ўтишди. Улар бари ўлиб кетишган ва ҳаммаси ҳукм этилган. Оламга эга бўлмоқдан одамга не фойда, модомики у ўз жонини бой берган экан? Ниҳоят у тушуниб етди: одамзод ҳаёти унинг теварагида мисоли водийдай ястаниб ётибди, унда одам-чумолилар меҳнат қилишади, ўлганлари эса дўппайган қабрлар тагида. Ёнидаги боланинг тирсаги унга тегиб кетди ва у юрагида тебраниш содир бўлганини ҳис этгандай бўлди. Ўқитувчининг саволига жавоб бера туриб, ўзининг итоаткорона хотиржам овозини эшитди.

Унинг руҳи тобора тазарру ҳолатига уйғунлашиб борар, азоб-уқубат даҳшатини эслашга ортиқ мадори қолмаган ва итоаткорона дуога юз бурган эди. Ҳа, у оқланажак: у чин дилдан тавба қилади ва афу этилади ва шунда у ёқда, боши устида, самода унинг ўз ўтмишини — гуноҳларини қандай ювганини кўришади. Умр бўйи, ҳар бир соати тавба-тазарруда ўтади!

Фақат фурсат беринг, фурсат!

— Ҳаммаси учун, тангрим! Ҳамма-ҳаммаси учун!

Кимдир эшикни қия очди ва черковда тавба маросими бошланиб кетганини айтди. Тўрт нафар бола синфдан чиқишди ва у бошқалар ҳам даҳлиздан юриб ўтишганини эшитди. Юрагини энгил эсган шабададай билинар-билимас салқин чайқаб ўтгандай бўлди. Бироқ изтироб ичида шундай туйғуни ҳис этдики, гўё юрагига қулоғини қўйган, юраги эса сиқилаётир, тобора секин ураётир, тўхтаб қолаётгандай, томирлари титраётир.

Нажот йўқ. У тавба қилмоғи керак, ҳаммасини — нима қилгани-ю нималарни ўйлаганини, барча гуноҳларини айтиб бермоғи зарур. Бироқ қандай айтади? Қандай?

— Тақсир, мен...

Тавба-тазарру! Бу фикр совуқ ялтираган ханжардай унинг кучсиз баданига қадалди. Бироқ фақат бу ердас, мактаб черковидамас. У ҳаммаси учун, ҳар бир гуноҳ қилмиши ва куфрона ўй-хаёллари учун чин дилдан тавба қилади, фақат бу ерда — ўртоқлари олдидамас. Бу ердан нарироқда, бирор-бир кишибилмас жойда ўзининг беномуслигини фош этади; ва у тангрига итоаткорона дуо ўқиб, мактаб черковида тавба қилишга журъати етмаётгани боис ундан ғазабланмаслигини ўтинди.

Вақт эса ўтиб борарди.

У яна черковда биринчи қаторда ўтирибди. Дераза ортида кундузнинг ёруғи секин сўнди, офтоб урган қизил парда орасидан кўринган қуёш сўнгги кун — ҳамманинг руҳи чақириб олинадиган Рўзи Маҳшар кунининг қуёшидай туюлди.

— “Кўзингдан жудо бўлдим”, бу сўзлар, менинг аҳли Исо иниларим, ҳазрати Довуднинг Санолар китоби 30-сано 23-оятдан. Ота, ўғил ва муқаддас руҳ номи ила. Омин.

Руҳоний хотиржам, ёқимли овозда гапирди. Унинг чехраси очиқ эди, у қўлларини кўксига қўйди, бармоқларининг учларини беозор жипслаштирди ва бу мўъжизгина омонат катакка ўхшарди.

— Бугун эрталаб сиз билан дўзах ҳақида суҳбатлашдик, уни тасаввур қилишга ёхуд жамоамизнинг авлиё асосчиси ўзининг китобида айтганидек, руҳий машқлар қилишга, унинг ўрнини белгилашга уриниб кўрдик. Бошқача айтганда, биз онгимизнинг эҳтиросларга мойил томони билан, ақл-шууримиз орқали бу даҳшатли зиндонни ва унга тушганлар дучор бўлишадиган мислсиз жисмоний азоб-уқубатларни тасаввур этишга ҳаракат қилдик. Ёдингизда сақланг, гуноҳ — икки карра жиноятдир. Бир тарафдан, бу гуноҳга мойил табиатимизнинг чиркин майлларига, ҳар қандай ҳайвоний хоҳиш-истак ва ифлосликларга разилона эрк бериш бўлса, бошқа тарафдан, пок тийнатимиз овозига, ўзимизда мавжуд жамики соф ва бокира туйғулар сасига қулоқ осмасликдирки, бунинг ўзи азиз яратгувчига бўйин бермаслик билан баробар. Шу боис, кечирилмас гуноҳ жаҳаннамда икки хил: жисмоний ва руҳий жазоларга тортилади.

Шундай қилиб, руҳий азоблар ичида энг даҳшатлиси — маҳрумлик азобидир. У шу қадар улуғки, қолган барча уқубатлардан устун. Черковнинг буюк муаллими фариштасифат олим авлиё Фома дейдики, энг оғир лаънат — одам фаҳм-фаросатининг илоҳий нурдан мосуво бўлмоғи, зеро, бундаин кимсанинг ўй-хаёллари тангри марҳаматидан тийилади. Ёдингизда сақлангки, тангри — чексиз марҳаматли мавжудот ва шу боис ундан маҳрум бўлмоқ адоқсиз уқубатдир. Бу фоний дунёда ана шундай маҳрумликнинг оқибатларини биз аниқ тасаввур эта олмаймиз, бироқ дўзахга ҳукм этилганлар чекажак азоб-уқубатлари поёнигача ўзларининг нимадан маҳрум бўлишганларини англаб етадилар ва биладиларки, бу маҳрумликнинг сабабкорлари фақат уларнинг ўзлари. Ажал етган лаҳзадаёқ вужуднинг узвлари ажралади ва шу лаҳза руҳ тангри сари, ўзининг мавжудлик маконига йўл олади. Ёдда тутинг, менинг азиз биродарларим, бизнинг руҳимиз тангри билан бирлашмоқни қўмсайди. Биз тангрига мансубмиз, тангри туфайли тирикмиз, тангрига тобемиз; дахлсиз унга тобемиз. Тангри ҳар қайси инсоний руҳни илоҳий муҳаббат билан суюди ва ҳар қайси инсоний руҳ ана шу муҳаббатда барҳаётдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми, ахир? Ҳар бир нафасимиз, ҳар бир фикримиз, тириклигимизнинг ҳар бир лаҳзаси тангрининг битмас-туганмас марҳаматидан.

Модомики, онанинг гўдагидан айрилиб қолиши, кишининг оиласидан, гўшасидан ажралиши, биродарлик ипларининг узилиши нақадар оғир жудолик экан, фикр қилинг, бечора руҳнинг ўзини йўқдан бор этган, тириклигини таъминлаган, уни чексиз муҳаббат билан севган яратувчисидан айри тушмоғи қанчалар азобли эканини. Хуллас, олий марҳаматдан мосуво қолмоқ, тангридан айри тушмоқ, бу жудолик азобини чекмоқ, боз устига, айрилиқнинг абадийлигини туймоқ буюк азобдирки, бундаин маҳрумлик уқубатини фақат яратилмиш руҳгина — поена дамни — кўтаришга қобил.

Дўзахда маҳкумлар руҳини қийноққа соладиган иккинчи жазо — виждон азобидир. Чириган ўлик танада қурт пайдо бўлганидайин, гуноҳнинг маддалаб кетиши оқибатида гуноҳкорларнинг руҳида битмас-туганмас азоб, виждон азоби ёхуд папа Иннокентий III таъбири билан айтганда, уч ништарли газанда пайдо бўлади. Бу бераҳм жондор жонга санчадиган биринчи ништар — тирикликда ўтган кўнгилхушликлар хотираси. Ў, бу қандайин даҳшатли хотира! Олов денгизининг ютоққан тўлқинида қоврилаётган қирол ўз тож-тахтининг дабдабали улўворлигини эслайди; ақлли, бироқ ахлоқи бузуқ одам — китоблари ва асбоб-анжомларини; санъатни қадрлагувчи — суратларни, ҳайкаллар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни; шинам дастурхонларга ўч кимса — тўкин-чочин базмларни, мазали таомларни ва ўткир виноларни; қурумсоқ кимса эса тилла солинган сандиқларини; босқинчи — зўравонлик орқасидан орттирган бойликни; аламзада, қасоскор, бераҳм қотиллар — ўзларининг қонли қилмишларини; ишратпарастлар ва кажрафторлар — нопок, фаҳшга ботган ҳузур-ҳаловатларни хотирлашади. Улар бунинг барини эслашади ва ўзларини ҳам, кўфрона қилмишларини ҳам лаънатлашади. Зеро, жаҳаннам оловида мангу ёнишга маҳкум этилганларга ўткинчи ҳою-ҳавасларнинг нечоғли арзимаслиги буткул аён бўлади! Улар само саодатини дунё эрмакларига, бир ҳовуч темир-терсаққа, вақтинчалик доврўққа, тана-ю томирларнинг бир неча дақиқалик оройишига алмашганларини англашганда ранжу аламлари, ғазабу нафратлари қайнаб-тошади! Улар чексиз афсус-надоматлар чекишадики, айни шу надоматлар — виждон қуртининг иккинчи, яъни гуноҳлар учун кечикиб, беҳуда чекилаётган афсуслар ништари. Илоҳий интиқом маҳкумларнинг ақл-идроқи мунтазам тарзда гуноҳларига қаратилмоғини зарур деб ҳисоблайди, боз устига, тангри, авлиё Августин урғулаганидек, уларга гуноҳни ўз нуқтаи назарича англатади ва маҳкумлар кўз олдида гуноҳ бутун иллату залолатлари билан намоён бўлади. Улар ўз гуноҳларининг жамики қабиҳликларидан огоҳ бўлишади ва надоматлар чекишадики, бироқ энди жуда кеч. Ва имкон борида ҳаракат қилмаганларидан қаттиқ ўқинишади. Бу эса охирги, виждон қуртининг энг заҳарли ва бераҳм ништаридир. Виждон дейди: сенда вақтинг бор эди, имконинг бор эди, бироқ тавба-тазарру қилмадинг. Ота-онанг сени тавфиқли қилиб тарбиялашди. Сенга кўмак учун муқаддас инъомлар, тангри марҳамати ва гуноҳингни кечириш ҳақида ёрлиқ берилган эди. Тангри хизматкори ёнингда эди, токи даъват ва қистовлар билан сени ҳақ йўлига бошласа, сени гуноҳлардан, улар қанчалик кўп ва оғир бўлмасин, халос этсаки, фақат сен бадбахт тавба қилсанг, раҳм-шафқат тиласанг. Йўқ. Сен буни хоҳламадинг. Сен муқаддас черков хизматкорларига менсимай қарадинг, тавбадан юз ўгирдинг, гуноҳ ботқоғига ботавердинг. Тангри сени чорлади, огоҳ этди, ўзидан бегона бўлмасликка даъват этди. Ў, бу қандайин шармандалик, қандайин мудҳиш кулфат. Олам ҳоқони сенга — тупроқдан яратиб, тириклик нафасини берган бандасига, уни севишни, қонунларига бўйсунмоқни ўтинди. Йўқ! Сен буни хоҳламадинг. Энди эса, агар сен йиғлай билсанг ва жаҳаннамни кўз ёшларингга чўктирсанг-да, барибир бу надоматлар океани ердаги ҳаётинг чоғида чин дилдан афсус чекиб тўкилган бир томчи ёшнинг берган кўмагини етказолмайди. Энди сен тавба-тазарру қилиш учун ердаги ҳаётингнинг бир нафаслик вақтига зор-нолонсан. Бефойда. Вақт ўтди, абадул абадга кеч қолдинг энди.

Жаҳаннамда гуноҳкорларнинг юрагини кемирадиган бу газанданинг уч тиғли ништари ана шунақа. Дўзах қийноғида маҳкумлар ўзларига, ўзларининг бемаза ўй-хаёл билан йўл қўйишган қилмишлари-ю йўлдан оздирган аҳмоқ шерикларига тиғ уришади, ҳаётларини барбод этган

шайтонларга тиф уришади, бироқ энди бефойда, улар ўзларини таҳқирлаётган абадият қаршисида тангрига исён қиладилар ва лаънатлар ёғдирадиларки, эгамнинг раҳм-шавқати ва сабр-тоқатини улар унутгандилар, ammo унинг ҳукму ҳоқимиятидан қочиб қутулолмадилар. Маҳкумлар жаҳаннамда тортилажак навбатдаги руҳий қийноқ — бу азоб-уқубатларнинг муқаррарлигидир. Банда ердаги ҳаёти мобайнида бир қанча ёвуз ишларга қўл уриши мумкин, бироқ заҳарни заҳар кесганидайин, бир ёвуз қилмиш бошқасига халал беради ва акс таъсир кўрсатади. Жаҳаннамда эса аксинча, бир азоб бошқасига халал бермайди, балки уни кучайтиради. Бу ҳам кам: бизнинг руҳий хусусиятларимиз танамиздаги туйғулардан кўра нисбатан мукамалки, шу боис улар чекадиган уқубатлар кучли бўлади. Шу зайл, руҳнинг ҳар бир хусусияти, ҳис-туйғу каби, ўзига хос азобга дучор этилади: тасаввурни ваҳимали қўрқувлар босади, ҳис этиш қобилияти — гоҳ афсус-надомат, гоҳ ғазабга минади, онг ва ақл — ташқи қоронғуликдан ортиқ даҳшатли ботиний зулматга ботади. Гуноҳкор руҳлар дучор бўлган аччиқ алам, гарчи кучсиз бўлса-да, на макон ва на замонга бўйсунди, ўлдириб ўлдирмайди, тинч ҳам қўймайди. Бу машъум ҳолатни, магар гуноҳнинг бутун қабихликлари-ю тангрининг нафрати аёвсизлигини англолмас эканмиз, тасаввур этишимиз мушкул.

Қийноқларнинг муқаррарлиги қатори, бир қарашдан унинг зиддидай туюлувчи, кескинлиги азоби ҳам мавжуд. Дўзах — бу ёмонлик жам бўлган жой, ва сизга аёнки, марказ сари яқинлашган сайин кескинлик ортиб боради. Дўзахдаги азоб-уқубатларни, бир баҳяга бўлсин, ҳеч қандай ташқи ва қарши турувчи куч камайтира олмайди. Ҳатто ўз-ўзича яхшилик ҳисобланган нарса ҳам жаҳаннамда ёмонликка айланади. Бадбахтлар учун ерда таскин омили бўлган дардкашлик у ёқда туганмас қийноққа айланади; олий саодат ҳисобланмиш ақл интилган билим у ёқда нодонликдан кўра ортиқроқ нафаратга лойиқ топилади; жамики жонзотлар — табиат подшосидан ўрмондаги арзимас гиёҳгача талпинадиган нур — у ёқда куйдирувчи ғазаб алангасига дучор этади. Ердаги ҳаётимизда бизнинг азоб-уқубатларимиз беҳад бардавом ва ҳаддан ташқари катта бўлмайди, зеро, киши тирикликда уларни одатидан келиб чиқиб унутади ёки чидаш беролмай ҳолдан тояди ва шунда бу азоблар тугаб битади. Бироқ дўзахдаги азобларга одатланиш мумкин эмас, чунки улар кескинлиги баробарида ўта хилма-хилдир: бир қийноқ бошқасидан аланга олади ва ёниб гуркираётган оловга улашиб кетади. Бу хилма-хил кескин азоблардан гуноҳкорларнинг қанчалик тинка-мадори қуримасин, бунинг охири бўлмайди, зеро, гуноҳкор банданинг руҳи, азоб-уқубатлари ортиб бориши учун бу бадбахт ёмонлик чоҳида ётаверади. Азобларнинг муқаррарлиги, қийноқларнинг кескинлиги, уқубатларнинг сўнгсиз алмашиб келиши — тангри буюклигига қилинган шаккокликнинг қасоси, само шоҳлигининг талаби ана шундай; мана, гуноҳкорларни поклаш йўлида тўкилган тангрининг бегуноҳ қўзичоғи қони не оқибатларга олиб келади.

Ва дўзахнинг барча азоблари ичида энг оғир азоб — бу унинг мангулигидир. Мангулик! Нақадар қўрққули, нақадар ваҳимали сўз! Мангулик! Инсон аҳли унинг моҳиятига ета олармикан? Ўйланг: азоблар мангу! Магар дўзах азоблари даҳшатли бўлмаган тақдирда ҳам, барибир улар узлуксизки, зотан, уларга мангу давомийлик буюрилган. Бу азоблар мангу, бироқ айни дамда улар ўзининг хилма-хиллигида муқаррар, кескинлигида чидаб бўлмасдир. Ҳашарот чаққандаги оғриқнинг мангу давом этиши ҳатто ақлга сиғмас азоб, дейиш мумкин. Дўзах азобининг мангулигига қандай чидаш мумкин? Узлуксиз! Абадий! Бир йилмас, юз йилмас, мангу. Сиз бу сўзнинг моҳиятини бир зум тасавур қилиб кўринг. Албатта, денгиз қирғоғида қумлоқни кўп кўргансиз. Унинг майда қум зарраларидан ташкил топганини биласиз. Ўйнаб ўтирган боланинг қўлидаги бир сиқим қумдаги зарралар сонига етиб бўлмайди. Энди, миллионлаб мил баланд, ердан осмон қадар кўтарилган энига миллионлаб милга чўзилган, қалинлиги миллионлаб милга тенг қум тоғини кўз олдингизга келтиринг; беҳисоб қум зарраларининг маҳобатли тоғини тасаввур қилинг ва бу зарраларга ўрмонлардаги дарахтлар барглари сонини, беҳудуд океандаги сув томчиларининг сонини, қушларнинг патлари сонини, балиқлар тангалари сонини, ҳайвонлар туки сонини, ҳаво бўшлиғидаги атомлар сонини қўшинг



ва кичкина қушча миллион йилда бир марта бу қумтоққа учиб келиб, тумшуғида бир дона қум заррасини олиб кетишини ҳам тасаввур этинг. Қушча атиги бир квадрат фут қумни ташиб кетиши учун неча миллион-миллион асрлар ўтади? Ҳаммасини ташиб кетгунча қанча асрлар кечади? Бу ақл бовар этмас вақт мобайнида мангуликнинг бир лаҳзаси ҳам ўтиб улгирмаган бўлади. Бу биллионлаб ва триллионлаб йиллар охрига борибгина мангулик ибтидоси бошланади. Ва агар бу қум тоғи яна пайдо бўлса ва яна қушча учиб келиб уни зарралаб тахиса ва бу тоғ осмондаги юлдузлар қадар, коинотдаги атомлар қадар, денгиздаги томчилар қадар, дарахтлардаги барглари, қушларнинг патлари-ю, балиқларнинг тангалари, ҳайвонларнинг туки қадар йўқ бўлиб қайта пайдо бўлса-ю, ҳатто шундан кейин ҳам, яъни сон-саноксиз марта шундай бўлгач ҳам, мангуликнинг бир дақиқаси ҳали ўтмаган бўлади, ҳатто шунда, шу қадар ниҳоясиз вақт мобайнида, ниҳоясизлигидан ақлимиз шошадики, мангулик энди бошланган бўлади.

Бир авлиё (хотирам алдамаса, бизнинг орденимиз асосчиларидан бири) дўзахни кўра олиш марҳаматига сазовор бўлган. Унга шундай туюлганки, гўё улкан қоронғу даҳлизда турибди, бу ердаги сукунатга фақат жуда катта соатларнинг чиққиллагани халал беради. Соатлар тинимсиз чиққиллайди ва авлиёга улар бир маромда: ҳар доим ҳеч қачон, ҳар доим ҳеч қачон, деган сўзларини такрорлаётгандай туюлади. Ҳар доим дўзахда бўлмоқ бор, ҳеч қачон — самода; ҳар доим тангри жамолидан бенасиб бўлмоқ бор, ҳеч қачон бу ҳузур-ҳаловат насиб этмагай; ҳар доим оловга мўбтало, қуртларга ва қиздирилган сим чивикларга қурбон бўлмоқ бор, ҳеч қачон улардан қочиб қутулиб бўлмас; ҳар доим виждон азобида қийналмоқ, хотиралар оловида куймоқ, зулмат ва афсус-надоматлардан бўғилмоқ бор, ҳеч қачон улардан халос бўлмоқ йўқ; ҳар доим ўзининг қурбонлари чекаётган уқубатлардан иблисона қувонч туюётган разил жинларни лаънатламоқ ва улардан нафратланмоқ бор, ҳеч қачон фараҳбахш руҳлар жамолига бир қараш имкони йўқ; ҳар доим олов қаърида ёниб тангрига нола этмоқ, бир лаҳзалик дам, сўнгсиз азоблардан бир зум нафасни ростлаб олгудек ҳордиқ сўраб илтижолар қилмоқ бор, ҳеч қачон киприк қоққулик фурсатга тангри ижозатини олмоқ йўқ; ҳар доим азоб чекмоқ бор, ҳеч қачон ҳаловат топмоқ йўқ; ҳар доим лаънатга дучор бўлмоқ бор, ҳеч қачон халос бўлмоқ йўқ; ҳар доим, ҳеч қачон! Ҳар доим, ҳеч қачон! Ў, нақадар даҳшатли жазо! Туганмас азоблар мангулиги, туганмас тана ва руҳ уқубатлари — на йилт этган умид учқуни, на бир лаҳзалик тиним, фақат азоблар, кескинлигининг чеку чегараси, хилма-хиллигининг ҳисоби йўқ, қурбонининг ич-етини абадий кемирадиган азоблар; руҳни куйдириб, танани тилкалайдиган мангу алам, ҳар бир лаҳзаси абадий уқубат бўлмиш азоб — оғир гуноҳлар билан қазо қилганга қудратли ва адолатли тангрининг ростлаган даҳшатли жазоси бу.

Ҳа, адолатли. Одам боласининг чекланган ақли билан фикрлашга қобил кишилар биргина оғир гуноҳ учун тангри жаҳаннам оловининг мангу, муқаррар азобига дучор этишини тушунишга ожизлик қилишади. Чунки улар тана майлларига ва инсоний ақл ноқислигига асир бўлишиб, гуноҳнинг беҳад қабиҳлигини тушуниб етмайдилар. Улар юзаки ўйлашади, зеро, бир енгил хатоликнинг қанчалик жирканч ва қабиҳ бўлишини англашга қодир эмаслар. Агар қудратда мислсиз яратгувчи ўз кучи билан, фақат ёлғиз биргина ножўя иш — ёлғонни, ғаразли назарни, бир дақиқали лоқайдликни жазосиз қолиши шарт билан дунёдаги жамики разиллик ва бахтсизликларни: урушларни, касалликларни, босқинчиликни, жиноятни, ўлимни, қотилликни тўхтатса, тангрининг тангрилиги қайда қолади, у бундай қилмайди, у ўз қонунларига бўйсунмагани жазолайдики, зеро, ҳар қандай хато амал ва куфрона ўй унинг қонунларига хилофдир.

Биргина гуноҳ — ақлнинг бир лаҳзалик такаббуруна исёни Иблисни ва фаришталар лашкарининг учдан бирини яксон қилди. Биргина гуноҳ — бир лаҳзалик ақлсизлик ва ожизлик оқибатида Одам Ато ва Момо Ҳаво беҳишдан қувилдилар ва оламга ўлимни, азоб-уқубатларни олиб келдилар. Ана шу гуноҳларни охир-оқибат ювмоқ ниятида тангрининг ёлғиз ўғли ер узра тушди, яшади, азоб тортди ва чормих қилинган хочда уч соат буюк азоблардан сўнг қазо

қилди.

Ў, менинг аҳли Исо иниларим, наҳотки биз карами кенг халоскоримизни таҳқирласак ва унинг нафратини қўзғасак? Наҳотки, тагин унинг чормих қилинган, қийноққа солинган танини топтасак? Муҳаббат ва ғам балқиган бу чехрага тупурмоққа журъат этсак? Наҳотки биз, бераҳм муртад мунофиқлар ва тўпори аскарлар сингари, маъсум, кўнгли юмшоқ, биз учун азоб-уқубатларни охиригача тортган халоскоримизни хўрласак? Ҳар қандай гуноҳли калом — унинг нозик танига етказилган жароҳатдир. Ҳар қандай куфрона амал — унинг манглайига ботган тикандир. Биз онгли тарзда бериладиган ҳар қандай нопок ўй-фикр — бу севгувчи юракка санчилган ўткир найзадир. Йўқ, йўқ. Бирор-бир одам боласи тангри буюклигини бу қадар қаттиқ таҳқирламоққа журъат этмагай, зеро, бундайин гуноҳ мангу абадий азоб билан жазолангуси, чунки у тангри ўғлини тагин хочга михлайди ва уни тагин таҳқирларга дучор этади.

Тангрига илтижолар қиламанки, менинг ночор панд-насихатларим ҳақ йўлидан бораётганлар диёнатини қуватлагай, иккиланганларни қўллаб-қувватлаб, адашган бечора қалбларни диёнатга бошлагайки, агар орамизда бундайлар бор бўлса. Тангрига илтижолар қиламан — сиз ҳам мен билан бирга дуо қилингиз — у бизга гуноҳларимиз учун тавба қилишга кўмак берсин. Энди ҳаммангизни бу жойда, мана шу оддий черковда тангри нигоҳида тиз букиб, менинг ортимдан тавба дуосини такрорлашга чорлайман. У шу ерда, нажот кемасида, одам қавмига меҳр-муҳаббатга тўлуғ ва азобда қолганларга таскин беришга тайёр. Қўрқманг. Гуноҳларингиз нақадар кўп ва оғир бўлмасин, агарда тавба қилсангиз, кечирилгусидир. Бекорчи шарм-ҳаё сизга монелик қилолмайди. Ахир, яратган эгам — бизнинг раҳм-шафқатли яратгувчимиз гуноҳкор бандасига абадий ҳалокатнимас, балки тавба-тазарруни ва тақволи ҳаётни истайди. Сизларни у ўзига чорлайди. Сиз — унинг болалари. Сизни у йўқдан бор қилди. У сизни яхши кўради, фақат тангригина чин муҳаббат соҳиби. Сизни қучишга унинг қучоғи очик, гарчи сиз унга зид гуноҳ қилган бўлсангиз-да. Унга талпин шўрлик гуноҳкор, ночор, нотавон, адашган банда. Айни пайти, тангрига матлуб муддат бу.

Рухоний ўрнидан турди, меҳробга юзланди ва қоронғуликда тиз чўқди. Ҳамманинг тиз чўкишини ва шитирлаган товушлар буткул тинчишини кутиб турди. Шундан сўнг, бошини кўтариб, ғайрат билан тавба-тазарру дуосини ўқий бошлади. Болалар унинг айтганларини сўзма-сўз такрорлашарди. Тили томоғига ёпишиб қолган Стивен бошини қуйи эгди ва ичида дуо ўқиди.

— Тангрим, яратган эгам,

— Тангрим, яратган эгам,

— Мен чиндан ғам чекаётирман,

— Мен чиндан ғам чекаётирман,

— Негаки, сенинг қаҳрингни қўзғадим, тангрим,

— Негаки, сенинг қаҳрингни қўзғадим, тангрим,

— Ва қилган гуноҳларимдан жирканаман,

— Ва қилган гуноҳларимдан жирканаман,

— Улар ҳар қандай бадбахтлик ва ёвузликдан-да мудҳишдир,

— Улар ҳар қандай бадбахтлик ва ёвузликдан-да мудҳишдир,

— Чунки мен сенинг муқаддас иродангга зид иш қилдим,

— Чунки мен сенинг муқаддас иродангга зид иш қилдим,

— Сен эса, яратган эгам, қудратда мислсиз ва марҳаматлисан,

— Сен эса, яратган эгам, қудратда мислсиз ва марҳаматлисан,  
— Ва ҳар қандай юксак ҳамду саноларга муносибдирсан,  
— Ва ҳар қандай юксак ҳамду саноларга муносибдирсан,  
— Бу менинг илтижоларим, парвардигор,  
— Бу менинг илтижоларим, парвардигор,  
— Қутлуғ карамингдан бенасиб этмагайсан,  
— Қутлуғ карамингдан бенасиб этмагайсан.  
— Сўнгги кунимга қадар сенинг қаҳрингни кўзғамагайман,  
— Сўнгги кунимга қадар сенинг қаҳрингни кўзғамагайман,  
— Ва умрим бўйи гуноҳларимни ювиб ўтгайман.  
— Ва умрим бўйи гуноҳларимни ювиб ўтгайман.

\* \* \*

Овқатланиб бўлгач, у юқорига ўзининг хонасига чиқди, шу ерда юраги билан ёлғиз дардлашгиси келди ва ҳар бир зинани босиб кўтарилганда юраги бир тўлғанар, тўлғаниб, ғира-шира қоронғуликда у билан бирга тепага кўтариларди.

У эшик олдидаги майдончада тўхтади, кейин тутқични ушлаб босди ва эшикни илдам очди. Қўрқув ичида суст қимирлар, юраги ҳам бутун вужуди билан бирга азобланарди; у овозини чиқармай дуо ўқиди, бўсағадан ҳатлаганда манглайи ажалга рўпара келмаслигини, қоронғи бурчакка жам бўлган жинлар ўзини банди этмаслигини сўраб ўтинди. У бўсағада, гўё аллақандай қоронғу ғор оғзига рўпара келгандай, қотиб кутди. Ғорда унинг пайига тушган қўрқинчли башаралар ва чақчайган кўзлар пойлаб туришибди.

— Биз, албатта, жуда яхши билардикки, гарчи бу, шубҳасиз, ойдинлашиши керак эди, унга жуда қийин бўлади бу уриниш, ўзини мажбур этиш, маънавий вакилни тан олишга уриниб кўриш ва биз, албатта, жуда яхши билардик...

Шивирлаб гапираётганлар кўзларини чақчайтириб пойлашади, сирли овозлар ғорни қоплайди. Тан ва жонга тушган қаттиқ қўрқув борлигини сиқувга олади, бироқ у бошини дадил кўтариб қатъият билан хонага қадам ташлайди. Таниш хона, таниш дераза. У ўзини қоронғуликдан келаётган ваҳимали шивир-шивирлар мутлақо бемаънилигига ишонтиради. У ўзини деразалари ланг очиқ бу хона ўзиники эканига ишонтиради.

У эшикни ёпди, караватга томон тез юриб бориб, тиз чўқди ва юзини қўллари билан бекитди. Унинг қўллари совуқ ва ҳўл эди, бутун бадани титроқдан зирқирарди. Жисмоний чарчоқ, титроқ ва ҳорғинлик унинг мадорини қуритган, фикрини йиғиб ололмасди. Нега у тунда чулдираб дуо ўқиётган гўдакка ўхшаб тиз чўкиб ўтирибди? Юраги билан ёлғиз дардлашиш учун, виждонига қулоқ тутиш, гуноҳларини ростгўйлик билан тан олиб, қаерда, қандай шароитда уларга қўл урганини эслаш ва қилмишларидан ғамга ботиб йиғлаш учун. Бироқ у йиғлай олмади. У ҳатто гуноҳларини эслай олмади ҳам. Фақат оғриқни сезди, руҳи ва тани азоб чекаётганини, бутун борлиги—хотираси, иродаси, онги ва бадани ҳолдан тойганини ҳис этди.

Бу жинлар, унинг фикрларини чалғитишга, виждонини ухлатишга, гуноҳга ботган қўрқоқ вужудига эга бўлиб олишга уринаётир; у бўшанглиги учун тангридан юраги дов бермай изн сўраб илтижо қилиб, ўрнидан турди ва караватга чўзилиб кўрпага бурканди-да, тагин юзини қўллари билан бекитди. У гуноҳ қилди, У тангри иродасига, само салтанатига қарши оғир гуноҳ

қилди, минбад тангрининг ўғли деб аталишга номуносиб.

Наҳотки у, Стивен Дедалус, шу қилмишларга қўл урди? Бунга жавобан виждони тилга кирди. Ҳа, у яширинча, қабиҳлик билан, бир неча бор гуноҳ қилди. Энг ёмони, бошдан-оёқ гуноҳга ботганига, руҳи куфр ботқоғига беланганига қарамай, меҳроб рўпарасида юзига фаришта ниқобини тутишга журъат этди. Тангри эса унга раҳм қилди. Гуноҳлар, худди моховлар тўдасидай, уни қуршаб олди, нафаслари юзига урилди, тўрт томондан босиб келди. У дуо ўқиб гуноҳларини унутишга чиранди ва қўллари билан босиб, кўзларини маҳкам бекитди. Бироқ юраги тинчимасди. Унинг кўзлари бекилган эди, бироқ у ўзи гуноҳ қилган жойларни кўрди; қулоқлари маҳкам бекитилган эди, бироқ у ҳаммасини эшитди. Бутун кучини йиғиб ҳеч нарсани кўрмасликка, эшитмасликка уринди. Зўр бериб уринганидан бадани титради ва туйқусдан руҳи хотиржам тортди, бироқ бу бир лаҳза давом этди. Шунда унинг кўзига бир нималар кўринди. Қушқўнмаснинг қотган томирлари, қичитқининг буталари сочилган харобазор. Бу мудҳиш чангалзорда пачоқ тунукалар, кесаклар, қуриб қолган ахлат уюмлари ётибди. Наҳасдан оқиш ҳовур кўтарилиб, тиканли сарғимтил-яшил томирлардан тепага ўрлайди. Тунукалардан, қотган тезакдан худди ботқоқдан анқигандай кучсиз ва қўланса аччиқ ҳид уфуради.

Далада аллақандай мавжудотлар санғийди: битта, учта, олтита. Улар у ёк, бу ёкқа бемақсад сандирақлайди. Юзи ўликникидай жонсиз одамбашара, шохли, сийраксоқол эчкинусха махлуқлар. Қаҳру ғазабга минган бу махлуқлар узун думларини судраб нари бориб, бери келиб, тентирайди. Қоқсуяк қаримсиқ юзларида заҳарханда иржайган бадхоҳлик аломатлари кезинади. Бири патли газламадан тикилган жулдур нимчага бурканган, бошқа бири — соқолчаси бурганнинг қабзасига илашганда бир маромда ангиллайди. Уларнинг қақраган лабларидан тушунарсиз сўзлар чиқади. Улар майдонни айланаверади, томирларни оралаб ўтади, думларига илашган тунукалар шақирлайди, ёввойи ўтлар оралаб зир югуради. Улар аста-секин ўраб, тобора унга яқинлашиб келади. Лабларидан тушунарсиз сўзлар учади; ҳавони ҳуштак чалиб кесиб тушаётган думларига сассиқ ахлат ёпишган, кўрқинчли башаралар юқорига чўзилади...

— Қутқаринг!

У даҳшатга тушиб кўрпани улоқтирди, юзини ва бўйинини бўшатди. Мана унинг дўзахи. Тангри унга гуноҳлари учун ҳозирланган жаҳаннамни кўрсатди — жирканч, бадбўй, бузуқларнинг, бадбин ва эчкинусха жинларнинг ҳайвоний дўзахи. Унинг, унинг дўзахи!

У каравотдан ирғиб турди: ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қилган бадбўй зардоб томоғига тиқилди. Ҳаво! Осмон ҳавоси! У судралиб деразагача зўрға етиб келди, кўнгли айнишидан ҳушини йўқотар аҳволда эди. Ювинадиган тос олдида уни қалтироқ босди ва ҳушидан айрилиб, қўлини муздай манглайига босганча, жон азобида қусавериб букчайиб қолди.

Бироз ўзига келгач, у машаққат билан деразагача бориб олди, дераза тавақасини очиб, бир амаллаб токчанинг четига ўтирди. Ёмғир тинди. Туман уюмлари бир ёруғ нуқтадан бошқаси томон сузар, гўё шаҳар теварагида пилла йигираётганга ўхшарди. Осмон сокин, ҳаво худди ёмғирга чумилган ўрмон ҳавосидай, нафас олиш ҳузурли; ва шу жимлик, жимирлаган ёғдулар ичида ва сокин ҳузурбахш ҳавода у ўз юрагига ваъда берди.

У дуо ўқиди:

“Бир гал у осмон шавкати-ла ерга тушмоқни истади, бироқ биз гуноҳга йўл қўйдик. Ва у бизга улуғлигини, зиёсини яширмай кўрина олмасди, зеро, у тангри. Ва у ўзини намоён этди, қудратда мислсиз шухрати билан эмас, маъсумлиги билан ва сени, ўз қўли билан бино этганларга нигоҳимизнинг имкони даражасида мўминлик шукуҳи ва ёғдусига чулғаб бизга юборди. Ва энди айни қиёфанг ва сенинг вужудинг бизга ердагидай кўзга хатарнок гўзаллик ҳақида эмас, балки нишонанг бўлган айни тонг юлдузига менгазули мангу кун ҳақида гапиради. Ў, ўша куннинг даракчиси! Ў, зиёратчи йўлини ёритувчи қуёш! Бизга айни бурунгидай йўл кўрсатавер. Тун зулматида, нажотсиз саҳрода бизни халоскоримиз Исо Масихга, бошпанамиз ва манзил-маконимизга еткар!”

Унинг кўзлари ёшга тўлди ва итоаткорона нигоҳини осмонга тикди, у ўзининг бой берилган бокиралигига қайғуриб йиғлаб юборди.

Бутунлай қоронғу тушгандан сўнг у уйдан чиқди. Ташқарига чиққанда нам ва қоронғу ҳаводан олган биринчи нафас ва ортидан ёпилган эшикнинг тақиллаши дуо ўқигандан ва кўз ёш тўкканидан кейин хийла хотиржам тортган қалбини тағин алағда қилди. Тавба қил! Тавба қил! Қалбни фақат дуо ва кўз ёшлар билан хотиржам қилиб бўлмайди. У муқаддас руҳ хизматчиси рўпарасида тиз чўкмоғи ва унга ўзининг пинҳона гуноҳларини рўй-рост ошкор этиб, тавба қилмоғи лозим. Кириладиган эшик унга ичкарига кириши учун йўл очаётиб очилгунга қадар, ошхонада кечки овқат тортилган дастурхонга кўзи тушгунга қадар, у тиз чўкиб тавба-тазарру қилади. Ахир, бу жуда осон.

Виждон азоби тинчиди ва у қоронғу кўчаларда илдам юриб кетди. Бу кўчаларга тўшалган тошлар нечта, бу шаҳардаги кўчалар, дунёдаги шаҳарлар қанча! Мангуликнинг интиҳоси йўқ. У эса оғир гуноҳларни кўтариб юрибди. Бир мартагина куфрга йўл қўйиш — бу ҳам оғир гуноҳ. Бу бир лаҳзада рўй бериши мумкин. Қандай қилиб бир лаҳзада? Бир қарашда, бир куфрона фикр оқибатида. Сен кўришни истаганингча кўзинг кўриб улгуради ва бир лаҳзада гуноҳ қилиб қўясан. Бироқ тананинг бу аъзоси бирор нимани идроклайдими? Илон — ердаги газандаларнинг энг маккори. Бир лаҳза ичида у ўзининг нимани хоҳлаётганини тушуниб етади ва кейин лаҳзама-лаҳза гуноҳкор қилмишини амалга оширади. Буни у ҳис этади, тушунади ва қўмсайди. Нақадар даҳшатли бу! Уни ким бундай қилиб яратган, вужуднинг бу ҳайвоний қисмини, ҳайвоний тушуниш қобилятини ва ҳайвоний қўмсаш туйғусини? Бу нима: унинг ўзининг ёки аллақандай ғайриинсоний ноаён руҳнинг амали оқибатими? У илоннинг ланж ҳаётига ўхшаган, унинг вужудидаги шарбатни сўрадиган ва шишиб, куфрона шаҳватга ботадиган бу ҳаётни тасаввур этганда юраги сесканди. Ў, нега бу шундай? Нима учун? Тангри олдида, жамики тириклик ва борлиқни яратган парвардигори олам қаршисида итоаткорона хўрлик ва қўрқувда ҳаёлидан кечган бу ножоиз саволлар зулматидан кичрайиб, жунжайиб қолди. Телбалик бу! Унга бундай куфрона фикрни ким айтиши мумкин? У қорнғуда гўмраниб, эзилиб, ўзининг халоскор фариштасига овоз чиқармай илтижо қилди, қиличи билан унинг қулоғига куфрона гапларни шивирлаётган шайтонни қувиб солишини ўтинди. Пичирлаган овоз тинди ва шунда у аниқ тушундики, унинг ўзининг руҳи йўлдан озган, ҳам сўз, ҳам амал, ҳам йй-хаёллар билан гуноҳга йўл қўйган, тани эса гуноҳнинг воситаси бўлган. Тавба қил! Ҳар бир гуноҳинг учун тавба қил. Руҳонийга қилган қилмишларини қандай юз билан айтади? Бироқ у айтиши керак, албатта, айтиши керак. Уятдан юзи куйиб, қандай тушунтирар экан? Буни уялмай туриб амалга оширишнинг иложи бормикан? Нодон! Тавба қил! Эҳтимол, шундан сўнг у чиндан ҳам яна эмин-еркин ва гуноҳлардан буткул холи бўлар. Эҳтимол, руҳоний руҳини оғир юкдан енгиллатар! Ў, карами кенг тангрим!

У хира ёруғ кўчалардан, иккиланиб бирор-бир лаҳзага тўхтаб қолишдан чўчиб, илдам юриб борарди. Эзгуликка йўғрилган тангрининг меҳрли нигоҳи назар этган қалб беҳад гўзал бўлса ажабмас!

Бефарқ сотувчи аёллар ўзларининг саватлари билан курсичаларда ўтиришибди. Уларнинг ёғ босган сочлари тутам-тутам бўлиб манглайда осилиб турибди. Улар кир-чир кийимда, букчайган кўйи лой кўчада ўтиришибди. Бироқ уларнинг қалби тангрига очиқ ва агар уларнинг қалби илоҳий ёғдудан баҳраманд бўлса, улар ўзидан нур таратади ва тангри меҳрли нигоҳини улардан дариг тутмайди.

Хўрлик туйғуси унинг руҳини чўктирди. Модомики, унинг эмас, мана бу юрган қизларнинг қалби тангрига хуш келган экан, у жуда тубан кетгани аён! Уларнинг бошлари узра эсиб ўтган шамол бошқа сон-саноксиз қалблар томон йўналади, улар тангри марҳамати билан гоҳ кучли, гоҳ кучсиз, худди бир ёниб, бир нурсизланган юлдузлардай, ёришади. Милтиллаган кучсиз қалблар парвардигор марҳаматидан бенасиб қолади, четлашиб кетади, улар хира нурланади ва кучли шамолдан ўчиб-сўниб қолади. Мана, биттаси ҳалок бўлди: ушшоқдай юрак ёлқини ўчди,

бу унинг қалби. У бир ловуллаб сўнди, унутилди, ҳалок бўлди. Энди тамом: бу ёғи зулмат, қаҳратон, бўм-бўшлик, йўқлик.

Ақли бовар қилмаган, яшаб кўрмаган чеку чегарасиз мангу вақтдан мавжуд воқеликка қайтиш, теварагидаги ҳаётни ҳис этиш туйғуси унга аста-секин қайтди. Ҳануз атрофда ўша ночор турмуш давом этар: одатдаги бақириқ-чақириқлар эшитилар, дўконларнинг газ чироқлари хира ёришиб турар, балиқнинг, спиртнинг ва нам тортган тахта қириндисининг ҳиди анқир, ўткинчилар — эркаклар ва аёллар бориб-келиб юрарди. Қўлида керосин идиш кўтариб олган қари кампир кўчани кесиб ўтмоқчи бўлди. У эгилиб кампирдан, шу яқин орада черков борми, деб сўради.

— Черковми, сер? Ҳа, бор, Черч-стритда.

— Черч-стритда.

Кампир идишни бошқа қўлига олди ва унга йўлни кўрсатди. Рўмолининг попуклари тагидан териси буришган, керосин ҳидли қўлини чиқарганда Стивен кампирга яқинроқ эгилди, унинг овозидан юраги орзиқиб, енгил тортди.

— Ташаккур.

— Марҳамат сер.

Меҳроб олдидаги сахнда шамлар ўчирилган, бироқ ним қоронғу бурчаклардан ладаннинг хушбўй ҳиди таралиб турибди. Соқолли, художўй қиёфали хизматкорлар ён тарафдаги эшик орқали тахтиравонни кўтариб чиқишаётир, руҳоний уларни босиқлик билан имо-ишора қилиб, маслаҳат бериб бошқараётир. Черков қавмининг бир неча тиришқоқ аъзолари ёнбошдаги сахнда тиз чўкишганча ибодат қилишаётир. У тортиниб кирди ва ичкаридаги охирги ўриндиқ олдида тиз чўқди, кўкси ғира-шира ёруғ черковнинг сокин, жимжит ва хушбўй ҳавосидан тўлиб-тошди. У тиззаларини қўйган тош тахта энсиз ва ишқаланавериб ейилиб кетган, ёнида тиззаларини букиб ибодат қилаётганлар эса Исонинг итоаткор издошлари. Исо ҳам камбағал муҳитда туғилган ва оддий дурадгор бўлиб ишлаган — тахта арраланган, рандалаган, у илк бор тангри салтанатидан сабоқ берган кишилар камбағал балиқчилар бўлишган, уларни Исо итоаткорликка ва беозорликка ўргатган.

У қўлини бошига қўйди, юрагига ёлвориб итоаткор ва беозор бўлишга ўтинди, токи ёнида тиззаларини букиб ўтирганлар сингари мўмин, ибодати ҳам уларникидай яратганга матлуб бўлсин. У оддий одамлар қаторида ибодат қилар, бироқ бу жуда оғир кечарди. Унинг қалби гуноҳдан бадбўйлашган ва у Масихнинг тангрига хос карам билан биринчилар қатори ўзига чорлаганлари — дурадгорлар, балиқчилар, дарахтни арралаб тахта тайёрлайдиганлар, қаноат билан эринмай тўр ямайдиган камбағал авом каби чин дилдан ибодатга киришиб, тавба қилолмасди.

Зинадан баланд бўйли жусса тушиб келди, ибодатхонадагилар ғимирлаб қолди. У бошини кўтариб, узун оппоқ соқолга ва жигарранг руҳонийча либосга кўзи тушди. Руҳоний тавба-тазарру хонасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Икки киши ўрнидан туриб, икки тарафдан ўша ёққа ўтишди. Эшик дарчаси бекилди ва паст шивирлаган товуш жимликни бузди.

Унинг томирларида қон гүпурди, бу худди гуноҳга ботиб ғафлатда ётган шаҳар қўққисдан уйғотилган ва ўзига ўқилган ўлим ҳукмини эшитгандагидай бир ҳолат эди. Аланганинг тиллари биланглайди, томларни кул ва қурум босади. Уйқудагилар чўчиб уйғонади, тандирдай қизиган ҳаводан бўғилишиб, жон ҳолатда оёққа қалқишади.

Дарча очилди. Тавба-тазарру қилган киши чиқди. Нариги тарафдаги дарча ҳам очилди.

Хотиржам қиёфадаги аёл чаққон юриб ўша, боягина биринчи бўлиб тавба қилган киши тиз чўкиб ўтирган тарафга ўтди. Тағин кучсиз шивирлаган товуш эшитилди.

Ҳали ҳам бу ердан кетиши мумкин. Ўрнидан туради, бир қадам ташлайди, кейин секингина чиқиб, ортига қарамай югуриб кетади. Ҳали ҳам шарманда бўлишдан қутулиш мумкин. Бу, эҳтимол, ўта даҳшатли жиноятдир. Ҳатто қотиллик қилишдан-да баттардир. Барибир уят ҳисси уни оёғидан бошигача, худди қизиб турган кул-қурумга белангандай, кўмиб юборди.

Қилмишларини бирма-бир сўзлаб бериши нақадар оғир! Унинг зада юраги чидолмайди бунга, ўлиб қолади.

Дарча яна очилди. Тавба-тазарру хонасидан кимдир чиқди. Бериқдаги дарча ҳам очилди. Иккинчи бўлиб тавба қилгани кирган киши чиқиб, навбатдаги кирди. Энди хонадан майин чулдираган товуш эшитилди. Аёл киши тавба-тазарру қилаётир. Майин шивирлаган ҳовур кўтарилди, беозор шивирлаб беозор сўнадиган сас.

У ёғоч ўриндиққа қапишганча, хўрлиги келиб кўкрагига муштарди. Минбад у одамларга ўзини яқин олади ва тангрини танийди. Ўз яқинини яхши кўради. Тангрини, ўзини бино қилган ва яхши кўрувчи эгамни дейди. Тиз чўқади, ҳамма қатори ибодат қилади ва шунда, албатта, бахтли бўлади. Тангри унга муборак назарини ташлайди, ҳаммаларини кўради ва ҳаммаларини суюди.

Яхши одам бўлиш қийин эмас. Тангрининг юклаган ташвишлари ширин ва уларни адо этиш энгил кечади. Муҳими, ҳеч қачон гуноҳ қилмаслик, доимо гўдакдай беғубор, пок бўлиб қолиш, чунки тангри гўдакларни суюди ва уларни ўзига яқин олади. Гуноҳ қилиш жуда оғир юк ва оқибати даҳшатли. Бироқ тангри, чин дилдан тавба-тазарру қилганлардан, мушфиқ гуноҳкорлардан меҳр-шафқатини дариг тутмайди. Ў, бу нақадар чин! Мана, чинакам меҳрибонликнинг туб моҳияти!

Дарча туйқусдан очилди. Аёл чиқиб келди. Энди унинг навбати. У титраб-қақшаб ўрнидан турди ва худди туш кўраётгандай, ҳеч нимани илғамай, тавба-тазарру хонасига ўтди.

Унинг фурсати етди. Жимжит хира ёруғликда у тиз чўқди ва бошини кўтариб рўпарасидаги оқ бутга қаради. Унинг тавба қилаётганини тангри кўради. У ўзининг қилган барча гуноҳларини тўкиб-солади. Узундан-узоқ тавба-тазарру қилади. Черковдагиларнинг бариси унинг қанақа гуноҳкор эканини билиб олишади. Майлига билишсин, бу ҳақиқат бўлганидан кейин. Бироқ тангри, агар у тавба қилса, гуноҳидан ўтишни ваъда қилган, мана, у тавба қилаётир. У қўлларини чўзди ва оқ бутдан тавоф олди. У жазавага тушиб ибодат қилди: кўзларини ёш қоплади, лаблари титради, бадани жимирлаб кетди; алам билан бошини у томондан бу томонга сермаб, дуо сўзларини ҳаяжон билан айта бошлади.

— Пушаймонман, пушаймонман, ў, пушаймонман!

Дарча қия очилди ва унинг юраги шув этиб кетди. Панжара ортида унга ярим бурилган, қўлига таянган ҳолда, кекса руҳоний турарди. У чўқинди ва руҳонийдан ўзини дуо қилишини сўраб, гуноҳга йўл қўйганини айтди. Кейин, бошини қуйи солиб, қўрқув ичида “Сонфитеор”ни ўқиди. “Менинг энг оғир гуноҳим” деган сўзда тўхтади, унинг нафаси тикилди.

— Қачон охирги марта тавба қилган эдинг, бўтам?

— Анча бурун, тақсир.

— Бир ой бурунми, бўтам?

— Кўп бўлди, тақсир.

— Уч ой бўлдими, бўтам?

— Кўпроқ, тақсир.

— Олти ойми?

— Саккиз ой, тақсир.

Мана — бошланди. Руҳоний сўради:

— Бу муддат ичида қандай гуноҳларга қўл урдинг?

У бирин-кетин санай бошлади: ибодатларни ўтказиб юборгани, дуоларни ўқимагани, ёлғон гапиргани — барисини айтди.

— Яна-чи, бўтам?

Адоват, ҳасад, хушомад, шуҳратпарастлик, итоатсизлик гуноҳларига йўл қўйган.

— Яна қандай, бўтам?

— Мен... зинога йўл қўйдим, тақсир.

Руҳоний бошини буриб қарамади.

— Ўзинг билан ўзингни, бўтам?

— Бошқалар билан ҳам.

— Аёллар биланми, бўтам?

— Ҳа, тақсир.

— Эри бор аёллар биланми, бўтам?

У билмайди. Гуноҳлар унинг лабидан бирин-кетин оқиб чиқаверди, унинг мадда бойлаган ярадай қалбидан йирингга қоришган қон мисол томчилади ва гўё ирkit бўтана оқимга айланди. У ичидаги энг уятли, қабиҳ гуноҳларини ҳам сўнгги томчисигача сиқиб чиқарди. Бошқа айтадиган гап қолмади. Унинг тинка-мадори қуриб, боши осилиб қолди.

Рухоний бироз жим турди. Кейин сўради:

— Ёшинг нечада, бўтам?

— Ўн олтида, тақсир.

Рухоний бир неча марта юзини қўли билан силади. Кейин бошини кафтига тираб, панжарага энгашди ва ҳануз унга қарамай, секин гапира бошлади. Унинг овози ҳорғин ва қарияларга хос эди.

— Сен ҳали жуда ёшсан, бўтам, — деди у, — мен сендан ўтиниб сўрайман, бу гуноҳдан воз кеч. У руҳни ўлдиради, танани хароб қилади. У — жамики жиноятлар ва бахтсизликларнинг сабабчиси. Ундан воз кеч, болам, худо ҳаққи воз кеч. Бу номақбул ва тубан майил. У сени қаёққа бошлашини билмайсан ва бир кун ўз оёғинг билан жар лабига бориб қолганингни сезмай қоласан. Ҳозирча бу гуноҳ сени асир қилиб олибди, менинг нотавон болам, шу боис тангри марҳамати сени тарк этган. Муқаддас онамиз Биби Маряга илотижо қил. У сенга кўмак беради, бўтам. Бошингни куфрона ўй-хаёллар чулғаганда бокирамиз Биби Марямга сиғин. Сен унга ибодат қиласан, албатта, бўтам? Сен бу гуноҳларингга афсус чекасан, мен ишонаман, тавба қиласан. Ва сен тангри таолога қасамёд келтириб, ҳеч қачон бундай қабиҳ гуноҳлар билан унинг қаҳру ғазабини кўзғамасликка сўз берасан. Сен тангрига шундай тантанали қасам ичасан, тўғрими, бўтам?

— Ҳа, тақсир.

Кексаларга хос вазмин овоз унинг титраб турган, ҳаяжондан ёниб-қақраган юрагига мисоли оби-ҳаётдай таъсир этарди. Нақадар қувончли ва нақадар қайғули!

— Сўз бер, бўтам. Сени иблис йўлдан урган. У сенга тағин таҳдид этгудай бўлса, лаънатини қайта жаҳаннамга ҳайда, бизнинг яратгувчимизни кўролмайдиган бу нопок руҳни қув. Танингни хўрлама. Тангрига қасамёд эт, бу қабиҳ гуноҳдан юз ўгирганингни айтиб сўз бер. Кўз ёши ва тангрининг меҳр-шафқат нуридан кўзи қамшиб, гуноҳлардан халос этаётган тантанавор сўзларни эшитиб ва ўзига фотиҳа бераётган руҳонийнинг қўлини кўриб, у бошини қуйи солди.

— Тангри ризо бўлсин, бўтам. Мени дуо қил.

У қоронғу бурчакка тиз чўкди ва тавба-тазарру дуосини ўқий бошлади, дуо унинг осойишта юрагидан, мисоли оқ атиргулнинг муаттар бўйи каби самога кўтарилди.

Лой кўчалар чароғонлашгандай эди. У кўча бўйлаб бораётир, борлиғини кўз илғамас ҳузур-ҳаловат чулғаб, танига қушдай енгиллик бағишлаётганини ҳис қилди. У ўзини енга олди, тавба қилди ва тангри уни афу этди. Унинг руҳи яна покиза ва муқаддас, муқаддас ва хушбахт бўлди. Шу дамда қазо қилгудай бўлса, магар бунга тангри таоло изн берса, ғоят гўзал бўларди. Ҳузур-ҳаловатда, яқинлари билан тинч-тотувликда, ҳиммат ва итоатда яшаш ҳам жуда гўзал.

У ошхонада ўчоқ рўпарасида ўтирибди, туйғуларга тўлиб-тошганидан бир сўз айтишга журъат этолмайди. Шу дамларгача ҳаётнинг бу қадар жозибали ва ҳузур-ҳаловатли эканини у билмаган эди. Тўғноғичлар билан чироқнинг гирдига тўғнаб қўйилган яшил қоғоздан пастга нимранг соя тушиб турибди. Буфетдаги тақсимчаларда енгил таомлар, жавонда тухумлар турибди. Бу коллеждаги черковда ўтадиган қовушув маросимидан сўнг эрталабки нонуштага. Енгил таомлар ва чой, чой ва енгил таомлар. Ҳаёт нечоғли оддий ва жозибали. Бутун ҳаёт ҳали



олдинда.

Жамики ўй-ташвишларни унутиб, у ётгани чўзилди ва ухлаб қолди. Ўй-ташвишларсиз уйғонди ва тонг отганини кўрди. Худди тушдагидай, руҳи енгиллашиб эрталабки сокин кўча бўйлаб коллежга кетди. Болаларнинг бариси аллақачон черковда, ҳар қайсиси ўз ўрнида, тиз чўкиб ўтиришибди. У болалар орасига кириб, хушбахт ва хижолат тортиб ўтирди. Меҳроб хушбўй оқ гулларга бурканган, тонг ёруғида шамларнинг оқиш нури оқ гуллар орасида, худди унинг руҳидай, тиниқ ва хотиржам нур таратади.

У дўстлари орасида, меҳроб рўпарасида тиззаларини букиб ўтирибди, тахтиравон пардаси қўллаб-қувватлаб турган кўйи, уларнинг қўллари устида ҳилпирайди. Руҳоний муқаддас неъматлар солинган идиш билан ҳар бир боланинг олдида тўхтаб ўтаркан, унинг қўллари титрар, юраги жимирлаб кетарди.

— Сорпус Домини нострил\*2.

Тушими ё ўнгими? Бу ерда у тиз чўкиб ўтирибди — гуноҳсиз, беозор; ҳозир у муқаддас неъматдан тотинади ва тангри унинг покланган вужудига киради.

— Ин витам этернам. А мен\*3.

Янги ҳаёт! Ҳузур-ҳаловатли, покиза ва хушбахт ҳаёт! Бунинг бари чин! Бу туш эмас. Ўтмиш ўтди.

— Сорпус Домини ностри.

Муқаддас неъматлар солинган идиш унга яқинлашди.

---

\*1 “Мен юксалдим, мисоли Ливандаги қарағайдай ва Ермон тоғларидаги сарв янглиғ, Енгад хурмоси ва Иерихон атиргулининг бутоғидай кўкка бўй чўздим. Мен, водийдаги гўзал зайтундай ва чинордай қад ростладим. Мисоли долчин ва аспалаф сингари оламга атримни ёйдим ва энг аъло исирик каби мушк-анбар таратдим” (“Инжил”).

\*2 Тангримизнинг тани (лотинча).

\*3 Абадул абадга. Омин (лотинча).

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Якшанба муқаддас учлик сирли маросимига бағишланган эди, душанба — муқаддас руҳга, сешанба — кўриқчи фаришталарга, чоршанба — авлиё Юсуфга, пайшанба — муқаддас қовушиш маросимига, жума — тангри изтиробларига, шанба — Биби Марямга.

Ҳар куни тонгда у азиз авлиёлар ёки сирли маросимлар марҳаматидан баҳраманд бўлишга берилар. Унинг куни эрталабки ибодат ва хаёлига келган ҳар қандай ниятни, кўнгил майлини олий ҳакам шарафига фидойиларча қурбон қилиш билан бошланади. Эрталабки совуқ ҳаво тақводорликка берилган табиатини қийин-қистовга олар ва ибодатга келган камчил одамлар орасида тиззаларини букиб ўтириб, руҳонийнинг шивирлаган овозига басма-бас ўзининг очиб қўйилган дуолар китобига кўз югиртираркан, ғира-шира қоронғуликда икки шам — Қадимги ва Янги Аҳд тимсоллари — орасида турган ибодат кийимидаги жуссага тез - тез кўз қирини ташлаб қўяр ва ўзини узун ғор ичида ибодат қилаётгандай тасаввур этарди.

Унинг кундалик ҳаёти тақводорликнинг турли хил жасоратларидан таркиб топарди. Жонбозлик кўрсатиб ибодат қилиб, дуолар ўқиб, у аърофдан руҳи учун кунлар, ойлар ва йиллардан таркиб топадиган юз йилни сотиб олди. Бироқ тангрининг муҳлати чеку чегарасиз жазосини четлаб ўтиб, у ҳис этган руҳий кўтаринкилик барибир жон - жаҳд билан ўқилган дуоларига муносиб даражада татимади, чунки бундай ҳимояланиш аърофда қанча муддатга қисқартирилишини у биларди, зеро, аърофнинг олови дўзах оловидан фақат абадий эмаслиги билан фарқланарди. Тавба — тазарру дуоларидан атиги бир томчи сувчалик наф етишидан чўчиб изтироб чекаркан, у кун оша ўзининг тоат-ибодатларига зўр берарди.

У ўзининг ерда мавжудлигидан келиб чиқадиган бурчига мувофиқ, бўлакларга ажратган куннинг ҳар бир бўлагини маънавий такомиллашувига бағишлаган эди. Унинг қалби гўё абадиятга дохил бўлаётгандай туюларди; ҳар бир фикр, сўз, ҳаракат, ботинида кечган ҳар бир ўзгариш гўё самода қайд этилар ва баъзан бу тезкор туйғу шу қадар жонли эдики, унинг қалби ибодат чоғида мисоли улкан касса аппаратига айлангандай, харид этилган буюмнинг нархи эса дарҳол самода, рақам шаклида эмас, балки ладаннинг енгил тутуни ёки нозик гул шаклида пайдо бўлгандай туюларди.

У тинимсиз такрорлайдиган дуолар (шимининг чўнтагида у доим тасбиҳ олиб юрар ва кўчаларни кезиб эринмай тасбиҳни ағдарарди) бир ғаройиб самовий тароват касб этган гултожларга айландики, бу гуллар номсиз бўлгани билан бирга, унга яна рангсиз ва ҳидсиз туюларди. Кунора ўқиладиган уч дуонинг ҳар бирини ўқиш чоғида у руҳи уч маънавий бурчда: ўзини бино этган ота худога ишончда, халоскори ўфил худога умидда ва мададкори муқаддас руҳга меҳр-муҳаббатда барқарор бўлишини илтижо қиларди.

Ҳафтанинг ҳар етти кунинда у яна муқаддас руҳнинг етти июнетидан бири ўзига насиб этишини ва ҳар куни ўтмишда ўзани хўрлаган етти оғир гуноҳни вужудидан қувиб чиқаришни ўтиниб сўрайди. Ҳар бир июнетнинг насиб этишини тилаб белгиланган бир кун ибодат қилади ва бу июнет ўзига насиб этишига умидланади. Гоҳида эса донолик, ақилилик ва билим турлича июнетлар экани, уларнинг ҳар бири учун алоҳида ибодат қилиб ўтиниш унга ғалати туюларди. Бироқ у маънавий камолотнинг қандайдир мақомига етишганда, гуноҳкор қалби ожиз майиллардан воз кечганда ва муқаддас учлик моҳиятидан ёришганида бу сирдан воқиф бўлишига ишонарди.

Унинг қулоғига тез-тез саҳнадан ё черков минбаридан туриб тантанавор оҳангда айтиладиган, эҳтиросли — севги ва нафратни ифодалаган сўзлар эшитиларди, уларнинг таъсирчан битилган шаклини китобларда ўқиган, бироқ нега қалбида бу сўзларга ўрин йўқлигига, нима учун уларни овоз чиқариб айтиш ўзи учун қийинлигига ҳайрон бўларди. Вужудини бот-бот бир неча лаҳзалик нафрат туйғуси қамраб олар, бироқ бу туйғу ҳеч қачон давомли эҳтиросга айланмас ва ундан қутилиш ҳам ҳар гал қийин кечмас, вужуди гўё қандайдир либос ёки қобиқни ташлаб юборгандай ҳаял ўтмай енгил тортар, осонгина қутиларди. Айрим дақиқаларда у вужудига ноаён, кўз илғамас, минғирлаган товушда қандайдир хоҳиш-майиллар жойлашиб олаётганини ҳис этар, шунда бутун борлиғи ёнар — шаҳвоний нафсга асар тушаётгандай безовталанар, бироқ бу ҳиссиёт ҳам вужудини тез ва осон тарк этар, ақл-ҳуши эса бундай дамларда ҳушёр тотарди. Гўё унинг қалбида фақат шундай муҳаббат ва шундай нафратга ўрин бордай туюларди.

Бироқ у энди севгининг мавжудлигига ортиқ шубҳа қилолмасди, зотан, тангрининг ўзи унинг руҳини азалдан илоҳий муҳаббат билан севган. Аста-секин қалби руҳоний билим нури билан ёришиб боргани сайин, олам унинг кўз ўнгида илоҳий қудрат ва муҳаббатнинг улкан, беқиёс акси бўлиб гавдаланди. Ҳаёт тангри инъомига айланди ва унинг ҳар бир севинчли лаҳзаси учун — ҳатто дарахт шохидаги баргнинг йилтирагани учун ҳам — унинг қалби яратганга шукроналар айтмоғи лозим. Олам унинг назарида ўзининг бутун аниқ-тиниқлиги-ю жамики мураккабликлари билан илоҳий қудрат, муҳаббат ва ҳамма жойда ҳозир нозирлик қонун-қоидасидан иборат эди. У англаган — унинг қалбига инъом этилган бу илоҳий моҳият туйғуси шу қадар яхлит ва шубҳасиз эдики, натижада у ўз умрини давом эттириб яшаши нима учун зарурлигини қийинчилик билан тушунарди. Бироқ, эҳтимол, унинг ҳаёти тангри томонидан олдиндан белгилаб қўйилган йўлнинг бир қисмидир, шунча қабиҳ ва оғир гуноҳларга қўл урганидан кейин унинг моҳият борасида савол бериши ноўриндир. Ягона, абадий, ҳар жойда ҳозир нозир, мукамал мавжудлик тушунчаси итоаткор қилиб қўйган, камситилган унинг руҳи тагин ўз зиммасига ваъдалар, ибодатлар, дуо ўқишлар, сирли маросимларда қатнашиш ва ўзини-ўзи азобга қўядиган мажбуриятларни оларди; ва фақат ҳозир, шу дамда, буюк севги сири устида ўйга толиб ўтириб, у ботинида илиқ бир жонланишни ҳис этди, гўё вужудда янги

ҳаёт ёки янги бир эзгу ҳикмат барқ ураётгандай туюлди.

Бироқ диний талвасага берилиб кетишнинг хатарини билгани боис, у энг оддий черков қоидаларидан ҳам четга чиқмасди, ўзини-ўзи тинимсиз қийнаш эвазига бурунги гуноҳларини ювишга уринар, сохта авлиёликнинг қалтис хавфидан ўзини сақларди. Вужудидаги беш сезгининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида синовга соларди. У аёлларнинг кўзига кўзи тушушидан ўзини олиб қочарди. Ўқиб ўтириб, бошини кўтариб қарар, баъзан туйқусдан, бир лаҳзали ирода кучи билан ўқиб тугатилмаган гапни ўртасида тўхтатиб, китобни шарт ёпарди. У қулоғини эшитмайдиган куйга солди; ўзининг беўхшов, синиқ овозига эътибор қилмади, ваҳоланки, овози чархланаётган пичоқдан ё кулни уймалаётган бойўғли панжаларининг ғижир-ғижирига ёки гиламга урилаётган таёқнинг товушига ўхшаб асабини кўзғарди. Ҳид сезиш қобилиятини ўтмаслаши қийин кечди, чунки у қўланса ҳидлардан савқитабий тарзда жирканмасди: масалан, кўча-кўйнинг ҳидими, ахлат ёки қатрон ёхуд ўзининг баданининг исими — булар унга қиёслаш ва турли қизиқ тажрибалар учун бир баҳона бўларди. Охир-оқибат у сасиган балиқ ҳидига чидай олмаслигини, бу ҳид бир жойда йиғилиб қолган пешобнинг ҳидини эслатишини аниқлади ва ўрни келганда ўзини шу ҳидга чидашга ўргатди. У таъм билиш сезгисини ҳам ўлдирди: нафсини тийишга, черков кўрсатмаларига қатъи амал қилишга ўзини мажбурлади, овқат маҳали эса егулик ҳақида ўйламасликка уринди. Бироқ туйғу сезгисини ўлдиришда у алоҳида ихтирочилик қобилиятини намоён этди. У тўшақда танасининг ҳолатини ҳеч қачон ўзгартирмасди, ноқулай тарзда ўтирарди, баданининг қичиши ва оғриқларга тоқат қилар, совуқ пайтда иссиқдан четроқда бўлишга уринарди, бутун ибодат давомида, Инжилни ўқиш вақтидан ташқари, тиззаларини букиб ўтирарди, ювинганида совуқ ҳавонинг таъсири сезилсин деб юзи ва бўйнини артмасди. Қўлида тасбеҳ бўлмаган пайтлар қўлларини чопқир каби икки биқинига сиқиб олар, чўнтақларига солмас ёки белига қўйиб олмасди.

Энди у ўзида гуноҳга қизиқтирадиган иштиёқни ҳис этмасди. Бироқ қатъи тартиб-интизомни сақлашига қарамай, баъзида болаларча бўшангликка берилиб кетиши уни ажаблантирарди. Дуо ўқиб ўтирганида онаси акса урса ёки биров халақит берса туйқусдан жаҳли чиқиб кетарди, бундай ҳолатда тоат-ибодатдан ҳеч қандай наф етмаслиги тайин эди. Шундай вазиятда жаҳлини жиловлаш учун кучли ирода керак бўларди.

Бундай майда инжиқликнинг турли кўринишларини у ўзининг ўқитувчиларида кўп кузатганди ва уларнинг титраган лабларини, тишларини тишларига қаттиқ босганини, қизарган ёноқларини эслаб, уларни ўзи билан қиёслаб, феълени тузатишга қанчалик уринмасин, қўлидан келмас ва бундан руҳи чўкарди. Ўзининг шахсий ҳаётини бошқалар ҳаётлари оқимига қўшиб юбориш унинг учун ҳар қандай диний ибодатни адо этиш ёки дуо ўқишдан мушқил эдики, бу борадаги барча уринишлари беҳуда кетарди; ушбу ҳолат охир-оқибат маънавий қашшоқланишни юзага келтирди, унинг ортидан эса иккиланишлар ва шубҳа-гумонлар келди. Руҳини умидсизлик чулғади; гўё энг сирли маросимлар ҳам, қуриб қолаётган булоқлар каби, уни нажотбахш сувдан энди баҳраманд этолмаётгандай туюларди. Тавба-тазарру ҳам фақат виждонини азоблаётган гуноҳлардан қутулишнинг бир воситасига айланганди. Қовушув маросими энди аввалгидай фароғатли дақиқаларни ҳадея этмасди. Черковга у ўзи билан эскириб кетган, ҳарфлари хиралашиб, саҳифалади сарғайиб қолган авлиё Алфонс Лигурий тартиб берган дуолар китобини олиб борарди. Оловли муҳаббат ва бокира эҳтироснинг хира тортган дунёси унинг қалби учун айна шу саҳифаларда, қўшиқлар қўшиғидаги образлар маросим иштирокчисининг дуоларига қўшилиб, уйғунлашиб кетган жойда жонланарди. Сассиз овоз гўё унинг руҳини эркалар, шарафлар ва айна дамда ўшани, унашилган қизни никоҳда ҳозир бўлиши учун барс тоғларидаги Амон қоясидан йўлга чиқишга даъват этарди. Унинг ҳукмига тобе қалб ҳам худди шундай сассиз овозда жавоб қиларди: "Интер уберамеа меа сомморабитур"\*1.

Итоаткор қалбнинг бу образи, дуо ўқиётган, мулоҳаза юритаётган чоғида тана майлларининг тағин ғимирлаб ўзидан дарак бера бошлагани боис, унинг учун хатарли, жозибадор тус ола

бошлади. Бир бор бўшанглик, бир марта ножўя хаёлга берилиши шунча машаққат билан эришганларидан мосуво қилишини у аниқ-тиниқ англаб етарди. Назарида, секин ўрмалаб келаётган сув унинг яланғоч оёқлари кафтига яқинлашар ва кучсиз, шовқинсиз, ювош тўлқин терисига тегай-тегай деб тургандай туюларди. Ва сув терисига айна тегаётган пайт — гуноҳга ботай деган бир лаҳзада ирода кучи ёки кутилмаганда дуонинг шиддати билан у тўлқиндан узоқлашиб кетар, қуруғликка чиқиб оларди. Йироқда қолган, бироқ тағин сездирмай оёқлари остига ғимирлаб оқиб келаётган оқимнинг кумуш тусли тасмасини кузатиб, у ўз иродасининг кучсизлигини ҳис этди, бироқ барибир бу жозибатор жилваларга берилмадим, енгилмадим деган фикр кўнглида қониқиш пайдо қилди.

Йўлдан оздирувчи ўй-хаёллар билан доимий курашиш қалбидаги эзгуликнинг бебаҳо ёлқинини ўчириб қўйиши уни ташвишланишга мажбур этарди. Ўзидаги қатъиятга ишоначи йўқолди ва унинг ўринини тушунарсиз қўрқув эгаллади, оқибатда руҳи аста-секин чўка бошлади. Фақат энди жуда катта ирода кучи эвазига бурунги эътиқодини тиклаб олар ва руҳий фароғат ҳолатига қайтарди; кўнглида ҳар қандай ҳаю-ҳавас, истак ғимирлаганда тангрига сиғинишга, тангридан сўраган руҳий фароғат, албатта, унинг томонидан инъом этилишига ишонишга ўзини мажбур этарди. Ҳаю-ҳавасларнинг тез-тез қайталаниши ва таъсир кучи ўзи бир пайтлар эшитган — авлиёлар кечиришган синов-бардошларнинг ҳаққонийлигини очиқ-ойдин тасдиқларди. Бундайин истак-майлларнинг бот-бот такрорланиши ва таъсир кучи шайтон бўйсундиришга зўр бериб уринаётган руҳининг бардошлилигига далил эди.

Тавба-тазарру чоғида руҳоний унинг иккиланишлари ва шубҳа-гумонларини (дуо ўқиётганда бир лаҳзада лоқайдликка берилиши, гап-сўзида ва ҳаракатида майда инжиқлик ва ўзбошимчаликка йўл қўйиши) тинглаб, уни гуноҳдан халос этишдан аввал, бурунги гуноҳларидан бирини айтишини сўрарди. У итоаткорлик билан уялиб-қизариб бурунги гуноҳларидан бирини айтиб афсус чекарди. Қанчалик тоат-ибодатга берилмасин, эзгу фазилатларга эга бўлмасин, ҳеч қачон бу гуноҳидан тўла-тўқис қутула олмаслигини тушунарди. Бевовта гуноҳкорлик туйғуси уни ҳеч қачон тарк этмайди; у тавба-тазарру қилади, афсус чекади ва кечирилади, яна тавба-тазарру қилади, афсус чекади ва яна кечирилади — бироқ бари беҳуда. Эҳтимол, ўша биринчи бор, шошилиб, жаҳаннам даҳшати ҳақида эшитиб қўрқиб қилган илк тавба-тазарруси қабул этилмагандир? Эҳтимол, у ўз гуноҳларига чин дилдан афсус-надомат чекмагандир? Бироқ ўз ҳаётини ўнглаш, тўғри йўлга солиш унинг ибодатлари тўғрилигини кўрсатувчи энг яхши далиллар, унинг ўз гуноҳларига чин дилдан чеккан афсус-надоматларига асос.

“Ахир, мен ўз ҳаётимни ўнгладим-ку”, такрорлади у ичида.

\* \* \*

Ректор дераза тагида ёруғни орқаси билан тўсганча жигарранг пардага энгашиб турарди. У гапириб ва кулиб туриб, парданинг ипини қўлига олиб секин чуватар ва яна ўрай бошларди. Стивен унинг рўпарасида туриб, уйларнинг томларида узун ёз кунининг ёруғи сўниб бораётганини ва руҳонийнинг бармоқларининг оҳиста, бир текис ҳаракатини кузатарди. Руҳонийнинг юзи сояда эди, бироқ унинг ортида сўниб бораётган кундузнинг ёруғи чуқур ботган чаккаларига, калласининг қинғир-қийшиқ жойларига тушиб турарди. Стивен коллеж ҳаётида кечган турли-туман воқеаларни хотиржам ва таъсирли қилиб сўзлаётган руҳоний овозининг ўзгарувчан оҳангига қулоқ тутди: руҳоний эндигина тугаган таътиллер, орденнинг чет эллардаги бўлимлари ва ўқитувчиларнинг алмашиши ҳақида гапирарди. Хотиржам ва таъсирчан овоз суҳбатни бир зайлда бошқарар, орада тўхталган дамларда эътиборли саволлар ташлаб гурунгни жонлантириб юборишни Стивен ўзининг бурчи деб биларди. У буларнинг бари даромади гап эканини англар, кейин нима бўлишини кутарди. Ректорга учрашиш ҳақида буйруқ олиб, чақириқнинг сабабини билолмай унинг боши қотди, қабулхонада диққат бўлиб

кутиб ўтираркан, нигоҳи бир хушхулқ суратдан бошқасига сакрар, фикри эса беқарор бўлиб, бир тусмолдан бошқасига кўчарди. Бу ҳолат нега чақиршигани туйқусдан аён бўлгунча давом этди. Қандайдир кутилмаган сабаб билан ректор келмай қолиши эҳтимолини кўнглидан ўтказишига улгирмай, қайрилайётган эшик тутқичининг товуши ва руҳонийча узун тўннинг шитирлаганини эшитди.

Ректор доминикан ва франтсискан орденлари ҳақида, авлиё Фоманинг авлиё Бонавентура билан дўстлиги ҳақида гапирди. Тарки дунё қилган монахлар ордени аъзолари — капутсинларга ибодат либосларини кийгизиш унга бир қадар...

Стивеннинг юзида руҳонийнинг илтифотли табассумига жавобан кулги жилваланди, бироқ бу масалада у бирор-бир мулоҳаза билдиришни истамади, фақат тушунмаётган кўйи лабларини сал-пал қимирлатиб қўйди.

— Мен эшитдимки, — давом этди ректор, — капутсинларнинг ўзлари, франтсисканларга ўхшаб, бу либосни бекор қилиш ҳақида гапиришаётганмиш.

— Бироқ уни монастрларда сақлаб қолишар? — деди Стивен.

— Ҳа, бўлмасам-чи, албатта, — деди ректор, — монастрларда бу айни муддао, лекин кўчада кийиб юриш... тўғриси, бекор қилингани маъқул, нима дейсиз?

— Ҳа, ноқулай.

— Жуда тўғри, ноқулай. Тасаввур қилинг, мен Белгияда бўлганимда кўрдим, капутсинлар ҳар қандай об-ҳавода ҳам ўзларининг бу кенг-мўл чакмонларининг этагини тиззаларига ўраб олиб, велосипедда юришади. Бу, ахир, кулгили эмасми? Лес жупес — Белгияда уларни шундай аташади.

Ундош товуш шундай жарангладики, сўзни тушунишнинг иложи бўлмади.

— Қандай дедингиз?

— Лес жупес.

— Ҳа-а.

Стивен тагин руҳонийнинг табассумига жавобан кулимсиради, руҳонийнинг юзидаги кулги кўринмасди, чунки унинг юзи сояда эди; руҳонийнинг вазмин, босиқ овозини эшитганда унинг кулгу шарпаси Стивеннинг онгида дарҳол жонланганди. У деразадан хира тортиб бораётган осмонга хотиржам қаради, кечки салқиндан ва ёноғидаги нимжон қизилликни яширган уфқнинг ғира-шира сарғиш тўзонидан кўнгли севинди.

Аёллар кийимларининг номи ёки бу кийимлар тикиладиган ҳарир майин матолар унинг хотирасида аллақандай куфрона ҳидлари билан қолган эди. Болалигида жиловлар — бу юпқа ипак тасмалар, деб тасаввур қиларди, кейинча Стредбрукда биринчи марта отнинг ёғли, қўпол юганини ушлаб кўрганда ҳайратга тушганди. Биринчи марта ўзининг титраган бармоқларида аёллар пайпоғининг ғадир-будур ипини ушлаб кўрганда ҳам худди шундай ҳаяжонга тушганди. Бундай бўлишининг боиси шунда эдики, у ўқиганларидан фақат ўз ҳолатига мос, кўнглидагига жавоб берадиганларини эслаб қоларди ва ўзини севгига бахш этган аёлнинг руҳи ёки танини нозик, майин овозли, худди атиргулнинг гулбаргларидай юпқа матода тасаввур этмай туриб кўз олдига келтиролмасди.

Бироқ руҳонийнинг оғзидан чиққан гап тасодифан айтилгани йўқ; у биларди, руҳоний бундай мавзуларда ҳазиллашишни лозим кўрмайди. Гап ҳазил аралаш айтилди, бироқ бекоргамас ва у соядаги кўзлар унинг юзига қизиқсиниб қараганини ҳис этди. Ҳозиргача у иезуитларнинг маккорликлари ҳақида эшитган ёки ўқиганларига аҳамият бермай келарди. Ҳамиша ўзининг ўқитувчиларини, гарчи уларни унчали ёқтирмаса-да, жиддий, ақлли, жисмонан ва руҳан соғлом тарбиячилар, деб ҳисобларди. Улар эрталаблари бошларидан совуқ сув қуюб ювинишади ва тоза салқин кийимлар кийишади. Клонгоусда ва Белведерда уларнинг орасида яшашга тўғри келган шунча вақт мобайнида у икки марта қўлига чизғич билан уриб жазоланди, ваҳоланки, бу жазолар ноҳақдан берилган эди, у кўп нарсалар учун ўзининг жазоланмай қолганини ҳам биларди. Шу вақт мобайнида у ўзининг ўқитувчиларидан бирор марта ҳам маънисиз гап

эшитмади. Улар унга христиан таълимотининг моҳиятини ўргатишди, уни диёнатли ҳаёт кечиринишга даъват этишди, оғир гуноҳга ботганида эзгуликка қайтишига кўмаклашишди. Улар бор жойда у ўзини қатъиятсиз сезарди — Клонгоусда ҳам сўтаклигидан, Белведерда ҳам ҳардамхаёллиги боис шундай ҳолатга тушарди. Бу доимий иккиланишлар унинг коллеждаги сўнгги йилигача давом этди. У бирор марта ўқитувчиларининг гапини икки қилмади, шумтака жўраларининг алдовларига учмади, ўзининг вазмин, итоаткор феъл-атворини ўзгартирмади ва қачондир ўқитувчиларининг мулоҳазалари тўғрилигига шубҳаланган бўлса-да, буни очиқ-ошкора айтгани йўқ. Йиллар ўтган сайин уларнинг айрим қарашлари унга бирқадар жўн бўлиб туюла бошлади. Бу унинг қалбида пушаймонлик ва ўкинч туйғуларини уйғотар, назарида, у ўзи ўрганиб қолган олам билан аста-секин хайрлашар ва унинг нутқини сўнгги марта тинглаётгандай эди. Бир сафар черков олдидаги айвон тагида бир нечта бола руҳоний билан суҳбатлашарди, у руҳонийнинг шундай деганини эшитди:

— Менимча, лорд Маколей умрида бирор марта гуноҳ иш қилмаган, демоқчиманки, бирор марта онгли равишда оғир гуноҳга қўл урмаган.

Кейин болалардан бири руҳонийдан Виктор Гюгони сиз буюк франтсуз ёзувчиси деб ҳисоблайсизми, деб сўради. Руҳоний жавоб бериб, Виктор Гюго черковдан юз ўгиргандан кейин, католик бўлиб юрган пайтидагидан кўра хийла ёмон ёза бошлаганини айтди.

— Бироқ, — қўшиб қўйди руҳоний, — кўплаб франтсуз танқидчиларининг фикрича, Виктор Гюго, шубҳасиз, буюк ёзувчи саналса-да, Луи Веё сингари тиниқ услубга эга эмас.

Стивеннинг юзига югирган рангпар қизиллик руҳонийнинг бу шамасидан сўнди, унинг кўзлари ҳали ҳам оқиш тусдаги осмонда эди. Бироқ онгида аллақандай беқарор шубҳа кезинарди. Хотирасидан бўлиб ўтган воқеалар элас-елас қалқиб чиқа бошлади: у саҳналарни ва уларда ҳаракатланаётган қиёфаларни таниди, бироқ энг муҳим нарсани эслаши қийин бўлди. Мана, у Клонгоусдаги спорт майдончаси четида юриб, ўйинни кузатаётир, ўзининг крикет қалпоқчасидан конфет олиб еяпти, иезуитлар эса йўлакларда хонимлар билан велосипедда сайр қилишаётир. Аллақандай унутилаёзган, Клонгоусда кўп айтиладиган арзимас сўзлар унинг хотираси тубида акс-садо беради.

У жим-жит қабулхонада ўтириб, узоқдан келаётган бу акс-садони илғашга уринди ва туйқусдан бутунлай бошқача оҳангда ўзига мурожаат этаётган руҳонийнинг овозидан ҳушёр тортиди.

— Мен бугун сени чақиртирган эдим, Стивен, чунки сен билан маслаҳатлашиб оладиган муҳим гап бор.

— Эшитаман, сер.

— Сен қачондир ўз қалбининг ҳаққоний даъватини туйганмисан?

“Ҳа” демоқчи бўлиб Стивен лабларини очди, бироқ шу заҳотиёқ ўзини тийди. Руҳоний жавобни кутиб турди ва кейин қўшиб қўйди:

— Айтмоқчиманки, сен қачондир қалбинг тубида орденимизга аъзо бўлиш истагини туйганмисан? Ўйла-чи.

— Мен бу ҳақда ўйлаганман, — деди Стивен.

Руҳоний парданинг ипини қўйиб юборди ва қўлларини кўкрагига қовуштирди, ўйчан қиёфада уларга иягини тиради ва хаёлга толди.

— Бизникидай коллежда, — деди у ниҳоят, — гоҳида битта ёки, эҳтимол, икки-учта ўқувчи топилар тангри таолло томонидан дин йўлида хизматга даъват этиладиган. Бундай ўқувчи ўз тенгдошлари орасидан мўминлиги ва бошқаларга муносиб хислатлари билан ажралиб туради. У ўз дўстларининг ҳурматини қозонади, муқаддас биродарлик жамияти аъзолари уни ўзларининг префекти этиб сайлашади. Мана сен, Стивен ана шундай ўқувчилар сирасига кирасан, сен — бизнинг Биби Марям биродарлик жамиятимиз префектисан. Ва, эҳтимол, сен, тангри ўз хизматига муносиб кўрган ўша бўзболадирсан.

Руҳонийнинг овозидаги жиддий, таъсирчан оҳангдан кучайган ошкора ғурур туйғуси Стивеннинг юрагини тез уришга мажбур қилди.

— Бундай эътиборга сазовор бўлмоқ, — давом этди руҳоний, — шундайин улуғ марҳаматки, буни одам боласига карами кенг эгамгина инъом этиши мумкин. Бизнинг еримиздаги на бирор қирол, на бирор ҳукмдор тангри хизматчиси эга бўлганчалик ҳокимиятга эга бўлолмайди. На бирор малак, на малаклар малаги, на авлиё ва ҳатто Биби Марямнинг ўзи ҳам тангри хизматчиси қадар ҳокимиятга эга эмас: тангри подшоҳлиги дарвозасининг калитини қўлида тутмоқ, гуноҳларни боғламоқ ва ҳал этмоқ, сеҳру афсун, тангри бандалари вужудидан уларга азоб бераётган нопок руҳларни қувмоқ, улуғ эгамни самодан тушиб, минбарда нон ва винога айланишга чорлаш ваколлатига эга бўлмоқ ана шу ҳокимият илкидадир. Буюк ҳокимият бу, Стивен!

Стивеннинг юзига яна қизиллик югурди, у руҳонийнинг мағрур мурожаатида ўзининг мағрур орзулари акс-садосини эшитганди. У ўзини, буюк ҳокимиятга эга вазмин ва итоаткор, фаришта-ю авлиёлар иззату икромидидаги руҳоний қиёфасида тез-тез кўз олдига келтирарди. Қалбининг тубида шуни пинҳона орзу қиларди. У ўзини навқирон, муносиб қадр-қимматга эгалигидан кўнгли тўқ руҳоний сифатида тасаввур этарди. Мана, у жадал юриб тавба-тазарру хонасига кириб келаётир, меҳроб зиналаридан кўтарилаётир, ладан тутатаётир, тиззаларини букаётир, диний маросим амалларининг нозик ва сирли ҳаракатларини амалга ошираётир. Бу ҳаракатлар ҳаётдагига ўхшашлиги ва айни пайтда оддий турмушдан буткул ўзгачалиги, ажралиб қолгани билан уни чалғитарди. У ўз орзулари ичида яшаган хаёлий ҳаётда руҳонийлардан ўзлаштирган овоз ва имо-ишораларни ўзиники қилиб олганди. У бироз эгилиб тиззаларини букади, худди бу руҳонийга ўхшаб; исрикдонни, бошқа бир руҳонийга тақлидан, ҳафсала билан бир текис сермайди; эгнидаги руҳонийча либоси эса, учинчи бир руҳонийники сингари, дуони ўқиб бўлиб меҳробга бурилганда очилиб кетади. Бироқ бу тасаввурларида, хаёлий саҳналарда унга иккиламчи ролни ўйнаш кўпроқ ёқарди. У бош руҳоний унвонидан воз кечади, чунки у ҳолда бутун дабдабали маросимни унинг ўзи бошлаб ўзи тугатар, боз устига, маросим қоидаларида унинг вазифалари аниқ-тиниқ белгилаб қўйилганди. У камтарроқ черков унвонини орзу қилди: мана, у ҳамманинг назаридан четда, меҳробдан узоқда кичик руҳоний либосида, елкасига энгил ёпинғич ташлаган, унинг этаклари билан у дискосни ушлаб турибди; муқаддас неъматларни татиш маросими якунида, зарҳал ипда тикилган диакон либосида, руҳонийдан бир зина қўйида, қўлларини қовуштириб ва ибодатчиларга юзини буриб, қироат билан эълон қилади: “Ите, мисса эст”. Агар у ўзини қачондир руҳоний ролида кўрган бўлса, бунга фақат болалар дуо китобида кўзи тушган: кимсасиз черковда, оддий ва талабчан меҳроб олдидаги курсида фақат бир фаришта ва хизматчи ўспирин, худди унинг ўзидай ўспирин ўтирибди. Ҳозир одоб билан сукут сақлаб туриб, у руҳонийнинг сўзларига эътибор қилди ва бу сўзлар ортидан уни яқинлашишга ундаган, унга сирли донолик ва сирли ҳокимият таклиф этган янада теранроқ овозни эшитди. У Симон Волхванинг гуноҳи нимада эканини ва ҳеч қачон кечирилмас муқаддас руҳга шаккоклик нималигини билиб олади. У бошқалардан сир тутилган, қаҳрдан бино бўлган ва туғилган шубҳали сирлардан воқиф бўлади! У бошқаларнинг гуноҳларини, гуноҳли майл-истакларини, куфрона ўй-хаёлларини тинглайди: уларни ғира-шира черковда, тавба-тазарру хонасида аёллар ва қизларнинг лаблари қулоғига пичирлаб айтади. Унинг қалби, сирли тарзда дахлсизлик касб этиб, тағин тангрининг ёруғ тахти олдида гуноҳсиз пайдо бўлади. Унинг қўлига ҳеч бир гуноҳнинг гарди юқмайди, зотан, бу қўллари билан у қовушув маросимининг муқаддас нонини ушатади; унинг дуо ўқиётган даҳанига ҳеч қандай гуноҳ дахл қилолмайди, зотан, у тасодифан, тангри вужуди ҳақида мулоҳаза юритмай туриб, уни кавшамайди ва ичмайди. У сирли билим ва сирли ҳокимиятни асрайди, бокира гўдак мисол гуноҳсиз бўлиб, умрининг сўнгги кунигача, Малкисидқ унвонига мос мартабада яратганнинг хизматида бўлади.

— Эртага мен ибодат хизматини адо этаман, — деди ректор, — насиб этиб, қодир эгам сени ўз карамидан баҳраманд этсин ва сен, Стивен ўзингнинг пирингга, тангрининг суйган бандасига илтижо қил, шояд, яратган ақлингни равшан этса. Бироқ сен қаттиқ ишонишинг керак, Стивен, сенинг иқтидоринг бор, агар унинг йўқлигини кейинча пайқаб қолсанг жуда қийин бўлади. Ёдингда тут: руҳонийликка қўл берганингдан сўнг, сен бир умр руҳонийлигингча қоласан. Ақоидлар китобидан сенга маълум, диний унвонга киришнинг сирли маросими фақат бир бор бўладиган маросим, зотан, у юракда ўчмас из қолдиради. Сен буларнинг барини ҳозир тарозига қўйиб кўришинг лозим, кейин кеч бўлади. Бу жуда муҳим масала, Стивен, зеро, сенинг ўлмас руҳинг халос бўлиши шунга ҳам боғлиқ. Биз биргаликда тангрига ибодат қиламиз.

Шундай деб у оғир эшикни итариб очди ва Стивенга, уни энди гўё ўзининг руҳоний ҳаётдаги ҳамкори ҳисоблаб, қўл узатди. Стивен зина тепасидаги кенг майдончага чиқди ва кечки майин ҳавонинг илиқ таъсирини ҳис этди. Финлейтерс-Черч олдида тўрт нафар йигит қўл ушлашиб, бошларини сермашар, улардан бири олти қиррали гармонда чалаётган шўх куйга мос ҳаракат қиларди. Мусиқанинг илк товушлари, ҳар доимгидай, унинг ғаройиб фикрларини, худди болакайлар қумлоқда ясаган минорачаларни туйқусдан бостириб келган беозор ва шовқинсиз тўлқин ғарқоб қилгандай, ювиб кетди. У ясама оҳангга кулимсираб, бошини кўтариб руҳонийнинг юзига қаради ва унда ботаётган куннинг шавқсиз аксини кўрди, ҳалигина уларнинг руҳоний иттифоқини тан олиб турган қўлини руҳонийнинг қўлидан оҳиста олди. Зинадан тушаётиб кутилмаганда у ўзини бундан кейин азобга қўймаслигини ҳис этди. Бунга руҳонийнинг ботаётган кун акс этган юзи сабаб бўлган эди. Хаёлида коллежнинг зерикарли ҳаёти жонланди. Уни орденда ҳам ана шундай зерикарли, якраг, оддий—кундалик ташвишлардан холи ҳаёт кутарди. Клонгоусдаги узун даҳлизларнинг бўғиқ ҳавоси унинг ёдига тушди, ёниб турган газ чироқларининг паст товушда вишиллашини эшитди. Туйқусдан вужудини сабабсиз безовталиқ чулғади. Юраги тез ура бошлади ва бунинг ортидан аллақандай маънисиз кучли шовқин унинг сергак ўй-хаёлларини тўзғитиб юборди. Унинг ўпкаси, гўё намхуш, илиқ ва бўғиқ ҳаводан нафас олаётгандай, гоҳ кенгайиб, гоҳ торайди ва у яна Клонгоуснинг ювиниш хонасидаги торф тусли бўтана сувини, нам, илиқ ҳавосини ҳис этди. У ҳар гал бу ҳаётга хаёлан яқинлашганда вужудига аллақандай таълим-тарбия ва эзгуликдан-да кучлироқ инстинкт пайдо бўлар ва бу ноаён, нохайрихоҳ инстинкт уни: рози бўлма, дея огоҳлантирарди. Янги ҳаётнинг совуқ ва бир маромдаги муҳити уни бездирарди. У ўзининг эрталабки рутубатли ҳавода, бошқалар билан турнақатор тизилиб тонгги ибодатга боришини, дуо ўқиб, меъдага теккан зориқишни бартараф этишга беҳуда уринишини кўз олдига келтирди. Мана, у жамоа билан дастурхон атрофида ўтирибди. Одамовилигини қандай енгсин, шундай феъли боис, унинг бегона жойда еб-ичишга тобу тоқати йўқ-ку? Фурурини қандай енгсин, ахир, шу туфайли у доим ўзини доим ёлғиз ҳис этиб келган-ку?

Унинг сиёқи Стивен Дедалус, С.Ж

Унинг исми бу янги ҳаётда кутилмаганда кўз олдида аниқ кўринди, кейин эса юзи эмас, юзининг ранги ғира-шира пайдо бўлди. Бу ранг гоҳ оқиш, гоҳ хира-ғиштранг тус олди. Бу нима — у қиш кунлари эрталаб руҳонийларнинг қиртишланган ёноқларида кўрган яллиғланган қизилликми? Юзлар кўзсиз, хўмрайган-вазмин, художўй эди, қизарган ёноқларда тийиб турилган қаҳр қотган. Бу нима? Эҳтимол, у болалар Чироқли Симёғоч, бошқалари эса Қари Тулки Кемпбелл деб аташадиган иезуитнинг юзини хотирлагандир?

Бу пайт у Гарднер-стритдаги иезуитлар ордени уйи олдидан ўтаётган эди, беихтиёр, агар орденга кирсам қайси дераза меники бўларкан, деб ўйлади. Ва шу дамдаёқ ўзининг қизиқувчанлигидан ажабланди — унинг қалби ҳалигина ўзига муқаддас туюлган нарсадан энди жуда олисда эди. Уни қанча йил итоат ва интизомда ушлаб турган жилов ниҳоятда чидамсиз, ночор туюлди; ва бу айни ўша — уни эркидан умрбод жудо этадиган қатъи, ҳал этувчи қадамни ташлаши керак бўлган дақиқада аён бўлди. Черковнинг баландпарвоз даъволари, руҳонийлик



унвонининг сирларию қудрати ҳақида гапирган ректорнинг овози унинг хотирасида бекорчи овоздай акс-садо берди. Унинг юраги бу овозга эътиборсиз эди ва у энди барча панд-насиҳатлар пуч, расмий гаплар эканини билди. Йўқ, у ҳеч қачон меҳроб олдида исриқдонни сермамайди. Унинг қисмати — ҳар қандай жамоавий ва диний тушовлардан қочиш. Рухонийнинг доно панд-насиҳатлари уни асир этолмади. Унинг қисматида бошқалардан узоқда ўзининг донолигини топмоқ ёки дунё ҳою ҳаваслари ортидан қувиб, ўзи бошқаларнинг доноликларини англаши кераклиги битилган.

Дунёнинг ҳою ҳаваслари — гуноҳнинг йўллари. Ва у гуноҳ чоҳига қулайди. У ҳали қулаганича йўқ, бироқ сездирмай, шовқинсиз, бир лаҳза ичида қулайди. Қуламаслик — бу жуда оғир, ўта қийин. У руҳининг шовқинсиз қулаб тушаётганини ҳис этди: мана, тушиб келаётир, ҳали қулаганича йўқ, бироқ қулашга шай.

Толк сойи устидаги кўприқдан ўтаётиб, у ранги ўчган зангори Биби Марям бутхонасига бефарқ қараб қўйди; пойдеворга ўрнашган бутхона, атрофини ўраб олган фақирона кулбалар орасида, худди қўноқдаги товукқа ўхшаб кўринди. Кейин у чапга бурилиб, уйига олиб борадиган тор кўчага кирди. Тепаликлар бўйлаб дарёгача чўзилган қаровсиз полизлардан чириган карамнинг кўнгилни айнитадиган ачқимтил ҳиди думоғига урилди. У кулимсираб, мана шу бефарқлик, пала-партишлик, оиласидаги таназул ва ўсимликлар ҳаётидаги турфунлик охир-оқибат руҳимни енгади, деб ўйлади. Уйлари ортидаги полизда ишлаган, улар Шляпали Амаки деб чақиривадиган сўққабаш деҳқон ёдига тушиб, беҳосдан кулиб юборди. Шляпали Амаки ишга киришишдан олдин дунёнинг тўрт тарафига бир-бир қараб олар ва кейин чуқур хўрсиниб, белкуракни ерга санчарди.

У қулфланмаган эшикни итариб очиб кирди ва ялонғоч даҳлиздан тўғри ошхонага ўтди. Унинг сингиллари ва укалари стол атрофида ўтиришарди. Чамаси, чойхўрлик тугаётганди, чашкалар ўрнида ишлатиладиган шиша кружка ва шарбатдан бўшаган банкалар тагида ичиб тугатилаётган суюқ чой қолдиқлари кўринарди. Тўкилган шакар билан қоривган нон ушоқлари ва бўлаклари дастурхонда сочилиб ётарди. У ер, бу ерда тўкилган чой ёйилиб, чаплашиб кетган, суюқдан қилинган дастаси синган пичоқ ковлаб ташланган пирогнинг юқига беланган. Ботаётган куннинг ғамгин, маъюс, кулранг ёлқини деразадан, очик эшикдан тушиб турар ва Стивеннинг қалбида тўсатдан ғамирлаган ўкинч туйғусини бир қадар юмшатарди. Уларга рад этилган нарсаларнинг бари унга — оиланинг тўнғичига қўшқўллаб берилган эди, бироқ ғира-шира шом ёғдусида у сингиллари ва укаларининг юзида ҳеч қандай аламзадалик аломатини кўрмади.

У столга, уларнинг ёнига ўтирди ва отаси билан онаси қаердалигини сўради. Болалардан бири жавоб берди:

— Ула уйи кўйгани кеттила.

Демак, яна кўчиларкан. Белведерда Феллон деган бир ўқувчи доим ҳиринглаб, ундан нега кўчишни бунча яхши кўрасизлар, деб сўрарди. У ана шу аҳмоқона ҳиринглашни эслаганда, қаҳри қўзиб манглайида чизик пайдо бўларди.

— Билса бўладими, нега биз яна кўчадиган бўлдик? — сўради у.

— Хўжайин биззи уйдан ҳайдаяпти.

Столнинг нариги четидан укасининг “Сокин оқшомларда”1ни хиргойи қилган овози келди. Бирин-кетин бошқа болалар ҳам хиргойига қўшилишди ва ниҳоят ҳаммаси жўр бўлиб айта бошлашди. Улар шу зайл, тунги қора булутлар пайдо бўлиб, шом қоронғуси тушмагунча хиргойини давом эттиришди.

У бир неча дақиқа қулоқ солиб кутди, кейин ўзи ҳам уларга жўр бўлди. Сингиллари ва укаларининг тоза, бокира овозларидаги ҳорғинликни англаб, унинг кўнгли оғринди. Улар ҳали ҳаётнинг катта йўлига тушиб олишганича йўқ, бироқ аллақачон толиқишган.

У сон-саноксиз болаларнинг овозлари акс-садо бериб, қўшилиб, жўр бўлаётган бу хиргойини эшитди ва бу садолардан унинг қулоғига ҳорғинлик, уқубат оҳанглари чалинди. Унинг

назарида болалар ҳали яшашни бошламай туриб ҳаётдан чарчагандай туюлди. Ва у Ньюменнинг ҳам айна шу оҳангни Вергилейнинг “Табиатникидай овозда азоб-уқубатни, ҳорғинликни, шу билан бирга, барча замонларда болаларининг қисмати бўлмиш яхши кунлар келишига умидини ифодалаган ғамгин сатрлари”да эшитганини хотирлади.

\* \* \*

У ортиқ кутиб туролмасди.

“Байрон” қаҳвахонасидан Клонтарф бутхонасигача, Клонтарф бутхонасидан “Байрон” қаҳвахонасигача ва яна бутхонага, кейин тагин қаҳвахонага бориб-келиб юриб турди. Аввалига у секин одимлади, йўлакка ётқизилган плиталарни ҳафсала билан бир-бир босиб, қадамларини шеър оҳангига мослаб ташлади. Отасининг ўқитувчи Ден Корсби билан қаҳвахонага кириб кетишганига роса бир соат бўлди, отаси уни университетга жойлашни гаплашмоқчи. Бир соатдан бери у нари бориб, бери келиб, уларни кутиб бетоқат бўлаётир. Бироқ энди сабри тугади, ортиқ кутолмайди.

У Булл томонга кескин бурилди ва отасининг қаттиқ ҳуштак товуши қулоғига чалиниб қолиб, яна орқага қайтмаслиги учун қичаб юриб кетди, бир неча сонияда миршабхонадан ўтиб, бурчакка бурилди ва нафасини ростлаб, ўзини хавотирдан холи ҳис этди.

Ҳа, онаси унинг университет билан боғлиқ ташвишларига рўйхушлик бермаётган эди. Буни онасининг гап орасида чурқ этмай, сукут сақлаб турганидан пайқаганди. Бироқ онасининг рўйхушлик бермаётгани отасининг мақтаниб гапирган гапларидан кўра кучлироқ таъсир этиб, уни тезроқ бир қарорга келишга қистарди. У ўзидаги диний таълимга сўнаётган иштиёқнинг, аксинча, онасининг қалбида тобора мустаҳкамланиб, кучайиб бораётганини совуққонлик билан эслади. Мубҳам, хусуматли бу туйғу унинг ақл-ҳушини булутдай босиб, хиралаштирар, онасининг орзу-истакларига зид тарзда кучайиб борар ва миясини шубҳали ўй-хаёллар тарк этиб, онги ёришган чоғда кўнгли тагин фарзандлик садоқатига мойил туйғулар билан тўлиб-тошар, айна шу дамларда ўзи билан онаси ўртасида илк бор ихтилоф пайдо бўлганини — ораларидаги меҳр-оқибатга билинар-билинемас дарз кетганини ғира-шира ҳис этар ва бундан афсусланмас эди.

Университет! Энди уни чақириб тўхтатишнинг иложи йўқ, болалик даврининг қоровуллари — ўз изми ва мақсадларига бўйсундиришга уринган қўриқчиларнинг назоратида у энди қутулиб кетди. Кўнглидаги қониқиш ҳисси, боз устига, ғурур мисоли секин кўтарилаётган тўлқиндай, унинг руҳини юксалтирди. У ўзини бахш этиши лозим бўлган, бироқ ҳали нималиги ноаён мақсад, сирли тарзда нажот йўлига бошлаётган эди. Айна дамда ҳам бу мақсад уни ўзига чорлаётган ва ҳаял ўтмай унинг қаршисида кенг, равон йўл очиладигандай туюларди. Гўё қулоғига жўшқин мусиқа садолари эшитилаётгандай бўлди, куй оҳанглари гоҳ авж пардага кўтарилар, гоҳ бир парда тушиб, кейин тагин авжга чиқар ва кутилмаганда шиддат билан бир қадар пастлашар — мисоли тунги ўрмонда гуркираб ёнаётган уч тилли гулхандай тепага ўрларди. Бу бир ғаройиб муқаддима, битмас-туганмас, ҳеч бир шакл-шамойилга тушмайдиган авжу даромад эдики, у тобора юксалиб борар, куй мароми бардавом шиддатли тус олар, аланганинг тиллари гулхандан узилиб, тепага сапчир ва у буталар, ўт-ўлонлар тагидан келаётган — ёввойи йиртқичнинг япроқларга шитоб билан урилаётган ёмғир шовқинини эслатувчи туюқлари дупириини эшитаётгандай бўлди. Қуёнларнинг, олқору маралларнинг гуррос югурган майдақадам шовқини беихтиёр унинг онгига кўчди ва ниҳоят у шовқинларни фарқламай қўйди, хотирасида эса Ньюмен сатрларининг тантанавор оҳанги янгради: “Олқорнинг пойидай учқур оёқлар, остидан ўт чақнар абадул-абад”.

Бу мубҳам образга сингдирилган тантанавор руҳ ўзи воз кечган руҳонийлик мартабасининг улуғворлигини ёдига солди. Унинг болалиги кўнглида рағбат уйғотган, адо этишига ўзини бурчли деб ҳисоблаган даъватга боғланган орзу-ўйлар оғушида кечди, бироқ ана шу даъватга

итоат этадиган дақиқалар етиб келганида эса, қайсар феъл-ҳуқиға бўйсуниб, ундан юз бурди. Энди вақт ўтди. Тилёғламалик билан айтилган тавба-тазаррунинг фойдаси йўқ. Чунки у рад этди. Хўш, нима учун?

У Доллинмаутга яқинлашганда йўлни чапга солди ва енгил ёғоч кўприқдан юриб бораётиб оғир пояфзал кийилган оёқлар дупуридан тахталарнинг ларзага келаётганини ҳис қилди. Насроний биродарлар жамоаси Булдан қайтаётган эди. Улар жуфт-жуфт бўлиб тизилишиб келар ва жуфтлар бирин-кетин кўприкка қадам қўярди. Энди кўприк оёқлар остида лорсиллаб тебрана бошлади. Уларнинг гоҳ сарғиш, гоҳ қизил, гоҳида тўққизил тусдаги денгиз шуъласи ўйноқлаётган ёқимсиз башаралари шундоққина унинг ёнгинасидан лоппиллаб ўтар, уларга бепарво қарашга уринаётган бўлса-да, юзи ачиниш ва уят ҳиссидан қизиб кетганини сезди. Ўзининг аҳволдан алами қўзиб, юзини уларнинг кўзидан яширмоқчи бўлди ва пастга, кўприк тагида мавжланиб оқаётган саёз сувга қаради, бироқ уларнинг бесўнақай шляпалари, кўримсизгина энсиз ёқалари ва саланглаган роҳибона жандалари сувда ҳам акс этарди.

— Хикки оға.

— Квейд оға.

— Макардл оға.

— Кю оға.

Уларнинг тақводорликлари ҳам айнан исмларига, юзларига, кийим-бошларига ўхшайди; уларнинг итоаткор ғамзада юраклари, эҳтимол, садоқатда унинг юрагидан кўра тенгсиз эканига — яратганга матлуб бу вафо-садоқат ўзининг зийрак, тадбирли тақводорлигидан кўра юз карра афзаллигига ўзини зўр бериб ишонтиришга ўрганиши бефойда эди. Шундайин, агар пайти келиб, мағрурлигимни жиловлаб, фақиру ҳақир қиёфада, жулдур кийим-бош билан уларнинг эшиги олдида пайдо бўлсам, мендан меҳр-мурувватни аяймайдилар ва худди ўзларини яхши кўргандай мени сууб ардоқлай оладилар, деб ўйлаб, ўзини олижаноб бўлишга чоғлаши ҳам бефойда эди. Ва ниҳоят, ўзининг совуққон ишончига зид бориб, иккинчи ўғитда ўзгани худди ўзимизни яхши кўргандай яхши кўришимиз лозим дейилгани меҳр-муҳаббатнинг миқёси ва кучини назарда тутиб эмас, балки худди ўзимизни яхши кўргандай ёнимиздаги кишини яхши кўришни амр этишини ёқлашга уриниши ҳам бефойда, боз устига, азобли эди. У ўзининг ён дафтарчасидаги гапни эслади ва овозини чиқармай ичида такрорлади: “Денгиздан бино бўлган барра булутли олачипор кун”.

Гап ва кун ҳамда манзара бир оҳангга уйғунлашган эди. Сўзлар. Ёки уларнинг ранг-тусимикан? Буларга у турли рангларда жилваланишга ва рангларнинг бирин-кетин ўчишига имкон берди. Тўққизил мис тусидаги олтин тонг ва ям-яшил олмазор боғ, тўлқинларнинг зангор ранги, гирдига сарғимтил ҳошия тортилган булутларнинг чувалган ипак толалари. Йўқ, булар бўёқлар эмас. Бу — гапнинг мароми ва оҳанги, холос. Демак, унга сўзнинг бир маромда кўтарилиб, тушиб тургандаги оҳанги моҳиятидан ва рангидан кўра кўпроқ ёқаркан-да? Балки кўзларининг хиралиги, феъл-атворининг юввошлиги боис рангдор, жимжимали тилда чиройли ифодаланган ёрқин, кўзга яққол кўринадиган тасвирдан кўра, аниқ, лўнда ва бир маромдаги прозада бекамикўст гавдаланган шахсий ҳис-туйғуларининг мушоҳадаси унга кўпроқ қувонч бағишлар? У тебраниб турган кўприқдан қаттиқ ерга тушди. Шу дақиқада унга ҳавода совуқ тургандай туюлди ва у сувга кўз қиррини ташлаб, ёпирилб келган кучли шамол сокин тўлқинларнинг оромини бузиб, мавжлантириб юборганини кўрди. Юраги енгилгина силкиниб, томоғи тиришиб-тортишгани совуқ, киши табиатига ёт денгиз ҳидига вужуди тоқат қила олмаслигини сездирди; бироқ у чапга, қумтепалар томонга бурилмади, аксинча, дарёга тик тушган қояларни ёқалаб юрди.

Қуёшнинг хира нурлари дарёнинг кўрфазга қуйилган жойидаги кулранг сув сатҳини элас-елас ёритиб турарди. Узоқда, секин оқадиган Лиффининг қуйи тарафида кемаларнинг бир текис тизилган мачталари осмонга тортилган чизиқлардай, ундан нарида, туман ичида эса шаҳарнинг улкан иншоотлари кўзга ташланади. Гулу нақшларининг ранглари ўчиб, тўза

бошлаган эски гиламдай, мисоли рағбатдан мосуво, шавқи ўчган киши каби ҳорғин қиёфадаги насроний оламнинг еттинчи манзилгоҳи норманлар ҳукмронлиги<sup>2</sup> давридагидай хануз қадимий, ўшандай ҳолдан тойган ва узоқ вақт асоратда сақланганидан сабр-қаноатда барқарор, замондан холи макон оралиғида элас-елас кўзга чалинади.

У маъюс кайфиятда бошини кўтариб, оҳиста сузиб бораётган, денгиздан бино бўлган барра булутларга қаради. Улар бийдай само саҳросида оқиб, кўчманчилар карвонидай Ирландиянинг тепасидан, жуда баланддан ғарбга қараб йўл тортиб борарди. Улар келаётган тараф — Оврупо нариги ёқда, Ирландия денгизи ортида. Бегона тилларда гаплашувчи, текисликлар билан тарам-тарам тилинган, ўрмонлар билан ўралган, қалъалар билан қуршаб олинган Оврупо. Хандақлар билан ҳимояланган ва халқларни сафарбар этишга шай Оврупо. Унинг қулоғига аллақандай тушунарсиз, мужмал хотиралар мусиқаси ва исмлар чалингандай туюлди, бир зум уларни қарийб англагандай ҳам бўлди, бироқ ҳатто бир дақиқага ҳам хотирасида сақлаб қололмади, кейин куй оҳанги аста-секин узоқлаша бошлади, тобора узоқлашаётган мусиқа садосининг сокин оқимидан ажралиб чиқаётган бир чўзиқ даъваткор оҳанг, худди қоронғи осмонни тешиб чиққан ёрқин юлдуздай, шом қоронғусидаги сукунатни бузиб равшан эшитиларди. Мана, яна! Яна! Гўё нариги дунёдан чорлаётгандай бир товуш эшитилди:

— Салом, Стефанос!

— Ана, Дедал келаётир!

— А-а, бас қил, Дваер! Сенга айтаяпман! Ҳозир башарангга тушираман! А-а!

— Бопла, бопла уни Таусер! Ботир, ботир уни!

— Бу ёққа, Дедалус! Бус Стефануменос! Бус Стефанофорос!

— Ботир уни, Таусер! Чўктир, чўктир уни.

— Қутқаринглар, қутқаринглар!.. А-а!..

Стивен уларни юзларидан ажратиб улгурмай овозларидан таниди. Лойқага беланган, жиққа ҳўл яланғоч гавдаларнинг турқи-тароватидан эти жунжикиб, баданини қалтироқ босди. Уларнинг мурдадай оқариб кетган ёхуд оқ-сарик товланган ё бўлмаса қуёш тиғида куйган баданлари ҳўллигидан йилтилларди. Тошга нари-бери ўрнатилган, сакраганда ликқиллаб турган тахта супача, тик тушган тўғоннинг болалар тиришиб-тирмашиб чиқадиган қўл учида тарашланган тошлари совуқ ялтираб турарди. Улар денгизнинг муздай сувига ботириб олинган ҳўл сочиқлар билан бир-бирини савалашар, бетларига ёпишиб қолган сочлари ҳам совуқ шўр сувдан жиққа ҳўл эди. У тўхтаб бақириқ-чақириқларга, ҳазил-ҳузулларга жавоб қилди. Уларни турқидан таниб бўлмасди: Шюли — эғнида доим кийиб юрадиган кенг, очиқ ёқали кўйлаксиз, Эннис — илоннусха тўғали очқизил камарсиз, Конноли — ўзининг энли, чўнтаklarининг қалпоғи сўкилган калта камзулисиз. Уларга қараб юрак ачийди, балоғатга етиб қолганларини билдириб турган аломатларни кўриш эса баттар ачинарли; кўзи тушган одам, бу алфозда кўриб, улардан жирканиши тайин. Эҳтимол, одам гавжум ва шовқин-сурон бўлгани учун уларнинг ўзларига бу унчалик сезилмаётгандир. Болалардан узоқда, шовқин-сурондан холи хилватда ўз танасининг пинҳона майилларидан кўрқувга тушгани унинг ёдига келди.

— Стефанос Дедалос! Бус Стефануменос! Бус Стефанофорос!

Болаларнинг ҳазил-мазахларига у кўникиб кетган эди, ҳозир ҳам унинг ўзларидан устун бўлган оғир-босиқ, ғурурли феъл-атворини улар майна қилишарди. Ҳозир, ҳар қачонгидан кўра, унинг ғаройиб исм-шарифи кароматдай янгради. Булутли илиқ ҳаво ҳам фавқулодда ажойиб эди, унинг кайфияти ҳам айни дамда беқарор ва тажанг, назарида ўтган барча асрлар кўшилиб, қоришиб кетгандай. Атиги бир нафас бурун унинг кўзига кўҳна Дониё қироллигининг шарпаси ғира-шира туман пардаси ортида намоён бўлган эди. Энди афсонавий уста<sup>1</sup> исмида унга сидирға тўлқинлар шовқини эшитилди; унга тўлқинлар устида парвоз қилаётган ва аста-секин юқорига кўтарилиб бораётган қанотли соя кўринаётгандай туюлди. Бу нима? Бу ўрта асрнинг аллақандай башоратлар ва тимсоллар китобининг муқаддимасидаги антиқа белги бўлдимикан? Ёки кўкдаги лочинга ўхшаб, денгиз узра қуёш сари учаётган бу одам, у адо этиши лозим

бўлган, болалик ва ўсмирликнинг туманли сўқмоқлари оша етиб келган мақсаду муродининг даракчиси, ўзининг дастгоҳида жохил, мутаассиб дунё унсурларидан қайта бошдан янги, енгил, ложувард, боқий мавжудликни яратаётган мусаввир тимсолимикан?

Унинг юраги дуккиллаб ура бошлади, нафаси тезлашди, гўё у тепага, қуёш томон учаётгандай, шиддатли шамол аъзойи-баданини илма-тешиқ қилиб юборгандай бўлди. Юраги қўрқувдан тез урар, руҳи эса гўё танасини тарк этган, фалакка кўтарилиб кетган эди. Руҳи нариги оламда учиб юрарди ва тани, унга отнинг қашқасидай таниш тани бир нафас ичида ишончсизликдан халос бўлди, тамом покланди, нурга йўғрилди ва руҳининг озод парвозига уйғунлашди. Унинг кўзлари парвоз шавқидан чақнар, нафас олиши тобора зўрайиб, учириб кетаётган шамолга инон-ихтиёрини топширган тани эса ҳаяжондан титрар, жўшар, ҳузурланиб яйрарди.

— Бир, икки... Қоч!..

— Крайпс, чўкаяпман!..

— Бир! Икки! Уч! Сакра!..

— Кимнинг гали, қани кел!..

— Бир.. Уф!..

— Стефанофорос!..

Унинг лочиндай ёки тик қоядаги бургутдай ўзининг озод бўлганидан завқланиб учқур шамолга басма-бас қаттиқ чинқиргиси келиб томоғи зирқиради. Ҳаёт, тириклик шавқи унинг руҳини юксакка чорлаб овоз берарди, бироқ бу уни черковнинг якраг ва бемақсад хизматига чақирган мажбуриятлар ва афсус-надоматлар дунёсининг зерикарли, тўпори овозига ўхшамасди.

Бир лаҳза давом этган тийиқсиз парвоз уни иллатлардан фориф қилди ва лабларида зўрға тутиб турган севинч ҳайқириғи шиддат билан онгига ёпирилиб, акс-садо берди:

— Стефанофорос!..

Энди бу иллатлар мисоли омонат жасаддан сидириб олинган кафандай: юрагига мудом ғулғула солган қўрқув ҳам, жонини қийноқ-қистовга олган ишончсизлик ҳам, ич-етини тинимсиз кемирган гуноҳкорлик туйғуси ҳам — бор-йўғи майитни ўраб-чирмаган бўз латта, кафан, холос. Унинг руҳи ўсмирлик лаҳадидан бу кафанни сидириб ташлаб, даст турди. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Худди ўша буюк уста каби, исмини ўзи олиб юрган улўф санъаткорга ўхшаб у юрагининг озод туйғулари ва куч-қувватидан ғурур билан буткул янги дунё яратади — ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, жонли, гўзал, ҳайратланарли ва безавол ғаройиб дунё бино этади.

У қияликдан югуриб тушди, томирларида жўш уриб қайнаган ҳаяжонни босишга ожиз эди. У икки юзи ловуллаб ёнаётганини ҳис этди, бўғзини куйланмаган бир қўшиқ куйдириб борар, оёқлари йўл танобини тортишга — дунё кезишга маҳтал эди. Олға! Олға! — дея ҳапқирарди унинг юраги. Денгизга шом қоронғуси тушади, водийга оқшом чўқади, сайёҳ қаршисида тонг жилваланади ва унинг кўзига нотаниш далалар, қир-адирлар, чехраларни намоён этади. Бироқ қаерда?

У шимолга — Хоут8 тарафга қаради. Тўғоннинг қия ёнбағридаги бақатўнларни очик қолдириб, ортга қайтган денгиз тўлқинлари соҳил бўйлаб шитоб билан бостириб борарди. Сувнинг жимирлаётган саёз сатҳидан чўзинчоқ гардиш шаклида илиқ ва қуруқ қумлоқлар чиқиб қоларди. Саёз сув сатҳининг у ер, бу ерида қумлоқ оролчалар йилтиллаб кўринади, оролчаларда ва денгизнинг қирғоққа яқин жойларидаги майда жилғачалар орасидаги пляжда ярим яланғоч одамлар қораси кўринади, улар энгашиб, қумлоқдан ниманидир олишиб, бориб-келиб ивирсиб юришади.

Орадан бироз ўтгач у ялангоёқ бўлиб олди, пайпоқларини чўнтагига тикди, канопдан тикилган пояфзалини ечиб, боғичларини боғлаб елкасига ташлади, сўнг тўлқин оқизиб келган учи ўткир, шўр сувда чирий бошлаган таёқни ахлат ичидан суғуриб олди ва тўғонни ёқалаб пастга тушди. Тўлқин қайтган қумлоқ қирғоқда жилғачалар югуриб оқарди. У қирғоқ бўйлаб, сув ости ўт-ўланларининг тинимсиз ҳаракатини кузатиб, аста-секин одимлади. Зумрад тусли, қора, малла,

зайтунранг ўт-ўланлар сув остида эшилиб-буралиб, тебраниб ҳаракат қиларди. Бу тинимсиз ҳаракатдан қорамтир тусга кирган сув юзи тепада сузиб бораётган булутларни акс эттирарди. Осмонда булутлар оҳиста сузар, пастда эса денгиз ўт-ўланлари сокин тебранар, булутли илиқ ҳаво осойишта, унинг томирларида навқирон, сурурли ҳаёт шавқи жўш урарди.

Унинг ўсмирлиги қаёққа ғойиб бўлди? Унинг ўз қисматига чап берган, фақирликни ихтиёр этган, танҳоликда ўз дарду аламларига қоришиб, нотавонлик ва чорасизликдан эгнига ридо илмоқни, қўл текизгандаёқ тўкилиб тушадиган жандага ўранишни афзал билган сўқир кўнгил майллари қайга даф бўлди?

У ёлғиз ўтирибди. Ўтган кунларига қўл силтаган, хушбахт, ҳаётнинг сархуш қилувчи маънисидан татинган, сурурли кайфиятда. Ёлғиз ўзи — ёш, ғурур билан, ғайратга тўлиб, сархуш ҳавода шўр тўлқинлар, денгиз чиқариб ташлаган чиғаноқлар ва ўт-ўланлар орасида, қуёшнинг кўкимтир-сарғиш нури остида бир ўзи, нарироқда енгил кийинган болалар ва қизлар чопқиллашади, ҳавода уларнинг қувноқ, шўх-шодон овозлари жаранглайди.

Улардан бериоқда жилғачалар ўртасида қиз бола ёлғиз қилт этмай денгизга термилиб турибди. Гўё аллақандай сеҳрли куч уни тирик жонзотга, ғаройиб гўзал денгиз қушига айлантириб қўйган. Қизнинг оёқлари узун, келишган, худди қарқаранинг силлик, майин, нозик оёқларидай оппоқ, фақат уларга илашган зумрад тусли денгиз ўти ярашиқли белги солгандай. Оёқларнинг тиззадан тепароғи хийла бўлиқроқ, ранги фил суягидай, калтагина лозимасининг парпараклари оқ каптарнинг момик патларидай оппоқ оқариб турибди. Ҳеч бир тортинишсиз олдини қайириб белигача ростлаб турилган ҳаворанг кўйлагининг этаги кабутарнинг думидай, ортига тушган. Кўкси — қушникидай, нозик ва майин, худди қорақанот каптарнинг тўшидай. Бироқ унинг узун кумуш сочлари бениҳоя латиф, ифбат ва назокат балқиган юзи ҳам ўта тароватли, фавқулодда гўзал.

Қиз ёлғиз ўзи, денгизга термилганча қилт этмай турар, бироқ унинг шу яқин-орадалигини, ўзига ихлос ва меҳр билан тикилаётганини сезганида қизнинг кўзлари унга хотиржам боқди ва нигоҳи унинг нигоҳи билан тортинмай, сўзсиз-сўроқсиз учрашди. Қиз анча вақт кўзларини узмай қараб турди, сўнг хотиржам нигоҳини четга олди ва пастдаги жилғачаларга термилиб туриб, сувни оёғи билан нари-бери чайқай бошлади. Оҳиста чайқалаётган сувнинг шовқинсиз майин товуши сукунатни уйғотади, енгил, шилдираган, майин, худди тушдаги қўнғироқ оҳангидай — баланд, паст, баланд, паст — қизнинг нимпушти ёноқлари титрайди.

“Ё, меҳрибон худо!” — Стивеннинг юраги бу дунёвий қувонч эҳтиросидан хитоб қилди.

У туйқус қизга терс ўгирилди ва сувнинг саёз жойидан шитоб билан юриб кетди. Унинг юзлари ловуллар, вужуди ўртанар, оёқлари титрарди. У олдга, тобора олдга талпинди, шавққа тўлиб денгизни шарафлаб қўшиқ айтиб, қувончли қийқириқлар билан уни чорлаётган ҳаётга пешвоз юрди.

Қизнинг сиймоси унинг қалбидан абадий жой олди, бироқ бу муқаддас сукутнинг сурурини бирор-бир сўз бузгани йўқ. Қизнинг нигоҳи уни чорлади ва юраги бу чорловга шитоб билан талпинди. Яшаш керак — адашиб, тушкунликка тушиб, зафар қозониб, ҳаётдан янги ҳаёт яратиб яшаш керак. Унга олов фариштаси, боқий гўзаллик ва навқиронлик малаги, сурурли ҳаёт салтанатининг элчиси намоён бўлди ва шавқли бир лаҳза ичида унинг қаршисида адашишлару афсус-надоматлар ва шон-шухратнинг барча йўлларини очиб қўйди. Олға, олға, фақат олға!

У бирдан тўхтади ва жимликда юрагининг дуккиллаб ураётганини эшитди. Қаерларга келиб қолди? Ҳозир соат нечча?

Теварагида тирик жон йўқ, тик этган товуш эшитилмайди. Бироқ денгиз суви кўтарилиб, тўлқин ортга қайтаётган ва кун ниҳоясига етаётган эди. У қирғоқ томон бурилди ва саёз ёнбағирдан тепага қараб югуриб кетди, оёқлари остидаги майда кескир тошларга эътибор ҳам қилмади; у қумлоқ тепаликлар орасидаги овлоқ, ўт-ўланлар қоплаган сойликка тушиб чўзилди, шояд бугун, шом чоғидаги бу сокинлик ва жимлик томирларида кўпириб тошаётган эҳтиросини

бироз босса.

У тепасида улкан ва баланд кўк гумбазини, осмон жисмларининг хотиржам ҳаракатини кузатди; тагидаги киндик қони томган ва уни йўргаклаб бағрига олган заминни туйди. Толиқиб, уйқу хуружида кўзларини юмди. Ернинг олий мақомдаги куч-қувватини ва унинг посбонларини ҳис этгандай унинг ёноқлари уча бошлади, аллақандай янги, сирли оламнинг ғалати таъсирини сезгандай бўлди. Руҳи чўкиб, хаёлан янги, ўзгача хаёлот оламига, ноён қоронғу дунёга, ваҳимали махлуқлар ва ҳайбатли кўланкалар судралиб юрадиган денгиз қаърига ўхшаш оламга шўнғий бошлади. Олам милтиллаган нурми ё гул? Милтиллаб ва титраб, титраб ёлқин таратиб очилиб, барқ ураётган гулдай олам мислсиз ҳаракатлар билан ёришиб бораётир, гоҳ очқизил гулдай алангаланиб, гоҳ оқ атиргулга ўхшаб туси ўчиб, гулбарглари қават-қават, ранглари тўлқин-тўлқин таралиб, фалакни енгил, бири-биридан ёрқин алангаларга фарқ этаётир.

У уйғонганида қош қорайиб қолган эди, чўзилган жойидаги қум ва қовжираб қолган ўт-ўланлар энди турли-туман рангларда товланмасди. У ўрнидан секин турди ва тушида кўрган-кечирган сурурли лаҳзани хотирлаб, завққа тўлиб, чуқур энтикди.

У қирнинг тепасига чиқди ва чор-атрофга кўз югуртирди. Аллақачон қоронғи тушган эди. Қумга қадалган кумуш ҳалқадай янги ойнанинг гардиши уфқнинг бўзарган кенглигини тилиб чиқиб турарди; денгиз тўлқинлари оҳиста шовуллаб, узоқдаги қумлоқ соҳилда юрган яккам-дуккам кеч қолган одамлар қорасини, худди оролчаларини ўраб олгандай, ўраб қирғоқ томон шитоб билан бостириб келарди.

---

\*1 “Боринглар! Ибодат тугади” (лотинча) — ибодатнинг сўнги сўзи.

## БЕШИНЧИ БОБ

У суюқ чойнинг учинчи пиёласини ичиб тугатди ва тагидаги қуйқумга қараб, дастурхонда сочилиб ётган қизартириб пиширилган ноннинг қотган бўлақларини кемира бошлади. Сарғиш шамадан ҳосил бўлган чуқурча ботқоқдаги ўйдим-чуқурга ўхшар, шама тагидаги суюқлик эса унга Клонгоусдаги ваннанинг торф тусли сувини ёдига солди. У хаёл суриб ўтириб ҳозиргина титкилаб чиққан, шундоқ тирсагининг тагидаги, гаров хати ёпиштирилган қутидан ёғ юқи бармоқлари билан қарз берадиган Дейли ёки Макива кассаларининг муҳри босилган кўк, оқ, сарғайиб кетган, ғижимланган қоғозларни бирин-кетин олди.

1. Бир жуфт этик.
2. Палто.
3. Ҳар хил майда-чуйдалар ва чойшаб.
4. Эркаклар шими.

Кейин Стивен уларни бир четга олиб қўйди ва эзиб ташланган битларнинг доғи қолган қутининг қопқоғига ўйчан термилиб, хаёли қочиб онасидан сўради:

— Энди соатимиз қанча олдин кетаяпти?

Онаси каминнинг токчасига ёнбоши билан қўйилган жиринглаб уйғотадиган эски соатни кўтариб қаради ва яна жойига ёнбоши билан қўйди. Соат миллари чорак кам ўн иккини кўрсатарди.

— Бир соату йигирма беш минутга, — деди онаси. — Ҳозир ўндан йигирма минут ўтди... Дарсингга вақтида жўнашга ҳаракат қилсанг бўлмайдими?

— Ювинишимга жой тахтланг, — деди Стивен.

— Кейти, Стивеннинг ювинишига жой тахтла.

— Буди, Стивеннинг ювинишига жой тахтла.

— Менинг қўлим банд, Мегги, сен тахтлай қол.

Чаноқнинг ёнига сирланган тоғорани ўрнатишиб, четига эски қўлқопчани илиб қўйишгандан сўнг, Стивен онасига бўйинини ишқалаб, қулоқларини, бурнининг катакларини ювишга қўйиб берди.

— Яхшимас, — деди онаси, — кимсан университетнинг талабаси-ю кир-чирга ботиб юрса, яна онаси уни ювиб тозаласа!

— Бу иш сизга ёқади-ку, — деди Стивен хотиржам.

Тепадаги хонадан қаттиқ ҳуштак товуши эшитилди ва онаси унинг биллагига нам қўйлакни ташлаб, деди:

— Артиниб олгин-да, худо хайрингни берсин, тезроқ жўнаб қол.

Иккинчи марта чалинган қаттиқ асабий ҳуштакдан сўнг қизлардан бири зинага чиқди.

— Ҳа, дада?

— Анов ялқов, акажонинг, даф бўлдим ёки йўқми?

— Кетди, дада.

— Алдамаяпсанми?

— Йўқ, дада...

Синглиси қайтиб кириб, Стивенга тезроқ орқа эшикдан жуфтакни ростла, деган ишорани қилди. Стивен қулиб, деди:

— Дадамниям мияси айниб қолибди.

— Уялмайсанми шундай дегани, Стивен, — деди онаси, — ҳали бир кун келиб ўша университетга кирганингга афсусланасан. Сени бошлаб алдашди.

— Хайр, — деди Стивен кулимсираб ва бармоқларининг учини ўпиб, хайрлашди.

Тор кўча ёмғирдан балчиқ бўлиб ётар, у қуруқ ахлатларни босиб, кўчадан секин юриб ўтаётганда монастыр касалхонасининг девори ортидан ақлдан озган роҳибанинг фарёди эшитилди:

— Исо! О, Исо! Исо!

Бу фарёдга у эътибор қилмасликка уриниб, аламзадалик билан бошини силкитди ва бадбўй чиқитларга туртиниб-суртиниб қадамни тезлатди, юраги эса алам ва нафратдан зирқираб кетди. Отасининг ҳуштаги, онасининг ёзғиришлари, девор ортидан эшитилган телбанинг фарёди — бариси қалбни таҳқирловчи бир оҳангга бирикиб, унинг иззат-нафсига таҳдид қиларди. Стивен ҳатто уларнинг юрагидаги акс-садосидан ҳам нафратланиб, барини хаёлидан бирийўла қувмоқчи бўлди; бироқ у кўчадан юриб бораркан, ёмғир ювган новдалар орасидан ёғилиб турган эрталабки хира ёғдуни ҳис этиб, ҳўл баргларнинг ва дарахт пўстлоғининг тахир ҳидидан нафас олиб кўнгли ёришди, бироз кайфияти кўтарилгандай бўлди.

Ёмғирдан маъюсланиб қолган дарахтлар, ҳар галгидай, Герхард Гауптманнинг пиесаларидаги қизлар ва аёллар ҳақидаги хотираларни ёдига солди ва уларнинг сирли ғам-ғуссалари ҳақидаги хотиралар, ҳўл бутуқлардан таралаётган хушбўй ҳид кўнглига сокин севинч туйғуларини бағишлади. Мана энди шаҳарни у бошидан бу бошигача кезиб чиқадиган эрталабки сайр бошланди ва у олдиндан биларди: Фервю мавзеининг лой кўчаларидан юриб бораётганда Нюменнинг шафқатсиз, бироқ жимжимадор прозаси ҳақида ўйлайди, озик-овқат дўконларининг деразаларига тикилиб, Гвидо Кавалкантининг ғамгин юморини эслайди ва жилмаяди; Толбот-плейсдаги Беернинг тоштарошлар устaxonаси ёнида изғириндай Ибсеннинг руҳи — гўзал ёшликнинг ёвқур руҳи жонига озор беради; Лиффининг нариги тарафидаги бандаргоҳнинг чиркин дўкони билан бараварлашган кезде эса у Бен Жонсоннинг:

“Мен дам олгани чўзилдим,

Чарчамаган бўлсам-да гарчи...

сўзлари билан бошланадиган қўшиғини ичида такрорлайди.

У Аристотел ва Фома Аквинскийнинг тушунарсиз нутқларидан гўзаллик моҳиятини ахтариб толиққан кезларда тез-тез елизаветачиларнинг дилбар қўшиқларини хотирлаб дам оларди.

Унинг ақли, худди иккиланган роҳибдай аллақачон ўтмишга айланган бу узоқ асрнинг



кўланкасига бекиниб олиб, лютенларнинг қайғули ва кулгили мусиқаларини ҳамда саёқ аёлларнинг жазавали қаҳ-қаҳаларини тинглар, бу ўта беҳаё қийқириқлар, гоҳида аллақандай беадаб ва тумтароқ гап-сўзлар, гарчи алмисоқдан қолган бўлса-да, унинг роҳибона ғурурини кўзгаб, бу хилватни тарк этишга мажбур қилмагунча диққатини тортиб турарди.

У ўзини тенгқурлари даврасидан тийиб, кун бўйи титкилаб, бош қотириб ўтирадиган илмий асарлар деб аталмиш китоблар Аристотелнинг поетикаси ва психологияси, "Сйнопсис Пҳилосопҳиале Счоластисае ад ментем диви Тҳомае"дан олинган тагдор ҳикматли сўзларнинг йиғиндиси эди, холос. Унинг ўзидан гумонсираши ва ишончсизлигидан пайдо бўлган фикрлар баъзан савқитабий билан туйқусдан ёришиб кетар, бундай лаҳзаларда атрофдаги олам, ёниб кулга айланган гулхандай, кўздан йўқолар, тили эса калимага келмас ва хира кўзлари билан у ўзгаларнинг нигоҳини илғар, гўзаллик руҳи мисоли ридо каби уни ўраб-чирмаб олаётгандай туюлар, гарчи ўй-хаёлида бўлса-да, қалби юксак туйғуларга уйғунлашиб кетарди. Бироқ ғурурга тўлган сукунатнинг қисқа умри тез ўтиб кетди ва у яна қалбида севинч билан одатдаги ҳаёт ташвишларига шўнғиди, ҳеч қандай кўрқув-хавотирсиз ўз йўлидан, катта шаҳарнинг қашшоқ, сершовқин ва дабдабали кўчалари бўйлаб юрди.

Канал бўйидаги эълонлар тахтаси ёнидан ўтаётиб юзи қўғирчоқнинг юзидай қуриқшиб қолган, бошига четлари йиртилган шляпа кўндирган силга йўлиққан одамни кўрди, бемор кўприқдан майда қадам ташлаб, палтосига бурканиб, қўлидаги йиғилган шамсияни ҳассага ўхшатиб тутганча унинг қаршисидан келаётган эди. Соат ўн бир бўлиб қолгандир, деб ўйлади Стивен ва вақтни аниқ билиш учун сут дўконига қаради. У ердаги соат бешта кам бешни кўрсатиб турарди, бироқ у сут дўконидан узоқлашаётиб, шу атрофдаги соатлардан бири ўн бирга тез-тез ва аниқ занг урганини эшитди. У кулиб юборди: соатнинг занг чалгани унга Маккеннини эслатди. Ҳатто Стивен унинг оппоқ эчки соқолини ва қорувли гавдасини кўргандай бўлди. Маккенни эгнида овчиларнинг камзули ва ихчам шимда Хопкинс-стритда шамолга юз буриб туриб, кеккайиб сўз қотади:

—Сиз, Дедалус, ғайриижтимоий мавжудодсиз ва нуқул ўзингизни ўйлайсиз. Мен демократман, бўлажак Оврупо Қўшма Штатларида синфлар ва жинсларнинг ижтимоий эркинлиги ва тенглиги йўлида тер тўкаман, курашаман.

Соат ўн бир! Демак, бу лектсияга ҳам кечикди. Бугун қайси кун? У газета дўкони олдида тўхтаб, қайси кун эканини билмоқчи бўлди. Пайшанба. Соат 10 дан 11 гача —инглиз тили; 11 дан 12 гача — франтсуз тили; 13 гача физика. У инглиз тилидан бўладиган маърузани кўз олдига келтирди ва саросималаниб, ўзининг ночорлигини ҳис қилди. Курсдошларининг бошларини эгишиб, дафтарга ёдлашлари лозим бўлган сўзларни: исмга кўра аниқловчи ва мазмунга кўра аниқловчини<sup>1</sup>, ҳар хил мисолларни, туғилган ва вафот этган йиллар ёки асосий асарлар ва уларнинг ёнига суратларга танқидчилар беришган ижобий ва салбий баҳоларни ёзаётганини кўрди. Унинг боши дафтарга эгилмайди, хаёли узоқларга олиб қочади. Бироқ у теварагидаги талабаларнинг мўъжазгина тўдасига қарайдими ёки деразадан боғдаги хиёбонда ўсиб ётган бутазорга термиладами, барибир димоғидан ертўла захи ва чириндининг ҳиди аримайди. Яна столга эгилган битта бош, муқаддас неъматлар солинган идишлар олдида мағрур қад ростлаб, черковнинг камбағал қавмига раҳм-шафқат сўраб дуо қилаётган руҳонийнинг бошидай, биринчи қаторда шундоқ унинг қаршисида сўққайиб турибди. У Кренли ҳақида ўйлаб, нега фақат унинг бошини ва юзинигина тасаввур қила олиши, қоматини кўз олдига келтира олмаслигига ажабланди. Мана, ҳозир ҳам у булутли тонг ёруғида — худди тушда кўринган шарпадай — кесилган бошни, қоп-қора ғайир сочлари гултождай манглайига тушиб турган, мурданинг башарасидан олинган ниқобдай руҳонийнинг зоҳидона рангпар қиёфасини, бурнининг таноблари тарвақайлаган, кўзининг тагига қора кўланка тушган ва юпқа, қонсиз лаблари кулимсираган турқини кўрди ва ҳар куни Кренлига ўзининг изтироблари, ташвиш ва орзу-ўйлари ҳақида гапирган гапларини, дўстининг эса сергакланиб, маънодор сукут сақлашини эслади. Стивен бу қиёфа — ўзининг гуноҳини ҳис этаётган, бошқаларнинг

тавбасини тинглаб, гуноҳларини қувишга нолойиқ руҳонийнинг қиёфаси, деган хулосага кела бошлаганда туйқусдан аёл кишининг ўзига қадалган қора кўзларини пайқагандай бўлди. Бу ҳолат аллақандай ғаройиб ва мавҳум фикрларга йўл очгандай туюлди, бироқ Стивен кўнглида ҳали нарёққа кетишга эрта эканини туюб, миясидан бундай фикрларни дарҳол қувди. Дўстининг бепарволиги, худди тунги зулматдай, уни хавф-хатар исканжасига солиб қўйди ва у бир зум ҳушини йиғиб, атрофига кўз ташлаб, йўл-йўлакай тасодифан хаёлига келган ҳар хил сўзларни тутиб қолишга уринар ва уларнинг бир лаҳзадаёқ ўз моҳиятини йўқотишига ҳайрон бўларди: мана, дўконлар пештоқидаги ёзувлар худди афсундай, унинг хаёлини банд этди, руҳи чўкиб, қариядай уҳ тортди; айна дамда ўзи тор кўча бўйлаб ана шу ўлик сўзлар орасидан ҳамон юриб бораётир. Тилнинг сеҳру жозибасини ҳис эта билиш туйғуси, заррама-зарра сўзларга бирикиб, унинг онгидан сизиб чиқди ва пойма-пой вазнда чалкашиб, ажралиб уюша бошлади:

*Чирмовиқ чирмашар деворга,  
Чирпирар, чирманар деворда.  
Деворга зарпечак печалар,  
Печаклар деворда сарғаяр.*

Бу қанақа сафсата бўлди? Ў, худойим, деворга чирмашган чирмовиқ нимаси? Зарпечак — бунга ҳам чидаса бўлар, сариқ фил суягига ҳам. Қапишган фил суягига-чи? Буни қандай тушуниш мумкин?

Сўз энди унинг миясида, фил мўғизидан арралаб олинган фил суягидан ҳам тиниқ ва ёрқин чарақлади. Луорй, ивоире, аворио, эбур\*1. У мактабда лотин тилидан ўзлаштирган гапларнинг дастлабкиларидан бири: “Индия митит эбур”\*2 деган гап эди ва Овидийнинг “Метаморфозалар”ини нафис, бироқ чўчқалар, сополлар ва чўчқа ёғи сўзлари ишлатилганда ғалати эшитиладиган инглиз тилида ифодали айтиб беришга ўргатган ректорнинг шимолликларга хос қаҳрли юзи унинг кўз олдида келди. Лотин шеърляти қонунларининг ўзига маълум бўлган озгина қисмини у португалиялик руҳонийнинг эскириб кетган китобидан ўқиб билиб олган эди.

“Сонтрахит оратор, вариант ин сармине ватес”\*3.

Рим тарихи инқирозлари, зафарлари ва ғалаёнлари унга сийқаси чиққан ин танто диссримие\*4 сўзлари орқали тушунтирилган эди. У шаҳарлар шаҳрининг ижтимоий ҳаётига имплере оллам денариорйм сўзлари орқали назар ташлашга уринди, бу сўзларни ректор ширали қилиб “идишни динорларга тўлдириш”, дея таржима қилган эди. Горатсий китобининг қолган саҳифалари ҳеч қачон, ҳатто бармоқлари совуқдан увишиб қолган пайтларда ҳам, унга совуқ туюлмасди; тириклик нафаси уфуриб турган бу саҳифаларни элик йил бурун Жон Дункан Инверерит ва акаси Уилям Малколм Инвереритнинг жонли бармоқлари варақлаган. Ҳа, китобнинг эскириб, ўча бошлаган илк саҳифасида уларнинг муборак номлари сақланиб қолган ва билинар-билинемас ёзувлардаги шеърлар, ҳатто унингдай лотин тилининг ўртамиёна билимдонига ҳам гўё узоқ йиллар хушбўй гул ва кўкатлар ичида ётгандай, муаттар ҳид таратарди. Бироқ унга умр бўйи жаҳон маданияти байрамида оддий томошабин бўлиб қолиш, ўзи аллақандай эстетик фалсафани ифодалашга уринаётган диний билим тили, назарида, мадҳияю тамғалар билан шуғулланиш ва ё лочин билан ов қилишдай жазавали, айна пайтда бемаъни машғулотдан ортиқ бир нарса эмаслигини тан олиши алам қиларди.

Маърифатсиз шаҳарнинг чап тарафида туядай оғир чўккан, тор ҳалқага зўрлаб жойланган жилосиз, сўник тошни эслатувчи муқаддас Учлик коллежининг баҳайбат кулранг иморати унинг руҳини эзиб, онгига таъсир эта бошлади. Ва у протестантча дунёқарашнинг асоратли тушовларидан идрокини халос қилишга уринаркан, Ирландия миллий шоирининг бесўнақай ҳайкали олдидан чиқиб келди.

У ҳайкалга жирканмай қаради, чунки тана ва руҳнинг нотозалигини намоён этиб турган ёдгорликдаги кир-чирлар, худди бир қарашда кўз илғамайдиган битдай, ҳайкалнинг тиззадан букилган оёқларидан тортиб бор бўйича, кийимининг қайрилган жойларига, қаролларникига ўхшаш бошининг атрофига ўрнашиб қолган, гўё у ўзининг нодонлигини иложсиз тан олиб тургандай туюларди. Бу айна милезияликнинг эгнидаги ёпинчиқни ўмарган фирболгнинг ўзи эди; Стивен ошнаси, деҳқон оиласидан чиққан талаба Дейвинни эслади. Фирболг унинг ҳазиллашиб айтиладиган лақаби эди, бироқ деҳқон бола бунга кўникиб кетган эди: — Нима дейин, Стиви, энди сен ҳам мени қовоққалла деб айтсанг илож қанча, ихтиёринг. Исмининг қисқартириб айтилгани, биринчи марта эшитганида, Стивенга таъсир қилди: у одатда бошқа талабалар билан, худди уларнинг ўзига қилган муносабатларидай, муомалада чегарани сақлар, такаллуфсизликка йўл қўймас эди. У Грантем-стритдаги Дейвиннинг уйига тез-тез бориб турар ва девор четига териб қўйилган ошнасининг ярқираб турган этикларига ҳавас билан қарар, ошнаси бегоналарнинг шеърларини ўқир, ўқиган сатрлари ортида эса унинг шахсий изтироблари сезилиб турарди. Фирболгга ўхшаб кетадиган тўпори ошнаси баъзан уни ўзига тортса, баъзан тамом бездирар эди. Дейвиннинг қишлоқ болаларига хос камсуқум, оғиркарвон феъл-атвори, инглиз тилидаги эски ғаройиб иборалар билан гапириши, қўпол жисмоний кучдан завққа тушиши — Майкл Кюзак гелласининг мухлиси экани — Стивенга ёқарди; гоҳида эса ақлининг тўпослиги, туйғуларининг одмилиги ёки кўзларида туйқусдан пайдо бўладиган, кеч кирди дегунча комендантлик соатидан даҳшатга тушиб, пана-пастқамга уриб кетадиган хилват ва қашшоқ ирланд қишлоқлари аҳлига хос итоаткорона қўрқув акси уни Дейвиндан бездирарди.

Ёш деҳқон йигит амакиси Мета Дейвиннинг кўрсатган жасоратларидан қанчалик ғурурланса, Ирландиянинг қайғули дoston ва ривоятларини ҳам шу қадар эъзозларди. Дейвиннинг ошналари спортчи ҳақида гурунглашиб, бу билан коллеждаги зерикарли ҳаётга жиндай завқли тус беришга уринишар, уни ўзларича ёш фениялик, деб тасвур қилгилари келарди. Энагаси Дейвинни болалигида ирланд тилига ўргатган ва мурғак тасаввурини ирланд афсоналарининг нимжон шуъласи билан ёритган эди. Ҳали бирор киши бирор замонда зиғирдай нафосат ҳиссини туймаган бу афсоналарга ва уларнинг асрлар оша илоҳийлаштирилган, аслида қовушмаган, ланж чўпчакларига Дейвин худди католик динига муносабатда бўлгандай — қулнинг кўр-кўрона садоқати билан ишониб қарарди. Англиядан чиққан ёки инглиз маданияти намунаси ҳисобланган ҳар қандай фикр ё туйғуни у, худди буйруққа сўзсиз итоат этадиган аскардай, қўлда қурол билан қарши оларди. Унинг назарида Англиядан ташқаридаги дунё фақат Франтсиядаги Чет эл легионидан иборат бўлиб, ўзининг айтишича, у ана шу легионга кириш ниятида эди.

Бундай ўй-хаёлларга Дейвиннинг феъл-ҳуйини чоғиштириб, Стивен уни хонаки ғозча<sup>1</sup> деб атар ва бу лақабга ошнасининг гапларию ҳаракатларидаги ланжлик, лапашангликни сингдирмоқчи бўлар, ана шу қусурларни мулоҳаза қилиш Стивеннинг интилувчан, сергак ақли билан ирланд ҳаётининг пинҳона сирлари орасига ғов соларди.

Бир куни кечқурун Дейвин одатдагидай жўшиб, баландпарвоз гапларидан қизишиб, ҳовлиқиб Стивенга ғалати бир воқеани гапириб берди. Улар яҳудийлар яшайдиган ғариб мавзенинг тор жинкўчаларидан секин юриб, Дейвиннинг уйига боришаётган эди.

— Ўтган йили кузда, Стиви, қиш кирар паллада, ғалати бир воқеага дуч келдим. Мен ҳали бу ҳақда бирор кишига оғиз очганим йўқ. Биринчи марта сенга айтаяпман. Ҳозир ёдимда йўқ, октябрда бўлганмиди бу, ёки ноябрдами, ҳарқалай, октябрда бўлса керак, чунки бу воқеа мен бу ерга университетга кириш учун келганимдан олдин бўлганди.

Стивен ошнасининг содда, самимий гапларидан завқланиб, унга кулимсираб қаради.

— Ўшанда мен бутун кунни Баттевентда ўтказдим, билмадим, сен бу шаҳарнинг қаердалигини тасаввур қила оласанми, йўқми? У ерда “Кроук йигитлари” билан “Жасур терлсликлар” ўртасида хоккей учрашуви бўлди. Жуда зўр ўйин бўлди-да ўзиям, Стиви! Менинг амакиваччам

Фонзи Дейвиннинг кийимларини тилка-пора қилиб ташлашди. У Лимерика командасининг дарвозабони эди, бироқ ўйиннинг ярмини у жиннидай бақриб-чақриб ҳужумчилар билан олишиб ўтказди. Бу кунни умрбод унутолмасам керак! Кроуклардан бири қўлидаги чавгон билан уни шунақа тушириб қолдики, — азбаройи худо, Стивен! — чинтоғига тегишига сал қолди. Ишонасанми, Стивен! Агар бу зарба сал тепароқдан текканда борми, шу заҳотиёқ у тамом бўларди.

— Омон қолганини эшитишнинг ўзи яхши, — деди Стивен кулиб. — Бироқ бу, ҳарқалай, сенинг бошингга тушган ўша ғаройиб воқеа бўлмаса керак, деб умид қиламан?

— Ҳа, албатта, бу гаплар сени қизиқтирмайди. Хуллас, ўша учрашувдан сўнг қанча гап-сўз, шов-шувлар бўлмади дейсан, мен поездга кеч қолдим, йўлда бирорта арава ҳам учрамади, чунки Каслтаунрошда черков йиғини бўлиши керак эди, деҳқонларнинг ҳаммаси кетишганди. Илож қанча! Ё шу ерда ётиб қолиш керак, ёки яёв кетиш керак. Мен яёв кетмоқчи бўлдим. Қоронғи туша бошлаганда Беллихаур қирларига етдим, у ердан Килмелоккача яна ўн мил, агар кўп бўлмаса, узундан-узоқ йўл босиш керак, бирор-бир қора кўринмайди. Бутун йўл бўйи одам яшайдиган биттаям кулбани учратмайсан, тик этган товушни эшитмайсан. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, зимистон. Икки марта, трубкамни тутатиб олиш учун, буталар панасида тўхтадим, агар қалин шудринг тушмаганида чўзилиб ётиб, ухлаб қолишим аниқ эди. Ниҳоят йўлнинг бурилган бир жойига келиб, бундоқ қарасам — кичкина уйча турибди, деразаси ёруғ. Мен бориб, тақиллатдим. Ичкаридан ким, деб биров сўради ва мен овоз бериб, Баттевентдаги ўйиндан чиқиб, уйга қайтаяпман дедим ва сув сўрадим. Бир неча дақиқадан кейин ёшгина келинчак эшикни очди ва катта косада сут олиб чиқди. Келинчак ички кийимда эди, афтидан, мен тақиллатган пайтда у тўшакка кирган чоғи; унинг сочлари тўзғиган, қоматидан ва кўзларининг қарашидан у менга ҳомиладордай кўринди. Биз бўсағада тик туриб узоқ гаплашиб қолдик ва ҳатто мен: ғалати-я, унинг кўкраги, елкалари очик, деб ўйладим. У мендан чарчамадингми, деб сўради ва бу ерда тунаб қолишни хоҳлайсанми, деди; кейин уйда ёлғиз эканини, эри эрталаб Куинстаунга синглисини кузатиб кетганини айтди. Биз қанча вақт гаплашиб турган бўлсак, Стиви, у мендан ҳечам кўзини узгани йўқ ва менга ўзини жуда яқин олиб келди, мен унинг нафас олишини эшитиб турдим. Мен унга косани қайтариб узатаётганимда у қўлимдан ушлади ва бўсағадан ичкарига тортди: “Кир, кечаси ётиб қол шу ерда. Қўрқма, нимадан қўрқасан. Иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ”, деди. Мен кирмадим, Стиви, унга раҳмат айтдим-да, йўлимга тушиб жўнаб қолдим. Билсанг, аъзойи-баданам безгак тутгандай титрайди. Муюлишда орқага ўгирилиб қарайдим, келинчак ҳали ҳам бўсағада қараб турарди.

Дейвиннинг ҳикоясидаги сўнги сўзлар беихтиёр Стивеннинг хотирасида жаранглагандай бўлди ва ўша ёлғиз аёлнинг сиймоси бошқа қишлоқ аёлларининг қиёфаси билан қўшилиб, бир пайтлар коллеж фойтунларида улар Клейнни ёқалаб ўтганларида уйларининг эшиклари олдида турган аёллардай, унинг кўз олдида гавдаланди: бу аёл халқининг тирик тимсоли, унинг худди кўршапалақдай тунда пинҳона ва ёлғизликда уйғонадиган руҳи; бегона кишини тўшагига таклиф этган соддадил аёлнинг кўзлари, овози ва ҳаракатлари.

Елкасига кимнингдир қўли тушди ва ёш қизалоқнинг қичқирган овози келди:

— Меникини ола қолинг, сер. Биринчи қўлни қайтарманг! Мана, чиройли гулдаста. Олинг, сер! Қизалоқ узатиб турган мовий гуллар ва унинг мовий кўзлари шу дақиқада Стивенга энг покиза соддадилликнинг ифодаси бўлиб кўринди; бу таассурот хаёлидан кўтарилиб, қизалоқнинг йиртиқ кўйлагига, ҳўл, дағал сочларига ва иссиқ истарасига кўзи тушгунча Стивен бироз кутди.

— Сотиб олинг, сер! Камбағал қизга раҳм қилинг!

— Менда пул йўқ, — деди Стивен.

— Олинг сер, бу чиройли гулдастага қаранг! Бор-йўғи бир пенни!

— Мен нима дедим, эшитмаяпсизми? — сўради Стивен унга бироз энгашиб. — Менда пул йўқ, дедим. Яна бир бор айтаяпман.

— Илож қанча, худо берса вақти келиб сиздаям пул бўлади, нега бўлмас экан, — деб жавоб қилди қизалоқ бир сония жим тургач.

— Ким билади дейсиз, — деди Стивен, — менимча бундай бўлиши даргумон.

У қизалоқнинг қўлидаги матоҳини аллақандай англиялик сайёҳга ёки муқаддас Учлик коллежининг бирорта талабасига ялиниб узатиб, фаросатсизлиги боис кулгига қолишидан чўчиб, бундай кўнгилсиз ҳолни кўрмаслик учун тез-тез юриб ундан узоқлашди. Юриб бораркан, Грефтон-стрит кўнглидаги ночорлик ҳиссини баттар кучайтирди. Кўчанинг бошида, йўлнинг қоқ ўртасида Холф Тон хотирасига тош қўйилган эди ва у отаси билан бу ёдгорликнинг очилишида қатнашганини эслади. Масхарабозликка айланган ўша тантанани у алам билан хотирлади. Тадбирда тўрт нафар франтсуз делегати ҳам бор эди, улар ҳатто миниб келишган фойтунларидан тушишмади ҳам, улардан бири, кулимсираб ўтирган бақалоқ ёш йигит, таёққа қадаб олинган босма ҳарфлардаги шиорни ушлаб турарди: “Ливе Иъирланде”.

Ёнди франтсуз тилидан маърузага боришнинг ҳожати йўқ, кеч қолди. У катта зални ортда қолдириб, даҳлиз бўйлаб ўнгга, физика хонасига бурилди. Даҳлиз қоронғи ва жим-жит эди, бироқ жимлик уни сергаклантирди. Бундай хавотир ҳисси унга қаердан юқди экан, бу ниманинг таъсири? Балки Уейли яшаган вақтлар бу ерда махфий йўлак бўлгани ҳақида эшитганидандир? Ёки, эҳтимол, бу уй фақат иезуитларга мансублиги ва бу ерда у ўзини бегона ҳис қилганиданмикан? Тон ва Парнеллнинг Ирландияси қаергадир ғойиб бўлгандай гўё.

У аудитория эшигини очди ва чанг босган деразалардан тушиб турган хира ёруғликда тўхтади. Чўнқайиб ўтирган жусса каминнинг энли панжараси олдида оловни туташтирмоқчи бўлиб куймаланар, ҳаракати ва сочининг оқидан у деканни таниди. Стивен эшикни секин ёпди ва каминга яқин келди.

— Салом, сер! Менинг ёрдамим керакмасми?

Рухоний бошини кўтариб қаради.

— Бир дақиқа, мистер Дедалус, — деди у. — Мана ҳозир гувоҳ бўласиз. Каминни ёқиш — буям бир илм. Ижтимоий фанлар бор, фойдали фанлар бор. Мана бу фойдали фанлардан бири.

— Мен уни ўзлаштиришга ҳаракат қиламан, — деди Стивен.

— Бунинг сири битта — кўмирни кўп қаламаслик керак, — давом этди декан қўллари билан чаққон ҳаракат қиларкан.

У яктагининг ён чўнтагидан ёниб тугаган тўртта шам қолдиғини чиқарди ва уларни кўмир билан қоғозлар орасига яхшилаб жойлади. Стивен жим туриб кузатди. Камин олдидаги тош плитага тиз букиб турганча, олов ёқишдан олдин, қоғоз ўрамларини ва шам қолдиқларини тўғриларкан, у бошқа пайтлардан кўра ҳозир кўпроқ тангрининг итоаткор, бўм-бўш черковида қурбонлик оловини ёқаётган левитни<sup>2</sup> эслатарди. Левитнинг қўпол кийим-кечагига ўхшаган, ранги ўчган, тўзиган яктак унинг тиз букиб турган жуссасини ўраб олган, яктак серҳашам руҳонийча либос ёки майда шиқилдоқчалар қадалган ефоддаги<sup>1</sup> жуссага торлик қилар, ноқулайлик туғдирарди. Унинг жисми умр бўйи тангрига камтарона хизмат қилганидан ушшоқдай бўлиб қолган эди: у меҳробда олов ёқар, махфий маълумотларни етказар, черков қавмига васийлик қилар, уларни юқорининг буйруғига кўра шафқатсиз жазоларди. Бироқ барибир унинг жуссасида эзгулик аломати сезилмас, авлиёлик ёки юқори руҳоний мартаба эгасига хос тўкисликнинг асари ҳам кўзга ташланмасди. Аксинча, қалби бу хизматда қариб, тўниб қолди, на бир ёруғликка, на бир тўкисликка етишди, илоҳий тароватга эмас, балки атиги пажмурда, ожиз иродага эга бўлолди, холос. Бу мажруҳ ирода ана шундай эзгу хизмат қувончидан бенасиб эди, худди бужмайиб, томирлари бўртиб чиққан, оқара бошлаган сержун танасидай рамақижон, севинч ва курашларга лоқайд эди.

Декан чўнқайиб ўтирганча, пайраҳаларнинг ёнишини кузатарди. Орадаги нохуш жимликни бузмоқчи бўлиб, Стивен сўз қотди:

— Мен, эҳтимол, каминни ёқа олмасман.

— Сиз мусаввирсиз, тўғрими мистер Дедалус? — деди декан, нурсиз хира кўзларини тепага

кўтариб қараб. — Мусаввирнинг бурчи — гўзаллик яратиш. Гўзаллик дегани нима? Бу, энди бошқа масала.

У саволнинг мураккаблиги ҳақида ўйларкан, қуруқшаб қолган қўлларини аста-секин артди.

— Сиз бу саволга жавоб бера олармидингиз? — сўради у.

— Фома Аквинский, — деб жавоб қилди Стивен, — “Пулсиз суае виси пласент”<sup>2</sup> дейди.

— Мана бу олов кўзни қувонтиради, — деди декан. — Шундан келиб чиқиб уни гўзал дейиш мумкинми?

— Олов кўз билан кўриб англанади, бу эса айни пайтда эстетик идроклашга киради, демак, олов гўзал. Бироқ Фома Аквинский яна шундай дейди: “Бонум эст ин гуод тиндит аппетитус”.<sup>3</sup> Модомики, олов тириклик эҳтиёжини қондирар экан, демак, бу олов — эзгу. Дўзахда эса олов — ёмон.

— Жуда тўғри, — деди декан. — Сиз мутлақо ҳақсиз.

У ўрнидан чаққон туриб, эшикнинг олдига келди ва уни қия очиб, деди:

— Оловнинг ёниши учун ҳаво жуда зарур дейишади.

Декан бироз оқсоқланиб, бироқ тез-тез одимлаб каминнинг олдига келган чоғда унинг хира, ҳиссиз кўзларидан Стивенга иезуитнинг қора қалби нигоҳ ташлаб турарди. Авлиё Игнатий Лоёлага ўхшаб у ҳам чўлоқ эди, бироқ унинг кўзларида ғайрат иштиёқи порламасди. Ҳатто иезуитлар орденининг афсонавий макрлари, уларнинг нозик ва теран доноликлари ҳақидаги машҳур китобларидан ҳам ўтиб тушадиган нозик айёрликлар ҳам унинг юрагини ҳаворийга хос туғён билан алангалатмади. “Симилитер афгул сенис басулус”, яъни у жамоа асосчиси ўйлаган, мўлжаллаган нарсага — мисоли ҳассага айланган эди: ҳассага қоронғуда таяниш мумкин ёки уни боғчадаги ўриндиқдаги бирор-бир хоним ташлаб кетган гулдастанинг ёнига қўйса бўлар, эҳтимол, дағдаға қилиб, кўтариб сермаш ҳам мумкиндир.

Декан камин олдида иягини силаб турарди.

— Биз қачон сиздан эстетика масалалари ҳақида бирор-бир фикр эштамиз? — деб сўради у.

— Менданми?! — деди ажабланиб Стивен. — Майли, агар икки ҳафтада бир марта қандайдир фикрга дуч келиш менга насиб этсас

— Ҳа. Бу жуда чуқур масалалар, мистер Дедалус, — деди декан. — Уларнинг моҳиятига етиш — Мохер қоясида туриб денгиз қаърини кўра билишдай гап. Сув тубига шўнғиганлар қайтиб чиқишмайди. Фақат тажрибали ғоввосгина бу теранликка тушиши, текшириши ва қайта сузиб чиқа олиши мумкин.

— Агар сиз манфаат нуқтаи назаридан айтиладиган мулоҳазаларни назарда тутаётган бўлсангиз сер, — деди Стивен, — у ҳолда, менинча, эркин фикрнинг ўзи йўқдай туюлади, чунки ана шундай шароитда бу каби фикрлар ўзига яраша қонунларга бўйсунуши ва шу доирада чекланиши лозим бўлади.

— Ҳм!..

— Фикрлаб туриб, мен ҳозир Аристотел ва Фома Аквинскийнинг баъзи бир қоидаларини асос қилиб олаяпман.

— Тушунаяпман сизни, яхши тушунаяпман.

— Мен ўзимнинг фикримга эга бўлмагунимча уларнинг фикрларига таянаман. Агар чироқ буриқсиб тутай бошласа, мен уни тозалашга ҳаракат қиламан. Агар у яхши ёритмаса, мен уни сотаман ва бошқасини харид қиламан.

— Эпиктетнинг ҳам, — деди декан, — чироғи бор эди, ўлимидан сўнг уни жуда қимматга сотиб юборишди. Бу чироқ ёруғида у ўзининг фалсафий асарларини ёзган. Сиз Эпиктетни ўқиганмисиз?

— Рух сув қўйилган идишга ўхшайди, деган қария-да, — деди кескин жавоб қилиб Стивен.

— У ўзига хос соддалик билан, — давом этиб деди декан, — бизга шундай ҳикоя қилади:

илоҳлардан бирининг ҳайкалчаси олдига темир чироқни қўйишган экан, ўғри чироқни

ўмарибди. Хўш, файласуф нима қилди? У ўғрилик — ўғрининг табиатиға хос, деган хулосага

келди ва эртаси куни темир чироқ ўрнига сопол чироқ харид қилди.

Шам қолдиқларидан эриган ёғнинг ҳиди чиқди ва хид Стивеннинг онгида: идиш, чироқ, чироқ, идиш сўзларининг ғалати жаранги билан қоришди. Руҳонийнинг овози ҳам бунга жўр бўлди. Стивен бу ғалати товушлар, образлар ва руҳонийнинг қиёфаси таъсиридан беихтиёр фикрлай олмай қолди, улар ёқилмаган чироққа ёки нотўғри бурчак остига илиб қўйилган нур қайтаргичга ўхшаб туюлди. Уларда ёки уларнинг ортида қандай сир яширинган? Худди тангрининг қаҳру ғазаби билан тўлиб тошган қора булутдай бадқовоқ, фикрлаб туришга одатлантирилган идрокнинг тўпослиги.

— Мен бироз бошқача чироқни назарда тутган эдим, сер, — деди Стивен.

— Албатта, — деди декан.

— Эстетика ҳақида мулоҳаза юриштининг қийин томонларидан бири, — деди давом этиб Стивен, — шундан иборатки, бунда сўз қайси маънода — адабийми ёки маиший маънода ишлатилаётганига аҳамият бериш лозим. Мен ҳозир Ньюменнинг бир гапини эсладим, унда айтилишича, Биби Марям православ мазҳабидаги халқнинг онгида чуқур ўрнашган. Кундалик турмушда бу сўзни ишлатишганда бутунлай бошқача маъно юклашади. Умид қиламанки, мен ўзимнинг нодонлигимда чуқур кетмаётган бўлсам керак?

— Йўқ, албатта, — деди эҳтиром билан декан.

— Йўқ, — деди кулиб Стивен, — мен айтмоқчиманкис

— Бўлди, бўлди, тушундим, — гапни илиб кетди декан, — сиз “чуқур кетмоқ” феълининг турли маъно белгиларини назарда тутаяпсиз.

У иягини олдинга чўзди ва қисқа, қуруқ йўталди.

— Хўп, яхши, энди чироққа қайтамыз, — деди у. — Унга мой қуйиш ҳам хийла қийин юмуш.

Авалло, мой тоза бўлиши керак, қуяётганда эҳтиёт бўлиш лозим, четига тўкилиб кетмасин, воронкага сиғадиганидан ортиқ қуйиб юбормаслик керак.

— Қанақа воронка? — сўради Стивен.

— Идишнинг оғзига қуйиб, мой қуядиган асбоб.

— Ҳас — деди Стивен.

— Шуни воронка дейдими? Менимча, бу сузгич.

— “Сузгич” нима?

— Бу ўшас воронка.

— Буни ирландларда сузгич дейишадими? — деб сўради декан. — Умримда биринчи марта эшитишим бу сўзни.

— Қуйи Драмкондрда сузгич дейишади, — деди кулиб Стивен, — у ерда соф англиз тилида гапиришади.

— Сузгич, — ўйчан такрорлади декан, — ажойиб сўз. Уни луғатдан бир қараб кўриш керак экан. Албатта қарайман.

Деканнинг сертакаллуфлиги шу қадар сохта туюлдики, Стивен бу янги англиз маслакдошига, худди ривоятда ака оқпадар укасига қарагандай қаради. Бир пайтлар кўп шов-шувларни қўзғатган даъватномаларнинг бу итоаткор мухлиси, Ирландиядаги камбағал англиз, сўнги келгинди, кечиккан руҳ фиску фасодлар комедиясининг асосий воқеаси — азоб-уқубатлар, ҳавасу ҳасадлар, курашлар ва шармандаликлар хотимасига етаётган паллада иезуитларнинг тарих саҳнасига чиқиб қолгандай туюларди. Бунга уни нима мажбур қилган экан? Балки у нажот фақат Исода деб умидвор бўлгандир ва рамзий черковнинг серташвиш дабдабаларидан ҳазар қилган ақидапараст мазҳабчилар орасида туғилиб ўсгандир? У кўр-кўрона эътиқодга мазҳабпарастларнинг маросимларида ва ашаддий бидъатчиларнинг ирим-сиримларида, олти аъмолнинг жами мухлислари, алоҳида хислатга эга кишилар, баптистлар издошлари, супралапсариан ақидапарастлари орасида юрганда эҳтиёж сезмаганмикан? У ҳақиқий черковни, муқаддас руҳнинг тушиши ёки бошқа черков маросимлари моҳиятини, худди ғалтақдан ингичка ипни зийраклик билан ажратиб олгандай, эҳтиёткор мулоҳазалар билан

тушуниб фавқулудда англаб танлаб олганмикан? Ёки у аллақандай томига тунука қоплаган бутхона эшиги олдида эснаб, черковга тушган чақаларни санаб ўтирганда, бир замонлар бож йиғиб ўтирган умматига даъват этган тангри каби, Масих ҳам унинг бошини силаб, ўзига эргашишга чорлаганмикан?

Декан яна гап бошлади:

— Сузгич! Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу жуда қизиқ!

— Сизнинг бундан олдин менга берган саволингиз қизиқроқ эди. Мусаввир лойдан яратишга уринаётган гўзалликнинг моҳияти нимада? — деди Стивен совуққон оҳангда.

Шу биргина сўз кўнглидаги хавотирнинг заҳарли тигини сертакаллуф ва сергак рақибига қарши қаратгандай туюлди. Хўрликнинг аччиқ аламини кўнглидан кечираркан, Стивен ўзи билан суҳбатлашаётган бу одам Бен Жонсоннинг ватандоши эканини ҳис этди. У ўйлади: “Ҳозир биз гаплашган тил — аввало унинг тили, иккинчи навбатда меники. Оила, Исо, пиво, ўқитувчи сўзлари унинг оғзидан бошқача ва менинг оғзимдан бошқача чиқади. Мен бу сўзларни хотиржам айтолмайман ҳам, ёзолмайман ҳам. Унинг тили менга қанчалар яқин ва нақадар бегона, мен учун тер тўкиб эгалланган бир восита, холос. Мен унинг сўзларини яратганим йўқ, уларни қабул қилганим йўқ. Менинг овозим уларни ўзига яқин йўлатмайди. Менинг руҳим унинг тили зулматида ғазабга минади”.

— Хўш, гўзаллик билан кўтаринкилик ўртасида қандай фарқ бор, — деди декан, — маънавий ва моддий гўзалликлар ўртасида-чи? Санъатнинг қайси турига қандай хилдаги гўзаллик хос? Мана, астойдил шуғулланса арзийдиган қизиқарли муаммолар.

Деканнинг овозидаги қуруқ, қатъи оҳангдан шашти қайтган Стивен жим қолди. Орага чўккан жимликни бузиб, зинапоядан овозларнинг шовқини ва этикларнинг дупури эшитилди.

— Бироқ мана шундай олди-қочди гапларга берилиб, — дея хулоса қилди декан, — очингдан ўлиб кетишинг ҳам мумкин. Биринчи навбатда сиз дипломни қўлга киритиб олишингиз керак. Буни олдингизга биринчи мақсад қилиб қўйинг. Кейин аста-секин йўлингизни топиб ола бошлайсиз. Мен кенг маънода гапиряпман — ҳаётга элтадиган йўлни ва фикрлаш тарзини назарда тутаяпман. Эҳтимол, дастлабки пайтларда булар жуда қийин туюлар. Мана, мистер Муненни олайлик — унинг юқори чўққини эгаллаши учун ҳазилакам вақт талаб қилингани йўқ. Бироқ шунга қарамай у чўққини забт этди.

— Эҳтимол, менда унинг таланти йўқдир, — хотиржам эътироз билдирди Стивен.

— Ким билади дейсиз? — дадилланиб жавоб қилди декан. — Ботинимизда нималар борлигини биз ҳеч қачон билолмаймиз. Менга қолса, ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳан тушмасдим. Пер аспера ад астра\*5.

У ўчоқдан илдам узоқлашди ва биринчи курс талабаларини кутиб олиш учун майдончага йўл олди.

Стивен каминга суяниб, унинг ҳар қайси талаба билан алоҳида-алоҳида қўл бериб, бирдай бетакаллуф ва бирдай тетик кўришиб сўрашаётганини эшитди, беадаб талабаларнинг уни масхаралаб ошкора илжайишаётганини кўз олдида келтирди. Аччиқ алам, худди совуқ шудрингдай, унинг таъсирчан юрагини ачиштирди, Стивен баҳодир Лоёланинг бу содиқ аскарига, руҳонийларнинг бу ўғай инисига, қолаверса, ўз фикрига эгалик қилишда улардан кўра кўнгилчанроқ, бўш-баёв, аммо руҳи бардам руҳонийга ачинди; ҳеч қачон ўзига маънавий ота деб ҳисобламайдиган бу руҳонийга раҳми келди; бу одам ва унинг сафдошлари, дея ўйлади у, нафақат тирикчилик ғамини унутиб, бу дунё ташвишларига қўл силтаганлар орасида, балки ўзларининг бутун кечмишлари давомида ожиз, кучсиз, омадсиз ва уддабуррон авом ўртасида ҳам, яратгандан уларга раҳм-шафқат, омад сўраб, катта обрў орттиришган.

Аудиториянинг юқоридаги қаторида, ўргимчак тўрлари қоплаб ётган деразалар тагидаги ўриндиқларда ўтиришган талабалар тарафидан кўтарилган оғир этиклар дупур-дупури ўқитувчи кириб келаётганидан дарак берди. Йўқлов бошланди ва навбат Питер Бернга етиб келгунча ҳар ким ҳар алпозда жавоб қилди.



— Шу ерда!

Юқори қатордан дўриллаган йўғон овоз эшитилди ва шу дақиқадаёқ бошқа ўриндиқлардан эътирозли маънода томоқ қиришлар, зўраки йўталишлар қулоққа чалинди.

Ўқитувчи бироз тўхтаб кутди ва рўйхат бўйича навбатдаги исм-шарифни ўқиди:

— Кренли!

Ҳеч ким жавоб қилмади.

— Мистер Кренли!

Дўстининг машғулоти кўз олдига келтириб, Стивеннинг кулгиси қистади.

— Уни Лепердстаундан қидиринглар, — деди кимдир орқароқдаги ўриндиқдан.

Стивен чаққон бурилиб қаради. Бироқ хира ёруғда Мойнихеннинг тумшукдор башараси хотиржам, қилт этмасди. Ўқитувчи формулани айтиб турди. Атрофда дафтарлар шитирлай бошлади. Стивен яна ортига ўгирилиб деди:

— Қоғоз бериб тулинг, худо хайрингизни берсин.

— Ҳа, сеникям қистаб қолдимми? — ишшайиб кулиб сўради Мойнихен.

У ўзининг дафтаридан бир варақ йиртиб узатаркан, пичирлади:

— Мажбур бўлганда ҳар қандай одамнинг, ҳар қандай хотиннинг бунга ҳаққи бор.

Бир парча қоғозга эшитиб туриб ёзиб олган формула ечимининг йиғилиб, ёйилиб бораётган устунлари, кучнинг кўз илғамас тимсоллари ва тезликлари Стивеннинг ақл-ҳушини сеҳрлаб, толиқтира бошлади, у кимдир бировдан қария — даҳрий ва масон, деб эшитган эди. Ў, бунчалар рўшносиз, қайғули бўлмаса бу кун! Гўё ақл-идроки беозор ва итоаткорона туманли ғира-шира ёруғда узундан-узоқ, бир текис чизмаларни оламнинг беҳудуд, тубсиз ва кўз илғамас пучмоқлари бўйлаб у ёқдан-бу ёққа суриб, қўшиб-айириб юрган математикларнинг руҳлари изғиган лимбга чўкаётгандай.

— Шундай қилиб, биз эллипси эллипсоиддан фарқлашимиз лозим. Балки, жентелменлар, орангизда мистер У.Ш. Гилбертнинг асарларини ўқиганлар бордир. Шеърларидан бирида у биллиард ўйнашга маҳкум фирром биллиардчи ҳақида шундай ёзади:

Қийшиқ столда

Қайрилган кийда

Чўзинчоқ соққада.

У, асосий ўқлари ҳақида мен ҳозир айтган, эллипсоид шаклидаги соққани назарда тутган.

Мойнихен Стивеннинг қулоғига энгашиб шипшиди:

— Ҳозир эллипсоидли соққалар қанча тураркан?! Қани, ортимдан эргашиг хонимчалар, мен суворийман!

Дўстининг қўпол ҳазили Стивеннинг хаёлини черков ичи бўйлаб қуюндай олиб қочди, деворда шалвираб осилиб турган либосларни силкитди, уларни жазавали жинлар базмидагидай қийшанглаб ўйин тушишга мажбур этди. Черков қавми аъзолари қуюнда ҳурпайиб кетган ридолар ичидан бирин-сирин сирғалиб чиқиб келди: оппоқ сочли бошига шапка қўндириб олган декан; ректор; силлиқ сочли, художўйлик мазмунидаги шеърлар ёзиб юрадиган миқтигина руҳоний; гирдиғум, бесўнақай иқтисод ўқитувчиси; мантиқдан дарс берадиган, худди оҳулар галаси устида мағрур бўй чўзиб, дарахт барглари ямлаб ютаётган жирафадай, майдончада ўзининг курсидаги болалар билан виждон масаласини муҳокама қиладиган ўқитувчи; боши дум-думалоқ, тулкикўз италян тили ўқитувчиси. Улар шум ниятли ҳаракатчанликка берилишган, елдай учишади, туртиниб-суриниб думалашади ва ирғишлайди; қучоқлашиб, зўрма-зўраки хохолашади, бир-бирининг кетига шаппатилаб қўйишади, ўзларининг шумликларидан шод бўлишади ва туйқусдан иззат нафслари таҳқирлангандай, аллақандай қўпол ҳамладан хуноби ошгандай хавотирланиб кафтлари билан оғизларини бекитишиб, пинҳона пичирлашади.

Ўқитувчи девордаги шиша шкаф олдига келди ва жавондан сим ўралган ғалтакни олиб чангини пуфлади-да, эҳтиёт қилиб столга қўйди ва бир бармоғи билан столга таяниб, маърузани давом

эттирди. У ҳозирги ғалтаклардаги симлар платиноид деб аталадиган, яқинда Ф.У. Мартино кашф этган қотишмадан тайёрланишини тушунтирди.

У кашфиётчининг исм-шарифини дона-дона қилиб, аниқ эшиттириб айтди. Орқадан Мойнихен шипшиди:

—Балли, қария. Фу, Мартин! Мартин ирғишлайди, Мартин ўйнайдис

— Сўра-чи ундан, — шивирлади Стивен ярим ҳазил, ярим чин оҳангда, — электр стулда тажриба ўтказиш учун одам керакмасмикан? У мендан фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчининг ғалтакка эгилганини кўриб, Мойнихен ўрнидан турди ва ўнг қўлининг бармоқларини овоз чиқармай қисирлатди, шум боланинг товуши билан хириглади:

— Сер, манави бола бетаъмиз сўзларни айтаяпти, сер!

— Платиноидни, — кучаниб давом этди ўқитувчи, — нейзилбердан афзал билишади, чунки ҳарорат ўзгарганда унинг қаршилиқ коэффитсиенти кам бўлади. Платиноидли симларни изолятсия қилиш учун ипак ишлатилади, ипак эбонтли ғалтакнинг мана бу ерига, менинг бармоғим турган жойига ўралади. Ғалтакка қайноқ парафин шимдирилади.

Қуйидаги ўриндикдан, Стивеннинг олд тарафидан кескин овоз олстерча лаҳзада сўради:

— Бизни амалий фанлар бўйича ҳам имтиҳон қилишадими?

Ўқитувчи тушунчаларни усталик билан ишлатиб, гапдонлик қила бошлади: энг соф фан — амалий фандир. Тилла кўзойнак таққан семиз талаба савол берганга бироз ажабланиб қаради.

Мойнихен орқадан ўзининг одатдаги овози билан пичирлади:

—Ол-а, бу Макалистер ўзининг луқмасини юлиб олишни уддалайди.

Стивен пастга, зиғирпоя толасининг рангидаги соч толалари тўзғиган чўзинчоқ бош суягига совуқ назар ташлади. Савол берганнинг товуши, лаҳжаси, феъл-атвори унинг ғашини кўзғади, у ўзининг жаҳлига эрк берди ва онгли бадхоҳлик билан: агар бу талабанинг отаси уни ўқитиш учун Белфастга жўнатганида ақлли иш тутган ва шу зайл йўл ҳақини тежаган бўларди, деб ўйлади.

Чўзинчоқ бош суяги Стивеннинг хаёлан отган ўқларига қайрилиб қарамади ва ўқлар нишонга етиб бормади, аксинча, камоннинг таранг тортилган ипига қайтди, чунки унинг кўзига туйқусдан талабанинг бўзарган, қонсиз юзи кўриниб кетди.

“Бу фикр меникимас, — деган ўй Стивеннинг миясида ялт этиб ўтди. — Уни менинг кўнглимга орқамдаги ўриндикда ўтирадиган найрағбоз ирланд солди. Сабр-тоқат. Хўш, сен ўзинг ишонч билан ўз халқининг руҳини синдирган ва унинг асл ўғлонларини сотган кимлигини айта оласанми: бу саволни берган ўша кимсами ёки кейинчалик уни таҳқирлаган кишими? Сабр-тоқат. Эпиктетни эсла. Эҳтимол, бу Макалистернинг феъл-атворида бордир: шундай вазиятда шунақа савол сўқиш ва сўзга нотўғри — “амалий” деб урғу бериш?”

Ўқитувчининг зерикарли нутқи бир маромда ғалтак теварагида оҳиста гўнғиллаб айланар, товуш ўзининг уйқуни келтирадиган даражадаги таъсир кучини, худди ғалтакнинг қаршилиқ кучи ошиб боргандай, икки карра, уч ва тўрт карра ошириб борарди.

Узоқдан эшитилган қўнғироқ жарангига Мойнихеннинг товуши жўр бўлди:

— Дўкончани ёпамиз, жентелменлар!

Катта зал тиқилинч ва шовқин эди. Эшик олдидаги столда рамкага солинган иккита сурат турибди, уларнинг ўртасида имзоларнинг қинғир-қийшиқ устуниси акс этган узун қоғоз варағи ётибди. Маккенн талабалар орасида изғиб, жағи тинмай, қўл қўйишга эътироз қилганларга тушунтириб, уларни бирин-кетин стол олдига олиб келарди. Залнинг тўрида декан турибди, у ёш ўқитувчи билан гаплашаётир, иягини маънодор силаб қўяди, бошини сермайди.

Оламон эшиккача сиқиб борган Стивен бир қарорга келолмай тўхтади. Юмшоқ шляпанинг тушурилган кенг пешайвони тагидан Кренлининг қора кўзлари уни кузатиб турганди.

— Сен қўл қўйдингми? — сўради Стивен.

Кренли ўзининг юпқа лабларини қисди ва бир сония ўйлаб, жавоб қилди:

— Эго ҳабео?\*7

— Бу нима дегани?

— Қуод?\*8

— Бу нима дегани?

Кренли бўзарган, қонсиз юзини Стивенга бурди ва қисқа, маъюс оҳангда деди:

—Пез пах универсалис\*9.

Стивен бармоғи билан подшоҳнинг суратига ишора қилиб, деди:

—Унинг юзи сархуш Исоникига ўхшайди.

Овозидаги қаҳр ва ғазаб Кренлини залнинг деворларига хотиржам қараб, томоша қилишдан чалғишга мажбур этди.

— Сен бир нимадан норозимисан?

—Йўқ, — жавоб қилди Стивен.

— Қайфиятинг ёмонми?

— Йўқ.

— Гребо ут вос сангуиназиус мендах эстис, — деди Кренли, — гуиа фасиес востра монстрат ут вос ин дамно мало ҳуморе эстис\*10.

Мойнихен столга яқин келиб, Стивеннинг қулоғига шипшиди:

— Маккеннинг ошиғи олчи. Яна бир томчи қўшилса бас, тап-тайёр бўлади. Яп-янги, чақмоқдай кийинган. Ҳеч қандай ўткир спиртли ичимликлар йўқ, урғочилар овоз бериш ҳуқуқига эга.

Стивен бу хабарнинг ишончли оҳангидан кулимсиради, Мойнихен кетгач, яна бошини буриб қаради ва Кренлининг кўзига кўзи тушди.

— Балки сен тушунтирарсан, — деди у, — нега энди у дарду аламини менинг қулоғимга қуйгиси келиб қолди? Хўш, тушунтир-чи.

Кренлининг пешонасида маъюс тиришлар пайдо бўлди. У Мойнихен эгилиб, имзо чекаётган столга қаради ва чўрт кесиб деди:

— Ёпишқоқ.

— Қуис эст ин мало ҳуморе, — деди Стивен, — эго аут вос?\*11

Кренли ҳазилга жавоб қилмади. У ғамга ботиб, яна қандай кескинроқ гап қилсам, деб ўйлади ва олдингидай қатъи оҳангда деди:

— Учига чиққан пасткаш ёпишқоқ!

Бу унинг одатда барҳам топган дўстлик қабрига хоч қўндиргандан кейинги эпитафияси эди;

Стивен бу ибора бир вақт келиб худди шундай оҳангда менинг хотирам учун ҳам айтилмасмикан, деб ўйлади. Бу оғир, ножўя гап унинг қулоғига сингиб кетди, худди ёриққа тушиб кетган тошдай секин чўкди. Стивен бу гапнинг, худди бир пайтлар кўнглига оғир ботган таҳқирли сўзлардай, юрагига вазмин чўкаётганини ҳис этди. Кренли, Дейвдандан фарқли ўлароқ, гаплашганда на елизавета замонидаги камёб қадим инглизча ибораларни, на инглизча оҳангга солиниб ўзгартирилган завқли ирдандча сўзларни ишлатарди. Унинг чўзиқ талаффузи дублинликларнинг қирғоқда туриб қоронғи, қаровсиз бандаргоҳдагилар билан бир-бирларига товуш беришларига ўхшар, гапларининг бурролиги эса Уиклоу минбаридан янграйдиган Дублин черкови воизининг чечанлиги таъсири эди.

Залнинг нарига тарафидан уларга тамон яқинлашиб келаётган Маккенни кўрганда Кренлининг пешонасидаги ғамгин тиришлар ёзилди.

—Ана, сизлар! — деди Маккенн яйраб.

— Ана, мен, — деди Стивен.

— Одатдагидай, яна кеч қолинибди! Сизларнинг ютуқларингга гап йўқ, бироқ интизомга ҳам жиндай эътибор қаратишнинг иложи борми?

— Бу масала кун тартибида тургани йўқ, — деди Стивен. — Келинг, ишдан гапиринг.

Унинг кулимсираётган кўзлари тарғиботчининг камзули юқори чўнтагидан чиқиб турган кумушранг қоғозга ўралган бир бўлак шоколадга қадалган эди. Ҳаял ўтмай уларнинг атрофини ҳангоматалаб ишқибозлар ўраб олишди. Териси зайтунранг озғин, қора силлиқ сочли талаба

болалар орасидан бошини суқиб, бир унга, бир бунга қараб, гўё айтилаётган гапларни илиб олмоқчидай оғзини очиб алангларди. Кренли чўнтагидан жажжи коптокча чиқариб, қўлида айлантриб синчковлик билан кузата бошлади.

— Қани, ишга! — деди Маккенн. — Хўш! У оғзини катта очиб қаттиқ кулди ва тўртбурчак иягида селкиллаб турган сарғиш соқолини икки марта тортқилаб қўйди.

— Иш шундан иборатки, қўл қўйиш керак, холос.

— Ҳақини тўлайсизми, агар мен қўл қўйсам? — сўради Стивен.

— Мен сизни идеалист, деб ўйлагандим, — деди Маккенн.

Лўлибашара талаба ўгрилиб атрофдигиларга қараб олди ва минғирлаган овозда деди:

— Қизиқ гап бўлди-ю, жин урсин! Менимча, бу манфаатпарастликдан бошқа нарса эмас.

Унинг овози жимликка сингиб кетди. Бу талабанинг гапига ҳеч ким эътибор қилмади. У ўзининг зайтунранг, отникидай узунчоқ юзини Стивенга буриб, гўё ундан жавоб кутди.

Маккенн рус подшосининг ёрлиғи ҳақида, Стед ҳақида, оммавий қуролсизланишу халқаро зиддиятлар чоғида арбитражнинг аҳамияти ҳақида, ҳозирги замоннинг энг муҳим ҳодисалари ҳақида, жамиятга кам чиқим қилиб кўп сонли аҳолини катта бахт ва фаровон турмуш билан таъминлаш мажбуриятини юклайдиган янги гуманизм ва янги ахлоқ ҳақида дадил туриб нутқ ирод қила кетди.

Лўлибашара талаба нутқнинг якунини қийқириқ билан қаршилади:

— Яшасин, умумжаҳон биродарлиги!

— Жўна, жўна, Темпл, — деди унинг ёнида турган қизил юзли барваста талаба. — Мендан ҳақингни ҳали оласан.

— Мен умумжаҳон биродарлигини ёқлайман! — қичқирди Темпл, қисик кўзлари билан теваракка аланглаб. — Маркснинг гаплари қуруқ сафсата.

Кренли секинроқ деган маънода унинг қўлидан маҳкам сиқиб ушлади ва зўрма-зўраки жилмайиб, бир неча марта такрорлади:

— Секинроқ, секинроқ, секинроқ!

Темпл, қўлини бўшатишга уриниб, оғзидан кўпик сачратиб қичқирди:

— Сотсиализмга ирландлар асос солишган, Европада фикр эркинлигини тарғиб қилган биринчи киши Коллинз эди. Икки юз йил олдин мидлессеклик бу файласуф руҳонийларни фош этди.

Яшасин Жон Энтони Коллинз!

Орқароқдаги қатордан ингичка овоз жавоб қилди:

— Ура!

Мойнихен Стивеннинг қулоғига шипшиди:

— Жон Энтонининг муштипар сингисининг аҳволи қалай:

Лотти Коллинз лозимасиз,

Ўзингизникини бериб тулинг.

Стивен кулиб юборди ва хурсанд бўлган Мойнихен яна унинг қулоғига шипшиди:

— Жон Энтони Коллинзга қанча пул тикма, барибир беш шиллингдан ортиқ ютолмайсан.

— Сизнинг жавобингизни кутаяпман, — деди қисқа қилиб Маккенн.

— Бу савол мени зиғирча қизиқтирмайди, — деди ҳорғин оҳангда Стивен. — Бу сизга маълум-ку. Нима масалада баҳс қўзғаб ўтирибсиз?

— Яхши, — деди Маккенн лабларини чапиллатиб. — Хўш, демак, сиз реакционерсиз, шундайми?

— Қўлингиздаги ёғоч қилични сермаганингиз менга таъсир қилади, деб ўйлаяпсиз шекилли? — сўради Стивен.

— Яна метафоралар! — кескин оҳангда деди Маккенн. — Келинг, ишдан гаплашайлик.

Стивен жаҳли чиқиб, тесқари бурилди. Бироқ Маккенн ялинмади.

— Ўртамиён шоирлар, айтиш мумкинки, ўзларини умумжаҳон тинчлиги муаммосидай майда масалалардан юқори олишади.

Кренли бошини кўтарди ва тинчлик сулҳига чорлагандай қўлидаги коптокни икки талабанинг ўртасида тутиб, деди:

— Пах супер тотум сангуинариум гиобум\*12.

Ёнидагиларни четга суриб, Стивен қаҳр билан рус подшосининг сурати турган тарафга елкаси билан ишора қилиб, деди:

— Ўзингизнинг иконангиздан ажралманг. Агар сизга Исо шунчалик зарур экан, майли бу сиз учун қонуний Исо бўла қолсин.

— Мана бу зўр гап бўлди, — деб юборди лўлибашара талаба атрофдагиларга бир-бир қараб. — Зўр гап. Менга жудаям ёқди сизнинг гапингиз.

У сўлагини, худди гапни ютгандай, ютиб юборди, кейин шапкасини пешайвонидан ушлаб, Стивенга мурожаат қилди:

— Кечирасиз, сер, бу билан сиз нима демоқчи эдингиз?

Ёнида турган талабалар туртаётганини сезиб, у ўгирилди ва давом этди:

— Менинг билгим келаяпти, бу гап билан у нима демоқчи ўзи?

Кейин у яна Стивенга ўгирилди ва шивирлаб деди:

— Сиз Исога ишонасизми? Мен инсонга ишонаман. Мен, албатта, билмайман, сиз одамга ишонасизми, йўқми. Сер, сизга ҳурматим ошди. Мен инсон ақлига ишонаман, у билан ғурурланаман, унинг қайси диндалиги мен учун барибир. Айтинг-чи, сиз Исонинг ақли ҳақида ҳам шундай фикрдамисиз?

— Жўна, жўна, Темпл! — деди қизил юзли барваста талаба. — Ҳақингни мендан оласан ҳали.

— У мени аҳмоқ деб ўйлайди, — тушунтира бошлади Темпл Стивенга, — чунки мен инсон ақлининг қудратига ишонаман.

Кренли Стивеннинг ва унинг мухлисининг қўлтиғидан олиб, деди:

— Нос ад манум баллум жосабимис\*13.

Залдан чиқаётиб Стивен Маккеннинг қизариб кетган бесўнақай башарасига кўз ташлади.

— Менинг имзом ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, — деди у хушмуомалалик билан. — Сиз ўз танлаган йўлингиздан юришга ҳақлисиз, бироқ мени ўзимнинг йўлимдан кетишга қўйинг.

— Дедалус, — деди Маккенн товуши титраб. — Менинг назаримда, сиз ёмон одаммасиз, бироқ сизга алтуризм ва шахсий масъулият ҳисси етишмайди.

Кимдир овозини чиқариб деди:

— Бироқ бизнинг ҳаракатда интеллектуал лўттибозларга жой йўқ.

Стивен Макалистрнинг шанғиллаган кескин овозини таниди, бироқ у турган тарафга қайрилмади. Кренли Стивен ва Темплнинг қўлтиғидан олиб, намойишкорона, худди кичик мартабалилар кузатувида виқор билан меҳроб томон одимлаётган руҳонийдай, талабалар тўдасини ёриб ўтиб борарди.

Темпл чаққон эгилиб Стивенга деди:

— Сиз эшитдингизми Макалистрнинг гапини? Бу бола сизга ҳасад қилаяпти. Сездингизми? Гаров ўйнайман, Кренли буни сезмади, мен эса, жин урсин, дарров сездим.

Улар зални оралаб ўтаётиб, деканнинг ўзини гапга солаётган талабадан қутулишга ҳаракат қилаётганини кўришди. Декан зинапоянинг олдида, бир оёғини қуйи зинага қўйиб, аёлларга хос саранжомлик билан оҳори кетиб қолган яктагининг этагини йиғиб, шу орада қошини қоқиб, бир гапни такрорларди:

— Ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, мистер Хеккет! Ҳа, ҳа, ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Залнинг ўртасида иезуитлар биродарлигининг маъмурий бошлиғи аллақандай талаба билан норози оҳангда секин сўхбатлашиб турарди. У гапира туриб сепкилли манглайини тириштирар ва гап орасида суяқдан ишланган ингичка қаламни тишлаб қўярди.

— Мен биринчи курслар ҳаммаси борса керак, деб ўйлайман. Иккинчи курсга ҳам ишонса бўлади. Учинчига ҳам. Янгиларини билмадим.

Ешикнинг олдида Темпл яна Стивенга эгилди ва шошилиб пичирлади:

— Унинг уйланганидан хабарингиз борми? Католикликка ўтишидан олдин у уйланган эди. Аллақаерда хотини, болалари бор. Жин урсин, ғалати тақдир. Тўғрими?

Унинг пичир-пичири айёрона қиққиллаган кулгига айланди. Эшикдан чиқишган заҳоти Кренли унинг ёқасидан маҳкам тутамлаб олди ва силкилаб деди:

— Миясиз, бефаросат, ярамас аҳмоқ! Ажал билан юзма-юз келганимда ҳам, бу аҳмоқона дунёда сендан ўтадиган ярамас маймун йўқлигига қасам ичаман, агар!

Темпл юлқиниб, айёрона қиққиллашини давом эттирди, Кренли эса ҳар юлқиганда такрорлади:

— Миясиз, бефаросат, ярамас, аҳмоқ!..

Улар қаровсиз қолган боғдан ўтишди; йўлаклардан бирида оғир кенг плашга ўраниб, рўпараларидан дуо ўқиб келаётган ректорни кўришди. Йўлакнинг тугаган жойида, муюлишдан берида у тўхтади ва бошини кўтарди. Талабалар унга таъзим қилишди. Темпл, одатдагидай, шапкасининг пешайвонига қўлини текизди. Кейин жим юриб кетишди. Улар майдончага яқинлашганда Стивен ўйинчиларнинг зарбаларидан таралаётган бўғиқ товушни, ҳўл коптокнинг тапиллагани ва Дейвиннинг ҳар зарбадан сўнг ҳаяжонланиб қичқирганини эшитди. Улар уччаласи ҳам ўйинни кузатиб турган Дейвин ўтирган қутининг олдида тўхташди. Бир неча сониядан сўнг Темпл ёнбоши билан Стивенга яқинлашиб деди:

— Кечирасан, мен сендан сўрамоқчи эдим, сен нима дейсан, Жан-Жак Руссо самимий киши бўлганми?

Стивен беихтиёр хохолаб кулди. Кренли майсанинг устида ётган ёғоч бочканинг синиқ бўлагини қўлига олди-да, тез ўгирилиб, ғазаб билан деди:

— Темпл, худо ҳаққи, яна бир оғиз гапирсанг, мен сени тинчитаман супер споттум1.

— Эҳтимол, — деди Стивен. — У ҳам сендай эҳтиросли одам бўлган.

— Э, бало бўлмайдами! — кескин жавоб қилди Кренли. — Шу билан энди ади-бади айтишаманми. Бу нима-ю, мунди нима! Қани, туёғингни шиққиллат, Темпл. Жўна бу ердан! Йўқол!

— Тупурдим сенга, Кренли, — жавоб қилди Темпл, баланд кўтарилган ёғочдан ўзини четга олиб қочаркан, Стивенга ишора қилди. — Мана, бу даргоҳда якка-ю ягона ўзининг фикрлаш тарзига эга одам.

— Даргоҳ! Ўзига хос! — таъкидлади Кренли. — Йўқол бу ердан, жин урсин сени. Фирт жиннининг ўзи!

— Мен эҳтиросли одамман, — деди Темпл. — Бу жуда тўғри гап. Ва мен бундан фахрланаман, ҳис-ҳаяжонлар билан яшашимдан ғурурланаман.

У ёнбоши билан юриб узоқлашди, майдончадан қадам ташлаб кетаётиб муғомбирона кулди. Кренли унинг изидан қотиб қараб қолди.

— Кўрдингизми, — деди у, — сиз бунақа муттаҳамни ҳеч учратганмисиз?

Унинг гапига шапкасини кўзига тушириб олиб, деворга суюниб турган талаба ғалати хохолаб кулди. Катта гавдадан чиққан бу кулги худди филнинг ингичка, чийилдоқ товушига ўхшаб эшитилди. Талабанинг бадани селкиллар, ҳузур қилганидан у қўлларини бутига ишқаларди.

— Линч уйғонди, — деди Кренли.

Бу гапга жавобан Линч қаддини ростлади ва кўкрагини керди.

— Линчнинг кўкрагини керегани — ҳаётга танқидий муносабатининг белгиси, — деди Стивен.

Линч кўкрагига гурсиллатиб урди ва деди:

— Менинг қоматимга кимнинг эътирози бор?

Кренли уни гапидан тутди ва улар айтишиб қолди. Ҳар иккаласи ҳаяжондан қизариб-бўзаришгандан кейин, чуқур-чуқур нафас олишиб ажралишди. Стивен ўйинни берилиб томоша қилаётган, теварагидаги гап-сўзларга эътиборсиз Дейвинга эгилди.

— Хўш, менинг эркак ғозчам қалай? — сўради Стивен. — Қўл қўйдими?

Дейвин бошини ирғади ва деди:

— Сен-чи, Стивен?

Стивен йўқ деган маънода бошини сермади.

— Даҳшатли одамсан сен, Стивен, — деди Дейвин оғзидан трубкини оларкан, — доим яккасан.

— Энди, умумжаҳон тинчлиги мурожаатномасига имзо чекканингдан кейин, — деди Стивен, — мен кўлингга кўрган ўша кичкина дафтарчани ёқиб ташласанг керак, деб ўйлайман.

Дейвиндан садо чиқмагач, Стивен дафтарчадаги гаплардан парча келтира бошлади:

— Фианна олдга юр! Фианна ўнгга бурилиб, олдга юр! Фианна, салом қил, рақаминг билан сана, бир, икки!

— У бошқа масала, — деди Дейвин. — Биринчидан, мен ирланд миллатчисиман. Сен эса ҳаммасидан четда юрасан. Сен, Стивен, майнавозчи бўлиб туғилгансан.

— Сизлар чавгонларинг билан қуролланиб, навбатдаги исёнларингни бошлаганларингга, — деди Стивен, — сизларга хабаркаш керак бўлади, менга айтсанг, мен сенга коллеждан улардан бир жуфтини топиб бераман.

— Сени ҳеч тушунолмайман, — деди Дейвин. — Бир қарасанг инглиз адабиётини тупроққа қориб ташлайсан, бир қараса ирланд хабаркашларини. Исминг ҳам аллақандай... ва мулоҳазаларинг ҳам. Ирландмисан ўзи сен?

— Юр мен билан архивга, мен сенга оиламинг насл-насабини кўрсатаман, — деди Стивен.

— Унда биз билан бирга бўл-да, — деди Дейвин. — Нега сен ирланд тилини ўрганмайсан? Нега биринчи машғулотдан кейиноқ лигадан чиқдинг?

— Битта сабаб сенга маълум, — деди Стивен.

Дейвин бошини сермаб кулди.

— Қўйсанг-чи, — деди у. — Ўша ёш қизалоқ ва ҳазрат Морен учунми? Буларни сен ўзинг ўйлаб топгансан, Стиви. Улар шунчаки гапиришган, кулишган, холос.

Стивен чурқ этмади ва кўлини биродарларча Дейвиннинг елкасига қўйди.

— Ўша кунни, биз сен билан танишишган кунни, эслайсанми, — деди у, — биз биринчи марта учрашганимизда сен мендан биринчи курслар қаерда ўқийди, деб сўрагандинг ва биринчи бўғинга урғу бергандинг? Эслайсанми? Сен ўшанда ҳамма иезуитларни ҳеч иккиланмай “тақсир” дердинг. Баъзан мен: “У худди гапирган гапидай, лафзидай самимий, макр-ҳийладан йироқмикан?” деб ўйланиб қоламан.

— Мен оддий одамман, — деди Дейвин. — Буни сен биласан. Сен менга ўша Харкорт-стритдаги оқшомда ўз ҳаётинг ҳақида гапириб берганингдан сўнг, гапнинг очиғи, Стиви, мен кейин овқат еёлмадим. Касал бўлиб қолдим. Ўша оқшом ухлай олмай чиқдим. Нега сен буни менга айтдинг?

— Раҳмат сенга, — деди Стивен. — Сен менга ёвуз одамсан, деб шама қиляяпсан.

— Йўқ, — деди Дейвин. — Буни гапирмаслигинг керак эди.

Сиртдан дўстона муомалани сақлаб тургани билан Стивеннинг ичи қайнаб-тошиб келарди.

— Мени шу халқ, шу мамлакат ва шу ҳаёт пайдо қилган, — деди у. — Борим шу ва шундайлигимча қоламан.

— Бизга қўшилишга уриниб кўр, — такрорлади Дейвин. — Руҳан сен ирландсан, бироқ ғурур сенга йўл бермаяпти.

— Менинг ота-боболарим ўз тилидан воз кечишган ва бошқа тилни қабул қилишган, — деди Стивен. — Улар бир тўда келгиндиларга ўзларини эзишга қўйиб беришган. Хўш, менга уларнинг хатоси учун шахсий ҳаётим ва буду-шудимни қурбон қилишни буюрасанми? Ниманинг эвазига?

— Бизнинг озодлигимиз учун, — деди Дейвин.

— Тон яшаган замондан то Парнелл замонигача, — деди Стивен, — сизлар учун ўз ҳаётини, ёшлигини ва меҳр-муҳаббатини бағишлаган бирорта ҳалол, самимий инсон йўқки, сизлар сотмаган бўлсанглар, азобга дучор этмаган, бошидан мағзава тўкмаган бўлсанглар, хиёнат қилмаган бўлсанглар. Энди сен менга ўзларинг билан бирга бўлишни таклиф қиляяпсанми! Лаънат сизларга!

— Улар ўз идеаллари учун қурбон бўлишди, Стиви, — деди Дейвин. — Бироқ бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади, менга ишон.

Ўз хаёлларига берилиб кетган Стивен бир дақиқа жим қолди.

— Рух, — деди у хаёлчан, — айна шу, мен сенга айтган дақиқаларда туғилади. Бу секин, сирли туғилиш, вужуднинг туғилишидан кўра сирлироқ. Бу мамлакатда инсон руҳига туғилаётгандаёқ, парвоз қилмаслиги учун, тўр ташланади. Сен менга миллийлик, дин, тил ҳақида гапирасан.

Мен бундай тўрлардан қочишга ҳаракат қиламан.

Дейвин трубкасининг кулини қоқиб туширди.

— Бу гаплардан мен ҳеч қандай маъно уқмаяпман, Стиви, — деди у. — Бироқ биринчи галда ватан. Ирландия биринчи галда, Стиви. Шоир бўласанми, мутасаввирми, бу кейинги масала.

— Биласанми, Ирландия нима? — сўради Стивен совуқ қаҳр билан, — Ирландия — бу ўз болаларини ейдиган қари чўчқа.

Дейвин ўрнидан турди ва бошини ғамгин сермаб, ўйнаётганлар томон юрди. Бироқ санокли дақиқалар ичида ғамгин кайфият уни тарк этди, у энди Кренли ва икки ўйинчи билан ҳозиргина тугаган ўйинни қизгин муҳокама қилаётир. Улар кечқурун бир қур ўйнашга келишиб олишди, бироқ Кренли менинг коптогим билан ўйнайсизлар, деб туриб олди. У коптогини ерга икки-уч марта уриб, кейин жаҳд билан майдончанинг узоқ этагига қаратиб улоқтирди-да, қичқирди:

— Қорангни кўрмай сени!..

Стивен ўйинда ҳисоб орта бошлагунча, Линчнинг ёнида турди. Кейин Линчнинг енгидан тортиб, уни ўзига қаратди. Линч унга бўйсунди ва ғашига тегиб деди:

— Кренли айтмоқчи, уздикми?

Стивен бу қочириққа кулимсиради.

Улар боғ орқали қайтишди ва мункиллаган қари қоровул тахтага аллақандай эълонни қалтираб қадаётган зал бўйлаб ўтишди. Зинапоя олдида иккаласи ҳам тўхтади ва Стивен, чўнтагидан сигарет қутисини чиқариб, ҳамроҳига чекишни таклиф қилди.

— Биламан, бир мириям йўқ сенда, — деди у.

— Эҳ сеними, суллоҳ шумқилиқ! — жавоб қилди Линч.

Линчнинг сўзга чечанлиги иккинчи бор асослангани Стивеннинг кулгисини қистади.

— “Шумқилиқ” сўзи сенинг суюкли сўкишингга айланган кун, — деди у, — Европа маданияти учун байрам саналади.

Улар чекишди ва ўнг тарафга юришди. Бироз сукут сақлаб, Стивен деди:

— Аристотел раҳм-шафқат ва қўрқувга таъриф бермайди. Мен эса бераман. Менинг назаримда...

Линч тўхтади ва беписандлик билан унинг гапини бўлди:

— Бас! Эшитишни хоҳламайман. Кўнглим айнийди. Кеча кечқурун бизлар Хорен ва Гоггинс билан ўлгудай ичдик.

Стивен гапида давом этди.

— Раҳм-шафқат — бу шундай туйғуки, у инсон мусибатларидаги жамики муҳим ва мунтазам жиҳатлар олдида фикрни тўхтатиб қўяди ва бизни изиллаб турган фожиаларга боғлайди. Қўрқув туйғуси инсон мусибатларидаги жамики муҳим ва мунтазам жиҳатлар олдида фикрни тўхтатиб қўяди ва бизни уларнинг яширин сабабларини излашга мажбур этади.

— Такрорла-чи, — деди Линч.

Стивен таърифни секин такрорлади.

— Яқинда Лондонда, — давом этди у, — бир қизалоқ извошга ўтиради. У узоқ вақтлар кўрмаган онасини кутиб олишга бораётган эди. Қайсидир кўчанинг муюлишида араванинг шотиси чиқиб кетиб, извошнинг деразасини чилпарчин қилади, худди игнадай узунчоқ шиша синиқлари қизнинг юрагига санчилади. Қиз шу заҳотиёқ жон таслим қилади. Мухбир бунга фожиали ўлим, деб атайди. Бу тўғримас. Бу раҳм-шафқат ва қўрқув ҳақидаги менинг



тушунчамга тўғри келмайди.

Фожиа туйғуси, моҳиятан, ҳар икки томонга, қўрқувга ва раҳм-шафқатга юзланган бир кишининг диққат-еътибори, уларнинг ҳар қайсиси — унинг айна дамдаги ҳолати. Эътибор қилдингни, мен тўхтатиб қўяди деган иборани ишлатдим. Бу билан мен фожиа туйғусининг турғунлигини, ҳаракатсизлигини таъкидлаяпман. Аниқроғи, драматик туйғунинг. Сохта, ҳақиқий бўлмаган санъат пайдо қиладиган туйғулар — бу майл, интилиш ва нафратланиш, ҳазар қилиш. Майл-рағбат бизни яқинлашишга, қўлга киритишга чорлайди. Нафрат-ҳазар туйғуси тарк этиш, инкор қилишга ундайди. Бундай туйғуларни уйғотадиган санъат — порнография ва дидактика — ҳақиқий бўлмаган, сохта санъатлар. Шу боис, бу ҳолатда эстетик туйғу ҳаракатсиз, турғун ҳолатда бўлади. Фикр тўхтаб қолади ва майл ҳамда нафрат теварагида айланади, холос.

— Сен айтмоқчисанки, санъат майл-рағбатни уйғотмаслиги керак, демоқчисан, — деди Линч. — Эсимда, мен бир куни сенга музейда қалам билан Венеранинг думбасига исмимни ёзганимни айтган эдим. Бу майлга кирадим?

— Мен одатдаги, табиий натурани назарда тутаяпман, — деди Стивен. — Сен менга яна ўзининг фаройиб кармелитлар мактабингда қандай қилиб сизга тезагини еганингни гапириб берганинг.

Линч тагин отга ўхшаб пишқирди.

— Ҳа, шундай иш бўлганди! — хитоб қилди у.

Стивен ҳамроҳи томон бурилди ва бир сония унинг кўзларига тик қаради. Линч кулишдан тўхтади ва камситилгандай мулзам бўлиб, унинг кўзига қаради. Узун пешайвонли шапка тагидаги чўзинчоқ, энсиз, пачоқ боши аллақандай ўрмалаб юрвчи жониворни эслатарди. Хира йилтиллаб турган кўзлари ва руҳсиз, ўлик назари ҳам илоннинг қарашини ёдга соларди. Бироқ айна дақиқадаги унинг камситилган, безовта қарашиди одамга хос бир маъно — эзгин, бахтсиз, азоб чеккан ва дарғазаб қалбнинг беҳаловатлиги акс этиб турганди.

— Хўш, нима бўпти, — деди шунчаки хушмуомала оҳангда Стивен, — биз ҳаммамиз жониворлармиз. Мен ҳам.

— Ҳа, сен ҳам, — деди Линч.

— Бироқ биз ҳозир руҳий оламда мавжудмиз, — давом этди Стивен. — Ҳаққоний бўлмаган эстетик воситалар таъсирида уйғонган майл ва нафратни фақат уларнинг табиатан ҳаққоний эмаслиги учун эстетик туйғумас, дейиш камлик қилади. Чунки улар атиги жисмоний сезгиларга алоқадор, холос. Қўрқувни сезганда вужудимиз кичраяди ва асаб системасига беихтиёр таъсир қилган нарсага жавоб қайтаради. Қовоғимиз, ҳали англаб, пайқаб улгурмасидан бурун, кўзимизга пашша урилаётганини сезгандай, олдиндан беихтиёр юмилади.

— Ҳар доим ҳам эмас, — киноя қилди Линч.

— Шундай қилиб, — давом этди Стивен. — Сенинг тананг сенга яланғоч ҳайкал кўрсатган таъсирга жавоб қайтарган, бироқ бу, такрор айтаман, асаб системасининг ғайриихтиёрий реактсияси. Мусаввир томонидан акс эттирилган гўзаллик эса бизда, жисмоний сезги деб аташ мумкин бўлган, юзки эҳтирос ва ҳиссиётларни пайдо қила олмайди. У эстетик стасисни, яъни идеал меҳр-шафқатни ёки идеал қўрқувни — юксак даражада юзага келадиган, давом этадиган ва ниҳоят, мен гўзаллик ритми, деб атайдиган туйғуга айланадиган таассуротни уйғотади ёки уйғотиши лозим, пайдо қилади ёки пайдо қилиши керак.

— Бунини энди қандай тушунса бўлади? — сўради Линч.

— Ритм, — деди Стивен, — бу ҳар қандай эстетик бутунликда қисмларнинг ўзаро илк юзаки эстетик алоқалари ёки эстетик бутунликнинг унинг қисми ё қисмларига ёхуд эстетик бутунликдаги ҳар қандай қисмнинг бутунликка ялпи муносабати.

— Агар бу айтганларинг ритм бўлса, — деди Линч, — унда марҳамат қилиб айт-чи, сен нимани гўзаллик деб атайсан? Яна, илтимос, унутмагинки, мен фақат гўзаллик олдида таъзим қиламан. Худди бировга салом бераётгандай, Стивен шапкасини кўтариб қўйди. Кейин, бироз

қизаринқираб, Линчнинг камзулининг енгидан ушлади.

— Биз ҳақмиз, — деди у, — бошқалар эса адашадилар. Бу нарсалар ҳақида гапириш, уларнинг сиру синоатини билишга уриниш ва сирини англаб-билиб, секин-аста, қатъият ва изчиллик билан таърифлаш, тавсифлаш, заминдаги оддий нарса-ҳодисалардан: товуш, шакл ёки рангларни ҳис этишдан уйғонган туйғуларга, қалбимизнинг бу зимистон қаърларига назар ташлаш — биз илғаган гўзаллик тимсоллари — санъат деганлари аслида мана шу.

Улар канал устидаги кўприкка яқинлашишди ва йўлдан бурилиб, дарахтлар тагидан юриб кетишди. Кўлмак сувда акс этган кир-кулранг шуъла ва тепаларидаги нам шох-шаббаларнинг ҳиди — барчаси Стивеннинг фикрлаш тарзига зиддай туюларди.

— Бироқ сен менинг саволимга жавоб бермадинг, — деди Линч, — санъат нима ўзи? У ифодалаган гўзаллик нима?

— Буни мен сенга, бадбахт, қовоққалла ҳайвонга айтган биринчи таърифимдаёқ баён қилган эдим, — деди Стивен, — ўшанда мен бу саволнинг жавобини энди ичимда пишיתיб олаётган эдим. Ўша оқшом эсингдами? Кренлининг аччиғи чиққан ва уиклоу чўққасининг гўшти ҳақида гапира бошлаган эди ўшанда.

— Эсимда, — деди Линч. — Эсимда, унинг ўша лаънати семиз чўққалар ҳақида гапиргани.

— Санъат, — деди Стивен, — бу инсоннинг предметни эстетик бутунликда ақлга мувофиқ ёки сезги-идроки орқали қабул қилиш қобилияти. Чўққалар ҳақида эслайсан-у, бу гапларни эса эсингдан чиқарибсан-да. Сен билан Кренлига ўзи ишониб бўлмайди.

Линч булутли кулранг осмонга қараб, афтини буриштирди.

— Модомики, мен сенинг эстетик фалсафангни тинглашга маҳкум эканман, унда ҳеч бўлмаса, менга яна битта сигарета бер. Бу гаплар мени умуман қизиқтирмайди. Ҳатто аёллар ҳам мени қизиқтирмайди. Жин урсин, сизларни! Бошимга урамани бу гапларни! Менга бир йилда беш юз фунт тўлайдиган иш керак. Менга шундай ишдан гапир, мард бўлсанг.

Стивен унга сигарет қутисини узатди. Линч қутидаги охирги сигаретани олиб, деди:

— Давом эт.

— Фома Аквинский айтади,— деди Стивен, — бизнинг идрокимизга хуш ёққан нарса гўзалдир. Линч бошини ирғади.

— Эсимда, — деди у. — Пулсра сунт гуае виса пласент.

— У виса сўзини ишлатади, — давом этди Стивен, — бу билан ҳар қандай эстетик идроклашни: кўриш, эшитиш ёки идроклашнинг бошқа турларини назарда тутати. Бу сўз, мужмал бўлишига қарамай, барибир бизда майл ва нафрат ҳиссини уйғотадиган яхши ёки ёмон тушунчани истисно қилиш учун етарли даражада аниқ. Шубҳасиз, бу сўз стасисни назарда тутати. Хўш, ҳақиқат нима? Ҳақиқат ҳам онгнинг стасисини уйғотади. Сен ҳеч қачон тўғрибурчакли учбурчак гипотенузасига исмингни қалам билан ёзиб қўймасдинг.

— Ҳечам, — деди Линч, — менга Венеранинг гипотенузасини кўрсат, ёзаман.

— Демак, бундан чиқдики, ҳақиқат мувозанатда, турғун. Назаримда, Платон айтган, гўзаллик

— ҳақиқат ёғдуси, деб. Фикримча, бу таъриф ҳақиқат ва гўзаллик бир-бирига айнан ўхшаш, деган маънодан бошқа маънони бермайди. Ҳақиқат ақл билан англанади, гўзаллик тасаввур орқали қабул қилинади. Ҳақиқатга томон ташланган биринчи қадам — ақлнинг чегараларини ва имкониятларини англашдан, тушунишга ҳаракатнинг ўзини тушуниб олишдан иборат. Аристотелнинг бутун фалсафий системаси унинг психологияга бағишланган асарлари замирида ётади, бу асарлар ўз навбатида унинг айни бир атрибут бир пайтнинг ўзида ва бир хил муносабат билан айни бир субъектга тегишли бўлиши ва тегишли бўлмаслиги мумкин, деган фикрига таянади. Гўзалликка томон ташланган биринчи қадам — тасаввурнинг чегараларини ва имкониятларини англаб олмоқ, эстетик идроклашга ҳаракатнинг ўзини тушунишдан иборат. Тушунарлими?

— Бироқ гўзаллик ўзи нима? — бетоқат бўлиб сўради Линч. — Бирор бошқа аниқроқ таърифини айт-чи. Қараганигда кўзинг қувонадиган нарсами у? Наҳотки, Фома Аквинский

билан иккалангнинг бор билганларинг шулар бўлса?

— Масалан, аёлни олайлик, — деди Стивен.

— Хўп, олайлик, — деди қизишиб Линч.

— Юнонлар, турклар, хитойликлар, коптлар, готтентотлар — уларнинг ҳар қайсисида аёлнинг гўзаллиги ҳақида ўзининг идеали бор, — деди Стивен. — Бу шунақа чалкаш масалаки, бошикетини тополмайсан. Бироқ мен унда икки хил ечимни кўраман. Биринчи тахминга кўра, аёлларнинг эркакларда рағбат уйғотадиган ҳар қандай жисмоний латофати эрнинг наслини давом эттириши билан боғлиқ, деб қаралади. Балки ҳақиқатан шундайдир. Ҳаёт, сен тасаввур қилганингдан кўра, зерикарлироқ, Линч. Бироқ бундай хулоса менинг кўнглимга ўтирмайди. Чунки у эстетикадан кўра, кўпроқ егеникага тааллуқли. Бу хулоса сени чалкаш йўллардан янгигина, дидсизлик билан бўяб-бежалган аудиторияга олиб боради ва у ерда ўзинг билган Маккенн бир қўлида “Турларнинг келиб чиқиши”ни, бошқасида Янги Аҳдни ушлаганча, сенга ўзинг билган — Венеранинг бўлиқ сонларини ёқтиришингни, у сенга соғлом болалар туғиб беришини, сенинг ва ўзининг болаларини тўйимли сут билан боқишини — ўзинг билган нарсаларни тушунтиради.

— Бу Маккенн учига чиққан бадбўй шумқилиқ! — деди азбаройи ишонч билан Линч.

— Яна бошқа бир ечим ҳам бор, — деди кулиб Стивен.

— Хўш, қанақа? — сўради Линч.

— Яна бир тахмин... — деб бошлади Стивен.

Сер Патрик Дан касалхонасининг муюлишидан темир-терсак ортилган узун арава чиқиб келди, унинг шовқин-сурони Стивеннинг гапини охиригача эшиттирмай қўйди. Линч қулоқларини бекитди ва арава ўтиб кетгунча ижирғаниб сўкиниб турди. Кейин кескин ортга бурилди. Стивен ҳам бурилди ва ҳамроҳининг жазаваси босилишини кутиб, бир неча сония жим тургач, деди: — Бу тахмин олдингисининг аксини таклиф этади. Гарчи айни бир объект ҳамма учун бирдай гўзал бўлиб туюлмаса-да, бироқ унга ошуфта бўлган ҳар қайси одам бу объектдан муайян эстетик тасаввурнинг у ёки бу даражасига мос, ўзига маъқул мутаносибликни кўради. Шундай қилиб, туйғу билан англанадиган, сенга бир шаклда, менга бошқа бир шаклда кўринадиган бу уйғунлик гўзалликнинг муҳим сифати саналади. Шу ўринда биз яна кекса биродаримиз Фомага мурожаат қилишимиз ва ундан тўрт пуллик ҳикмат қарз олиб туришимиз мумкин.

Линч хохолаб кулди.

— Жуда қизиқ, — деди у, — ҳар қадамда сен уни эслайверасан, худди хушчақчақ мешқорин роҳибдай. Гапларинг жиддийми ўзи?

— Макалистр, — жавоб қилди Стивен, — менинг эстетик назариямни Фома Аквинский назариясига амалий қўлланма, деб атаган бўларди. Философияда эстетикага доир неки бўлса, бу масалада мен Аквинскийга эргашаман. Бироқ биз бадийий ғоя феноменига ёндашганимизда, бадийий ғоя қандай олиб кирилиши ва сингдирилишига келганимизда менга янги терминология ва янги шахсий тажриба зарур бўлади.

— Албатта, — деди Линч, — ахир, Аквинский ўзининг ақллилигига қарамай, бир дилкаш мешқорин роҳиб бўлган, холос. Бироқ янги шахсий тажриба ва янги технология ҳақида сен менга бошқа сафар айтарсан. Ҳозир биринчи қисмини мухтасар қила қол.

— Ким билади, — деди Стивен кулимсираб, — эҳтимол, Аквинский мени сендан кўра яхшироқ тушунармиди. У шоир эди. Оташин пайшанбада айтиладиган мадҳияни у ёзган. Мадҳия: Панге, лингуа, глориоси\*14 сўзлари билан бошланади ва уни бежиз ширинсуханларнинг энг яхшиси, деб ҳисоблашмаган. Бу мураккаб, чуқур таскин берадиган мадҳия. Мен уни яхши кўраман. Бироқ ҳеч бир мадҳия Венантсий Фортунатнинг хочли намойишда куйланадиган тантанавор Вехилла Регис\*15 қасидасига тенглашолмайди.

Линч сокин, тантанавор оҳангда, дўриллаган овоз билан хиргойи қила бошлади:

*Имплетта сунт гуае сонейнит*

*Давид фидели сармине*

*Дисендо натионибус*

*Регнавит а лигно Деус\*16.*

— Зўр, — завқ билан якунлади у. — Мана бу музика!

Улар Қўйи Маунт-стритга бурилишди. Муюлишдан бир неча қадам ўтишганда, ипак шарф бойлаган семиз ёш йигит улар билан саломлашди.

— Имтиҳонларнинг натижалари ҳақида эшит-дингларми? — деб сўради у. — Гриффин йиқилди, Хелпин билан ЎФлинн маъмурий фуқаролик ишлари бўлими бўйича ўтишди. Мунен ҳинд маъмурий ишлар бўйича бешинчи бўлиб ўтди. ЎШоннесси ўнтўртинчи бўлиб ўтди. Кларкнинг қўлида ишлайдиган ирландлар уларга зиёфат уюштиришди, ҳаммаси керри ейишди.

Унинг қонсиз, сўлжайган юзидан мулойим ичиқоралик акс этиб турар, ёғ босган кичкина кўзлари хабарларни етказишига мос тарзда қисилиб, бутунлай кўринмай қолар, чийиллаган товуши зўрға эшитиларди.

Стивеннинг саволига жавоб қайтараётиб унинг кўзчалари косасидан чиққудай бўлар эди.

— Ҳа, Маккалли билан мен, — деди у. — Маккалли назарий математикани танлади, мен — табиий тарихни. У ерда программада йигирмата фан бор. Мен яна ботаникани танладим.

Ўзларинга маълум-ку — мен энди дала клубининг аъзосиман.

У солланиб бир қадам ортга тисарилди, жун қўлқопдаги семиз қўлларини кўксига қўйди, бу жойдан чийиллаганга ўхшаш ҳирқироқ кулги товуши чиқди.

— Кейинги сафар, далага чиққанингда, бизларга шолғом билан пиёз олиб кел, — деди тундлик билан Стивен, — димлаб гўшт пиширамыз.

Бақалоқ талаба такаббурлик билан кулиб юборди ва деди:

— Бизнинг дала клубимиз жамоасига ҳурматли инсонлар йиғилган. Ўтган шанба куни ҳаммамиз бирваракайига Гленмалюр га бордик.

— Аёллар биланми, Доновен? — сўради Линч.

Доновен яна қўлларини кўксига қўйиб, деди:

— Бизнинг мақсадимиз — билим олиш.

Шундай деб у дарҳол қўшиб қўйди:

— Менинг эшитишимча, сен эстетика бўйича маъруза ёзаётганмишсан?

Стивен ноаниқ, ёқтирмаган ишора билан жавоб қилди.

— Гёте ва Лессинг бу мавзуда кўп ёзишган, — деди Доновен. — Классик мактаб, романтика мактаби ва ҳоказолар. “Лаокоон” мени жуда қизиқтириб қўйди. Албатта, бу асар идеализм мафкураси билан суғорилган, соф немисча ва жудаям чуқурс

Ҳеч ким гап қўшмади. Доновен улар билан мулойим хайрлашди.

— Хўп менга рухсат, — деди у майин ва дилкаш оҳангда. — Мен жудаям, ҳатто айтиш мумкин бўлса, ишончга яқин даражадаги хавотирдаманки, сингилчалар бугун Доновенларнинг тушлигига қуймоқ тайёрлашаётган бўлишса керак.

— Хайр, — деди Стивен унинг ортидан, — шолғом билан пиёзни ёдингдан чиқарма.

Линч унинг ортидан қараб, нафрат билан лабларини буриштирди, башараси иблис ниқобига ўхшаб кетди.

— Ўйлайсанми, бу шумқилиқ, қуймоқхўр муттаҳам ёғли жойга жойлашиб олиши ҳеч гап эмас, — деди у ниҳоят, — мен эса хашаки тамакини тутатиб юраверишим керак.

Улар Меррион-скверга бурилишди ва бироз жим кетишди.

— Гўзаллик ҳақида айтганларимни якунлай, — давом этди Стивен. — Туйғу билан эришиладиган нисбатан роҳатбахш уйғунлик, шу тариқа бадий идроклашнинг муҳим босқичларига мос келиши лозим. Уларни топа билсанг, мутлақ гўзаллик хоссасини топасан. “Ад пулсритудинем триа регулирунтур интегритас, сонсонантиа сларитас”, дейди Фома Аквинский. Мен бунини шундай таржима қиламан: “Гўзалликнинг учта шарт бор: бутунлик, гармония, нур”. Хўш, бу идроклашнинг босқичларига мос келадими? Сенга тушунарлими?

— Албатта, — деди Линч. — Агар сен менинг елкамдаги каллани қовоқ деб ўйлаётган бўлсанг, югур, Доновенни тўхтатиб, гапларингни тинглашини ундан илтимос қил.

Стивен гўшт дўконининг сотувчиси бошига кийиб олган саватчага ишора қилди:

— Мана бу саватчага қара, — деди у.

— Хўш, кўряпман, — жавоб қилди Линч.

— Бу саватчани кўриш учун, — деди Стивен, — сенинг онгинг, аввало, уни теварақдаги оламдан ажратиб олади, теварак олам саватча эмас. Идроклашнинг биринчи босқичи — бу идрокланаётган объект билан чегараланадиган марра, чизиқ. Эстетик образ бизга макон ёки вақт доирасида намоён бўлади. Қулоқ орқали идрокланадиган нарса вақт доирасида, кўз орқали идрокланадигани — маконда намоён бўлади. Бироқ вақтдами ёки макондами — эстетик образ, аввало, макон ва замоннинг бепоён фониди ўзича чекланган ёки ўзича мустақил объект сифатида идрокланади. Сен уни алоҳида бир нарса сифатида қабул қиласан. Бир бутун нарса сифатида кўрасан. Уни яхлитлик тарзида идрок этасан. У айни интегритазнинг ўзи.

— Нишонга аниқ тегди, — деди Линч. — Қани, давом эт.

— Кейин, — давом этди Стивен, — сен бир нуқтадан бошқасига ўтиб, шаклнинг сиртига кўз югуртирасан ва нарсани, уни ичидан ташкил этган, қисмлари мувозанатида англайсан. Сен унинг қурилиши ритмини ҳис этасан. Бошқача айтганда, бевосита идроклаш синтезидан кейин фаҳмлаш анализи келади. Дастлаб бу аллақандай бутунлик эканини идроклаган бўлсанг, энди сен уни бир нарса деб ҳис этасан. Сен уни мувофиқ, уйғун яхлитлик, мураккаб, бўлинувчи, қисмлардан ташкил топган, шу қисмларнинг натижаси, уларнинг мажмуи деб қабул қиласан. Бу сонсонанта бўлади.

— Нишонга аниқ урдинг, — деди кулиб Линч. — Энди менга сларитас ҳақида тушунча бер, сигарета мендан.

— Бу сўзнинг маъноси унчалик аниқ эмас, — деди Стивен. — Фома Аквинский ишлатган термин, менингча, мавҳумроқ. Мени у анча чалғитди. Унинг таърафидан гап идеализм ва символизм ҳақида кетаётгани англашилади: унингча, гўзалликнинг олий моҳияти — аллақандай бошқа оламдан таралаётган нур, айни пайтда мавжудлик — атиги унинг сояси, материя — унинг тимсоли, холос. У сларитас сўзида ҳамма нарсада зухур бўлувчи илоҳий ниятнинг, режанинг бадий инкишофини ва мужассамлашувини назарда тутган, демак, сларитас — бу эстетик образга умумий моҳият бағишлайдиган ва уни ичдан ёритиб турадиган умулаштирувчи куч, деб ўйладим. Энди эса буни мен шундай тушунаман: сен дастлаб саватчани аллақандай яхлит нарса деб қабул қилдинг, кейин уни, шакл нуқтаи назаридан кузатиб, бир буюм эканини англадинг — мантиқий ва эстетик нуқтаи назардан ўринли синтез шундай. Сен кўриб турибсан — кўз олдинда шу буюм турибди, бошқа нарса эмас. Аквинский айтган нур сухоластикада — гуиддитас — ғойибдан берилган хабар белгиси. Бу олий сифат иждокор томонидан, дастлаб унинг идрокида эстетик образ туғила бошлаган чоғда, ҳис этилади. Шелли буни аланга олаётган кўмирга жуда чиройли қиёслаган: бу шундай лаҳзаки, унда гўзалликнинг олий сифати, эстетик образнинг ёрқин ёғдуси онг орқали аниқ-тиниқ анланади; бу ёғду сочувчи эстетик завқдан сўзсиз, товушсиз стасиси, руҳиятнинг уйғоқ лаҳзаси юракнинг ажаб ҳолатига жуда ўхшайдики, бу ҳолатни италян физиологи Лунджи Галвани ҳатто Шеллиникидан кам бўлмаган гўзал лутф билан юрак афсуни, деб чиройли таърифлаган.

Стивен жимиб қолди, гарчи ҳамроҳи гапирмаётган бўлса-да, ўзининг айтган гаплари фикрлар афсунидан иборат ғалати сукунат пайдо қилгандай туюлди.

— Менинг айтганларим, — давом этди у, — кенг маънодаги, адабий аъналарга боғлиқ бўлган гўзаллик маъносидаги сўзга тааллуқли. Биз гўзаллик ҳақида гапириб, бу сўзнинг иккинчи даражадаги маъносини назарда тутганимизда, мулоҳазаларимиз, аввало, санъатнинг ўзига ва унинг турларига тааллуқли бўлади. Образ, ўз-ўзидан равшанки, иждокорнинг онги ва туйғуларини бошқа кишиларнинг онги ва туйғулари билан боғлайди. Агар буни ёдда тутсак, у

ҳолда, албатта, санъат уч хилга бўлинади, деган хулосага келамиз; яъни лирика, бунда ижодкор ўз-ўзига бевосита муносабатидан келиб чиқиб образ яратади; эпос, бунда ижодкор ўзига ёки бошқаларга бевосита муносабатидан келиб чиқиб образ яратади; ва, драма, бунда образ бошқаларга бевосита муносабатдан келиб чиқиб яратилади.

— Сен буни менга бир неча кун олдин тушунтиргандинг, — деди Линч, — ўшанда роса баҳслашганмиз ҳам.

— Уйимда менинг бир дафтарим бор, — деди Стивен, — унда ўша кун сен менга берган саволларингдан кўра қизиқроқ саволлар ёзилган. Ана шу саволлар устида бош қотириб, мен фаройиб эстетик назарияни ўйлаб топдим, ҳозир сенга уни тушунтиришга уриниб кўраман. Мана, мен ўйлаб топган саволлар: чиройли қилиб ясалган стул фожиявийми ёки кулгилими? Шундай дейиш мумкинми: Мона Лиза портрети шунинг учун чиройлики, мен унга қараганимда роҳатланаман? Филип Кремптоннинг бюсти лирикми, эпикми ёки драматикми? Йўқ дейдиган бўлсак, сабаби нимада?

— Ҳақиқатан ҳам, сабаби нимада? — деди кулиб туриб Линч.

— Агар одам, қаҳр билан болтани ёўлага уриб, сигир шаклини бўлаклаб ташласа, — давом этди Стивен, — бу тасвир санъат асари бўла оладими? Йўқ дейдиган бўлсак, сабаби нимада?

— Бу зўр гап бўлди, — деди Линч, яна кулиб. — Ҳақиқий схоластик сафсата.

— Лессинг, — деди Стивен, — ҳайкалтарошлик тўғрисида ёзмагани маъқул эди.

Ҳайкалтарошлик у қадар юксак санъат эмас ва шу боисдан ҳам, ўша мен айтган, санъат турларини ўзида лозим даражада акс эттирмайди. Ҳатто адабиётдай юксак ва ўта руҳий-маънавий санъатда ҳам санъат турлари кўпинча қоришган бўлади. Лирик тур — бу, моҳиятан, эҳтиросли лаҳзанинг оддий сўзларга ўраб берилган кўриниши, минг йиллар бурун, қадим замонда одам машаққат чекиб эшак эшиб ёки тоғда тош ташиб ўзига-ўзи далда бериб беҳосдан айтиб юборган ритмик хиргойиси. Бундай хиргойи эҳтиросли лаҳзанигина англатади, эҳтиросни юрагидан кечираётган одамни эмас. Оддий эпик шакл лирик адабиётдан туғилади, бунда ижодкор эпик ҳодисанинг маркази сифатида диққат-еътиборни ўзига қаратади, эҳтироснинг оғирлик маркази ўзгармагунча ва ижодкор ўзидан ҳамда бошқалардан узоқлашмагунча бу шакл ривожланади, такомиллашади. Энди бу ҳолда ҳикоя тарзи шахсий бўлишдан тўхтади, ижодкор шахси ҳикоя тарзига кўчади, ривожланади, ҳаракатда бўлади, худди тириклик манбаи бўлмиш денгиздай тўлғанади, кишилар атрофида айланади. Айни шундай ҳодиса ривожини биз қадим инглиз балладаси “Терпин — қаҳрамон”да кузатамиз; унда дастлаб ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилса, охирида учинчи шахс тилига кўчади. Драматик шакл шу ложувард денгиз тўлқинланганда, яъни саҳнада ҳаракат қилаётган ҳар бир одамни ўзига тортиб, барчасини ҳаётини куч билан қувватлантирганда пайдо бўлади, бундан уларнинг ҳар бири ўз шахсий эстетик мавжудликларини касб этади. Ижодкор шахси — бу, аввало, хиргойи, ритмик нидо ёки товушлар уйғунлиги, кейин у бир маромда оқувчи, ўзгарувчан оҳанглардаги дostonга айланади; охир-оқибат санъаткор асарда ўзининг иштирокини ниҳоятда нозик, сезилмайдиган даражагача олиб келади, бошқача айтганда, шахсий хусусияти, қиёфасини йўқотади. Драматик шаклдаги эстетик образ — тасаввур орқали тозарган ва амалга оширилган ҳаёт. Моддий яратувчиликка ўхшатиш мумкин бўлган эстетик ижоднинг сиру асрорлари, имкониятлари якун топди. Санъаткор яратувчи-тангри каби, ботинда, ортда, тепада ёки ўз яратганининг ташида қолади, ўта нозиклашади, сезилмайдиган даражага келади.

— Уларни ҳам ўта нозиклаштиришга, сезилмайдиган даражага келтиришга уриниб, — қўшимча қилди Линч.

Тепадан, булутлар қоплаб олган осмондан майда ёмғир томчилари туша бошлади ва улар жала қуйиб бермасидан бурун Миллий кутубхонага етиб олишга улгуриш учун майсазорга бўрилишди.

— Бунча жафнинг очилди сенинг, — деди тажанглик билан Линч, — гўзаллик ҳақида оғиз

кўпиртириб, бу бахтиқаро, тангри марҳаматидан бенасиб оролдаги хаёлу фаразларингни жавраганинг-жавраган. Ўша яратгувчи-ижодкор мана шундай бемаъниликни яратиб қўйиб, ўзи келган жойига даф бўлгани наҳот сени ажаблантирмайди.

Ёмғир кучайди. Улар ирланд Қироллик академиясининг дарвозасига етганда кутубхона айвонида ёмғирдан паналаб туришган талабаларни кўришди. Кренли устунга суяниб, тишини гугурт чўпи билан ковлаганча, ўртоқларининг гапини тингларди. Ташқарига чиқиладиган эшик олдида бир нечта қиз туришибди. Линч Стивенга шипшиди:

— Сенинг маҳбубанг шу ерда.

Стивен ёмғирнинг тобора кучайиб бораётганига эътибор қилмай, талабалардан бир зина қуйироқдан жой эгаллади ва ора-сира қиз турган томонга қараб қўйди. Қиз ҳам дугоналари даврасида миқ этмай турарди. “Руҳоний йўқ — эрмак қилгани йўқ бирор кимса”, дея у алам билан қизни охирги марта қачон кўрганини эслади. Линч тўғри айтди. Ҳақиқатан ҳам унинг ақли назарий муҳокамалардан бошқасига ярамай қолган.

У талабаларнинг гапига қулоқ солди. Улар ҳозиргина битирув имтиҳонини топширишган тиббиёт факултетидаги дўстлари ҳақида, океанда сузадиган кемага қандай қилиб ишга жойлашиш мумкинлиги, даромадли ва даромадсиз амалий машғулотлар ҳақида гаплашишарди.

— Булар бари бир тийин. Ирланд қишлоқларидаги амалий машғулотларнинг нафи катта бўлади.

— Хайнз Ливерпулда икки йил бўлди, уям худди шундай фикрда. Акушерликдан бошқа ҳеч иш йўқ дейди.

— Хўш, сенингча, бундай бой шаҳардан кўра, қишлоқда ишлаш яхши эканми? Менинг бир танишим бор.

— Хайнзгаям ишонадим одам, мия йўғу унда. Қоридай ёдлаб баҳо оларди, фақат ёдлаб.

— Нимасини гапирасан ўшани... Катта шаҳарда зўр пул топса бўлади.

— Ҳаммаси тажрибага боғлиқ.

— Эго средо вита панперум эст симплиситер атрох, симплиситер сангуинариус атрох, ин Ливерпоолио\*17.

Уларнинг овозлари Стивеннинг қулоғига жуда узоқдан сезилар-сезилмас эшитилаётган эди. Қиз дугоналари билан кетишга чоғланди.

Қисқа, енгил жала куйиб ўтди, қорайиб кетган ердан буғ кўтарилди. Қизлар пошналарини тақиллатишди; улар устунлар ёнида, зинапояда туришар, очилиб-сочилиб гаплашишар, осмондаги булутларга қараб қўйишар, ёмғирнинг сўнги томчиларига шамсияларини тутишар ва яна йиғиштириб, нозу ишва билан кўйлақларининг этагини кўтариб, силкиб қўйишарди.

У қизни қоралаганда меъеридан ошириб юбормадимикан? Нима бўпти, ахир, у кунларини бўм-бўш ўтказаяпти-ку, худди эркин қушчадай тонгда чақ-чақ, кундуз пириллаб учиб, шомда чарчаб — ўткинчи ҳою-ҳавасларга совурмаяптими? Юраги ҳам қушчаникидай ҳуркак, ўжар эмасми?

\* \* \*

Тонг ёришганда у уйғонди. Ў, қандай ёқимли мусиқа! Руҳи шудрингга чўмилган баргдай енгил ва тоза. Қуёшнинг оппоқ, тафтсиз нурлари унинг ҳали уйқу тарк этмаган баданида сирғалади. У қимир этмай ётар, руҳи эса сокин ёқимли мусиқа оғушида, салқин, оромбахш нур қучоғида яйрайди. Идроки аста-секин уйғониб, эрталабки билим, эрталабки илҳомни ўзига сингдириб олмоққа чоғланади. Борлиғини сувдай тоза, шудрингдай шаффоф, мусиқадай шиддатли бир кўтаринки кайфият эгаллади. У шу қадар енгил ва шу қадар ҳузурбахш, гўё унга олий мақомдаги фаришталар дам солгандай эди. Руҳи гўё лаззатли ҳолатини йўқотиб қўйишдан чўчигандай, оҳиста уйғонарди. Бу шундай бир сохир тонг палласи эдики, айнаи дамда анвойи гуллар нурга юзланиб қулф уриб очилади, капалаклар сассиз парвоз қилади.

Юрак қайнаб-тошади! Оқшом афсунгар мисол сеҳрли эди. Тушидами ёки ўнгидами, у ўзини йўқотар даражада завқ-шавқ туйди. Бу жазавали лаҳзалар қанча давом этди: фақат бир афсунли дақиқами ёки бир неча соат ёки йиллар ва асрларга чўзилдимикан?

Илҳом лаҳзалари энди бир йўла ҳамма ёқдан — рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган сон-саноксиз хаёлий тасодифлардан кўриниш бераётгандай туюлади. Лаҳза худди ёғдудай ярқ этди ва мана, тасодифий, ноаён шакл унинг нурли изини чулғаб олаётир. Ў, тасодифнинг бокира қучоғида Сўз етилаётир. Тангри элчиси фаришталар саркори Гавриил Биби Марям даргоҳига тушиб келди<sup>1</sup>. Порлоқ нур унинг руҳини чулғади, қип-қизил қайноқ ёғдуга айланиб тошди ва руҳи аланга оташига бурканди. Қип-қизил қайноқ ёғду — бу бокиранинг ўжар, сирли-сеҳрли юраги: уни бурун пайқашмаган, кейин ҳам сезмадилар, абадий сирли-сеҳрли ва ўжар юракни. Ва бу қип-қизил қайноқ нурдан сархуш бўлган фаришталар қавми кўк тоқидан қулаб тушади.

*Толиқдинми қайноқ нурларда*

*Маҳзун жонни сеҳрига олган?*

*Ухла, ёдим, кунлар сеҳрила.*

Идрокининг туб-тубларидан сатрлар лабларига қуюлиб келди ва уларни пичирлаб айтиб, у вилланелла оҳанги қандай пайдо бўлишини ҳис этди. Шаффоф ёғду қофияларни ёритади: нурларда, сеҳрила, кўзингда. Лов этиб ёнган аланга оламни нурафшон этган, одамлар ва малакларнинг юрагини ёққан; атиргул ёлқини бокиранинг ўжар юраги.

*Оловланар юрак кўзингда*

*Қисматига эгадирсан сан.*

*Толиқдинми қайноқ нурларда?*

Давоми-чи? Оҳанг йўқолиб қолди, ўчди, яна пайдо бўлди ва жонлана бошлади. Давоми-чи? Тутун, олам меҳробидан таралаётган хушбўй тутатқи.

*Фимиам тутуни кўқда сузар-да*

*Ҳатто ер қаъри-ю денгизга кўчар.*

*Толиқдинми қайноқ нурларда?*

Ер юзи бўйлаб хушбўй тутатқи дуди ўрлайди, буғга чўлғанган океанлардан кўтарилади — барчаси Бокира шарафига! Ер — сокин чайқалаётган исриқдон, тутантириқ солинган шар. Оҳанг туйқусдан йўқолди. Юрак фарёди узилиб қолди. Лаблари илк мисраларни қайта-қайта пичирлади. Кейин, адашиб, тагин бир неча сатрларни пичирлади ва дудуқланиб, жимиб қолди. Юрак фарёди узилиб қолди.

Туманли, шабадасиз сокин дамлар ўтди, парда тутилмаган дераза ортида тонг ёруғи ёйилди. Аллақаердан жомнинг ҳазин садоси эшитилди. Қушча чирқиллади, мана, яна чирқиллади, яна... Кейин жом чалди — қушлар тинчиди; хира, оқиш ёғду оламни чулғаб шарқу ғарбга қуйилади, унинг юрагини қизил шафаққа буркайди.

Унутиб қўйишдан чўчиб, у чаққон тирсагига таяниб турди, қоғоз ва қалам қидирди. Столда кеча кечқурун ўзи гуручли овқат еган чуқур тақсимча, шамнинг эриб тушган қолдиқлари ва куйган қоғозлар уюмидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. У қўлини ҳорғин чўзиб каравотнинг суюнчиғига ташлаб қўйилган камзулининг чўнтагини ковлай бошлади. Бармоқларига қалам ва сигарет қутиси илинди. У яна чўзилди, қутини йиртиб, охири папиросни олиб дераза пештахтасига қўйди ва дағал картонга майда аниқ ҳарфлар билан вилланелланинг бандларини қоралай бошлади.

Шеърни ёзиб бўлиб, ғижимланган ёстиққа бошини ташлади ва тагин мисраларни пичирлаб такрорлади. Бошига ёстиқ ичида тўда бўлиб қолган патларнинг ботаётгани ётоқдаги диванга тушган от қилининг уюмини ёдига солди. Одатда у шу жойда — гоҳ жилмайиб, гоҳ хаёлга толиб ўтиради, шундай дамларда қиздан ҳам, ўзидан ҳам норози кайфиятда, идиш-товоқ



жойланган шкаф устидаги тошбосмада босилган Исонинг муқаддас юраги суратидан дили хижил бўлиб, ўзидан: нега бу ерга келдим, деб сўрайди. Сухбат тўхтади, қиз унинг қошига келади ва ёқимли ашулалардан бирортасини куйлаб беришини сўрайди. У эски пианино рўпарасига ўтиради, сарғайган клавишларни бир-бир босиб, яна бошланган олди-қочди гаплар оғушида қизга — у камин олдида турибди — елизавета замонининг айрилиқ азобидан беозор шикоят қилган ошиқнинг гўзал ашуласини, Азенкур бўйидаги ғалаба қўшиғини ва суюмли “Яшил энглар” қўшиғини куйлайди. У куйлаётганда қиз эшитади ёки ўзини эшитаётгандай қилиб кўрсатади, унинг юраги эса хотиржам, бироқ қадимги нафис ашулалар тугаганда ва тагин қулоғига олди-қочди гап-сўзлар чалинганда, беихтиёр бу уйда ҳадемай ёшларни сансираб, исмини айтиб чақира бошлашлари ҳақидаги истехзоли мулоҳазаси ёдига тушади. Айрим лаҳзаларда қизнинг кўзлари унга ишонч билан қараётгандай туюлади, бироқ унинг умиди оқланмайди. Энди унинг хотирасида қиз энгил рақсга тушган, худди ўша кўнгилочар оқшомдагидай, кенг-мўл оппоқ кўйлақда, сочларига оқ гулларни булоғи билан танғиган кўйи жонланади. Қиз нигоҳини хиёл четга бурган, ёноқлари ним пушти товланади. Жўр бўлганларнинг қўл ушлашган ҳалқаси сиқиб келганда қизнинг қўллари бир лаҳза майин, нозик совғадай унинг қўлларига қўнди.

— Сиз анчадан бери кўринмайсиз.

— Ҳа, мен руҳонийтабиатроқман.

— Шаккокмисиз деб кўрқаман.

— Бу сизни қаттиқ чўчитадиими?

Жавоб бериш ўрнига қиз рақс тушиб, туташган қўллар занжиридан узоқлашади, ҳеч кимга тутқич бермай энгил, озод айланиб ўйнайди. Сочидаги оқ гул булоғи ҳаракатига мос тебранади. Айланиб соя жойга келганида ёноғидаги қизиллик янада аниқ-тиниқ алангаланаяди. Руҳоний! Унинг шахсий образи рўпарасида қад ростлади: руҳонийлик мартабасини хор қилган, шаккок-франтсисканлик, бирида хизматга хоҳиш билдириб, бирида қасам ичадиган, Герардино да Борго Сан-Доннинога ўхшаб, юзаки қараганда ҳақиқатдай туюладиган, аслида таги пуч сафсаталар тўрини тўқийдиган ва бу бемаъни гапларни қизнинг қулоғига шивирлайдиган кимса.

Йўқ, бу унинг образи эмас. Бу — қиз билан бирга кўргани ва қиз ўзининг ирландча сўзлашув китобини титкиллаб, меҳри балқиб юзига қараган ўша ёш руҳонийнинг образи.

— Хонимлар бизни тинглагани қатнайдилар. Ҳа, ҳа! Мен бунга кунуша ишонч ҳосил этаяпман.

Хонимлар биз билан бирга. Улар ирланд тилининг энг ишончли иттифоқчилари.

— Черков-чи, тақсир Морен?

— Черков ҳам. Черков ҳам биз билан. У ёқда ҳали иш кетаётир, черковнинг ташвишини қилиб ўтирманг.

Тфу! Ўшанда у жирканиб хонани тарк этиб тўғри қилди. Қизга кутубхона зинасида таъзим этмай тўғри қилди, унга руҳонийга ноз-ишва қилишга, черков билан, насронийликнинг бу ювиндихонасида ҳазил-мазах ўйнашга йўл қўйиб бериб тўғри қилди.

Қўпол, дарғазаб нафрат ботинидаги сўнгни, зўрға тутиб турган жазаванинг юрагидан отилиб чиқишига сабаб бўлди, тасавуридаги қизнинг порлоқ образини чилпарчин қилиб, синиқларни тўрт тарафга итқитди. Хаёлида чоратрофдан қалқиб чиқаётган қизнинг парчаланган акслари жонланарди: кўйлаги йиртиқ, дағал сочлари тер билан манглайига ёпишган, башарасидан суюқоёқлиги аён, ўзини камбағал қизман, деб атаган ва ундан бир даста гул сотиб олишини ўтинган гулфуруш у; қўшни уйдаги, идиш-товоқни шарақлатиб “Килларни тоғлари ва қўллари бўйлаб”нинг биринчи бандларини қишлоқчасига ув тортиб айтадиган хизматкор хотин у; Коркхиллдаги йўлақда йиртиқ пояфзали темир панжарага илиниб-суриниб кетганида устидан кулган бефаросат қиз у; у ўша — лўппигина, оғзи ўймоқдай қиз — кондитер фабрикаси дарвозаси олдида оғзига қараб қолганда завқи тошиб унга елкаси оша: “Ҳой, пахмоқ бароққош, мен сенга ёқаманми?” дея қичқирган беҳаё.

Унинг образини қанчалик камситмасин, хаёлида уни қанчалик хўрламасин, кўнглидага ғашлик қизга нисбатан ўзига хос эҳтиром эканини у юрагида туярди. Ўшанда у жаҳл билан синфдан чиқиб кетди, бироқ нафрати холис эмасди, чунки қизнинг узун қалин киприклари соя солган кўзларида, эҳтимол, ўз халқининг сиру асрорлари бекингандир. Ўшанда у кўчаларда санғиб юриб ўзига-ўзи бу қиз — ўз мамлакати аёлларининг тимсоли, дея такрорларди; ҳа, у қоронғуда, хилватда ва ёлғизликда шуури уйғонадиган кўршапалакка ўхшайди; қалби ҳали эҳтиросдан холи, гуноҳдан фориғ; ҳозирча мўмингина севгилиси билан бирга, бироқ руҳонийнинг қулоғига юрагидаги пинҳон содда гуноҳчаларини шивирлаш учун уни тарк этишга тайёр. Унинг юрагидаги нафрат қизнинг хушторларига нибатан қўпол масхаромуз таҳқирларга айланди, чунки уларнинг исми, овози ва ҳатто юз-кўзлариёқ хўрланган ғурурини топтарди: зотан, руҳоний шундай эркаклар сирасиданки, унинг бир акаси Дублинда политсиячи, бошқаси Мойкаллендаги майхонада ошхона малайи. Шундай одамга, эндигина черков расм-русмларини ўрганаётган кимсанинг қулоғига қиз ўзининг шармли сирларини шивирлаб айтади, унга, ўлмас тафаккур заҳматкашига, тажрибанинг ҳалол нонини абадий тирикликнинг порлоқ вужудига айлантираётган кишига эса сирларини раво кўрмайди. Қовушиш маросимининг ёрқин манзараси лаҳза ичида унинг аччиқ, ноумид ўй-фикрларини қовуштирди ва улар тантанавор миннатдорлик мадҳиясига айланди:

*Титроқ нола, ғамли зорларда  
Ерда ўрлар яралмоқ мадҳи.  
Толиқдингми қайноқ нурларда?*

*Қурбоним-да очик қўлларда  
Жом лиммо-лим ҳаёт шавқига.  
Ухла, ёдим, ҳаёт сеҳрила.*

У мисраларни мусиқаси ва оҳанги онгига сингиб, кўнгли таскин топгунча овоз чиқариб такрорлади; кейин уларни чуқурроқ ҳис этиш учун синчковлик билан қайта кўчириб чиқди ва кўзи билан ўқиб, тағин ёстиққа бошини ташлади. Кун аллақачон ёришиб кетган. Четдан “тиқ” этган товуш эшитилмайди, бироқ у теварагидаги ҳаёт ҳаял ўтмай одатдаги шовқини: қўпол овозлар, уйқу аралаш ўқилган дуолар товуши билан уйғонишини биларди. Бу ҳаётдан бекиниб, у юзи билан деворга ўгирилди, қалпоғини бостириб, кўрпага бошини буркади ва йиртилган деворқоғоздаги ранги ўчган қизил гулларни томоша қилишга чоғланди. У гулларнинг алвон рангидан сўниб бораётган севинчига мадад олишга уринди, уни ўзича самога элтадиган қизғиш, алвон гуллар тўшалган йўл, дея тасаввур қилди. Қанчалик толиқди! Жудаям толиқди! Ўзи ҳам уларнинг қайноқ нурларидан чарчади! Иссиқ, чарчоқ кўрпага яхшилаб бурканган бошидан умуртқалари бўйлаб бутун танига ёйилди. У чарчоқнинг вужудига ёйилиб бораётганини ҳис этди ва унга қаршилиқ қилмади, кулимсиради. Ҳозир уйқу элтади. Орадан ўн йил ўтиб, у тағин қизга шеър бағишлаган эди. Ўн йил бурун унинг бошини шолрўмол буркаб олган, иссиқ нафасидан чиққан буғ оқшом ҳавосида ўрлар, пошналари муз қотган йўлга урилиб таққилларди. Ўша энг охири чана жўнашга шай эди, тўриқ отлар буни сезишар ва пишқириб қўнғироқчаларини силкитишарди. Кондуктор етакчи билан гаплашди ва иккаласи ҳам фонуснинг яшил ёғдусида бошларини сермашди. Гапира туриб қиз бир неча бор унинг оёғи турган зинага оёғини қўймоқчи бўлди ва яна ўзининг зинасига туширди, бирми, икки марта қизнинг оёқлари уникага тегди, қиз оёқларини узатишни унутди, бироқ кейин узатди. Майли-да. Бўлса бўлар. Ақлли болалик давридан ҳозирги телбаликкача орадан ўн йил ўтди. Хўш, унга шеърини жўнатса нима бўлади? Эрталабки чой пайти, чойқошиқ билан тухумнинг пўчоғини тикқиллатиб,

шу товушга монанд овоз чиқариб ўқишади. Мана, чинакам телбалик! Қизнинг ака-укалари масхаралаб кулиб, бири-биридан қизғаниб, қўпол, дағал бармоқлари билан варақларни тортилаб йиртади. Ширинсухан руҳоний, қизнинг амакиси оромкурсида олдга чўзилган қўлида варақни ушлаб, кулимсираб ўқийди ва шеърнинг бадиий шаклини маъқуллайди. Йўқ, йўқ, бу телбалик! Ҳатто жўнатган тақдирда ҳам қиз шеърни бошқаларга кўрсатмайди. Йўқ, йўқ, у бундай қилишга қобил эмас.

Назарида, у қизга нисбатдан ноҳақлик қилаётгандай туюлади. Қизнинг бокиралигига ишончи ўзига таъсир қилди, кўнглида ачинишга яқин туйғу уйғотди; бокиралик нималигини у гуноҳга қўл урганидан кейингина англади, бокиралик ҳақида қиз ҳам, ҳали гуноҳга йўл қўймаган ёки аёл табиатининг ғалати таҳқирловчи дардлари унга илк бор аён бўлгунича, ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Фақат худди унинг юраги жўшиб биринчи марта гуноҳга йўл қўйганидай, илк бор қизнинг қалби ҳам ҳаёт шавқига талпингани, холос. Қизнинг рангпар озғин жуссасини, ожизалигидан ўкинган, хўрланган кўзларини эслаганда унинг юраги нозик дардкаш туйғуларга тўлиб кетди.

Қиз қаерда эди унинг руҳи жазавадан ёниб, толиққанида? Эҳтимол, айна ўша дақиқаларда сирли руҳий ришталар билан қиз қалби унинг эҳтиромини ҳис этгандир. Эҳтимол.

Хоҳиш иштиёқи тағин алангаланди ва бутун вужудини қамраб олди. Унинг хоҳишини ҳис этиб, ўша — вилланелладаги йўлдан оздиргувчи афсунгар тағин уйқудан бош кўтарди, қоп-қора, хумор кўзлари унинг кўзларига пешвоз очилди. Унга ўзини яланғоч, пориллаб, муаттар ҳид таратиб, очилиб-сочиблиб бахшида этди, худди ёрқин парқу булутдай бағрига олиб, зилол сувдай чўмдириб ҳузур бағишлади; ва мисоли ер бағирлаб, оққан тумандай нутқнинг равон товушлари — сирнинг айна моҳияти бўлмиш тимсоллар қўйилиб келди:

Толиқдингми қайноқ нурларда  
Маҳзун руҳни сеҳрига олган?  
Ухла, ёдим, кунлар сеҳрила.

*Овланар юрак кўзингдан  
Қисматига эгадирсан сен.  
Толиқдингми қайноқ нурларда?*

*Фимиам тутуни кўқда сузар-да  
Ер қаъри-ю денгизга кўчар.  
Толиқдингми қайноқ нурларда?*

*Титроқ нола, ғамли зорларда  
Замин ўзра яралмоқ мадҳи.  
Толиқдингми қайноқ нурларда?*

*Қурбоним-да очик қўлларда  
Жом лиммо-лим ҳаёт майига.  
Ухла, ёдим, кунлар сеҳрила.*

*Сен қотгансан ҳорғин кўзларда  
Хумор кўзлар сеҳри чорлайди.  
Толиқдингми қайноқ нурларда?  
Ухла, ёдим кунлар сеҳрила.*

Булар қандай қушлар бўлди? У шумтол таёғига ҳорғин таяниб, қушларнинг парвозини кузатмоқчи бўлиб, кутубхонанинг зинасида тўхтади. Улар Мулсворт-стритдаги уйнинг туртиб чиққан бурчаги устида чарх уриб айланарди. Март ойининг шом осмонида қушларнинг парвози аниқ-тиниқ кўринарди, чаққон, титроқ қоралари шиддат билан чарх ураётгани кулранг самода равшан билинарди.

У қушларнинг учишини кузатиб турди: бирининг ортидан бошқаси титраб, қанот қоқиб учади. Парвоз шиддатли тус олгунча уларни санашга уринди: олти, ўн, ўн бир... Кўнглида тусмоллади — тоқми ёки жуфт. Ўн икки, ўн уч... мана, яна иккитаси, айланиб, ер бағирлаб тушиб учаётир. Қушлар гоҳ тепалаб, гоҳ пастлаб, бироқ ҳар гал доира ҳосил қилиб учарди.

У қушларнинг чирқиллашига қулоқ тутди: худди деворга қопланган ёғоч ортидаги сичқоннинг чийиллашига ўхшайди — ўткир, синиқ товуш. Бироқ сичқоннинг чийиллашига қараганда бу ўткирроқ, чўзиқроқ; қушларнинг товуши, тумшуклари ҳавони тилиб учганда, гоҳ бир неча парда тушар, гоҳ кўтариларди. Ўткир, тиниқ ва нозик товушлар гувиллаб айланаётган урчуққа ўралаётган ипак ипдай эшилиб тараларди.

Бу ғайриинсоний ғовур-ғувур унинг қулоқларига ёқимли эшитилади, қулоқларидан эса онасининг ёзғиришлари ва танбеҳлари кетмайди; қорайиб кўринган, нозик, титроқ қушчаларнинг ер бағирлаб парвоз қилиши унинг кўзини қувонтиради, бироқ кўз ўнгидан онасининг қаҳрли юзи кетмайди.

Нега у зинада туриб тепага қараётир, қушларнинг парвозини кузатиб, уларнинг аччиқ, синиқ чуғур-чуғурини эшитаётир? Қандай аломатни илғамоқчи: яхшилиқними ёки ёмонлиқними? Хаёлидан Корнелий Агриппа айтган гапи ўтди; кейин Сведенборг<sup>2</sup>нинг қушлар билан руҳий ҳаёт аломатлари ўзаро мувофиқлиги ҳақидаги фикрларини узук-юлук эслади. Бу само мавжудотлари, деган эди Сведенборг, ўзларига хос ақл-идроққа эга ва улар ўзларига белгилаб берилган муддатни, йил фаслларини билишади, чунки улар одамлардан фарқли ўлароқ, ўз ҳаётлари тартибларига собитдирларки, ўзларига ато этилган ақл-идроқни бу тартибни бузишга йўлламайдилар.

Асрлар мобайнида одамлар, ҳозир у кузатаётгандай тепаларида учиб юрган қушларни кузатишган. Боши узра тизилган қушлар қатори унга эскидан қолган ибодатхонани эслатди, ҳорғин суюниб турган шумтол таёғи эса авгурнинг майишган ҳассасини ёдига солди.

Ҳорғин вужудида рўё қаршисидаги қўрқув ҳисси ғимирлади — бу тимсоллар, аломатлар қаршисидаги, ўзи исмини кўтариб юрган қирғийсифат одам — тол шохларидан ясаган қанотлар ёрдамида тутқинликдан озод бўлган инсон рўпарасидаги қўрқув эди; бу лавҳаларга қамиш чўп билан битиклар битган ва ўзининг лайлакмонанд қуш — ибиснинг энсиз бошида ўроқнусха икки шохни кўтариб юрган мирзалар тангриси — Тот қаршидаги қўрқув эди.

Бу тангрини кўз олдига келтириб жилмайди, чунки тангри унга бошига ясама соч қўндириб олган судяни эслатди; судя олдинга чўзилган қўлидаги суд актига вергул қўйиб чиқади ва агар тангрининг исми “мот”, яъни исрофгар сўзига ўхшаб жарангламаганда мен унинг исмини эсламаган бўлардим, деб ўйлади у. Мана бу бориб турган телбалик. Бироқ айна телбалиги туфайли у ўзи туғилиб вояга етган дуохон ва фаросатли инсонлар яшайдиган хонадон<sup>3</sup>ни бутунлай тарк этишга жазм этмадимикан?

Қушлар яна бўзарган осмон бўйлаб, уйнинг чиқиб турган бурчаги устидан қаттиқ чирқиллаб учиб ўтди. Булар қандай қушлар бўлди? Афтидан, жанубдан қалдирғочлар қайтганга ўхшайди. Демак, унинг ҳам жўнаш вақти етган, ахир, қушлар учиб келади ва учиб кетади, хонадонларнинг томига омонатгина уя қуради ва яна янги сафарларга шайланиб уяларини тарк этади.

*Юзингизни ерга қаданг, Уна ва Алил.*

*Уларга мен қалдирғочдай маҳзун қарайман*

*Бўғотдан, уядан хайрлаша туриб,*

*Мавж урган тўлқин узра сафар олдидан.*

Хотиржам севинч туйғулари, мисоли бостириб келган тўлқиндай, унинг хотирасига қуйилди ва юрагида сўнгсиз сувли кенгликлар устидаги бепоён осмон сокинлигини, океан сукутини ва шом қоронғусида сув мавжлари устида учиб юрган қалдирғочларнинг хотиржамлигини ҳис этди. Хотиржам севинч туйғулари унинг юрагига ана шу сатрлардан қуйилди, бу сўзлар таркибидаги майин ва чўзиқ ундошлар сассиз тўқнашар, айри тушар, бир-бирига уйғунлашиб, қўшилиб-сингишиб мавжланар, сассиз мавжлар бағрида тўлқинларнинг оқ қўнғироқчаларини тебратиб тинч сўнаётган қушлар чуғур-чуғури замирида товушсиз садо таратарди; ва у қушларнинг айланиб учишидан, тепасидаги осмоннинг бўзранг кенгликларидан ўзи излаган нишона юрагидан пориллаб, худди минорада учган қушдай — шиддат билан, вазмин отилиб учганини ҳис этди.

Бу нима — айрилиқ белгисими ёки ёлғизликдан нишономи? Унинг хотирасига келган — қулоқларида шивирлаб садо берган шеър сатрлари кўз ўнгида беихтиёр Миллий театрнинг очилишига бағишланган оқшомдаги томоша залини жонлантирди. У балкондаги охирги қаторда ёлғиз ўзи, толиққан кўзлари билан партердаги Дублин жамоатчилигининг казо-казоларига, дидсизлик билан ишланган безакларга ва ярқираган чироқлар ёруғида қўғирчоқлардай ҳаракатланаётган актёрларга қараб ўтирарди. Унинг ортида эса хоҳлаган дамда зални тартибга солиб қўйишга шай семиз полтсиячи терга ботиб тик турарди. У ер, бу ерда ўтирган талабалар орасидан онда-сонда дарғазаб ҳайқириқлар, хуштаклар, масхараловчи киноялар, таҳқирловчи сўзлар эшитилиб турарди.

— Бу Ирландияга тўхмат!

— Немисларнинг иғвоси бу!

— Ҳақорат!

— Биз эътиқодимизни сотганимиз йўқ!

— Ҳеч қайси ирланд қизи бундай қилмаган!

— Йўқолсин худосизлар!

— Йўқолсин буддизм малайлари!

Деразадан тепада туйқусдан қисқа шитирлаган товуш эшитилди, демак, қироатхонада чироқни ёқишди. У хира ёритилган даҳлиздан устунлар оралаб ўтиб, тепага кўтарилди.

Кренли жавон ёнида луғатга қараб ўтирарди. Унинг олдида ёғоч курсида муқоваси очилган қалин китоб ётибди. У ўзини стулга ташлаб, қулоғини худди гуноҳкорнинг тавбасини тинглаётган руҳонийдай медик-талабанинг оғзига тутган, талаба унга газетадаги шахмат жумбоғини ўқирди. Стивен унинг ўнг тарафига ўтирди, ўтирган руҳоний ўзининг “Теблет”ини асабий ёпиб, ўрнидан турди.

Кренли руҳонийнинг ортидан хаёлчан қараб қўйди. Медик-талаба овозини пасайтириб ўқишни давом эттирди:

— Пиёда е4 га юрилади.

— Кел, яхшиси ташқарига чиқайлик, Диксон, — деди Стивен эҳтиёткор оҳангда. — У арз қилгани кетди.

Диксон газетани йиғиштириб, салобат билан қаддини ростлаб туриб, деди:

— Бизникилар ёппасига чекинишмоқда.

— Қуроллари ва ҳайвонлар билан, — қўшимча қилди Стивен Кренлининг олдида ётган, муқовасига “Шохдор ҳайвонлар касалликлари” деб ёзилган китобга ишора қилиб.

Улар столларни оралаб ўтишаётганда Стивен:

— Кренли, мен сен билан гаплашиб олишим керак, — деди.

Кренли ҳеч нима демади, ҳатто қайрилиб қарамади ҳам. У китобни топшириб ташқарига чиқиладиган эшикка йўл олди; унинг ялтироқ ботинкаси ерга тақиллаб уриларди. Зинапоёга етганда у тўхтади ва аллақандай паришон ҳолда Диксонга қараб, такрорлади:

— Пиёдани ўша бемаъни 4е га юрдим.

— Начора, ихтиёринг, буям маъқул, — жавоб қилди Диксон.

Унинг овози хотиржам, муомаласида ўзгариш сезилмасди, семиз қўлининг бир бармоғида узук ярқираб турарди.

Даҳлизда уларга пак-пакана, кичкина бир одам яқинлашди. Жимитдай шляпасининг тагидаги соқоли олинмаган юзига кулги ёйилган бу одамча шивирлаб гап бошлади. Унинг кўзлари маймунникидай қайғули эди.

— Хайрли кеч, жентелменлар, — деди юзини тук босган маймунбашара пакана.

— Март ойида шундай исиб кетса-я, — деди Кренли, — тепадаги деразаларни очишди.

Диксон кулимсиради ва узугини айлантириб ўйнади. Қорачадан келган маймунбашара нусха оғзини кулгига ростлади ва минғирлаган овоз чиқарди:

— Март ойи учун бу кутилмаган фаройиб ҳаво. Жуда ажойиб.

— Тепада икки нафар ёшгина жонон сизни кутиб қолишди, капитан, — деди Диксон.

Кренли кулимсиради ва хушмуомалалик билан деди:

— Капитаннинг фақат битта яхши кўргани бор: бу сер Валтер Скотт. Тўғрими, капитан?

— Ҳозир сиз нимани ўқияпсиз капитан? — сўради Диксон. — “Ламмермурлик нозанин” ними?

— Қария Скоттни яхши кўраман, — деди маймунбашара нусха. — Унинг ёзганларида услуб қанақадир ажойиб. Бирор-бир ёзувчи сер Валтер Скотт билан тенглашолмайди.

Унинг гапларини эшитиш Стивен учун зерикарли эди: гапидан латта ҳиди анқирди. Уни эшита туриб Стивен ўзича: у ҳақда айтилган гаплар тўғримикан, деб ўйлади.

Боғдаги дарахтлар ёмғирдан нам тортиб шишган, ёмғир эса тўнкарилган қалқондай бўзариб ётган қўл устига тинимсиз шиғалаб ёғиб турибди. Бу ердан оққушлар галаси учиб ўтди, сув юзи ва қирғоқ оқиш-яшил балчиққа беланиб ётибди.

Улар бўзранг ёмғирли ҳаводан саловат тўкиб турган ҳўл дарахтлар ва қалқонга ўхшаб кўринган айғоқчи-кўлдан, оққушлардан таъсирланиб, бир-бирининг пинжиги киришди.

Улар ҳеч бир севинчсиз, эҳтироссиз кучоқлашишди. Унинг қўли қизнинг бўйнидан кучди, елкасидан ошириб ташлаган бўзранг жўн рўмол қизни белигача буркаб олган, қиз уялинқираб бошини қуйи солиб олган. Йигитнинг кумушранг-сарик сочлари ҳурпайган, қўллари майин, эпчил, қорувли, сепкил босган. Юзи-чи? Юзи кўринмасди. Йигитнинг юзи кўзининг ёмғир ҳиди уфуриб турган сочларига эгилган, қўли — сепкил босган, қорувли, эпчил ва меҳрибон, Дейвиннинг қўли.

Стивен хаёлидан кечган ўйларига ва хаёлини бўлган маймунбашара одамчага аччиқ қилиб, қовоғини уйди. Унинг хотирасидан Бантридан чиққан тўда ҳақида отасининг айтган аччиқ-тизиқ гаплари ўтди. У бошқаларга қўл силтади ва ғамгин кайфиятда ўзининг ўй-хаёлларига берилди. Нега энди бу Кренлининг қўллари эмас? Ёки Дейвиннинг соддадиллиги ва беозорлиги зимдан унинг ҳавасини келтирдимикан?

У пакана одамча билан хайр-маъзур қилишни Кренлига қолдириб, Диксон билан катта зални оралаб юриб кетди.

Қатор устунлар олдида бир гуруҳ талабалар орасида Темпл турарди. Талабалардан бири кичқирди:

— Ҳой, Диксон, бу ёққа кел, бир эшит. Темплнинг илҳоми қайнаяпти.

Темпл унга ўзининг қоп-қора лўли кўзлари билан олайиб қаради.

— Сен, ЎКифф, мунофиқсан, — деди у. — Диксон эса — кулдиргувчи. Қизиқ-а, жин урсин, яхши адабий ибора — кулдиргувчи.

У, Стивеннинг юзига қараб олиб, муғомбирона кулди ва қўшиб қўйди:

— Тўғрими, чинданам зўр лақаб — кулдиргувчи.

Зинапоянинг қуйироғида турган семиз талаба гап қотди:

— Ҳалиги маъшуқа ҳақидаги гапингнинг охирини айт. Бизга шу қизиқ.

— Унинг маъшуқаси бор эди чин сўзим, — деди Темпл. — Бунинг устига у уйланган эди.

Рухонийлар ҳам ўша жойга овқатлангани боришарди. Жин урсин, уларнинг ҳаммаси, менимча, ўша суюқоёқ билан дон олишган.

— Бу худди йўрға отни аяб қирчанғи билан пойгага тушгандай гап, — деди Диксон.

— Бугун қорнингга неча кружка пива қуйдинг, — деди ЎКифф, — қани, бир тан олиб айт-чи?

— Сенинг патос бойлаган зиёлинамо юрагинг мана шу гапингда кўриниб турибди, — деди Темпл нафратини яширмай.

У оёқларини тапиллатиб, уймалашиб турган талабаларни айланиб ўтди ва Стивенга мурожаат қилди:

— Форстерлар Белгия қироллари эканини сен билармидинг? — сўради у.

Шапкасини тескари кийиб олган Кренли тишларини кавлаб кириб келди.

— Мана, бизнинг дониши замонамиз келди, — деди Темпл. — Сенинг Форстерлар ҳақидаги гапдан хабаринг борми?

У жавобни кутиб, сукут сақлади. Кренли тишининг орасидан чўпни олди ва унга тикилиб қаради.

— Форстерлар сулоласи, — давом этди Темпл, — Фландрия қироли Болдуин Биринчидан бошланади. Уни Форестер дейишган. Форестер билан Форстер — битта. Болдуин Биринчининг авлоди, капитан Френсис Форстер Ирландияда яшаб қолган, Брессил уруғ-аймоғининг охирги йўлбошчиси қизига уйланган. Яна қора Форстерлар ҳам бор, бироқ бу бошқа шажара.

— Бу сажара Довдирдан, Фландрия қиролидан тарқалган, — деди Кренли, яна қордай оппоқ тишларини ўйчан кавлаб туриб.

— Қаердан топа қолдинг бу гапларни? — сўради ЎКифф.

— Мен сизларнинг шажарангларни ҳам биламан, — деди Темпл Стивенга қараб. — Биласанми, бу ҳақда Гиралд Камбрий нима деган?

— Нима уям Болдуиндан тарқаганми? — деб сўради узун бўйли, юзи заҳил, кўзлари қора талаба.

— Довдирдан тарқаган, — деди Кренли, тишлари орасидан ниманидир сўриб.

— Пернобиллис эт перветуста фамилия\*18 — деди Темпл Стивенга.

Пастдаги зинада турган семиз талаба кўнқиллади. Диксон бурилиб унга қаради ва секин сўради:

— Ие, фариштаям оғзини очдими дейман?

Кренли ҳам ўгирилди ва таъсирли қилиб, бироқ ғазабланмай деди:

— Биласанми Гоггинс, сен дунёдаги энг ифлос, сассиқ ҳайвоннинг ўзисан.

— Мен оғзимга келган гапни айтдим-қўйдим, — деди қатъи оҳангда Гоггинс, — бундан бировнинг обрўи тўкилиб қолгани йўқ.

— Умид қиламизки, — деди Диксон, — бу алжираш илмий кашфиётлар ҳақида пауло пост футурум\*19 айтиладиган янгиликка ўхшаган гап-сўзлар сирасидан эмас.

— Мен сизларга ҳозиргина айтдим-ку, у кулдиргувчи, — деди Темпл бир ўнгга, бир чапга аланглаб, — бу лақабни унга мен қўймадимми?

— Эшитдик, кар эмасмиз, — деди бўйчан заҳил юзли талаба.

Кренли қовоғини осиб, пастдаги зинада турган семиз талабага ғазаб билан қаради. Кейин жирканиб пишқирди ва унинг биқинидан туртди.

— Қани, жўна, — бақирди у қўполлик билан, — туёғингни шиқиллат, сассиқпопишак.

Гоггинс йўлакка сакраб тушди ва шу заҳотиёқ, кулиб, олдин турган жойига қайтди. Темпл, Стивенга қараб деди:

— Сен ирсият қонунига ишонасанми?

— Нима бало, кайфинг борми? — сўради Кренли унга ҳайрон бўлиб тикиларкан.

— Жуда зўр гап, — деди қизишиб Темпл, — зоология дарслигининг охирида шундай ёзилган: яралиш ўлимнинг бошланишидир.

У эҳтиёткорлик билан Стивеннинг тирсагидан ушлади ва ҳаяжонланиб деди:

— Сен шоирсан, бу гапни жуда теран ҳис қилишинг керак!

Кренли кўрсаткич бармоғи билан унга илкис ишора қилди.

— Ана, қаранглар, — деди у қаҳри кўзиб. — Ҳавас қилинг — Ирландиянинг умиди! Унинг гапи ва қўл ҳаракатидан ҳамма қулди. Бироқ Темпл бўш келмади, Кренлига бурилиб қараб, деди:

— Кренли, сен доим мени майна қиласан. Мен буни жуда яхши биламан. Бироқ менинг сендан кам жойим йўқ. Биласанми, сени ўзим билан қиёслаганда қандай фикрга келаман?

— Азизим, — деди Кренли мулойимлик билан, — ахир, сен фикрлашга мутлақо яроқсизсан, мутлақо.

— Ҳўш, сени ўзим билан қиёслаганда нимани ўйлаганимни билишни хоҳлайсанми? — давом этди Темпл.

— Айт, айт, Темпл, — кичқирди бақалоқ зинада туриб, — бўла қол, айт!

Темпл қўлини паҳса қилиб, бир ўнг, бир чап томонга бурилиб қаради.

— Мен тўнкаман, — деди у бошини афсусланиб чайқаб. — Буни биламан. Тан оламан ҳам. Диксон секингина унинг кифтига қоқди ва эркалаб деди:

— Камтарга камол деганлар, балли Темпл.

— Бироқ у, — давом этди Темпл Кренлига ишора қилиб, — у ҳам тўнка, менга ўхшаган. Фарқимиз шундаки, у буни билмайди.

Бирдан янграган қаҳқаҳа унинг гапини бўлиб қўйди, бироқ у яна Стивенга ўгирилиб, фавқулодда қизишиб деди:

— Бу жуда қизиқ сўз, бу сўзнинг келиб чиқиши ҳам жуда ғаройиб.

— Йўғ-е — деди паришонлик билан Стивен.

У зўрма-ўзраки кулимсираб турган Кренлининг мардонавор, бироқ изтироб чекаётган юзига қаради. Қўпол сўз, худди таҳқиру ҳақоратларга кўникиб қолган қадимги ҳайкалга сепилган ифлос сувдай, Кренлининг юзидан оқиб тушарди. Уларга қараб туриб Стивен Кренлининг биров билан кўришаётиб шапкасини кўтариб қўйганини кўрди, Кренлининг қоп-қора ғаюр сочлари темир гултождай манглайда диккайиб турарди.

Қиз кутубхонадан чиқиб келди ва Стивенга қиё боқмай, Кренлининг эгилиб берган саломига жавоб қилди. Бу қанақаси? Кренлига нима бўлди? Кренлининг ёноқлари қизаргандай туюлди ёки унга шундай кўриндими? Балки бу Темплнинг гаплари таъсиридан қизаргандир? Аллақачон қоронғу тушиб қолган эди. У яхшилаб қарай олмади.

Дўстининг бепарволиги, лоқайдлиги, Стивеннинг жўшқин, телба-тескари гапларини шартта бўлиб ташлайдиган қўпол танбеҳлари, қутилмаганда ташланиб қолишларининг сабаби балки бу ёқдадир? Шундай пайтларда Стивен ундан гина қилмас, кечириб кетаверарди, ахир, унинг ўзида ҳам шундай кўрслик бор эди. Бир куни кечқурун ўрмонда, Малахайд яқинида, ибодат қилиш учун, кимдир бировдан сўраб миниб келган шалоқ велосипеддан тушганини эслади. У дуога қўлларини кўтарди ва жазавага тушиб, нигоҳини ўрмоннинг қалин қоронғи жойига қараб, ўзининг муқаддас даргоҳда ва муборак бир дамда турганини ҳис этди, ибодат қила бошлади. Қоронғи йўлнинг муюлишида икки политсиячининг қораси кўринганда эса, у ибодат қилишдан тўхтади ва баланд товушда кўпчиликка ёқиб қолган бир томошадаги куйга монанд ҳуштак чалди.

У қўлидаги тол хивичнинг пўсти арчилган учи билан устунга тикиллатиб ура бошлади. Эҳтимол, Кренли уни эшитмагандир? Майли, у кутади. Уларнинг гапи бир зум тўхтаб қолди, кейин яна тепадаги деразадан секин пичирлаган овозлар эшитилди. Бироқ атроф жим-жит эди, у маҳлиё бўлиб парвозини томоша қилган қалдирғочлар ҳам аллақачон уйқуга кетишган. Қиз қоронғига сингиб, ғойиб бўлди. Шундан сўнг, тепадан эшитилаётган узук-юлуқ пичирлаган товушни айтмаганда, атрофга жимлик чўкди. Кейин бу сафсата ҳам тинди. Ерга зим-зиё қоронғулик тушди.

“Зулмат тушар осмон қаъридан”s



Милтиллаган, нимжон шуъладай озурда севинч туйғуси мисоли элфнинг сеҳрли галасидай пирпираб уни чулғаб олди. Бу нимадан? Қизнинг оқшом ҳавосида кўнгилга ғам-алам солиб кетганиданми ёки қайғули-қора ундошларга уйғун, уднинг шаршарадай қуюлувчи оҳангига монанд майин жарангдар оҳангли шеър сатрининг таъсириданмикан?

У саф тортган устунларни ёқалиб, тобора қуюқлашиб бораётган тарафга секин қадам ташлаб, ортида қолган талабалардан ўзининг хаёлпарастлигини яшириш учун хивич билан тош плиталарга тикиллатиб уриб бораркан, Дауленд, Берд ва Неш яшаб ўтишган асрни кўз олдига келтирди.

Пинҳона майллар зулматида очиладиган кўзлар, тонг ёғдусини тўсадиган кўзлар. Уларнинг хуморланиб қарашида суқланиб ноз-карашма қилишдан ортиқ яна қандай маъно бор? Бу кўзларнинг ялтираб турадиган шуъласи-чи — бу ландавур Стюартнинг қасридаги оқава зовурга йиғилиб қолган нажас шуъласи эмасми? У хаёлан, хотира тили билан хушбўй винони татиб кўрди, мағрур товуснинг назокатли ҳаракатларидаги майин, нафис мусиқани илғади, хотира кўзи билан эса Ковент-Гарден<sup>2</sup> пешайвонидаги кўнгилчан хонимларни, уларнинг жозибали, маккорона ҳимарилган лабларини, майхоналарда қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган, жазманлари бағрига отилишга шай чўтир юзли қизларни, ёш жувонларни кўрди.

Тасаввурида пайдо бўлган бундай манзараларда жонланган қиёфалар унга ҳузур бағишламади. Уларда қандайдир қонни жўштирадиган сеҳр бор, бироқ қизнинг қиёфаси бошқача, уларга ҳеч ҳам ўхшамайди, яқинига ҳам йўламайди. У ҳақда бундай хаёлларга бориш ножоиз. Ҳозир у бундай хаёлларга бораётгани ҳам йўқ. Демак, унинг ўйлари ўзига бўйсунмас экан-да? Эски гап-сўзлар, хаёллар худди Кренли сутдай оппоқ тишлари орасидан кавлаб оладиган анжир донидай бироз бадбўй, бироз хуштаъм.

Ҳозир қиз шаҳар бўйлаб юриб, уйига бораётир. У қизни қучган пайтдаги муаттар ҳидни аввалига сезилар-сезилмас, кейин кучлироқ ҳис этди. Ўзига таниш бўлган ёқимли ҳаяжон вужудини чулғади. Ҳа, бу қизнинг баданидан таралган бўй: ҳаяжонга солувчи, зориқтирувчи муаттар бўй; шеърларида сирли оҳангларга кўмиб ташланган илиқ бадан, унинг танидан таралган хушбўй ҳид ва шабнамга тўйинган ичдаги майин кўйлак.

У энсасида ғимирлаётган битни сезиб қолди; катта кўрсаткич бармоғини қайтарма ёқасининг ичига тикиб ушлади, бир дақиқа бармоғининг учи билан унинг мулойим, мўртгина, гуруч доначасидай таначасини эзғалади ва ўлган ёки ўлмаганини билмай, отиб юборди. Хаёлига Корнелий а Лapidенинг ғаройиб гапи келди; унда бит одам баданидан чиққан тердан пайдо бўлади, уни тангри бошқа барча жонзотлар билан бирга олтинчи кунда яратмаган, дейилган эди. Энсасининг териси қичиши унинг асабини қўзғайди. Яхши кийинмаган, яхши еб-ичмаган, бит босган тананинг ҳаёти беихтиёр унинг руҳини чўктирди ва қоронғуда кўзига тепадан тушаётган битларнинг мўрт, ялтироқ таначалари кўринди. Осмон қаъридан тушаётган, ахир, тун зулмати эмас-ку. Ёруғлик-ку.

“Нур ёғилар осмон қаъридан”...

У ҳатто Нешнинг сатрини тўғри эслай олмади. Қизни эслаганда кўз олдига келтирган барча қиёфалар рўё эди. Унинг тасаввурини сирка босиб кетди. Унинг фикрлари — бадбин ўй-хаёллардан пайдо бўлган битлар.

У ортга бурилиб, қатор тизилган устунларни ёқалаб талабалар томон юрди. Билганини қилсин! Жин урсин! Яхши кўрмаса кўрмас! Бирор-бир кўкрагида ёли бор, тоза-озода, ҳар куни эрталаб ювиниб-таранадиган спортчини топар ўзига! Баттар бўлсин!

Кренли чўнтагидан яна битта қуритилган анжирни олиб, шошилмай чаппиллатиб чайнай бошлади. Темпл уйқусираган кўзларига шапкасини тушириб, устунга суяниб мудраб ўтирарди. Бинодан қўлтиғига чарм папка қистириб олган бир калтабақай йигит чиқиб келди. У пошналарини ва қўлидаги шамсиясининг темир учини тош плиталарга тақиллатиб уриб, тўдалашиб турган талабалар томон юрди. Салом берган бўлиб, шамсияни кўтарди ва ҳаммага

қарата деди:

— Хайрли кеч, жентелменлар.

Кейин шамсиянинг учи билан тош плиталарга тўқиллатиб уриб, ҳиринглаб кулди, унинг боши бироз асабий қалтирарди. Ўзларича ирланд тилида берилиб гаплашаётган заҳил юзли бўйчан талаба, Диксон ва ЎКифф унга эътибор қилишмади. Буни пайқаб, у Кренлига бурилиб, деди:

— Хайрли кеч, ҳой жаноб!

Шундай деб у шамсиясини кўтариб Кренлига ишора қилди ва яна ҳиринглади. Ҳали ҳам анжир чайнаб ўтирган Кренли, оғзини чапиллатиб, бақириб деди:

— Хайрли дейсанми? Ҳа, ёмонмас.

Калтабақай талаба унга диққат билан қаради ва гина қилгандай шамсиясини сермади.

— Менимча, — деди у, сен, ҳарқалай, аён нарсани илғашни ихтиёр этдинг.

— Ҳа-да! — жавоб қилди Кренли ва ярми тишланган анжирни калтабақай талабанинг оғзига тутиб, ейишни таклиф қилган бўлди.

Калтабақай рад этди, бироқ ўзининг гапга чечанлигидан ғурурланиб, ҳиринглаб ва шамсиясини тўқиллатиб, жиддий оҳангда сўради:

— Буни қандай тушунса бўлади?..

У тўхтаб, ярми тишланган анжирни кўрсатиб, баланд овозда қўшиб қўйди:

— Мен буни назарда тутаяпман.

— Ҳа-да! — яна пинғиллаб қўйди Кренли.

— Буни, — деди калтабақай, — ипсо фастум ёки қандайдир қочирик деб тушуниш керакми?

Диксон, суҳбатдошларидан четлашиб, ундан сўради:

— Глинн, сени Гоггинс кутиб ўтирганди. У сен билан Мойнихенни қидириб “Аделфи”га кетди.

Бунинг ичида нима бор? — сўради у Глинн қўлтиғига қистириб олган папкани шаппатилаб.

— Имтиҳонга керак нарсалар, — жавоб қилди Глинн. — Мен уларни ҳар ой имтиҳон қиламан, бераётган дарсларимнинг натижасини кўриб боришим керак.

Шундай деб унинг ўзи ҳам папкани шаппатилаб қўйди, секин томоғини кириб, кулимсиради.

— Дарс берармиш! — қўполлик билан гапга аралашди Кренли. — Шўрлик ялангоёқ болалар, улар сендай ярамас маймундан дарс ўқиб ким бўларди. Уларга ўзинг раҳм қил, илоҳим!

Кренли анжирдан яна бир бўлакни тишлаб узиб олди ва чиқитини отиб юборди.

— Болаларни менинг қошимга келишларига изн беринг ва уларнинг йўлини тўсманг, — деди Глинн ёқимли овоз билан.

— Ярамас маймун! — деди баттар қаҳри қўзиб Кренли. — Тангрига шак келтирган ярамас маймун!

Темпл ўрнидан туриб, Кренлини итариб юборди ва Глиннга яқинлашди.

— Ҳозир сиз айтган бу сўзлар, — деди у, — Инжилдан: болаларни менинг қошимга келишларига изн беринг ва уларнинг йўлини тўсманг.

— Сен яна бироз ухласанг бўлармиди, Темпл, — деди ЎКифф.

— Гап шундаки, яъни мен айтмоқчи бўлган гап шуки, — давом этди Темпл Глиннга мурожаат қилиб. — Иисус болаларнинг қошига келишларига тўсқинлик қилмаган. Хўш, унда нега черков уларни, чўқинтирилмай туриб вафот этса, ёппасига дўзахга жўнатади?

— Сен ўзинг чўқинганмисан, Темпл, — сўради заҳил юзли талаба.

— Йўқ, барибир, нега энди уларни дўзахга жўнатишади. Ахир, Иисус улар қошимга келсин, деб турган бўлса? — такрорлади Темпл кўзлари билан Глиннга тешиб юборгудай тикилиб.

Глинн йўталди ва асабий қиқиллаб кулиб юборишдан ўзини зўрға тутиб, шамсиясини силтаб, ҳар бир сўзни салмоқлаб секин минғирлади:

— Модомики, бу агар сен айтгандай бўладиган бўлса, мен ҳам юзингда кўзинг борми демай сўрашга журъат этаман: хўш, “бундай” дегани қаердан пайдо бўла қолди?

— Чунки черков шафқатсиз, қари гуноҳкор хотинлардай марҳаматсиз, — деди Темпл.

— Бу масалада сен эски ақидаларга ёпишиб олгансан чоғи, Темпл? — қувлик билан сўради

Диксон.

— Авлиё Августин чўқинтирилмаган болалар дўзахга тушадилар, дейди, — жавоб қилди Темпл, — чунки унинг ўзи ҳам раҳмсиз қари гуноҳкор банда бўлган.

— Сен, албатта, билағонсан, — деди Диксон, — бироқ мен, барибир, бундай ҳолатлар учун маҳшарда жавоб берилади-ку, деб ҳисоблардим доим.

— Нимаси билан баҳслашасан унинг, Диксон, — жаҳл билан гапга аралашди Кренли. — Гаплашма у билан, башарасигаям қарама, яхшиси, бўйнига арқон сол-да, бақироқ эчкидай етаклаб уйига олиб кет уни.

— Маҳшар эмиш! — қичқирди Темпл. — Мана сизга ғаройиб кашфиёт! Бу, ахир, дўзахнинг ўзи-ку!

— Бироқ нохушликлардан холи, — таъкидлади Диксон.

У қулиб туриб болаларга қаради ва деди:

— Ҳарқалай, мен бу ердаги кўпчиликнинг фикрини айтдим, деб ўйлайман.

— Бўлмаса-чи, — деди Глинн қатъият билан. — Ирландия бу масалада яқдил.

У шамсиясининг учини айвоннинг тош ётқизилган ерига уриб тақиллатди.

— дўзах, — деди Темпл. — Иблиснинг урғочи жуфтлари<sup>1</sup> тўқиган бу уйдирмани мен эъзозлашим мумкин. Дўзах — римликлар ўйлаб топган, худди Рим деворларидай нураб қулаган бемаъни нарса. Бироқ машҳур дегани нима?

— Уни жойига элтиб ухлатгин! — қичқирди ЎКифф.

Кренли Темплга ташланди, кейин тўхтаб, оёқларини таппиллатиб, товукни қувгандай кишлади: — Киш!..

Темпл чаққон ўзини четга олди.

— Биласизларми, маҳшар нима дегани? — қичқирди у.

— Бундай нарсалар бизнинг Роскомонда қандай аталишини биласизларми?

— Киш!.. Кет, йўқол! — қичқирди Кренли кафтини кафтига уриб.

— Бало дегани, баттар дегани, — нафратланиб қичқирди Темпл, — мана, сизларнинг маҳшарларинг нима.

— Қўлингдаги чўпни бериб тур, — деди Кренли.

У Стивеннинг қўлидаги тол хивични тортиб олди ва зинадан пастга қараб югурди, бироқ Темпл ортидан қувиб келаётган оёқ товушини эшитиб, худди эпчилоёқ ҳайвондай зум ўтмай қоронғуга кириб ғойиб бўлди.

Кренлининг оғир этиклари майдончада гурсиллаб товуш чиқарди, кейин вазмин тапиллаб, чағилтошларни сочиб келаётган қадам товуши эшитилди.

Қадамлар зардали эди, Кренли илкис ҳаракат билан хивични Стивеннинг қўлига тутқазди.

Стивен унинг иддаосида айрича сабаб борлигини ҳис этди, бироқ ўзини сезмаганга олиб, босиқлик билан Кренлининг қўлига қўлини текизди ва хотиржам деди:

— Кренли, мен сенга айтдим-ку, сен билан маслаҳатлашадиган гап бор деб. Юр.

Улар ҳовличани кесиб ўтишди. Айвон зинасига етганда “Зигфрид”даги сайроқи қушнинг товушидай майин хуштак товуши эшитилди. Кренли ўгирилиб қаради ва Диксон хуштак чалишдан тўхтаб, қичқирди:

— Йўл бўлсин, жўралар? Ўйинни охирига етказмаймизми, Кренли?

Улар тинч, сокин ҳавода “Аделфи” меҳмонхонасидаги биллиард ўйинини давом эттириш ҳақида бақириб-чақириб ваъдалаша бошлашди. Стивен бир ўзи олдинга юрди ва Килдерстрит рўпарасидаги “Заранг ости” меҳмонхонаси олдидан чиқди, тўхтаб, сабр қилиб кутиб турди.

Меҳмонхонанинг номи, силлиқланган ёғочнинг туссизлиги, бинонинг кўримсиз олд томони тасавурида нафратомуз тикилиб турган кишининг назаридай, кўнглига оғир ботди. У асаби бузилиб, меҳмонхонанинг хира ёритилган айвонига қаради ва у ерда ирланд зодагонларининг хотиржам, силлиқ кечаётган ҳаётини кўз олдида келтирди. Улар қандай қилиб юқори лавозимларни қўлга киритиш, ер-мулк эгаларини қўлга олиш ҳақида ўйлашади; деҳқонлар қишлоқ йўлларида тўхтаб, уларга эгилиб таъзим қилишади; зодагонлар турли-туман

франтсузча таомларнинг номини билишади ва чийиллаган, чинқирган овоз билан хизматкорларга буйруқ беришади, бироқ уларнинг калондимоғ оҳангдаги буйруқларидан маданиятсизлиги, аҳмоқлиги билиниб туради.

Уларни ғафлатдан уйғотишнинг иложи бормикан, қандай қилса уларнинг фарзандларидан ўзларига ўхшаган ожиз, нотавон бўлмаган авлод етишади. Тобора қуюқлашаётган шом қоронғусида Стивен ўзи мансуб бўлган халқнинг ўй-хаёллари, умид-орзулари қоронғу қишлоқ кўчаларида, гавжум дарахтлар тагида, сув ва ботқоқликлар устида кўршапалакдай чарх уриб юрганини ҳис этди. Дейвин кечаси қишлоқ йўлидан келаётганда эшиги олдида уни қишлоқ аёли кутиб турган. Аёл унга бир коса сут тутиб, уни ичкарига таклиф қилган, чунки Дейвиннинг кўзлари ювош, бундайлар сир сақлай олади.

Кимдир унинг қўлини маҳкам сиқди ва у Кренлининг овозини таниди:

— Сурдикми?

Улар бироз жим кетишди. Кейин Кренли гап очди:

— Бу лаънати телба Темпл! Худо ҳаққи, бир кун мен уни уриб ўлдираман.

Бироқ энди унинг овозида зарда сезилмасди. Стивен ўзига-ўзи савол берди: қизнинг у билан айвон остида танишганини Кренли эслармикан?

Улар ўннга бурилиб, йўлни давом эттиришди. Бироз вақт иккаласи ҳам жим кетишди, кейин Стивен гап бошлади:

— Кренли, бугун мен жуда қаттиқ жанжаллашиб қолдим.

— Уйдагиларинг биланми? — сўради Кренли.

— Онам билан.

— Дин масаласидами?

— Ҳа, — жавоб қилди Стивен.

— Онанг неча ёшда? — бироз сукут сақлаб сўради Кренли.

— Ҳали унча қаригани йўқ, — жавоб қилди Стивен.

— Онам менинг ҳайитда чўқинишимни хоҳлайди.

— Сен-чи?

— Чўқинмайман.

— Хўш, нима учун?

— Бўйсунмайман, — жавоб қилди Стивен.

— Бу гапни олдин кимдир ҳам айтган, — деди хотиржам оҳангда Кренли.

— Нима қипти, энди мен айтаяпман, — қизишди Стивен.

— Ўзингни бос, азизим. Бунча қайнаб-тошмасанг, жин урсин, — деди Кренли Стивеннинг қўлини тирсаги билан сиқиб.

Бу гапни у асабий кулимсираб айтди ва Стивеннинг юзига самимий қараб, такрорлади:

— Ўзинг сезаяпсанми, сен жуда асабийсан?

— Тўғри, биламан, — деди Стивен ҳам кулимсираб.

Ораларига тушган совуқчилик кўтарилди ва яна улар ўзларини қадрдон дўстлардай ҳис этишди.

— Сен вино ва нон Христнинг тани ва қони эканига ишонасанми? — сўради Кренли.

— Йўқ, — деди Стивен.

— Демак, ишонмайсан?

— Ишонаман ҳам, ишонмайман ҳам.

— Ҳатто жуда кўпчилик диндор кишиларда ҳам шубҳа бўлади, бироқ улар шубҳаларини енгиллади ёки шунчаки эътибор қилмай қўйишади, — деди Кренли.

— Эҳтимол, сенинг гумонларинг жуда кучлидир?

— Мен уларни енгиллашни истамайман, — эътироз билдирди Стивен.

Кренли бир дақиқа нима дейишни билмай турди, кейин чўнтагидан қуритилган анжир олиб, оғзига солмоқчи бўлди, бироқ Стивен уни тўхтатди:

— Ҳой, тўхта, сен оғзингни тўлдириб туриб мен билан бу масалада гаплаша олмайсан. Улар кўчадаги фонус тагида тўхташганда, Кренли ёруғда анжирни кўздан кечирди, бурнининг катакларига бир-бир босиб ҳидлади-да, кичкина бўлакни тишлаб узиб олиб тупуриб ташлади ва қулочкашлаб анжирни зовурга ирғитди.

— Кет менинг қошимдан, лаънати, дўзах ўтида ён, — хитоб қилди у ўзи улоқтирган анжир ортидан.

У яна Стивеннинг қўлтиғидан олди.

— Қиёмат кунни бу сўзларни эшитишдан қўрқмайсанми? — сўради у.

— Ҳўш, эвазига менга нима лозим кўрилади? — сўради Стивен. — Деканимиз билан бирга жаннатда абадий ҳузур-ҳаловатда юришми?

— Ўзингни бос, унутма, у жаннатга тушади.

— Ҳа, албатта, — деди қизишиб Стивен, — шундай ақлли, ғайратли, босиқ, энг муҳими, зеҳни ўткир2 бўлса.

— Жуда қизиқ, — деди хотиржам оҳангда Кренли, — сен ўзинг динни инкор қиляяпсан-у, бироқ уни вужудингга бутунлай сингдириб юборгансан, бу мени ажаблантираяпти. Коллеждалигингда ишонармидинг? Гаров ўйнайман, ишонардинг.

— Ҳа, — жавоб қилди Стивен.

— Ўша пайтда бахтиёрмидинг? — юмшоқ қилиб сўради Кренли. — Ҳозиргидан кўра бахтлироқ эдинг-да, а?

— Баъзида бахтир эдим, баъзида — йўқ. Лекин ўшанда мен бошқача эдим.

— Қанақа бошқача? Нима деганинг бу.

— Айтмоқчиманки, мен у пайт бошқа одам эдим, ҳозиргидай эмасдим, қанақа бўлишим кераклигидан кўра бошқача эдим.

— Бошқача эдим, ҳозиргидай эмасдим? Қандай бўлишим кераклигидан кўра бошқача эдим? — такрорлади Кренли. — Битта савол берсам майлими? Сен онангни яхши кўрасанми?

Стивен секин бошини сермади.

— Нимани назарда тутаетганингни тушунмаяпман, — деди у хотиржам.

— Сен қачондир, кимнидир яхши кўрганмисан? — сўради Кренли.

— Аёлларни демоқчимисан?

— Мен у ҳақда гапираётганим йўқ, — совуқроқ оҳангда эътироз билдирди Кренли. — Мен сендан сўраяпман: қачондир бировга ёки бирор нарсага кўнглингда муҳаббат ҳиссини туйганмисан?

Стивен дўстининг ёнида қовоғини солиб, ерга қараб борарди.

— Мен худони севишга ҳаракат қилдим, — деди у ниҳоят юрагини очиб. — Назаримда, мен буни уйдалай олмадим. Бу жуда қийин. Мен доим бутун борлиғимни худонинг иродасига бўйсундиришга уриндим. Гоҳида бунга эришдим ҳам. Эҳтимол, мен ҳозир ҳам...

Туйқусдан Кренли унинг гапини бўлди:

— Сенинг онанг бахтли ҳаёт кечирганми?

— Қаердан билай? — деди Стивен.

— Унинг нечта боласи бор?

— Тўққизтаמיד, ўнтамиди, — жавоб қилди Стивен, — бир нечтаси ўлган.

— Отанг-чи... — Кренли чайналди, кейин бироз сукут сақлаб деди. — Мен сенинг оилавий ишларингга аралашмоқчи эмасман. Бироқ сенинг отанг, ҳарқалай, бадавлат киши эди, тўғрими? Мен сенинг болалик пайтингни назарда тутаяпман.

— Ҳа, — деди Стивен.

— У ким бўлиб ишларди? — сўради Кренли бироз сукут сақлаб.

Стивен бидирлаб отасининг ишлари-ю, кечирган кунларини санай бошлади.

— Талаба-шифокор, эшкакчи, хушовоз хонанда, ашаддий сиёсатчи, майда мулкдор, майда омонатчи, ароқхўр, ёқимтой, сергап, кимнингдир котиби, яна вино заводида кимдир, солиқ

йиғувчи, синган савдогар, энди эса ўтмишини хиргойи қилиб юрган бир дарвеш.

Кренли кулди ва Стивеннинг қўлини қаттиқроқ сиқиб, деди:

— Вино заводидида кимдир — зўр экан жин урсин!

— Хўш, яна нималарни билгинг келаяпти? — сўради Стивен.

— Ҳозир қандай, яхши яшаяпсизларми? Ҳаммаси жойидами?

— Уст-бошимдан сезилмаяптими? — қўрслик билан сўради Стивен.

— Хў-ўш, — деди Кренли хаёлчан, — сен, демак, бой-бадавлат оилада туғилгансан.

Бу гапни у овозини баландлатиб, техникага доир муҳим атамаларни айтаётгандай, дона-дона қилиб айтди ва бу билан ўзи айтган гапга ишонқирамаётганини Стивенга билдириб қўйгиси келаяптганига ишора қилди.

— Сенинг онангга, ҳарқалай, анча қийин бўлгандир? — давом этди Кренли. — Нега энди уни сен ортиқча хафагарчиликдан халос қилиб қўя қолмайсан, ҳатто агарс

— Агар мен буни истасам, — деди Стивен, — бу менга ҳеч гапмас, осон.

— Шундай қила қол-да, — деди Кренли. — Онанг айтгандай қил. Шу қийинми сенга? Агар кўнглингда ишонмасанг, ишонмай қўя қол, шунчаки расмиятчилик учун чўқинсанг бўлди, холос. Унинг кўнгли тинчийди.

Кренли тўхтади, Стивендан жавоб бўлавермагач, орадаги жимликни бузмади. Кейин, гўё хаёлида кечаётган ўйларни овоз чиқариб айтаётгандай, деди:

— Биз дунё деб атайдиган бу кир ўрада она меҳридан бошқа ҳаммаси омонат. Сени она дунёга келтиради, вужудида авайлаб кўтариб юради. Унинг кечирган азобларини биз қаердан билайлик? Бироқ у нималарни бошидан кечирмасин, кўнглидан ўтказмасин — бари ҳар ҳолда, чин бўлиши керак. Ҳақиқий бўлиши керак. Унинг чеккан уқубатлари олдида бизнинг ғояларимиз, орзуларимиз ҳеч гапмас. Ўйин! Қуруқ сафсата! Анов бақироқ эчки Темплнинг калласидаям ғоя бор. Маккеннинг миясидагيام — ғоя. Йўлда юриб бораётган ҳар қандай эшшак менда ғоя бор, деб ўйлаши мумкин.

Стивен, бу гаплар тагида нима яширинганини билишга уриниб, атай тергаб деди:

— Паскал, агар хотирам алдамаса, ўзини онасига ўптирмас экан, чунки у аёлларнинг тегинишидан қўрққан.

— Демак, Паскал — чўчқа, — деди Кренли.

— Алоизий Гонзага ҳам, чамамда, шундай қилган.

— Унда Гонзага ҳам чўчқа, — деди Кренли.

— Черков уни авлиё деб ҳисоблайди-ку, — эътироз билдирди Стивен.

— Ким кимни нима деб ҳисобласа ҳисоблайверсин, мен барига тупурдим, — қатъий ва қўпол қилиб, чўрт кесиб гапирди Кренли. — Мен уни, барибир, чўчқа деб ҳисоблайман.

Стивен, ҳар бир сўзини ўйлаб салмоқлаб деди:

— Иисус ҳам онаси ҳақида одамлар олдида алоҳида эҳтиром билан гапирмаган бироқ иезуит илоҳиётчиси, испан боёни Суарес2 уни ҳақли деб ҳисоблайди.

— Айт-чи, бирор марта сенинг каллангга, — сўради Кренли, — Иисус ўзини халойиққа аслидан бошқача қилиб кўрсатган, одамларни чалғитган, деган фикр келмаганми?

— Менимча, бошига бундай фикр келган биринчи одам, — жавоб қилди Стивен, — бу Иисуснинг ўзи.

— Йўқ, мен айтмоқчиманки, — овозини кескин баландлатиб давом этди Кренли, — қачондир сенинг каллангга у онгли риёкор ёки оддий қилиб айтганда, аблах, деган фикр келмаганми?

— Тан олиб айтаман, ҳеч қачон менинг миямга бундай фикр келгани йўқ, — жавоб қилди Стивен, — бироқ қизиқ, сен мени динга киргизишга уринмоқчи бўляпсанми ёки ўзингни йўлдан оздирмоқчимисан?

Стивен унинг юзига қараб, беписанд кулимсираётганини кўрди, юзидаги бу ифодага Кренли сирли маъно беришга уринарди.

Туйқусдан Кренли дадиллашиб, дангал сўради:

- Виждонан айт-чи, менинг гапларим сени ноқулай аҳволга солиб қўймадимми?
- Бироз, — деди Стивен.
- Хўш, нега энди? — давом этди Кренли гапининг оҳангини бузмай. — Ахир, сен ўзинг динимиз алдов эканига, Иисус худонинг ўғли эмаслигига ишонасан-ку.
- Бу гапингга мен унчалик қўшилмайман, — деди Стивен. — У, ҳарқалай, худонинг ўғли бўлса керак, Мариямни эмас.
- Шунинг учун ҳам сен чўқинишни хоҳламайсан-да, а? — сўради Кренли. — Хўш, демак, сен бунга унчалик қўшилмайсан? Бундан чиқдики, вино билан нон чиндан ҳам худо ўғлининг вужуди ва қони бўлиши мумкин, бу шунчалик удум бўлмаса керак, деб қўрқасан, шекилли?
- Ҳа, — хотиржам жавоб қилди Стивен. — Мен буни ҳис қиламан ва шунинг учун бу менга ғойибдан қўрқинчли туюлади.
- Тушунарли, — деди Кренли.
- Стивен, уни ҳайрон қолдирган оҳангда, гапида давом этди.
- Мен кўп нарсадан қўрқаман, — деди у, — итдан, отдан милтиқдан, денгиздан, момақалдироқдан, машинадан, тунги қишлоқ йўлларида.
- Бироқ, нега сен бир бурда нондан қўрқасан?
- Менинг назаримда, — деди Стивен, — мен қўрққан нарсалар барисининг ортида қўрқинчли ҳақиқат бор.
- Демак, сен, — сўради Кренли, — агар кўнглингда ишонмай туриб чўқинсанг, рим—католик черкови тангриси лаънатлаши ва ўлимга маҳкум этишидан қўрқасан, шундайми?
- Рим—католик черкови тангриси буни ҳозир ҳам қилиши мумкин, — деди Стивен. — Бироқ мен тимсолига ёлғондакам сиғинганимдан кейин вужудимда бошланадиган кимёвий жараёндан кўпроқ қўрқаман, ахир, бу тимсол ортида йигирма асрлик куч-қудрат ва ихлосу иззат-икром ётибди.
- Агар ҳаётининг хавф остида қолса, — сўради Кренли, — сен бу куфрни адо этармидинг? Дейлик, сен католик эътиқоди қувғин остига олинган даврда яшаганингда нима қилардинг?
- Мен ўтмиш учун жавоб бермоқчи эмасман, — деди Стивен. — Эҳтимол қўлимдан келмас.
- Демак, сен протестант бўлмоқчи эмассан.
- Мен эътиқодимни йўқотдим, — жавоб қилди Стивен. — Бироқ мен ўзимнинг қадримни йўқотганим йўқ. Киши бир мантиқли ва изчил маъносизликдан воз кечиб, бошқа бир мантиқсиз ва изчил бўлмаган маъносизликни қабул қилса, буни чинакам ҳурлик, деб бўладими? Улар Пембурк туманигача юриб келишди ва энди, кўчада секин-аста қадам ташлашиб, чорабоғлардаги уйларнинг у ер, бу еридан таралиб турган ёғдулар кўнгилларига хотиржамлик бағишлаётганини ҳис этишди. Бу ердаги бой-бадавлат ва сокин турмуш ҳавоси уларнинг камбағалликларини ҳам бир қадар хаёлларидан кўтаргандай бўлди. Дафна буталари ортидаги ошхона деразасида чироқ милтиллаб нур сочар, у ердан пичоқ қайраётган хизматкор аёлнинг хиргойиси эшитиларди. Аёл “О Грейди атиргуллари”ни равон куйларди.
- Кренли эшитмоқчи бўлиб тўхтади ва шундай деди:
- Мултер сантар\*20.
- Лотинча сўзларнинг майин ифодаси шом қоронғусида дилбар мусиқадай, эркалаб силаган аёлнинг мулойим қўлидай ёқиб тушарди. Уларнинг бошларидаги ола-говур ўй-хаёллар бир қадар босилди. Қоронғулик ичида маросим чоғи кўринган, аёл қиёфаси пайдо бўлди: оппоқ либосга бурканган, мўъжазгина ва ўғил боланикидай тетик жусса, белбоғининг учлари ерга осилиб турибди. Унинг болаларникидай жарангли ва мўрт овози узоқдан эшитилаётган жўр овозлар садоси ичидан зулматни ёриб чиқаётган оҳу ноладай эшитилади:
- Эт ту сум Жесу Галилаео эрас\*21.
- Юрак ҳапқиради, илк сўзида аланга олиб, сўнггисида сўниб, худди ярқираб чиққан навқирон юлдуздай янгроқ бу овозга талпинади. Хониш тинди. Улар юриб кетишди. Кренли, хониш мақомига мослаб, нақоратнинг охиригича сатрларини такрорлади:

*Мен эркамни топарман,  
Илло, бўлурман бахтли.  
Гулимни мен севарман,  
Гулимнинг аҳди қатъи.*

— Мана, ҳақиқий поезия, — деди у. — Чин муҳаббат шу.

У Стивенга кўз қирини ташлади ва ғалати кулимсиради.

— Сенинг-ча, шу поезиями? Бу сўзларда бирор-бир маъно бор деб ўйлайсанми?

— Улардан маъно топиш қийин эмас, — деди Кренли.

Унинг шапкаси қошига тушиб турарди. У шапкасини тепароққа сурди ва Стивен дарахтлар соясида унинг рангпар, нурсиз юзини, катта қора кўзларини кўрди. Ҳа, унинг юз-кўзи келишган, гавдаси ҳам қорувли, кучли. У она меҳри ҳақида гапирди. Демак, у аёлларнинг меҳрини тушунади, уларнинг кўнгли бўшлигини, ожизликларини билади.

Демак, кетиш керак! Бас, энди кетиш керак. Стивен юрагининг тубида кетишга ундаётган қандайдир даъваткор овозни ҳис этди, бу овоз унинг Кренли билан дўстлиги барҳам топганини зўр бериб уқтирарди. Ҳа, у энди кетади, энди у ҳеч ким билан кураша олмайди, пешонасида борини кўради.

— Мен кетсам керак, — деди у.

— Қаёққа? — сўради Кренли.

— Бошим оққан тарафга, — жавоб қилди Стивен.

— Шунақа де, — деди Кренли. — Ҳарқалай, бу ерда сенга қийин бўлади. Сен шунинг учун кетмоқчи бўлаяпсанми?

— Мен кетишим керак, — деди Стивен.

— Фақат ўйлаб юрмагин мени қувфинликка мажбур қилишди деб, — давом этди Кренли. — Ўзингни аллақандай шаккок ёки элдан ажралиб қолган кимса деб ўйламагин. Кўпгина диндорлар шундай деб ўйлашади. Бу сени ажаблантирса керак? Бироқ черков — бу шунчаки тошдан қурилган иморат ва ҳатто аллақандай қотиб қолган ақидаларга берилган руҳонийлар макони эмас, ахир. Бу одамлар шу билан тирик. Мен сенинг нимани истаётганингни билмаяпман. Ўша, биз бирга Харкорт-стритдаги бекатда турганимизда менга айтган гапларингними?

— Ҳа, — деди Стивен беихтиёр кулимсираб. Кренлининг айтилган гапни қаерда гапирилгани билан қўшиб эслаш одати унинг кулгисини қистади. — Ўша оқшом сен Догерти билан Селлигепдан Лерресгача қандай борса яқин бўлишини ярим соат баҳс қилдинг.

— Тўнка! — деди Кренли нафрати кўзиб. — Селлигепдан Лерресга борадиган йўлни у қаёқдан билади? У қовоқ калла-ку, нимани биларди у!

У хохолаб кулди.

— Бошқа гапларни-чи, — деди Стивен, — бошқа гапларни эслайсанми?

— Ўшанда сен айтган гапларними? — сўради Кренли. — Ҳа, эслайман. Яшашнинг ёки санъатнинг шундай бир усулини топиш керакки, унда сен ўзингни бемалол, эркин намоён этишингга имкон бўлсин.

Стивен бу гапни маъқуллагандай шапкасини кўтариброқ қўйди.

— Эркинлик! — такрорлади Кренли. — Қаёқда! Сен ҳатто жиндай куфрликка қўл уришга ҳам қўрқасан-ку. Ўғрилиқ қила оласанми?

— Йўқ, ундан кўра тиланчилик қилган яхши, — деди Стивен.

— Агар садақа беришмаса-чи, унда нима қилардинг?

— Сен менинг, — жавоб қилди Стивен, — мулк ҳуқуқи шартли, шароит тақозо этганда ўғирлик қилинса, бу жиноятга кирмайди, дейишимни хоҳлаяпсан. У ҳолда ҳамма ўғирлик қиларди.

Шунинг учун мен бундай фикрни айтишдан тийиламан. Яхшиси, сен иезуит илоҳиётшуноси Хуан Мария де Телведга мурожаат қил, у сенга қандай шароитда қиролни ўлдириш гуноҳ



саналмаслигини ва буни қай тарзда — таомига заҳар солибми ёки кийим-бошини ё бўлмаса эгарини оғуга булабми — амалга оширганинг маъқуллигини тушунтиради. Мендан эса: сен ўзингни тунашга рухсат берармидинг, деб сўраганинг маъқул. Ўғриларни мен шаппа ушлаб, адолат посбонининг қўлига топширмасмидим?

— Хўш, буни сен қандай қилардинг?

— Менимча, — деди Стивен, — бу ҳарқалай, мен учун бор-йўғимни ўғирлаб кетгандан кўра оғирроқ мусибат бўларди.

— Тушунаман, — деди Кренли.

У чўнтагидан гугурт чўпини олиб, тишларини ковлай бошлади. Кейин томдан тараша тушгандай қўққисдан сўради:

— Айт-чи, сен, масалан, қиз болани ифбатидан маҳрум қила олармидинг?

— Кечирасан-у, — деди хушмуомалалик билан Стивен, — буни, ахир, кўпчилик йигитлар орзу қилса керак?

— Сен-чи, сен бунга қандай қарайсан? — сўради Кренли.

Унинг охирги, худди куюндининг ҳидидай аччиқ тагдор гапи Стивеннинг хаёлини алғов-далғов қилди, кўнглига оғир ботди.

— Менга қара, Кренли, — деди у. — Сен мендан нима қилишни хоҳлашимни ва нима қилишни хоҳламаслигимни сўраяпсан. Мен сенга нима қилишимни ва нима қилмаслигимни айтиб қўяй. Мен энди ўзим ишонмайдиган нарсага сиғинмайман, ҳатто агар бу менинг оилам, ватаним ёки черков бўлса ҳам. Бироқ мен ўзимни ҳаётнинг ёки санъатнинг бирор бир шаклида қўлимдан келгунча тўла-тўқис, эркин намоён этишга ҳаракат қиламан, бу йўлда ўзим учун маъқул келган қурол — сукут сақлаш, дарбадарлик ва зийраклик билан ҳимояланаман.

Кренли Стивеннинг қўлидан тутди ва уни Лисон-парк тарафга бошлади. У айёрона кулиб, Стивеннинг қўлини кўкрагига дўстларча босиб, гўё меҳрибонлик кўрсатмоқчи бўлди.

— Зийраклик билан?! — деди у. — Сен-а? Бечора шоир!

— Сен мени шунга, — деди Стивен унинг сохта меҳрибонлигидан ҳаяжонланиб, — худди бошқа кўп нарсаларга иқрор бўлганимдай тан олишга мажбур қилдинг.

— Ҳа шундай, бўтам — деди Кренли ҳазилини давом эттириб.

— Сен мени нималардан кўрқишимни тан олишга мажбур қилдинг. Бироқ мен сенга нималардан кўрқмаслигимни ҳам айтиб қўйишим мумкин. Мен ёлғиз қолишдан ёки бошқа бирор кимсани деб ҳайдалишдан кўрқмайман, тақдиримга боғланган нарсаларни тарк этишдан кўрқмайман. Мен яна хато қилишдан, катта гуноҳга, бир умрга етгули, ҳатто гуноҳи азимга йўл қўйишдан ҳам кўрқмайман.

Кренли қадамни секинлатди ва энди жиддийлашиб деди:

— Ёлғиз, бир ўзинг. Сен бундан кўрқмайсанми? Бу гапнинг маъносига тушунасанми ўзи?

Бошқалардан бир четда қолиш ҳам гапми, ҳатто дўстинг ҳам бўлмаса.

— Мен бунга ҳам тайёрман, — деди Стивен.

— Ҳеч кимсиз, ҳатто энг олийжаноб, содиқ дўстдан ҳам муҳимроқ инсондан ажралиб, а?

Бу сўзлари Кренлининг ўзига таъср қилиб кетди. У ўзини назарда тутиб гапирдимикан, ўзининг кимлигини ёки ким бўлишини хоҳлаганини назарда тутдимикан? Стивен бир неча лаҳза унинг қайғули юзига жим қараб турди. У доим кўрқиб эслайдиган ўзининг ёлғизлиги ҳақида гапирди.

— Ким ҳақида гапиряпсан, — сўради ниҳоят Стивен.

Кренли жавоб қилмади.

\* \* \*

20 март. Кренли билан менинг исёним ҳақида узундан-узоқ гаплашилди.

У бир нималарни жиддий уқтиришга уринди. Мен ўзимни эшитаётганга солдим, ҳурматини ўрнига қўяётгандай кўрсатдим ўзимни. У онасини яхши кўришини гапиравериб жонимга тегди.

Онасини менинг кўз олдимда гавдалантиришга ҳаракат қилди, бироқ мен тасаввур қилолмадим. Бир сафар ўзи туғилганда отаси олтмиш бир ёшда бўлгани бехос оғзидан чиқиб кетган. Буни тасаввур қилиш мумкин. Келбати келишган фермер. Эгнида кенг-мўл костюм. Мошгуруч соқоли кузалмаган. Афтидан този қувиб ов қилади. Аерресдаги ҳазрат Дваерга черков бадалини бинойидай тўлаб туради, бироқ жуда қўли очик деб бўлмайди. Кечқурунлари қизлар билан валақлашиб ўтиришдан зерикмайди. Онаси-чи? Жуда ёшмикан ёки мункиллаб қолганми? Ёш эмасдир-ов, унда Кренли бошқача гапирган бўларди. Демак, қари. Эҳтимол, қаровсиздир. Юрагидаги алам шундан: Кренли — қуриб-чириётган дарахт меваси.

21 март, эраталаб. Бу ҳақда кеча оқшом тўшақда ётиб ўйладим, бироқ ҳозир ҳеч нарса ёқмаяпти, қўлим бормаяпти, шунинг учун ёзмадим. Ҳа, озод қушдайман. Қуриб-чириётган дарахтлар — бу Елизавета ва Захария. Демак, у — Мубашшир. Дудланган тўш ва қуритилган анжир билан озиқланиши бежиз эмас. Тушунгин-да: емиши чигирткаю ёввойи асал. Яна — қачон у ҳақда ўйласам, мудом бешафқат чопилган бош ёки кулранг парда орасидан мўралаган жонсиз ниқоб, ё бўлмаса боқий Халоскор кўз олдимга келади. Бош олиш — бу уларда шундай аталади. Лотин дарвозасида Иоанн кўрсатган мўъжизани тушунолмайман. Мен ўзи нимани кўраяпман? Қулфни бузишга зўр бераётган бошсиз Мубашширни.

21 март, оқшом. Озодман. Рухим энгил, ўй-хаёлим эркин. Қўй, майли, ўлик жонлар ўзларининг мурдаларини дафн этаверсин. Ҳа. Майли, тирик мурдалар ўлик жонлари билан қовушаверсин.

22 март. Линч билан бирга касалхонанинг касал боқувчи семиз аёли ортидан судралиб юрдим. Линчнинг ўйлаб топгани. Икки озгин оч този бузоқ кетидан тушган.

23 март. Уни ўша оқшомдан бери учратганим йўқ. Тоби йўқмикан? Камин олдида ўтиргандир-да онасининг шол рўмолига бурканиб. Бироқ парво қилмайди. Овқатингни еб олгин!

24 март. Онам билан тортишишдан бошланди. Мавзу — Биби Марям. Ёшим ва жинсимга кўра ноқулай ҳолатда эдим. Баҳона топиб, вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлиб, Исонинг отаси билан ва Марямнинг ўғли билан муносабатларини мисол қилиб келтирдим. Онамга дин — туғруқхона эмас, дедим. Онам кўнгилчан. Сенинг хаёлинг бузуқ, деб айтди, мен кўп китоб ўқирканман. Нотўғри. Кам ўқийман, кам тушунаман. Кейин у, ҳали сен динга қайтасан, деди, ҳозир ақлим унча тиниқлашмаган экан. Буни қандай тушунса бўлади: бу — черковни гуноҳнинг қора тўйнуғидан тарк этиш ва унга овоз чиқариб қилинадиган тавба-тазарру эшигидан қайтиб киришми? Тавба қилолмайман. Унга худди шундай деб айтдим. Олти пенс бериб туринг, дедим. Уч пенс берди.

Кейин университетга бордим. Думалоқбош Гетстс билан иккинчи бор тўқнашдим, унинг кўзлари тулкиникидай. Бу сафар Бруно баҳона бўлди. Гапини италянча бошлаб, бузилган инглизчада якунлади. Бруно ғирт шаккоқ бўлган, деди у. Мен эса уни оловда ғиртлар ёқишган, дедим. У ҳеч бир гинасиз менинг гапимга қўшилди. Кейин у рисоотто аииа баргамасса деб номланадиган италян миллий таомининг ретсептини берди. У “о”ни юмшатиб айтганда қалин, гўштдор лабларини чўччайтиради. Товушни муччилаётгандай туюлади. Эҳтимол, муччилар? Унинг тавба қилишга қурби етрамикан? Ҳа, бўлмаса-чи, иккита қув кўзидан бир-бир томчидан икки томчи обидийдасини оқизади.

Стивенс-Грин-паркни, менинг паркимни оралаб ўтаётиб эсладим: ахир, ўша оқшом Кренли бизнинг динимиз деб атаган динни менинг эмас, Гетстсининг ватандошлари ўйлаб топишган. Тўқсон еттинчи полкнинг аскарлари — тўртовлон хоч тагида ўтиришибди ва қуръа ташлашиб, хочга чормих қилинганнинг кийимини бўлашиб олишаётир.

Кутубхонага бордим, учта журнални ўқимоқчи бўлдим. Фойдаси йўқ. У ҳалиям қорасини кўрсатгани йўқ. Мени бу қизиқтирадими? Нимаси қизиқтиради? Энди уни ҳеч қачон кўрмаслигимми? Блейк ёзган:

Қўрқаман, чунки Уилям Бонд қазо қилди,  
Чунки у узоқ ва оғир ётди.  
Афсус, бечора Уилям!

Қандайдир сабаб билан Ротондга борган эдим. Томошанинг охирида киборларнинг қиёфаларини кўрсатишди.

Уларнинг орасида яқингинада қазо қилган Уилям Юарт Гладстон ҳам бор. Оркестр “О, Вилли, қанийди орамизда бўлсанг!”ни ижро этди.

Чиндан ҳам гумроҳлар миллати!

25 март, эрталаб. Туни билан алақ-чалақ тушлар кўрдим. Қанийди, бир силкиниб баридан халос бўлсанг.

Узун айлана даҳлиз. Ердан осмонга устундай буралиб қоп-қора буғ кўтарилади. Аллақандай афсонавий қиролларнинг сон-саноксиз ҳайкаллари. Уларнинг ҳорғин қўллари тиззаларида, кўзларини ёш қоплаган, чунки уларнинг кўз ўнгида бандаларнинг гуноҳлари қоп-қора буғ бўлиб ўрлаб турибди.

Яна ғордан ғалати жондор чиқиб келади. Жуссалари одамларникидан кичикроқ. Гўё улар бир-бирига қўшилгандай. Уларнинг қоронғида нурланиб кўринган юзларида тарам-тарам қора чизиқ. Улар менга тикилиб қарайди, кўзларида эса савол аломати. Миқ этмайди.

30 март. Бугун кечқурун кутубхона эшиги олдида Кренли Диксон билан унинг акасига топишмоқ айтди. Она боласини Нил дарёсига тушириб юборди. Ҳали ҳам она меҳри билан банд. Гўдакни тимсоҳ тутиб олди. Она тимсоҳдан боласини қайтариб беришни сўраяпти.

Тимсоҳ рози: майли, фақат битта шарт бор, айт-чи, болани мен нима қилмоқчиман — уни ямлаб ютаманми, ямламай, дейди тимсоҳ.

Бундай фикрлаш тарзи, ҳақиқатдан ҳам, фақат сизнинг чиркин муҳитда, сизнинг қуёшингиз остида пайдо бўлиши мумкин, деган бўларди Лепид.

Меники-чи? Меникининг нимаси афзал? Нилга ташла уни, дарёга чўктир!

1 апрел. Охирги гап ёқмаяпти.

2 апрел. Уни кўрдим, Жонстон кафесида Муни ва Ўбраен билан пирожний еб, чой ичаётганди. Тўғри, ўтиб бораётганимизда биринчи бўлиб Линч тулки уни кўриб қолди. Линч менга: унинг акаси Кренлини уйларига таклиф қилди, деб айтди. У ўзи билан бирга тимсоҳини ҳам олишни унутмадимикан? Демак, энди у олам чироғи бўлдими? Уни мен кашф этгандим-ку. Ишонтириб айтаман, мен! Юрарди уиклоулик шўртумшуқлар ичида биқиниб.

3 апрел. Финлейтер черкови қаршисидаги тамаки дўконида Дейвинни учратдим. У қора свитерда, қўлида чавгон. Мендан чиндан ҳам жўнаб кетаяпсанми, нега, деб сўради. Мен унга Тарага бориладиган қисқа йўл — виа Холихед, дедим. Шу пайт отам келиб қолди. Уларни таништирдим. Отам ҳурматимизни қилди. Дейвинга тамадди қилиб олишни таклиф этди.

Дейвин боролмади — намоийшга шошаётган эди. Биз узоқлашгач, отам бу боланинг чеҳраси очик экан, деди. Мендан нега эшкакчилар клубига ёзилмадинг, деб сўради. Ўйлаб кўришга ваъда бердим. Кейин у менга бир пайтлар Пеннифезерни қандай хафа қилганини гапириб берди. Менинг юрист бўлишимни хоҳлайди. Бу сенинг бурчинг, дейди. Яна Нил ботқоғи, тимсоҳлари билан.

5 апрел. Авжи баҳор. Паға-паға булутлар сузади. О, ҳаёт! Қорамтир лойқа сув мавж уриб оқади, тепадан олма дарахтлари нозик барглари тўкиб туради. Барглари орасидан қизларнинг кўзлари интизор боқади. Қизлар — одобли ва шўх. Бари оқсариқ ёки малласоч. Қорасочлиси керакмас. Оқсариқ сочли қизларнинг юзлари нақшолмадай. Бир сакраб тутсанг!

6 апрел. У ўзининг ўтмишини эслайди, албатта. Ҳамма аёллар эслайди, дейди Линч. Демак, у ҳам ўзининг ва ҳам менинг болалигимни эслайди, агар мен қачондир бола бўлган бўлсам. Ўтмишни бугун ўз комига тортади, бугун эса фақат келажакни пайдо қилиш илинжида яшайди. Агар Линчнинг гапи тўғри бўлса, аёлнинг ҳайкали доимо эгнида кийими билан ясалган бўлиши ва аёл бир қўл билан кетини уялинқираб бекитиб туриши керак.

6 апрел, шом. Майкл Робартес бой берилган гўзалликни хотирлаётир, қўллари билан уни қучган чоғда, аллақачон бу дунёдан ғойиб бўлган гўзални бағрига босаётгандай туюлади. Бошқача бўлиши керак. Мутлақо бошқача. Мен ҳали дунёга келмаган гўзалликни бағримга

босишни иштайман.

10 апрел. Карахт, қоп-қоронғи тун зулмати остида, шаҳар сукунатига қойим, кўрган тушларини унутмоқ илинжида уйқуни тарк этган, худди ҳорғин ошиқдай, силаб-сийпашларига, елаётган от туёқларининг дупурига бепарво. Энди, ҳарқалай унча кархтмас. Мана энди кўприкка яқин қолди: бир нафас — сукунатни тилиб, алам билан, қоронғу деразаларни ёнлаб, камон ўқидай учиб ўтади. Энди улар бир ёқларда, узоқларда; тим қоронғуликда, олмосдай ярақлаган туёқлар мудроқ уйқудаги далалар узра физиллаб учади — қаёққа? — кимга пешвоз? — қандай хушхабар билан?

11 апрел. Кеча оқшом ёзганларимни ўқиб чиқдим. Аллақандай мавҳум изтироблар ҳақидаги мавҳум сўзлар. Бу унга ёқиши мумкинмиди? Ёқарди, менимча. У ҳолда, демак, менга ҳам ёқиши керак.

13 апрел. Бу "сузгич" узоқ вақт хаёлимни тарк этмади. Луғатга қарадим. Топдим. Бинойидай қадимги сўз. Жин урсин деканни воронкаси билан қўшиб! Нега у бу ерда пайдо бўлди — бизни ўзининг тилига ўргатиш учунми ёки биздан ўрганиш учунми? Нима бўлгандаям, барибир, даф бўлсин!

14 апрел. Жон Алфонс Малреннен ҳозиргина Ирландиянинг ғарбидан қайтиб келди. Европа ва Осиёда чиқадиган газеталар бу хабарни кўчириб босишларини илтимос қиламан. Айтишича, у тоғдаги кулда қари чолни учратган. Чолнинг кўзлари бақрайган, оғзида калта трубка. Чол ирландча гапиради. Малреннен ҳам ирландча гапиради. Кейин чол билан Малреннен инглизча гаплашишади. Малреннен унга олам ҳақида, юлдузлар ҳақида сўзлайди. Чол ўтирган кўйи, тамакини буруқситиб, тупуриниб эштади. Кейин шундай дейди:

— Ҳа-я, тўғри, дунёнинг нарёғида ажойиб махлуқлар яшайди-да.

Мен ундан қўрқаман. Унинг бақрайган қизил кўзларидан қўрқаман. Тонггача у билан олишиш менинг чекимга тушган, ҳали ё менинг ёки унинг ажали етмагунча, унинг сертомир йўфон бўйинини бўғиб, ҳали... Нима ҳали? Ҳали у менга ён бермагунчами? Йўқ, мен унга ёмонликни соғинмайман.

15 апрел. Бугун у билан Графтен-стритда юзма-юз учрашдим. Бизни оломон бир-биримизга дуч келтирди. Иккаламиз ҳам тўхтадик. У мендан нега кўринмайсан, деб сўради. Мен ҳақимда ҳар хил бўлмағур гапларни эшитганини айтди. Бу гаплар, чамамда, атай вақтни чўзиш учун айтилди. Шеърлар ёзиб турибсанми, деб сўради. Ким ҳақида? — сўрадим мен. Шунда у баттар ажабланди, унга ачиниб кетдим ва ўзимни аблаҳдай ҳис этдим. Дарҳол гапни ўша Данте Алгери кашф этган, муаллифлик ҳуқуқини расмийлаштириб олган қаҳрамонлик оҳангидаги кўтаринки мавзуга бурдим: ўзим ҳақимда, режаларим тўғрисида ҳовлиқиб гапира кетдим. Бахтга қарши, гап орасида беихтиёр исёнкор майлларим ҳам ошкор бўлди. Афтидан, мен бир қоп ёнғоққа ўхшаб шалдирадим. Одамлар бизга қарай бошлашди. Шу пайт у қўлимни сиқди ва кетаётиб, айтган гапларим, албатта, амалга ошишига умид билдирди.

Ёқимли-да, тўғримасми?

Ҳа, бугун уни учратиб кайфим чоғ бўлди. Жудаям хурсанд бўлдими ё унчаликмасми? Билмадим. У билан учрашиб руҳим кўтарилади, бу мен учун аллақандай бошқача, янги бир туйғу. Демак, нимаики ўйлаган бўлсам, ўйлаётган бўлсам, нимаики ҳис этган, ҳис этаётган бўлсам, хуллас, бугунги учрашувда бўлган ҳамма нарса туб моҳияти билан... Қўйсанг-чи, оғайни, йиғиштир! Кечаси ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла.

16 апрел. Йўл тадорикин кўр! Сафарга отлан!

Қўллар ва овозлар чорлаётир: ой ёруғида қотган йўлларнинг оқ қўллари ва кемаларнинг узун қора қўллари, уларнинг узоқ-узоқлардаги мамлакатларга элтишни ваъда қилиб чорлашларидан юрак ҳапқиради. Гўё улар имлаб чорлаётгандай, биз бирга бўлайлик — ёнимизга кел, бизга қўшил, деб айтаётгандай. Овозлар эса бунга жўр бўлиб: сен биздансан, биродаримизсан, демоқда гўё. Осмон бу жўр овозларга тўла, улар мени — сафарга шай, ўзининг навқирон, ёш қанотларини дадил қоқиб учишга тайёр биродарини чорламоқда.

26 апрел. Онам менинг эскифурушдан сотиб олган янги нарсаларимни жойлаётир. Шояд, туғилган уйингдан узоқда дўст ким, душман кимлигини билсанг, инсофга келсанг, дейди онам. Илло! Шундай бўлади, албатта. Шон-шарафлар бўлсин сенга, ҳаёт! Мен сафарга отланаётирман, ижод ҳақиқатини қайта-қайта англаб етмоқ ва қалбимнинг қўри билан халқимнинг тенгсиз, бетакрор ақлу иродасини намоён этмоққа жазм этиб йўлга чиқаётирман.

27 апрел. Раҳнамойим, эй азиз устоз минбаъд менга тоғдай таянч бўл, азалу абад ўзинг қўллагайсан.

**Дублин, 1904.**  
**Триест, 1914.**

- \*1 Фил суяги (инглиз, франтсуз, италян ва лотин тилларида).
- \*2 Ҳиндистон фил суяги етиштириб беради (лотинча).
- \*3 “Нотиқнинг нутқи ихчам, қўшиқчининг ашуласи ранг-баранг” (лотинча). Лотин грамматикасининг ва шу қўлланмадан жой олган лотин шеър тузилиши қоидасининг муаллифи Мануел Алваришнинг (1526—1583) китобидан.
- \*4 Ана шундай фалокатлар (лотинча).
- \*5 Риёзат чекиб зафар қозонмоқ (лотинча).
- \*7 Қўл қўйдингми? (лотинча).
- \*8 Нима? (лотинча).
- \*9 Умумжаҳон тинчлиги учун (лотинча).
- \*10 Назаримда, сиз ўтакетган ёлғончисиз, авзойингиздан кўриниб турибди — кайфиятингиз жуда расво.
- \*11 Кимнинг кайфияти ёмон — менингми ёки сизнингми (лотинча).
- \*12 Урушдан боши чиқмайдиган дунёга тинчлик (лотинча).
- \*13 Келинглари, копток ўйнаймиз (лотинча).
- \*14 Панге, лингуа, глориоси Сорпорис мйстериум... — Шарафла менинг тилим, шарафли вужудим асрорини... (лотинча).
- \*15 Вехилла Регис проденут — У шоҳона туғни кўтарар(лотинча). Венантсий Фортунат (530—603) — илк ўрта аср шоири, умри охирида Пуфтеда епископ бўлган.
- \*16 *Довуднинг башоратлари амалга ошди,*  
*Халқларга тантанали эълон қилинган*  
*Тангри дарахтда туриб бизни бошқаради деган*  
*Ҳаққоний муножотларда* (лотинча).
- \*17 Менингча, Ливерпулдаги камбағаллар жудаям қашшоқ яшашади (лотинча).
- \*18 Мўътабар қадимги сулола (лотинча). Солномачи инглиз Фиттс-Стивенлар сулоласини шундай атайди. Бу сулоланинг Стивен Дедалус оиласига ҳеч бир алоқаси йўқ, боз устига, ўша сулола Ирландиянинг босиб олинишида каттагина хизмат кўрсатган. Бу ўринда Темпл Стивеннинг инглиз маданиятига қизиқиши ва унинг ирланд миллий ҳаракатига қўшилишни хоҳламаётганига киноя қилаётир.
- \*19 Вақтидан олдин, ҳовлиқиб (лотинча).
- \*20 Аёл куйлаяпти (лотинча).
- \*21 Сен-да галилеялик Иисус билан бирга эдинг (лотинча). Инжилдан.